

КРИМИНАЛИСТИКА

II

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

КРИМИНАЛИСТИКА

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
юридик фанлари доктори, профессор
Ф.А.Абдумажидовнинг умумий
тахрири остида*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ҚАРОРИ
БИЛАН ҲУҚУҚШУНОСЛИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ДАРСЛИК СИФАТИДА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН.**

II – жилд

«Адолат»

ТОШКЕНТ-2003

К 81

Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Муаллифлар:
Ғ.Абдумажидов ва бошқалар. – Т.: „Адолат“, 2003 – 266 б

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик
фанлари доктори, профессор **Ғ.А.Абдумажидов**

МУАЛЛИФЛАР:

Абдумажидов Ғ.А. - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор – 23, 24, 27-29 ва 34-41
боблар;

Алимова Р.А. юридик фанлари номзоди, доцент - 25 боб;

Арипов Т.Э. – юридик фанлари номзоди, доцент – 24, 30, 35-39
боблар.

Норбоев А.Н юридик фанлари номзоди, доцент – 26, 28, 29, 31 ва
32 боблар;

Очилов Т.Р. юридик фанлари номзоди – 33 боб.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Шарафутдинов А.О – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош
бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Никишин Г.Ф. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт
криминалистика бўлими бошлиғи

Ҳақбердиева Р.Т. - Ўзбекистон Миллий университети юридик
факультети “Жиноят процесси ва криминалистика” кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент



1203120000 - 015

К----- - 2003

(04) - 2003

© Тошкент Давлат юридик институти, 2003

© «Адолат» нашриёти, 2003

IV бўлим. АЙРИМ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ

23-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ КРИМИНАЛИСТИК УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. *Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиёти тушунчаси*

Жиноятларни тергов қилиш услубиёти криминалистика фанининг яқунловчи бўлими ҳисобланади. У қонунийлик талабларига мувофиқ ҳолда, тергов ва суриштирувни самарали ўтказиш бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида жиноятларни очиш, тергов қилиш ҳамда уларнинг олдини олишни ташкил қилиш ва амалга ошириш қонуниятларини ўрганади. Бу қонуниятлар жиноят аломатлари бўлган ҳодисалар ҳақидаги дастлабки ахборотни текшириб, жиноятларни тергов қилиш чоғида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлайди. Шунингдек, жиноят ишларининг ҳар хил турлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тергов ҳаракатларини ва жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиш, жиноятларни тергов қилиш учун қўлланиладиган тергов ҳаракатларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш ва шу кабиларнинг энг муҳим хусусиятларини ҳам акс эттиради. Уларни билишга жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш билан боғлиқ объектларни криминалистик нуқтаи назаридан ўрганиш, тергов фаолиятининг асосий ривожланиш йўналишларини умумлаштириш ва аниқлаш, шунингдек тергов ва суриштирувни ташкил этиш ҳамда уларни ўтказишдаги типик алоқалар ва ўзаро боғлиқликнинг барқарор жиҳатларини текшириш ҳамда аниқлаш йўли билан эришилади.

Криминалистик услубиётни ўрганадиган қонуниятлар ўз хусусиятига кўра икки қисмдан: умумий қоидалар ва жиноятларни тергов қилишнинг хусусий (турга оид) услубиётлар тизимидан иборат.

Умумий қоидалар криминалистик услубиётнинг назарий асослари бўлиб, у криминалистиканинг мазкур қисмининг мавзуи (предмети)ни, илмий билимларнинг бошқа соҳалари билан алоқаларини, хусусий криминалистик услубиётларни тузиш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга оид энг муҳим масалаларни ҳамда жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этишни ўз ичига

олади. Пировард натижада самарали хусусий криминалистик услубиётларнинг яратилиши ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятли қўлланилиши ана шу масалаларнинг қанчалик пухта ишлаб чиқилганлигига боғлиқ бўлади.

Хусусий услубиётлар - криминалистика фанининг пировард «маҳсулоти» бўлиб, амалий хусусиятга эга бўлган ҳамда терговчилар ва суриштирувчиларга жиноятларнинг ҳар хил турларини очиш, тергов қилиш ва бартараф этишда уларнинг ишларини мақбуллаштириш учун мўлжалланган назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар мажмуидан иборатдир. Криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларидан фарқли ўлароқ хусусий услубиётлар - бу жиноятларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва жиноятчиликни бартараф этишни ташкил қилиш бўйича услубий тоифалаштирилган тизимдир.

Криминалистик услубий тавсиялар - жиноятларнинг муайян турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий ишлаб чиқилган ва амалда текширилган маслаҳатлар (таклифлар)дир. Ҳар бир хусусий услубиёт амалда турли шароитларда ишлаш учун ўзаро бир-бирига боғлиқ маслаҳатлар тизимини (мажмуини) ҳосил қилувчи бир неча тавсияни ўз ичига олади.

Тергов қилиш услубиёти - жиноят ишини юритишга доир қонун талабларидан, вужудга келган тергов вазияти хусусиятларидан, жиноятларнинг мазкур турини очиш ва тергов қилиш назарияси ва амалиётига доир билимлардан келиб чиқиб терговчи танлаган ҳақиқатни аниқлаш усулидир.

Шу тариқа, сиртдан ўхшаш бўлган «криминалистик услубиёт», «хусусий криминалистик услубиёт», «криминалистик услубий тавсия» ва «тергов қилиш услубиёти» атамалари ўз мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, биринчи ҳолда криминалистика фанининг мустақил яқунловчи қисмини, иккинчисида - муайян турдаги жиноятни очиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар тизимини (мажмуини), учинчисида - тегишли жиноят ишлари бўйича ишлаш учун алоҳида илмий асосланган ва амалда текширилган маслаҳатни (таклифни), тўртинчи ҳолатда эса - жиноятни тергов қилишнинг терговчи томонидан танланган усулини англаш мумкин.

Тарихий нуқтаи назардан криминалистик услубиёт тизимидаги асосий элементларнинг шаклланиш жараёни бир текис кечмаган. Дастлаб криминалистик услубиётдаги умумий қоидаларнинг ишлаб чиқилганлик даражаси жиноятларнинг

айрим турларини тергов қилиш услубиётлари ривожланишидан жуда орқада қолган. Хусусий услубиётларни тайёрлаш чоғида пайдо бўлган кўпгина масалалар узоқ вақт мобайнида илмий асосига эга бўлмай, муаллифлар томонидан турлича ҳал қилинган, аммо ягона назарияни ташкил этмаган. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги криминалистикага оид асарларда жиноятларни тергов қилиш услубиётига бағишланган назарий бўлимларнинг мавжуд эмаслиги буни яққол тасдиқлайди.

Криминалистик услубиёт икки ҳадли тизимнинг дастлабки илмий асосчиларидан бири И.Н.Якимов томонидан берилган ҳамда мамлакатимиз ва чет эл криминалистрларининг асарларида ривожлантирилган. Уларнинг ишларида криминалистика фани мазкур бўлимнинг кўпгина муаммолари, шу жумладан криминалистик услубиётнинг тизими тўғрисидаги масала ҳал этилган.

Услубиётнинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдириб, ҳар хил турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этишга доир мустақил илмий қоидаларнинг яхлит ва бўлинмас мажмуини ҳосил қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, криминалистик услубиётдан ташқари илмий билимларнинг ҳеч бир соҳаси бу масалаларни тадқиқ этиш билан шугулланмайди ва турли тоифадаги жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговни самарали ўтказиш учун амалиётга бундай назарий жиҳатдан асосланган тавсияларни бермайди. Шу билан бирга, криминалистик услубиётнинг мустақиллиги нисбий хусусиятга эга. Негаки у криминалистиканинг бошқа қисмлари билан узвий боғланган. Бу эса унинг фақат бир бўлими ҳисобланади ва шундай бўлиб қолмоқда. Услубиётнинг мустақиллиги криминалистиканинг предмети ва бутун тизими доираси билан чекланган.

Фанда мазкур тармоқнинг пайдо бўлиши жиноятларни тергов қилишнинг ташкил этилишини фақат назарий тадқиқ этиш йўли билангина эришилиши мумкин бўлган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлари мавжудлигини акс эттиради. Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган янги илмий йўналишни юзага келишининг объектив шарт-шароити айнан ана шундан иборатдир. Криминалистик услубиётда ижтимоий муҳим вазифаларнинг мавжуд бўлиши, унинг ривожланишидаги кейинги даврларидан то ҳозирги пайтга қадар сақланиб қолди. Инсон ижодий фаолиятининг мақсадларини ҳам атроф-муҳитдаги объектив ҳодисалар келтириб чиқаради. Шунга кўра жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб боришга кўмаклашиш ҳамда муайян жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашда суриштирув, тергов органларига ва судга ёрдам

кўрсатиш криминалистик услубиёт умумий мақсадлари ҳисобланади. Ана шу мақсадларга эришиш учун криминалистик услубиёт жинойтларнинг ҳар хил турларини тергов йўли билан очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишдаги илғор тажрибани ўрганади ва умумийлаштиради; жинойтларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий асосланган услубий тавсияларни ишлаб чиқади.

Қонун, жинойтчиликка қарши кураш амалиёти ва турли фан ютуқлари криминалистик услубиётнинг манбалари ҳисобланади. Уларнинг қоидалари криминалистикадаги мазкур бўлимнинг ривожланишига асос бўлган ва унинг ҳозирги тараққиётини таъмин этмоқда.

Жинойт ва жинойт-процессуал ҳуқуқ нормалари услубиётнинг биринчи манбаидир. Улар жинойт - судлов ишларини юриштишнинг умумий шарт-шароитларини белгилайди ва шу сабабли криминалистик услубиётнинг ҳамда ҳар бир хусусий криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир вақтда криминалистик услубий тавсиялар қонунга асосланиб ва амалдаги ҳуқуқий нормаларга зид ёки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир маслаҳат ва йўл-йўриқларни истисно этган ҳолда, жинойт ва жинойт-процессуал нормаларини шарҳлаш билан чегараланмай, жинойтларнинг хилма-хил турларини очиш, тергов қилиш ва олдини олишнинг мақбул тартибини белгилайди.

Жинойтларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти криминалистик услубиётнинг иккинчи муҳим манбаи ҳисобланади. Амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш жинойтларнинг айрим турларини тергов қилиш бўйича самарали тавсияларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда, амалиёт криминалистик услубиёт назариясининг тўғрилигини белгиловчи мезон ҳамдир. Шахснинг жинойтни содир этишдаги айбдорлиги фақат суд томонидан эътироф этилиши сабабли, судларнинг ҳукмларида амалда мазкур жинойтни тергов қилишнинг тўғрилиги, яъни криминалистик услубий тавсияларни қўлланишнинг асослилигини белгилайди.

Ниҳоят, илмий билимлар, аввало, криминалистиканинг барча бўлимларининг ҳамда жинойтчиликка қарши кураш муаммоларининг, хусусан жинойтларни тергов қилишни ўз нуқтаи назаридан тадқиқ этувчи бошқа фанларнинг қонун-қоидалари криминалистик услубиётнинг учинчи манбаи бўлиб хизмат қилади. Криминалистик услубиётнинг криминалистик умумий назария, техника ва тактика билан алоқалари анча мураккаб. Бир томондан,

криминалистик услубиётда криминалистика фанининг якунловчи бўлими сифатида унинг бошқа бўлимларининг хулосалари ва қоидаларидан кенг фойдаланилади, иккинчи томондан, криминалистик услубиёт криминалистиканинг умумий назарияси, техникаси ва тактикаси ривожланишига фаол таъсир кўрсатади. Тутган ўрни ва ҳал этадиган вазифаларининг ўзига хослигига кўра криминалистик услубиёт криминалистиканинг бошқа бўлимларига доимо таянади ҳамда ишлаб чиқиляётган назариялар ва тавсияларнинг пировард «олувчиси» вазифасини бажарган ҳолда уларнинг илмий ишланмаларини қўллайди. Криминалистиканинг олдинги бўлимларига оид қоидалар ва хулосалари криминалистик услубиётдаги назарияларни умумийлик асосида жамлаш, яъни уларни оддий жамлаш йўли билан эмас, балки диалектик мушоҳада қилиш ҳамда ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилишни самарали ташкил этиш учун тегишли хулосалар ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилади.

Илм фанларнинг бир-бирига яқин, ўзаро боғлиқ тармоқлари орасида жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, бошқарув, психология, мантиқ фанлари ва бир қатор махсус фанлар криминалистик услубиётнинг манбалари сифатида катта аҳамиятга эга. Ана шу фанларнинг бир қанча қоидалари криминалистиканинг мазкур бўлимидаги назарий асосларни ривожлантириш ва жиноятларнинг айрим турларини тергов қилишнинг самарали услубиётларини ишлаб чиқиш учун унумли қўлланилади.

2-§. Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий криминалистик услубиётларини тузиш ва таснифлаш тамойиллари

Тергов амалиётида ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишни ташкил этиш ҳамда амалда бажариш самарадорлигини оширадиган анча такомиллашган хусусий криминалистик услубиётларни жорий этиш жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Терговчиларнинг ишни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсияларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, жиноятларни тергов қилишнинг шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил хусусий услубиётлари вужудга келмоқда.

Янги хусусий криминалистик услубиётларни ишлаб чиқиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади.

Хусусий криминалистик услубиётларнинг назарий

жихатдан асосланганлиги. Криминалистик услубий тавсиялар тизими илмий иш маҳсулидир ва шу туфайли ҳаминча назарий жихатдан муайян даражада асосланган бўлади. Бироқ хусусий услубиётлар жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти шундай назарий асосланганлик даражасига эга бўлишни талаб қиладики, токи уларнинг тавсияларини қўллаш терговнинг самарали ташкил этилишини таъминласин. Бундай даражага, агар хусусий услубиётлар фақат тажриба йўли билан ишлаб чиқилган қоидалар ва амалиёт учун самарали тавсияларни ўз ичига олган тақдирда, эришилади. Криминалистик услубий тавсияларнинг тизими оқилона, тежамли, мақбул бўлиши керак.

Криминалистик услубий тавсияларнинг муайянлиги. Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш – процессуал тартибдаги жараёндир. Унинг мазмунига жинойий қилмишнинг хусусиятлари, жиноятнинг оқибатлари, жиноятчининг шахси, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу сингарилар таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бир турдаги жиноятларни тергов қилишда кўпгина умумий хусусиятлар ҳам мавжуддир, булар – типик тергов версияларининг мавжудлиги, исботлаш предметининг умумий эканлиги, тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусиятларининг ўхшашлиги ва бошқалар. Шу сабабли криминалистик услубий тавсиялар имкони борича тайин, лекин бирон-бир ягона хусусий ҳол учун эмас, балки мазкур турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиши керак. Криминалистик услубий тавсияларнинг умумийлиги ва аниқлиги, меъёри уларнинг амалиёт эҳтиёжлари ҳамда назарий имкониятлари билан боғлиқ илмий қоидаларни тавсифлаш даражасида намоён бўлади.

Жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг босқичма-босқичлиги. Ташкил этилиши нуктаи назаридан жиноятларни тергов қилиш жараёнини учта алоҳида босқичга бўлиш лозим. Ҳар бир босқич – бу тергов қилишнинг шундай босқичики, унинг давомида умумий вазифалар билан бир қаторда унинг ўзига хос вазифалари ҳам ҳал этилади.

Биринчи босқич – бу дастлабки тергов ҳаракатларини бажариш давридир. Мазкур ҳаракатлар ҳам умумий, ҳам ўзига хос вазифаларни (жиноят аломатларига эга бўлган ҳодисани аниқлаш, айбдорни «из босилмасдан» таъқиб қилиш ҳамда уш-лаш ва ҳоказо) ҳал этишга қаратилган. Қоида тариқасида, улар дарҳол ўтказилади. Дастлабки кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари нисбатан чекланган муддатда ўтказилади, лекин унинг қанча давом этишини жиноятларни тергов қилишнинг бар-

ча ҳоллари учун олдиндан белгилаб қўйиш мумкин эмас. Умуман олганда, шуни қайд этиш зарурки, тергов қилишнинг дастлабки босқичи кечиктириб бўлмайдиган, шошилиш тергов ҳаракатларини ўтказиш билан тугайди. Жиноятларни тергов қилиш дастлабки босқичининг муддати чекланганлиги терговчининг фаолияти имкони борича жадаллаштирилишини талаб қилади.

Иккинчи босқич – бу иш бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган барча қолган тергов ҳаракатларини ба-жариш давридир. Мазкур босқичнинг асосий вазифалари: айбдорни содир этилган жиноятда фош этиш, айб эълон қилиш, дастлабки босқичда аниқланмай қолган ҳолатларни аниқлаштиришдан иборат.

Учинчи босқич – бу тергов қилишнинг якунловчи босқичи. Мазкур босқич терговчи томонидан тергов қилишни тамомлаш, яъни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатларини юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бошланади ва ишни прокурорга юбориш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш билан тугалланади. Ўз мазмунига кўра у иш бўйича тўпланган далиллар баҳоланишини, қўшимча ва такрорий ҳаракатлар амалга оширилишини ҳамда терговни ниҳоясига етказиш тартибини белгилашни ўз ичига олади.

Хусусий криминалистик услубиётларда тавсиялар ана шу босқичларга мувофиқ тизимлаштирилади.

Жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг вазиятга боғлиқлиги ва турли-туманлиги. Тергов амалиёти жиноятларнинг ҳар бир тури учун типик бўлган тергов вазиятларининг мазмунини ҳисобга оладиган ҳамда унга боғлиқ ҳолда терговни ташкил қилишнинг у ёки бу усулини тавсия этадиган хусусий криминалистик услубиётлар яратишни талаб қилади. Жиноят иши бўйича тергов вазияти жиноятни тергов қилишнинг муайян давридаги вазиятни тавсифловчи ҳолатлар (шароитлар, омиллар) мажмуидан иборат бўлади.

Типик тергов вазиятлари жиноятларни тергов қилишнинг барча босқичларига хосдир, лекин криминалистик услубиётларда кўпинча дастлабки типик тергов вазиятлари таҳлил қилинади. Уларнинг хилма-хиллиги кўп турли тавсияларни ва уларнинг тизимларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Типик тергов вазиятлари ҳисобга олинган ҳолда жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг яратилиши тавсияларнинг мазмунини аниқлаштиради ҳамда уларнинг амалий қимматини оширади.

Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиётла-

рининг умумийлиги. Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш чоғида криминалистик услубий тавсиялардан фойдаланиш қулай бўлиши учун хусусий услубиётларнинг конструктив бирлиги тамойилига, яъни ички мустақиллиги ва кўп турлилигига амал қилган ҳолда уларнинг мақбул тузилишига риоя этиш зарур.

Мазкур тамойилларга кўра ишлаб чиқилган хусусий криминалистик услубиётлар шунингдек, терговчининг ички ишлар органлари тезкор ва бошқа хизмат ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги хусусиятларини; жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга доир йўл-йўриқларни; терговчи томонидан айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш чоғида унинг олдини олишга доир фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсияларни ҳам ўз ичига олган бўлиши керак.

Жиноят қонунига муносабати нуқтаи назаридан хусусий услубиётлар *типик* (турга оид) ва *махсус* услубиётларга бўлинади. Типик услубиётлар жумласига амалдаги жиноят қонунинда белгиланган жиноят турлари (масалан, одам ўлдириш, ўғирлик, фирибгарликни тергов қилиш услубиётлари ва ҳоказо) бўйича тузилган услубиётлар киради.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янгиланиши муносабати билан тегишлича янги хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. У ёки бу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг бекор қилиниши ёки уларнинг жиноийлик тоифасидан чиқарилиши (декриминализация қилиниши) тергов қилишнинг айрим услубиётларига бўлган эҳтиёжни истисно этади. Типик хусусий услубиётлар сони жиноятларнинг мавжуд турларига мувофиқ бўлиши керак. Услубиётларнинг ана шу сони энг юқори (максимал) ҳисобланади. Шу сабабли, криминалистика олдида барча зарур бўлган, лекин ҳозирча мавжуд бўлмаган хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Махсус услубиётлар жумласига қонунда белгиланган жиноятларнинг турлари бўйича эмас, балки бошқа асослар бўйича тузилган *хусусий* услубиётларни киритиш керак бўлади. Жумладан, ана шу мақсад учун асослар сифатида жиноят содир этилган жой, жиноятчининг, жабрланувчининг шахси, жиноят содир этилган пайдан бошлаб ўтган вақт ва бошқа шу сингарилар танланиши мумкин. Криминалистика адабиётларида темир йўл, сув ва ҳаво транспортидаги жиноятларни; вояга етмаганлар ва рецидивистлар содир этган жиноятларни; ўтган йилларнинг очилмай қолган жиноятларини тергов қилиш услубиётлари маълум.

Аниқлаштирилиш (тафсилотлаштирилиши) даражасига кўра, жиноятларни тергов қилиш услубиётлари бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли бўлиши мумкин. Масалан,

Ўғирликларни тергов қилиш услуги уларни тергов қилиш бўйича умумий тавсияларнигина эмас, балки хонадон ва автомашина ўғирликларини, майда ўғирликларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ўғирликларни; почта ўғирликларини ва бошқа шу сингариларни тергов қилиш услуги-ётларини ҳам ўз ичига олади.

Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий услугилари хажмига кўра тўлиқ ва қисқартирилган турларга бўлинади. Аксарият ҳолларда, у ёки бу турдаги жиноятни тергов қилишнинг бутун жараёнини ўтказиш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилади. Баъзан эса тадқиқотлар тергов қилишнинг бирон-бир босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш билан чекланади. Чунончи, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича криминалистик услубий тавсиялар анча кенг тарқалган.

Жиноятларнинг қамраб олинган турлари бўйича хусусий услугилар комплекс ва аниқ турларга бўлинади. Икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғлиқ турдаги жиноятларни тергов қилиш услугилари, масалан, талончилик ва босқинчиликларни тергов қилиш услуги, ўт қўйишлар ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига жинояткорона риоя этмасликларни тергов қилиш услуги сингарилар комплекс услугилар ҳисобланади.

Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услугилар ўз шаклига кўра кўпинча монографиялар, диссертация тадқиқотлари, дарсликлар, ўқув, услубий ва амалий қўлланмалар, услубий хатлар тариқасида ишлаб чиқилади ва ҳоказо.

Хусусий криминалистик услугилар таснифи схемада келтирилган.

3-§. Жиноятларни тергов қилишдаги хусусий криминалистик услубиётларнинг таркибий тузилиши

Жиноятларни тергов қилиш хусусий криминалистик услубиётларнинг аксарияти қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТЛАРИ ТАСНИФИ



жиноятларнинг криминалистик тавсифи;

жиноятларни тергов қилиш дастурлари;

энг характерли тергов ҳаракатларини ва қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг таърифи;

мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш чоғида терговчиларнинг келажакда шу хил жиноятларнинг олдини олишга доир фаолиятини тайёрлаш ва ўтказиш ўзига хос хусусиятларининг таърифи.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи. Жиноят ишлари бўйича муваффақиятли иш олиб бориш учун терговчилар ва суриштирувчиларга аввало тергов қилинаётган турдаги жиноятларнинг батафсил криминалистик тавсифи талаб қилинади.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган ижтимоий жиҳатдан хавфли ғайриҳуқуқий қилмишларнинг кўриб чиқиладиган турлари энг муҳим томонлари тўғрисидаги умумлаштирилган далилий маълумотлардан ҳамда уларга асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар тизимидан иборат бўлади. Криминалистик тавсифларни билиш жиноят ишларини тез, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилишни ташкил этиш учун зарурдир.

Жиноятлар криминалистик тавсифи комплекс (яъни уйғун бирликдаги) мазмунга эга. Уларнинг асосий қисми жиноий ҳуққ механизмини, жиноят тўғрисидаги ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш таркибини криминалистик тадқиқ этиш, жиноятчининг ва жабрланувчиларнинг шахсини аниқлаш ва ҳоказо жараёнида аниқланади. Шу билан бирга, уларда яқин турувчи юридик фанларнинг айрим қоидалари бўлади. Бироқ бошқа фанлардан бундай фойдаланиш одатдаги илмий уйғунлашув (интеграция) доираси билан чекланган бўлади ва тавсифларнинг криминалистик моҳиятига таъсир этмайди. Криминалистик тавсифлар жиноятларнинг муайян турларига ҳам, ўхшаш (бир-бирига яқин) гуруҳларига ҳам берилиши мумкин бўлиб, бу уларнинг жуда хилма-хил бўлишига олиб келади.

Жиноятлар криминалистик тавсифларининг мазмуни тавсифланаётган жиноий қилмишнинг моҳиятига, тергов қилиш хусусий услубиётининг тури ва ишланганлик даражасига, илмий тадқиқотнинг вазифалари ва усулларига ҳамда бир қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, жиноятлар криминалистик тавсифлари таркибий тузилиши шаклига кўра бир-биридан фарқ қилади. Криминалистик тавсиф бор-йўғи бир неча кириш қоидаларини ўз ичига олган ишлар ҳам учрайди. Айни пайтда жиноятларни тергов қилишнинг шундай хусусий услубиётлари ҳам борки, ана шу тавсиф уларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бироқ, кўрсатиб ўтилган фарқларга қарамай, жиноятлар замонавий криминалистик тавсифларининг аксариятида бир қанча барқарор такрорланувчи элементлар мавжуд бўлиб, ана шуларнинг мажмуи уларнинг типик тузилмасини ҳосил қилади.

Қоида тариқасида, криминалистик тавсифлар кўриб чиқиладиган жиноятлар турининг тушунчасини аниқлашдан ва уни тергов қилишнинг умумий шарт-шароитларини (тергов қилишнинг изчиллиги, муддатлари ҳамда шакли ва ҳоказо) тавсифлашдан бошланади. Бундай ахборот маълумотнома вазифасини бажарган ҳолда имкон борича қисқа баён қилинади ва тегишли криминалистик тавсифни таърифлаш учун таянч бўлиб хизмат қилади. Криминалистик тавсифда кўриб чиқиладиган жиноят тури тушунчасини аниқлаш билан биргаликда ижтимоий муносабатларнинг замонавий ривожланиш босқичида унга қарши курашнинг ҳолати ва аҳамияти кўрсатилади. Жиноятларнинг кўриб чиқиладиган турига қарши курашнинг долзарблигини белгилаш жиноятларни тергов қилиш хусусий криминалистик услубиётларининг тўғри ижтимоий-сиёсий йўналишда бўлиши ва терговчилар фаолияти самарадорлигини ошириш учун зарурдир.

Жиноятлар тўғрисидаги энг типик бошланғич ахборотнинг таърифи жиноятлар криминалистик тавсифининг муҳим элементлари жумласига киради. Ана шу ахборотнинг мазмуни ва шаклига қараб текширишга оид ишлар тартиби ҳамда уларни очиш, тергов қилиш ва уларни олдини олишнинг дастлабки босқичлари дастурлари белгиланади. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи таркибига, жиноятларни содир этиш ва яшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар тизими ҳам киради. Жиноятларни содир этиш усули деганда жиний қилмишни тайёрлаш, содир этиш ва яширишга, шу жумладан тегишли қуроллар ва воситаларни қўллашга, жой ва вақтни танлашга, тегишли ҳолатлардан фойдаланишга қаратилган ўзаро алоқадор ҳамда ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тизими тушунилади.

Жиноятлар криминалистик тавсифларининг мажбурий элементлари жумласига эҳтимол тутилган жиноятчининг ва унинг эҳтимолдаги жабрланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар киради. Криминалистик услубиёт соҳасидаги тадқиқотлар шундан далолат берадики, жиний тажовуз жабрланувчи, жиноятни содир этиш усули, унинг хусусиятлари, оқибатлари ва жиноятчининг шахси ўртасида муайян алоқадорлик бўлади. Бундай алоқадорлик ҳақидаги криминалистик маълумотлардан фойдаланиб, терговчилар ва суриштирувчилар айрим жиноятлар юзасидан эҳтимол тутилган жиноятчининг шахси тўғрисида асосли версияларни олга суришлари ҳамда тергов қилишнинг энг мақсадга мувофиқ дастурини белгилаб олишлари мумкин.

Ниҳоят, жиноятларнинг мазкур турини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси жиноятлар криминалистик тавсифларининг яна бир элементи ҳисобланади.

Азалдан, ҳар қандай жиноятни тергов қилишда ҳақиқатни аниқлаш етти ҳадли формула билан, яъни нима, қаерда, қачон, қай тарзда, ким, кимнинг ёрдамида, нима учун деган еттита саволга жавоб олиш билан боғланган. Лекин бу формулани универсал деб бўлмайди, чунки у жуда қисқа бўлиб, у ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилиш хусусиятларини ҳисобга олиш имконини бермайди. Жиноят ишларини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган саволлар доирасини ўн иккитагача кўпайтириш тўғрисидаги таклиф ҳам бу камчиликларни бартараф этгани йўқ.

Шуни ҳисобга олиб, жиноятлар замонавий криминалистик тавсифларнинг аксариятида уларни тергов қилиш пайтида аниқланиши лозим бўлган, жиноятлар таркибининг асосий элементлари бўйича муайян тизимга солинган ҳолатлар рўйхати келтирилади. Булар:

а) тажовуз қилиш объекти (тажовуз нимага қаратилган, нимага зарар етказилган, зарарнинг миқдори ва ҳоказо);

б) тажовузнинг объектив томони (қаерда, қачон, қай тарзда, бир шахснинг ёки бир неча кишининг ҳаракатлари биланми, улардан ҳар бирининг тутган ўрни (роли), қандай ҳолатларда, оқибатлари қанақа, етказилган зарар, қилмиш ва оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятга кўмаклашган ҳолатлар ва ҳоказо);

в) тажовуз субъекти (тажовузни ким содир этди, унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар, агар шахслар гуруҳи иштирок этган бўлса, улар кимлар);

г) тажовузнинг субъектив томони (айб, унинг шакли, қасддан қилинган айб бўлса унинг сабаби ва мақсади).

Баён қилишнинг бундай усули ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар бутун доирасининг ўзига хослигини ифодалайди ва бир вақтнинг ўзида илмий маълумотлардан амалиётда нисбатан осонлик билан фойдаланилишини таъминлайди.

Шу билан бирга жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини ортиқча аниқлаштириб юбориш жоиз эмаслигини ҳисобга олиш керак. Негаки бу жиноят таркибининг жиноят-ҳуқуқий таҳлилига айланиб қолиши мумкин ва услубий тавсиялардаги криминалистик хусусиятларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Жиноятлар криминалистик тавсифи тушунчасини қисқача баён қилиш ниҳоясида шуни қайд этиш зарурки, у янги

криминалистик илмий категория ҳисобланади, шу сабабли такомиллашиш ва ривожланишда давом этмоқда. Унинг таркибий тузилиши аниқлашмоқда, жиноятлар муайян турларининг назарий жиҳатдан асосланган криминалистик тавсифларини фаоллик билан ишлаб чиқиш жараёни бормоқда ва уларнинг қоидаларидан жиноят ишлари бўйича терговчилар фаолиятини такомиллаштириш учун фойдаланиш йўллари таклиф этилмоқда.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш дастурлари. Услубиётнинг бу бўлимида тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув ва қонунда назарда тутилган бошқа чораларнинг мақбул тавсиялари баён қилинади. Тергов қилиш дастурлари услубиётларнинг энг муҳим қисмларидан бўлиб, типик тергов вазиятлари ва версияларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич асосда (айниқса жиноят пайқаб қолингани тўғрисидаги дастлабки ахборот олинган пайтдан эътиборан тергов қилишнинг дастлабки босқичи учун батафсил) тузилади.

Жиноятчи аниқланмаган; жиноятчи жиноят устида қўлга туширилган; жиноят иши тезкор-қидирув фаолияти жараёнида аниқланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қўзғатилган; жиноятчи айбини тан олиб келган ва бошқа шу сингари тергов вазиятлари учун тергов қилиш дастурлари криминалистика адабиётларида айнақса кўп келтирилади.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш учун айнақса хос бўлган дастлабки ва ундан кейинги тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг тавсифи. Умумий тактик қоида ривожлантирила бориб, бу ерда мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш учун айнақса хос бўлган тергов ҳаракатларини ва қонунда назарда тутилган бошқа чораларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг тавсифи берилади.


Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда терговчилар ва суриштирувчиларнинг жиноятларни олдини олишга доир фаолиятига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ўзига хос хусусиятларининг тавсифи. Жиноят судлов ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлгани ҳолда, жиноятларнинг олдини олиш жинотий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш чоғида ҳам амалга оширилади. Жиноятларни очиш ва тергов қилишни амалга оширувчи терговчилар ва суриштирувчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишларида қидирувни ташкил этишни профилактикадан (олдини олиш тадбирларидан) фарқлаш, давомли жиноятнинг пайини қирқишни айбдорнинг қилмишини фош этувчи далилларни тўплашдан

ажратиш нафақат қийин, балки баъзан имконсиз ҳамдир.

Шу сабабли мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда жиноятларни олдини олишга доир тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш хусусиятларининг тавсифи криминалистик услубий тавсияларнинг якунловчи қисми ҳисобланади.

Шу тариқа, хусусий криминалистик услубиётлар ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича назарий қоидалар ҳамда амалий тавсиялар мажмуидан иборатдир. Бироқ улар муайян жиноятни тергов қилиш учун маслаҳатлар бермайди ва бера олмайди, яъни улар ҳаётдаги барча ҳолатлар учун андоза эмас. Уларда жиноятларнинг бирон-бир турини (кўринишини) очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда терговчи фаолиятининг хусусиятларини акс эттирувчи умумий тавсияларгина мавжуд бўлади.

Хусусий криминалистик услубиётлар жиноятларнинг имкони борича самаралироқ тергов қилинишига кўмаклашиши учун терговчилар терговнинг мумкин қадар тўлиқ, тезкор ва холисона бўлишига эришган ҳолда ишлаб чиқилган тавсиялардан ижодий фойдалана олишлари керак.



24-боб. ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ҳамкорликнинг умумий жиҳатлари

Тергов қилиш, жиноятни очиш ва унинг олдини олишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг ушбу жараённинг бошқа иштирокчилари – тезкор-қидирув ходимлари, мутахассислар ва экспертлар, шунингдек назорат-тафтиш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига боғлиқдир. Бундай ҳамкорлик жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бўлади.

Терговчининг тергов жараёни иштирокчилари билан ҳамкорлиги нисбатан шартли ҳисобланади, чунки процессуал нуқтаи назардан бундай ҳолатда тенгликнинг бўлиши мумкин эмас. Терговчининг мақоми юқори бўлиб, терговдаги асосий вазифа, унинг натижалари ва қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий жавобгарликни аниқлаб беришдан иборат. Тергов иштирокчиларининг фаолияти терговчининг олдига қўйилган вазифаларга бўйсундирилган ва улар билан боғлиқ.

Ҳамкорликнинг мазмуни унинг мақсадлари билан белгиланади. Ҳамкорликнинг асосий мақсади эса – жиноятни фош этишдир. Баъзи бир ҳолатларда бу мақсад маълум бир тергов ҳаракатининг муваффақиятли ўтказиш бўлса, бошқа ҳолатларда – тезкор йўл билан керакли маълумотларни олиш, яширинган шубҳаланилган шахсни ёки айбланувчини, ашёвий далилларни, ҳужжатларни ва бошқаларни қидириш ва фош қилиш ҳисобланади. Ҳамкорлик бир марталик, қисқа вақтга мўлжалланган ёки муайян бир иш бўйича узок вақт давом этиши мумкин.

Агар дастлабки терговга эҳтиёж бўлмаса ва иш бутунлай бошланғич тергов органи томонидан олиб борилса, ҳамкорликка эҳтиёж қолмайди. Бу дастлабки тергов органи ходими ҳеч ким билан алоқада бўлмайди, дегани эмас. Худди терговчи каби у ҳам мутахассисларга, экспертларга мурожаат қилиши, ички ишлар хизмати бошқа органларининг ходимлари билан маслаҳатлашиши мумкин.

Ҳамкорлик тамойиллари қуйидагилар:

1. Қонунийликка риоя қилиш. Иштирокчилар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тергов органлари раҳбарларининг назорати ва прокурор назорати орқали таъминланади. Асосий талаб – иштирокчилар тергов ва тезкор-қидирув фаолияти учун белгиланган ваколатлар доирасида бўлиши керак.

Ҳамкорликнинг тергов қоидаларига риоя қилиш қонунийлик принципини таъминлайди. Маълумки, қонун дастлабки терговни икки шаклини кўзда тутаяди: бошланғич тергов органларининг вазифаси жиноят изларини топиш ва аниқлаш, айбдорларни аниқлаш ва қўлга тушириш билан чегараланади.

Бошланғич ҳаракатлар тергов органи томонидан амалга оширилганда улар у ёки бу жиноятнинг мавжудлигини тасдиқлаб бериши талаб этилади. Бу маълумотнинг ишончлилиги тергов масалаларини тўғри ҳал этишга имкон яратади.

Терговчининг процессуал мақоми, раҳбарлик ва ташкилотчилик роли, терговнинг аниқ вазифаларини ечиш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, ҳамкорликнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги ва ҳамкорлик фаолиятининг мувофиқлиги унинг қандай режалаштирилганлиги билан таъминланади. Тергов давомида ҳамкорликнинг вазифалари ва мазмуни аниқлаштирилади ва тўлдирилади. Аммо ҳамкорлик қилаётган субъектлар доираси ўзгариши, янги куч ва воситаларни талаб қилиши мумкин.

Тергов ва бошланғич терговни назорат қилувчи прокурор бундай вазиятда ташкилотчилик вазифасини бажаради. Ўз ваколатлари доирасида тезкор ходимларга топшириқлар бериши, терговчи билан ҳамкорликнинг бошқа шакллари билан белгилаши мумкин. Шу билан бирга, у бошланғич тергов органларининг тезкор-қидирув тадбирларига аралашмаслиги, топшириқларни амалга оширишнинг йўли ва воситаларини белгиламаслиги зарур.

Мазкур жараёнда тергов бўлими ходими ва прокурорнинг ҳамкорлик шакллари ва мазмуни тўғрисидаги кўрсатмалари терговчи учун мажбурийдир. Ушбу кўрсатмалар тезкор-қидирув гуруҳи ташкилотига, унинг таркибига алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

2-§. Ҳамкорликнинг тактик-услубий қоидалари

Тергов ўтказиш жиноятни очишда ҳамкорликнинг биринчиси – терговчи томонидан иш материалларини таҳлил қилишдан иборат. Бунда дастлаб терговчи томонидан ҳамкорлик субъектлари аниқланади. Кўшма фаолиятга энг кўп жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш хизмати, ички ишлар органларининг криминалистик хизматлари, Ҳаракат хавфсизлиги хизмати, турли хил идора ва маъмурий инспекциялар ходимлари жалб этилади.

Яна бир муҳим вазифа вазиятга оид маълумотларни ҳамкорлар ўртасида алмашинувидир. Маълумот алмашинувида тергов ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари режасининг қай дара-

жада мослиги аниқланади, чунки тергов ҳаракатлари, унинг муваффақияти тезкор-қидирув иштирокчиларининг тадбирни белгиланган муддатда ва кетма-кетликда ижро этишларига боғлиқ. Ўз вақтида, етарли алоқа алмашинуви тезкор-тергов гуруҳи (ТТГ) аъзолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Унинг шакллари турлича: ТТГ таркибининг йиғилиши, унинг алоҳида иштирокчиларининг ўзаро алоқаси ва ҳоказо. Шу билан бирга тергов сирларини сақлаш, тезкор маълумотни четга чиқишига йўл қўймаслик жуда муҳим.

Ҳамкорлик иштирокчилари тергов вазияти ўзгариши билан режага ва мақсадларга тузатиш киритиши керак.

Ҳамкорлик режаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- 1) тергов ва қидирув версияларининг ифодаси;
- 2) ушбу версиялардан келиб чиқувчи ҳолатларнинг рўйхати;
- 3) ушбу ҳолатлар ва ҳаракатлар тартибини аниқлаш ва ўрганиш рўйхати;
- 4) терговчи томонидан амалга ошириладиган қидирув тадбирлари рўйхати;
- 5) тезкор йўл билан аниқланиши керак бўлган вазиятларнинг ифодаси;
- 6) бажариш муддатлари, маълумот алмашинуви, режага тузатиш киритиш;

7) режанинг ҳар бир банди бўйича ижрочилар рўйхати.

Тезкор-қидирув режалари алоҳида тезкор ходим томонидан режалаштирилади. Белгиланган тадбирлар ва тергов ҳаракатларининг вақти, жойи, муддатига алоҳида эътибор бериш зарур. Тузилган режа тергов бўлинмаси ва тегишли тезкор хизмати раҳбарлиги томонидан кўриб чиқилади.

Айниқса терговнинг дастлабки босқичи жуда муҳимдир. Бу нарса жиноятни излар босилмай туриб очилиши, айбдорни аниқлаш ва топиш, ўғирланган мулкни қидириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳамкорлик турли хил вазиятларда пайдо бўлади. Улардан уч тури энг кўп учрайди:

1. **Жиноятчи аниқ бўлмаган жиноят** (жиноят содир этилганлиги аниқ, аммо ким томонидан содир этилганлиги номаълум). Одатда бундай ҳолатларда ҳамкорлик ташаббуси ички ишлар органининг навбатчи қисмидан чиқади. Жиноят содир этилган жойга тезкор тергов гуруҳи чиқади. Гуруҳнинг таркибига терговчи, тегишли мутахассис (криминалист, суд-тиббиёт мутахассиси), тезкор-қидирув ходими хизмат ити билан киради. Уларнинг вазифалари ҳодиса юз берган жойни синчиклаб кўздан кечириб олинган маълумотлар асосида жиноятни фош этиш, айбдорни қидириш ва қўлга олиш учун ишлатишдан иборат. Айнан шу

бошқичда қўзғатилган жиноят ишини терговга тегишлилиги, бошланғич тергов органлари ишининг йўналиши ва давом эттириши масалалари ҳал этилади. Бундай ҳолатларда бошланғич тергов органи мавжуд маълумотларни текшириш, қўшимча маълумотлар тўплаш, шунингдек моддий объектларни ўрганиш йўли билан иштирок этиши мумкин.

2. Терговчи томонидан бошланғич тергов ва тезкор матери-аллари асосида жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш. Шунингдек айбдорни ва уларнинг жинойий кирдикорларининг ҳамма ҳаракатларини аниқлашга қаратиш ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш; жиноятчи томонидан келтирилган моддий зиённи тўлалигича аниқлаш; жинойий йўл билан орттирилган бойликларни далиллар асосида исбот қилиш.

3. Мураккаб жиноят ишларини тергов қилиш. Бу кўп эпитодли, уюшган жиноятчлар, шунингдек илгариги йилларда очилмаган жиноятлардир.

3-§. Ўзаро ҳамкорликнинг турлари

Ҳамкорликнинг процессуал ва нопроцессуал турлари мавжуд. Ҳамкорликнинг нопроцессуал тури баъзан ташкилий-тактик деб ҳам номланади.

Ҳамкорликнинг процессуал турлари қуйидагилар: тергов ҳаракатларини амалга оширишда дастлабки тергов ходимлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар; тўхтатиб қўйилган ишлар бўйича терговчининг топшириғи билан шахс ва объектларни қидириш; тегишли шахслар билан ишлаш; тезкор-қидирув гуруҳларини ташкил этиш.

Терговчи тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш ҳақида топшириқ берар экан, у ички ишлар органлари олдига фақат вазифа қўяди, аммо уни ечиш йўли ва воситаларини белгиламайди, чунки бу дастлабки тергов органлари ваколатига кирмайди. Терговчи талабига кўра тезкор-қидирув ходимлари қонунда белгиланган процессуал мажбурлаш чораларини амалга оширади; қуролланган жиноятчини қўлга тушириш ва таъқиб қилиш учун пистирма, қувлаш, қуршов, турли хил тўсиқ тадбирлар кўради, терговчининг ҳудудига келишдан бош тортаётган шахсни олиб келиш, ҳодиса ва тинтув жойини ўраб олиш, терговчига қаршилик кўрсатиш ҳолларини олдини олиш каби ҳолларда ёрдамлашади.

Дастлабки тергов ходимлари терговчига мураккаб ва катта ҳажмдаги тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга оширишда ёрдам берадилар, ушбу ҳаракатлар давомида у ёки бу вазифаларни бажарадилар.

Терговчининг мутахассислар билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) мутахассисларни тергов ҳаракатларига жалб этиш;
- б) суд экспертизаларини ўтказиш;
- в) тафтиш белгилаш ва ўтказиш.

Терговчи билан бошқа иштирокчилар процессуал ҳамкорлиги энг самарали бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- умумий мақсад сари бўйсундирилган тергов-тезкор гуруҳ (ТТГ) томонидан амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-тергов тадбирлари ўтказилади.

- ТТГ аъзоларининг барча ҳаракатлари хусусан, умумий режани ишлаб чиқиш жараёнида ўзаро келишилади;

- ТТГ иштирокчиларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиб, функционал мустақилликни сақлаб қолади;

- ТТГ таркибида ишлаш терговчига тезкор йўл билан олинган маълумотдан, тезкор ходимларга эса – тергов ҳаракати вақтида олинган маълумотдан дарҳол фойдаланиш имконини беради.

Умумий қоидага кўра, ТТГ аъзоларининг барча ҳаракатлари аввалдан келишилган режага бўйсундирилган бўлсада, баъзи бир сабабларга кўра режалаштирилмаган ҳаракатларни амалга ошириши ҳам мумкин. Масалан, жиноятчиларни жиноят устида қўлга олиш, тинтув ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга ошириш.

ТТГ терговчи раҳбарлигида ишлайди. У ишни тергов қилишга, ҳамкорлик субъектлари олдида ўз вақтида вазифалар қўйишга, тақдим этилган маълумотлардан тўлалигича фойдаланишга жавобгардир.

Амалиётда ТТГ қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

1) ҳодиса жойини кўздан кечириш. Бундай гуруҳлар вақтинча бўлиб, ички ишлар органлари навбатчи қисмларида бўлади ва ўрнатилган жадвалга мувофиқ алмашади. Гуруҳ таркиби ҳар доим янгиланиб туради; унинг таркибига терговчи, жиноят қидирув ходими, мутахассислар – криминалист ва суд-тиббиёт мутахассиси, кинолог киради. Гуруҳ мажбуриятлари – ҳодиса жойини малакали кўздан кечириш ва шу билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдан иборатдир. Ички ишлар органи хизмат кўрсатадиган аҳолининг сони ва ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб бир вақтнинг ўзида бир неча ТТГ навбатчилик қилиши мумкин.

2) излар босилмай туриб ишлаш. Бу ҳодиса ерига чиққан гуруҳнинг айнан ўзи, кўздан кечириш билан чекланмай жиноятни

очиш ва жиноятчини ушлаш билан шуғулланади;

3) хавфли жиноятларнинг муайян турларини очиш: ўғирлик, босқинчилик, жинсий жиноятлар ва ҳоказо. Бундай ТТГ доимий бўлиб, хизмат кўрсатиш ҳудудида содир этилган жиноят турини очишга ихтисослашади;

4) уюшган жиноятчилар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятни тергов қилиш ва очиш. Бу ҳолатда ТТГ таркибига ички ишлар уюшган жиноятчиликка қарши курашиш махсус бўлинмаларининг тезкор ходимлари киради;

5) мураккаб, кўп эпизодли ишларни тергов қилиш бўйича ТТГ таркиби ўзгарувчан бўлади; тергов давомида унинг таркибига турли ихтисосликлар бўйича тезкор ходимлар ва қўшимча жалб этилган терговчилар қўшилади;

6) аввалги йилларда очилмаган жиноятларни тергов қилиш бўйича. Гуруҳ доимий асосда ишлайди ва маълум бир турдаги жиноят бўйича ихтисослашган бўлиши мумкин.

Ички ишлар органи тергов бўлинмаси бошлиғи ёки прокурор томонидан тузиладиган терговчилар бригадасидан тезкор тергов гуруҳини фарқлаш зарур. Терговчилар бригадаси фақат бир ёки турли идоралар терговчиларидан ташкил топган. Уларга тезкор ходимлар ҳам қўшиб берилиши мумкин, аммо улар бригада таркибига кирмайди ва ҳамкорлик бир марталик кўринишга эга бўлади.

Тезкор-қидирув гуруҳи ва терговчилар бригадасининг таркиби турли хил бўлиши мумкин: иккита-учтадан бир неча юзгача. Ҳар бир ТТГ иштирокчилар доираси, вазифалари тактик ҳамкорлик усули билан фарқланади.

Ҳамкорликнинг нопроцессуал шакллари хилма-хил бўлиб, иштирокчилар доираси ҳам анча кенгдир. Уларнинг энг асосийлари:

1) мутахассисларнинг терговчига у ёки бу тергов ҳаракатларини тайёрлашда ва натижаларини баҳолашда кўмаклашиши; айбланувчини сўроқ қилаётган вақтда суд экспертизаси имкониятлари, қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик талаблар; терговчининг техник топшириқларини бажариш; техник-криминалистик воситаларни тайёрлаш, ҳужжатларни кўпайтириш ва ҳоказо.

2) тезкор маълумотлардан фойдаланиш бўйича терговчи ҳаракатларини бирга режалаштириш; тезкор маълумот ёрдамида сўроқ қилинаётган шахсга бериладиган саволларни, жабрланувчи иштирокидаги тезкор гуруҳ тактикасини, тезкор-тактик режасини муҳокама қилиш.

Ушбу маълумотлар тури ва улардан фойдаланиш имкониятлари қуйидагича:

1. Жиноятга алоқадор шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида терговчи йўналтирувчи тезкор маълумотлар:

- гумон қилинган ва айбланувчининг жиноий фаолияти ҳақида маълумот;

- жиноятни яширган шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида маълумот;

- терговнинг боришига қаршилик қиладиган ҳаракатларни амалга оширилиши ҳақида маълумот;

- кўрсатилган маълумотлар ва ашёвий далиллар эгалари ҳақида маълумот.

Бу маълумотдан бевосита ва билвосита йўл билан фойдаланиш мумкин.

Тезкор маълумотдан бевосита фойдаланишга қуйидагилар киради:

- тергов йўналиши ва жиноятчининг шахсини аниқлаш;

- унинг асосида тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги ва хусусиятларини белгилаш;

- тергов ҳаракатларини асослаш – жиноят устида қўлга олиш, тинтув ва бошқалар;

- ҳозир-жавоблик даражасида устунликка эга бўлиш; бундай вазиятда тезкор маълумот «тескари алоқа» ролини ўйнаб, учинчи шахсларга айтганлари бўйича терговчи ўзининг ҳаракатларини «бировнинг кўзи» билан кўра олади;

- тергов вазиятини баҳолаш ва тактик қарор қабул қилишда тезкор маълумотларни ҳисобга олиш.

Тезкор маълумотлардан билвосита фойдаланиш, унинг манбаларига процессуал тус бериш, сўнг эса ушбу манбалардан мазкур маълумотни қайтадан, лекин энди далил сифатида олиш йўллари излаш шаклида намоён бўлади.

2. Ишга алоқадор объектларининг жойлашиш ва терговчини йўналтирувчи тезкор маълумот. Ушбу маълумотдан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, мулкни ҳибсга олишда;

- мазкур маълумотларга процессуал тус бериш, мақсадида далиллар доирасига киритиш учун амалга ошириладиган ҳаракатларда.

3. Тезкор ходим томонидан ёки мутахассис ёрдамида олинган тезкор маълумот.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга кўра, маълумотлар тезкор ходим томонидан предмет ва ҳужжатларни ўрганиш, бино ва иншоотларни, жой ва транспорт воситаларини кўздан кечириш орқали ҳамда алоқанинг техник каналларидан олиши мумкин. Одатда иш бўйича ашёвий далил бўлиб хизмат қиладиган материал объектларни дастлабки ўрганиш натижала-

ридан исботлашда фойдаланиш анча мураккабдир.

4. шахс ва предметларнинг қидирувини ташкил этишда, турли объектларни таниб олишда, қидирув иштирокчиларини кенгайтиришда; профилактик чораларни куришда оммавий ахборот воситалари;

5. жиноятни содир этилишига кўмаклашган шароитлар ҳақида криминалистик муҳим маълумотни олиш; жиноятни олдини олиш бўйича чоралар куриш; корхона ва муассасаларда ҳужжат ва товар айирбошлаш тартибини ўрганиш ва бошқалар;

6. қидирув тадбирларини ўтказишда аҳоли ва жамоат уюшмаларидан фойдаланиш, йўналтирувчи маълумотларни аниқлаш, у ёки бу шахсга тавсифнома олиш ва бошқалар.

Нопроцессуал шаклдаги ҳамкорлик процессуал шаклдаги ҳамкорлик билан бир мақсадни кўзлайди, жиноятни муваффақият билан аниқлаш, очиш, тергов қилиш ва самарали олдини олишга хизмат қилади.

1-§. Қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифи

Қотиллик, яъни қасддан инсонни ҳаётдан маҳрум этиш жиноятлари оғир ва тергов услуги анча мураккаб кечадиган ҳодисалардан ҳисобланади.

Криминалистик тергов услубини қўллаш қотиллик жиноятини текширишда жабрланувчининг ўлими сабабини аниқлашга: у ўз-ҳаётига қасд қилдими, ўлими табиий юз бердими, бахтсиз ҳодиса натижасида ёки қотилнинг тажовузидан содир бўлди, деган саволларни аниқлашга қаратилади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда топилган одамнинг мурдаси ёки маълум инсоннинг шубҳали вазиятда бедарак йўқолиш ҳодисаси криминалистик тергов услуги қоидаларига асосланган ҳолда текширилиши лозим.

Қотиллик жиноятларини содир этишда жиноятчилар турли усул ва қуролларни қўллайдилар. Қўп ҳолларда улар ўқ отиш ва совуқ қуроллар, турли уй-рўзгор буюмлари (пичоқ, теша, болта), бирор қаттиқ предмет (темир, тош каби)лар билан жароҳат етказиб содир этадилар.

Қотиллик жиноятлари бўғиш, нафас олиш йўлларини бекитиш, захарлаш, сувда чўктириш, портлатиш ва бошқа усуллари билан ҳам содир этилади.

Жиноятни содир қилиш усуллари, жиний ҳаракат мотивлари, жойи, вақти, ҳодисанинг оқибати, излар, қуроллар буларнинг барчаси қотилликнинг криминалистик тавсифини ташкил қилади. Унинг айрим элементлари эса бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, бири-иккинчисидан келиб чиқади ва тўлдиради. Айниқса жиноятнинг субъекти, жабрланувчи, ишлатилган қурол ва жиноят жойи каби элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қайси элементдан қолган излар (оқибатлар) бошқа элементларда акс этади, бирини кузатиш ва текшириш билан, иккинчиси унга боғлиқ бўлган ҳолатнинг хусусиятини келтириб чиқаради.

Жиноятнинг криминалистик тавсифини белгилашда юқорида келтирилган ҳолатларни олдинма-кетинлиги, ҳодиса жойидаги вазиятларни келиб чиқиши, бирининг оқибати иккинчисида маълум изларнинг қолдириши кабиларини аниқлаш тергов дастлабки босқичининг муваффақиятли бўлишига асос ҳисобланади.

Тергов амалиёти тажрибасига асосланган ҳолда шунини айтиш мумкинки, энг кўп тарқалган қотиллик жиноятлари уй-жой

бинолариди, жамоа жойлариди, кўчаларди содир этилади, бунда жиноятнинг оқибати, қуроллар, излар яширилмайди, қотилнинг ўзи ҳам баъзида қочмайди, бекинмайди. Бундай жиноятлар кўпинча гаразлик, ўч олиш, рашк, безорилик, икки жиной гуруҳларнинг қарама-қаршилиқ тўқнашувлари натижасида содир бўлади. Бу ҳолатларди содир этилган қотиллик жиноятларининг очилиши ва тергов жараёни унчалиқ қийинчиликни туғдирмайди. Тергов услуби тавсия этган тактик ва методик воситаларни қўллаш ва ҳодиса жойидаги қуроллар, излар, жабрланувчи шахси ва ўлим сабаби ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида версияларни ишлаб чиқиш ва терговни туғри ташкил этиш, яъни жиноятни тегишли муддатларди очиш-исботлаш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларди қотиллик жинояти яширин вазиятди, гувоҳларсиз, кечанинг қоронғулиги, одамнинг йўқлигидан фойдаланиб содир этилади.

Жиноятчи атайин тайёргарлик кўради, ҳодиса жойидаги изларни йўқотишга, қуролни ўзи билан олиб кетишга, баъзида марҳумнинг танасини бекитиш-йўқотишга ҳам ҳаракат қилади. Бундай жиноятлар тергов олиб бориш, исботлаш нуқтаи-назаридан мураккаб бўлиб, бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қотилликнинг бу турини тергов қилишди терговчи мутахассислик маҳоратини ижодий қўллай билишлиги, дастлабки суриштирув маълумотларидан туғри фойдалана олиши, кечиктириб бўлмайдиган тезкор ва тергов ҳаракатларини ўз вақтиди ва сифатли қилиб ўтказиши талаб этилади.

Жиноят содир этилган, жабрланувчининг мурдаси топилган жойларди уни амалга ошириш усули, мотивлари, қўлланилган қуроллар, содир этган шахс ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш мумкин бўлади. Жабрланувчининг шахси маълум бўлган ҳолларди жиноятчи ҳақида, марҳум билан улар орасидаги муносабат, жиноят ҳодисасини содир этиш усуллари ҳақида тегишли версиялар тузмоқ мумкин бўлади. Жиноят ҳодисаси билан жабрланувчининг танаси топилган жойлар бир бўлганди қотилликнинг асосий ҳолатлари ҳақида маълумот олиш ва дастлабки тезкор тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали жиноятди шубҳаланган шахсни топиш ва қўлга олиш имкони бўлади. Қотиллик жинояти очиқ жойларди, йўл-кўча юзасида, ташландиқ, одамлар кам юрадиган жойларди содир этилганди жабрланувчининг мурдасида бир мунча ўзгаришлар (мурда аломатлари, атроф-муҳит, об-ҳаво таъсири) юз бериши натижасида унинг шахсини аниқлаш мураккаб бўлади. Бундай ҳолларди тезкор ходимларнинг маълумотлари, қидирилайётган, бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги ахборотлар катта ёрдам беради.

Шаҳар шароитларида содир қилинадиган қотилликлар кўп ҳолларда жиноят изларини йўқотишга, мурдани бўлак-бўлак яширишга қаратилган бўлади. Қотиллар мурда бўлакларини ахлат-чиқиндилар ташланадиган жойларда, жамоа гавжум жойлардаги махсус юк сақланадиган бункерларда, бирор материалга ўралган ҳолда ёки сумка-чемоданларда қолдирадилар.

Қотиллик жиноятларининг тавсифларидан яна бири унинг содир қилиниш усулидир. Қотиллик содир қилиш усулига ишлатилган қурол, восита, ҳаракат, жиноятга аввалдан тайёргарлик кўриш ва жиноят изларини йўқотишга уриниш каби ҳолатлар кириди.

Уй-рўзгор жанжаллари, рашк, безорилик, спиртли ичимлик ва наркотик воситалар таъсири остида содир қилинадиган қотилликлар деярли олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан содир қилинади. Қотил қўлига дуч келган предмет қурол (пичок, теша, болта) ёки бошқа восита билан жароҳат етказиб, мақсадига етади.

Қотиллик ғаразли мақсадда ёки жабрланувчининг лавозими, хизмат вазифасига қарши қаратилган бўлса, жиноятчи олдиндан тайёргарлик кўради, жойини, вақтини ва қуролни белгилаб қўяди, бундай ҳолларда ўқ отиш қуроли, портловчи моддаларни тайёрлайди. Қасдини амалга оширгандан сўнг қотил қуролни, отилган ўқ ва гильзаларни ҳам олиб кетишга, оёқ ва қўл изларини қолдирмасликка ҳаракат қилади. Бу ҳолатлар қотилнинг шахси ҳақида маълумотларни олиш ва уни кимлар орасидан қидиришни қийинлаштиради.

Қотиллик жиноятининг изларини ва жабрланувчининг мурдасини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар баъзида қотилликка бошқа ҳодиса тусини бериш учун ниқоблаш усулларини ҳам қўллаш ҳоллари учраб туради. Қотил қурбонини ҳушсизлантириб ёки унга оғир жароҳат етказиб, хонанинг эшик-деразаларини беркитиб ўт қўйиб кетади, тепалик – баландликдан итариб юборади, “ўзига ўзи қасд қилган” – ниқоби тусини яратади ва ҳоказо.

Жабрланувчининг шахсини аниқлаш терговнинг дастлабки босқичида тўғри версиялар тузишга ва гумон қилинувчини топишга ёрдам беради.

Жабрланувчилар аёл кишилар бўлса, кўп ҳолларда улар зўрлик, ғаразлик ёки рашк қурбонлари бўладилар. Қотил билан жабрланувчининг ўзаро алоқалари, муносабатлари бир-бирлари билан боглиқ бўлиб, жинойий оқибатга олиб келиши сабабидан ва қасд мазмунидан дарак беради.

Жиноятда гумон қилинган қотилларнинг шахси, тергов амалиётига асосланган ҳолда қўйидагича тавсифланиши мумкин:

спиртли ичимлик ёки наркотик воситаларни истеъмол қилувчи 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркак кишилар, кўп ҳолларда қўпол муомала қилувчилар, ахлоқсиз, жамоага ва аёлларга нисбатан беҳурмат ва раҳмсиз, илгари судланган каби сифатларга эга бўладилар.

Қотилнинг баъзи ҳаракатлари – жабрланувчига нисбатан ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказиши, ўзининг яқин қариндоши, оила-аъзолари, ёш болаларни ўлдириши, уларнинг мурдаларини майда бўлақларга бўлиб, ҳар жойларга ташлаши, унинг ақли норасолигидан хабар беради, бундай ҳолларни типик вазиятларга киритиш мумкин.

Тергов амалиётида нотипик ҳоллар ҳам учраб туради. Қотил қурол билан муомала қилишни яхши билади, ҳарбий хизматда ёки алоҳида машқ асосида отиш ёки совуқ қуролларини қўллашликни эгаллаган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўришни ва содир қилгандан сўнг унинг изларини йўқотишни аввалдан белгилаб қўяди. Бундай вазиятлар терговни дастлабки босқичида бир мунча мураккабликни келтириб чиқаради.

Лекин криминалистик фаолиятнинг қонуниятига биноан ҳеч бир жиноят ўз оқибатини, изларини қолдирмай иложи йўқ, шунинг учун ҳар қандай жиноят шу жумладан, қотиллик жиноятлари ҳам муваффақиятли фош этилади.

2-§. Жиноят ишни қўзғатиш ва терговнинг типик вазиятлари

Қотиллик жиноятлари одатда оғзаки (телефон орқали) ёки ёзма равишда аризалар асосида қўзғатилади. Хабарлар даволаш муассасаларидан, ўликхоналардан, кўча-қуйда зўрлик (жароҳатлар) аломатлари мавжуд бўлган мурдалар топилгани ҳақида бўлади, айрим ҳолларда жиноят содир қилган шахснинг ўзи хабар қилади ёки ҳуқуқ муҳофаза органига айбини тан олиб келади.

Зўрлик аломатлари мавжуд бўлган мурданинг ёки унинг бўлаги топилган ҳолларда жиноят иши ҳеч қандай текширув ўтказилмасдан тезкорлик билан қўзғатилади ва дастлабки тергов ва тезкор ҳаракатлар ўтказилади.


Шахснинг бедарак йўқолган фактлари бўйича тушган аризалар, жиноят иши қўзғатилмасдан аввал унинг эҳтимол кетган (яширинган) жойлари текширилади, тириклиги ва бошқа жойда бўлиш эҳтимол ҳақида версия юритилади. Беदारак йўқолганлик ҳақидаги аризада жиноят аломатлари ҳақида хабарлар бўлса, қаерда ва қачон содир бўлганлиги ва қотилликнинг сабаб-мотивлари кўрсатилган бўлса, бедарак

йўқолган шахс «қотиллик қурбони» деган версия асосида жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ва тезкор қидирув чоралари кўрилади.

Мазкур текширув натижаларида бедарак йўқолган шахс: бахтсиз ҳодиса қурбони эмаслиги, бирор жиноят ҳаракати учун ушланган эмаслиги, даволаниш жойларида, ўликхоналарда йўқлиги, ўз ихтиёри билан яшаш жойини ўзгартирмаслиги, шахсий ҳужжатлари ва буюмлари уйда қолганлиги, гаразлик ёки ўч олиш мақсадида унга қасд қиладиган маълум шахсларнинг йўқлиги аниқланса, у “қотиллик қурбони бўлган” ва қотил унинг танасини яширган ёки йўқотишга ҳаракат қилган, деган версия мавжуд бўлади ва жиноят иши қўзғатилиб, мана шу версия – текширилади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида унга асос бўлган белги аломатлари, жиноят оқибати, содир қилинган усули бўйича қатор тергов вазиятлари ҳосил бўлади.

ҚОТИЛЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИДАГИ ТИПИК ВАЗИЯТЛАР



**ЎЛДИРИЛГАНЛИК АЛОМАТЛАРИ БЎЛГАН МУРДА ТОПИЛГАНДА ТЕРГОВЧИНИНГ
ДАСТЛАБКИ ҲАРАКАТЛАРИ**

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Хабардор шахсларни сўроқ қилиш

Криминистик экспертиза тайинлаш

Зарур ҳолларда мурдани таниб олиш учун кўрсатиш

Суд-тиббий экспертизасини тайинлаш

*Суриштирув органларига тегижор қидирув чораларини
кўришни тўттириш*

1. Қотилликнинг очик содир этилиши, қотил билан жабрланувчи ўзаро безорилик қилиб жароҳатланганлиги натижасида ўлим юз берганлиги. Уй-рўзғорда оила аъзолари жанжаллашиши, рашк ва бошқа сабаблар натижасида, шунингдек зарурий мудофаа асосида содир этиладиган жиноятлар. Бундай вазиятларда гумон қилинувчи ва жабрланувчининг шахслари маълум бўлади, ҳодиса жойида ва у ерда бўлган, эшитган-кўрган гувоҳлардан олинадиган оғзаки тезкор маълумотлар етарли бўлиб, жиноят ҳодисаси ва унинг айрим ҳолатлари бўйича тегишли версиялар тузилади.

Бундай ҳолларда терговнинг дастлабки босқичида ҳодиса жойини ва мурда топилган жойни кўздан кечириш ва кечиктириб бўлмайдиган тезкор қидирув чораларини ўтказиш, гумон қилинувчини ушлаш, суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш каби чоралар кўрилади.

2. Қотиллик яширинча (хуфёна) содир этилади, лекин жабрланувчининг танаси беркитилмайди, ниқоблаш ва қотилликка бошқа жиноят тусини берилмайди. Бундай вазиятлар босқинчилик, талончилик, аёл-қизларнинг номусига зўрлик ишлатиб тажовуз қилиш ва бошқа моддий гаразлик мақсадида содир этиладиган қотилликларда мавжуд бўлади. Шунингдек юқорида келтирилган вазиятлар, икки жинойий гуруҳ орасида келиб чиқадиган низолар ва буюртма (қотилни ёллаш билан содир этиладиган) жиноятларда ҳам мавжуд бўлади.

Кўрсатилган вазиятларни бартараф қилишлик учун биринчи навбатда ҳодиса жойи кўздан кечирилади, кўрган-эшитган гувоҳлардан маълумот олиш, жиноятда гумон қилинувчиларни аниқлаш ва қўлга олиш чоралари кўрилади.

Жабрланувчининг мурдаси кўздан кечирилиб, сўнгра тиббиёт экспертизасини ўтказиш билан ўлим сабаби, вақти, жиноят қуроллари ва бошқа масалалар ҳал этилади.

Терговнинг бошланғич даврида жиноятнинг айрим ҳолатлари, субъектлари, ишлатилган қуроллар ва булар ҳақида

тўғри версиялар тузиб тергов ишини режалаштириш, кечиктириб бўлмайдиган тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш, тергов натижасини муваффақиятли бўлишига асос бўлади.

3. Қотиллик яширинча (хуфёна) содир этилади, жабрланувчининг мурдаси мавжуд, шахси маълум бўлиб, жиноят содир этилиш механизми номаълум бўлади. Кўзга ташланадиган зўрлик аломатлари бўлмайди, ўлим сабаби дастлаб аниқланишича бахтсиз ходиса, ўз жонига қасд қилиш, тасодифий касаллик натижасида ёки қотилликка бошқа жиноят тусини бериш мақсадида ниқобланган вазиятлар мавжуд бўлади. Келтирилган вазиятларнинг ҳар бири юзасидан версиялар тузишда уларга етарли аломатлар бўлиши ва улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлмоғи лозим.

4. Қотиллик яширин, гувоҳларсиз содир этилганда, мархумнинг танаси, ташқи кўриниши бир мунча ўзгарган (вақт ўтиши, қурол, ўта раҳмсизлик билан қилиниши ва ҳоказо) бўлиб, таниб олиш ҳам анча қийинчилик тугдиради. Мурда танасидаги жароҳатларнинг хусусиятлари қотиллик жинояти содир бўлганлигидан дарак беради. Мазкур вазиятни ҳал этишликда биринчи навбатда суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис ёрдамида мурданинг юз тузилиши, жароҳатларга биров тиббий-жарроҳлик чоралари қўлланилиб, иложи борича тириклик ҳолати сунъий тикланади, кийимлари тартибга келтирилади, юзидаги ортиқча ифлосликлар, қон ва бошқа моддалардан тозаланиб сўнг таниб олишга кўрсатилади. Мархумнинг шахси аниқлангач, версия юритиш билан гумон қилинувчи изига ҳам тушиш мумкин бўлади. Гумон қилинувчилар илгари судланганлар, спиртли ва наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар орасидан қидирилади.

5. Қотиллик содир этилгандан сўнг, кўп вақт ўтиб, мурда чириши натижасида мархумнинг фақат суяк қолдиқлари (скелети) топилади. Баъзида мархум кийимининг айрим бўлаклари сақланиб қолади, суяк тўқималарида жиноят қуролининг излари, кесилиш, янчилиш аломатлари сақланади.

Терговнинг дастлабки босқичида мурданинг шахси номаълум бўлади, лекин мархумнинг суяк қолдиқлари топилган жой, атроф-муҳит, суяк тўқималаридаги жароҳат излари ва бошқа аломатлар қотиллик жинояти содир бўлганидан дарак беради. Бундай вазиятда мурданинг суяк қолдиқлари топилган жой кўздан кечирилади, атроф-шароитлари ҳам текширилади, суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис иштирокида тахминан жиноят содир бўлган вақти, ўлим юз бергандан бўён қанча вақт ўтганлиги, ўлимга сабаб бўлган жароҳатлар ва қандай қурол билан етказилганлиги аниқланади.

ИИВ ахборот маркази бўлимларидан бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларни мазкур шахси номаълум скелет – мурдадаги ташқи тузилиш (антропологик) аломатлари билан қиёслаш лозим бўлади. Дастлабки тергов ва тезкор ҳаракатларидан олинган натижалар асосида жабрланувчи, жиноятда гумон қилинувчи ҳақида тегишли версиялар тузилиб, тергов олиб борилади.

6. Қотиллик жинояти содир этилганидан сўнг, жабрланувчининг танасини яшириш, жиноят изларини йўқотиш мақсадида бўлакланади ва ҳар ҳил жойларга ташланади (беркитилади). Мурданинг айрим бўлаги топилиши натижасида қўзғатилган жиноят иши бўйича мазкур вазиятни қўйидагича ҳал этиш тавсия қилинади:

- топилган мурда бўлаги қандай ҳолатда, бирор материал, қоғоз ёки целлофан пакетга солинганми;

- ўраш (упаковка қилиш), ип, канаф, бинт ва бошқалар билан боғланганлик усуллари;

- қотиллик ва бўлаклаш қачон содир қилинган, жиноят қуроли, бўлаклаш усули;

- тананинг бошқа қисмлари топилганда улар бир шахсни эканлиги ва бошқа ҳолатлар ҳам аниқланади.

7. Бедарак йўқолган шахсларнинг «жиноят қурбони» деган тахмин асосида жиноят иши қўзғатилади. Бедарак йўқолган шахснинг мурдаси топилмаган бўлиб, у ҳақиқатда қотиллик жинояти қурбоними ёки ўз ихтиёри билан кимлардандир яшириндими (жиноий-жавобгарликдан, бирор душманидан, ҳаёти хавф остида бўлганидан ва ҳ.к), бошқа ҳудудларда ёки касалхоналарда исми-шарифини ўзгартириб яшаб, даволаниб юрибдими.

Бундай вазиятни ҳал этишда юқорида келтирилган барча ҳолатлар юзасидан, версиялар тузилиб, текширилади. Мурда топилмаган ҳолларда, жиноят излари, бедарак йўқолган шахсга тегишли буюмлар топилиши ва қотиллик ҳақида етарли маълумотларнинг тупланиши “қотиллик жинояти содир этилган” деган версияга асосланади. Умуман тергов ва тезкор чоралари ана шу асосли версияни текширишга қаратилиши лозим.

8. Янги туғилган чақалоқ боланинг мурдаси топилиши асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари. Бундай вазиятда болани онанинг ўзи ёки бошқа унга яқин бўлган шахслар томонидан ўлдирилган, деган версиялар ҳосил бўлади. Дастлаб боланинг ўлдирилиш механизми, ўлим сабаби, туғилганда тирик эдими ёки ўлик ҳолда туғилдими, деган масалалар ҳал этилади.

Терговнинг дастлабки босқичида ва сўнгги босқичларида ҳам боланинг онаси қидирилмоғи лозим, чунки терговда ҳал

қилинадиган барча масалалар ва ҳолатлар унга боғлиқ бўлиб, ишнинг очилиш калити ҳам боланинг онаси ҳисобланади.

3-§. Терговнинг дастлабки босқичи

Терговнинг мазкур босқичида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этмоқ зарурдир. Содир бўлган жиноятнинг барча элементлари: қотилнинг шахси, жабрланувчининг шахси, қотилликнинг мақсади ва қасднинг мотиви, жиноий ҳаракат жабрланувчининг шахсига қарашлими ёки унинг жамиятдаги мавқеи-лавозимига қарши қаратилганми, жиноятни бир шахс ёки гуруҳ томонидан содир қилинганми, қотил топилмаган бўлса уни тезкор қидирув чораларини қўллаб яширинган жойини аниқлаш ва қўлга олиш, жиноят қуролини топиш, ғаразли мақсадида содир қилинган қотиллик ишлари бўйича ўғирланган, олиб кетилган қимматликларни қопдириш чоралари кўрилади.

Терговни тўғри ташкил қилиш ва ҳаракатларни тегишли олдинма-кетинликда олиб бориш учун, аниқланиши лозим бўладиган барча ҳолатлар юзасидан версиялар тузиш, терговни режалаштириш, тезкор-қидирув ходимлари билан яқиндан ҳамкорликда бўлиш, қотилликнинг мураккаб вазиятларини тергов қилишда тезкор-тергов гуруҳини ташкил қилиш билан олиб бориш зарур бўлади.

Терговнинг дастлабки босқичида кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор ҳаракатларини ўтказмоқ лозим бўлади. Булардан биринчи навбатда қотиллик ҳодисаси юз берган ва жабрланувчининг мурдаси топилган жойлар кўздан кечирилади.

Кўздан кечириш ҳаракатининг умумий тартиб қоидалари мазкур дарсликнинг тактика қисмида тўла ёритилган бўлиб, қотиллик жиноятларини тергов қилишда содир бўлган ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда, кўздан кечиришнинг тактика қоидаларини қўллаш билан юқорида келтирилган вазифаларни ҳал қилмоқ мумкин бўлади.

Жиноят содир бўлган жой билан жабрланувчининг танаси топилган жой бир бўлса, кўздан кечириш, мурдадан, яъни марказдан бошланмоғи маъқул бўлади, сўнгра атроф-муҳит, жиноятчининг кириш-чиқиш йўллари, излар, жиноят қуроли ва бошқалар кўздан кечирилади.

Қотиллик жиноятлари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос вазифалари мавжуд. Биринчи навбатда жиноят содир бўлган ва мурда топилган жойлар турли бўлса қон изларининг хусусиятлари, суркалиш, томчи каби шакллари мурданинг бир жойдан иккинчи жойга олиб келишда ҳосил бўлади, қўшимча равишда ерда судралиш излари ҳам мавжуд

булади. Қотиллик содир бўлган жойда топилган мурда ёнида қон излари сачраш, оқиш ва кўп миқдорда кўлмак шаклда ҳосил булади. Бу белгиларнинг йўқлиги мурда бошқа жойдан келтирилган, транспорт воситасида олиб келинган, деган версияга асос булади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда икки гуруҳ изларга эътибор бермоқ лозим. Биринчи гуруҳ излар қотил билан жабрланувчининг ўзаро ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган излар, қотилнинг жароҳат етказиш услуби, қуроли, жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиши, ҳимояланиш каби ҳолатларидан ҳосил бўладиган аломатлар.

Иккинчи гуруҳ излар жиноий ҳодисага алоқаси бўлмаган шахслардан қоладиган излардир. Бу икки хил изларни мазкур жойда ҳозир бўлганлар, гувоҳлардан олинадиган оғзаки маълумот асосида олиш мумкин. Шунингдек, тезкорлик суриштируви орқали ҳодиса жойининг аввалги ҳолати ва унга қандай ўзгаришлар киритилганлиги ҳам аниқлаб олинади.

Жабрланувчининг мурдасини кўздан кечиришда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қуйидагилардир:

- шахси, ҳужжатлари ёки бошқа буюмлари, кийимлари, ташқи қиёфаси, алоҳида белгилари;

- қотил билан, оила аъзолари, қариндошлари ҳамкасабалари ва бошқа танишлари билан алоқаси;

- ўлимнинг юз берган вақти, сабаби, етказилган жароҳатларнинг қайси бири ўлимга сабаб бўлганлиги;

- жиноий ҳаракатнинг механизмини, жароҳатлар қандай қурол билан етказилганлиги;

- қотиллик жинояти содир қилинаётганда кимлар бўлгани, эшитгани;

- жиноятнинг субъектив томонини, қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир бўлганлиги.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг баъзиларини аниқланиши жиноятчини қаердан ва кимлар орасидан излашга имкон беради.

Ўлим вақти мурда аломатлари асосида (совиш, қотиш, доғларнинг ҳосил бўлиши, чириши ва бошқалар аниқланади, ўлим сабаби жароҳатларнинг оғир-енгиллиги, олдинма-кетинлиги ва қандай қуролдан етказилганлиги, жароҳатнинг қайси-бири ўлимга сабаб бўлганлиги, мурдани кўздан кечиришда тиббиёт соҳасидаги мутахассис иштироқида белгиланади.

Жиноятни содир қилишда ишлатилган қурол сифати, жароҳат етказиш усули, ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказиш, ўлим юз бергандан сўнг ҳам қуролни ишлатиш жиноятчи шахсидан хабар беради. Ўлдирилганнинг шахси

номаълум бўлиб, терговнинг бошлангич даврида аниқланмаган бўлса, жиноий рўйхат қондасига биноан шахси номаълум мурда картаси тузилади, қўл ва ўн бармоқ излари бўйича дактилокарта тайёрланади, асосий ва қўшимча формула чиқарилиб, рўйхатга олинади.

Дактилокартада ташқи қиёфа белгилари, айрим кўзга ташланадиган белгилар кўрсатилади. Терговнинг сўнги босқичларида ана шу карталар асосида жабрланувчининг шахси таниб олишга кўрсатилиб, аниқланади. Информация маркази маълумотлари асосида бедарак йўқолганларнинг шахслари қиёсланади.

Мурда бўлаги топилиши асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича бўлак топилган жойда кўздан кечирилади, унинг ўралган, ўралмаган ҳолатига, жароҳатларнинг хусусияти, тахминан қандай қуролдан етказилганлигига эътибор берилади. Бўлак ўралган материал сифати (қоғоз, мато, целлофан) гуруҳ мансублиги белгиланади.

Мурда бўлаги бўйича жабрланувчининг жинси, ёши, миллат гуруҳи, иложи борица индивидуал белги-аломатлари хатга олинади.

Жиноят содир этилган ва жароҳат етказилган вақт, ўлим содир бўлиш вақти ва сабаби, мурданинг қотилликдан сўнг қанча муддат ўтгандан сўнг, қандай қурол ва усулда бўлакланганлиги, касб-ҳунар хусусияти ҳам кўздан кечириш натижасида белгиланади. Кўздан кечириш ўтказилиб, барча маълумотлар баённомада акс эттирилгандан сўнг суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, юқорида келтирилган версиялар дастлабки маълумотлар ўз тасдиғини топтоғи лозим бўлади.

Ҳодиса жойини, мурдани (бўлагини) кўздан кечириш билан бир қаторда тезкор-қидирув ҳаракатлари ҳам ўтказилади. Биринчи навбатда ҳодиса жойида ҳозир бўлган кўрган билганлардан оғзаки маълумотлар олинади, қачон, ким томонидан эътибор берилиб, жиноят излари аниқланганлиги, жиноятчи ҳақидаги маълумотлар, ўзгариб-босилиб кетмаган, “иссиқ” из-аломатларни аниқлаш юзасидан махсус итлар ишга солинади, маълум шахслар орқасидан кузатувлар ўтказилади, ахборот-маълумот марказидан бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотлар, ташқи қиёфа белгилари ва шу каби бошқа маълумотлар йиғилиб, улар сўнги тергов ҳаракатларини ташкил қилиш ва ўтказишга, янги версияларни тузишга ёрдам беради.

Кўздан кечириш ва тезкор қидирув чоралари ёрдамида топилган бошқа мурда бўлаклари ўзаро қиёсланиб, бир шахснинг танасига тегишли эканлиги аниқланади.

Ҳодиса жойини, мурда ва унинг бўлагини топилган жойида

кўздан кечирилгандан сўнг суд-тиббиёт экспертизаси тайинланади. Экспертиза ҳал қиладиган масалалар қуйидагилардир:

- жабрланувчининг танасидаги жароҳатларнинг тавсифи;
- жароҳатлар қандай қурол билан етказилган;
- жароҳатларнинг қандай олдинма-кетинликда етказилгани;
- ўлим вақти ва сабаби, қайси жароҳат ўлимга сабаб бўлгани;

- жароҳатларнинг сони кўп бўлган тақдирда, қайсилари ҳаётий даврида, қайсилари ўлим юз бергандан сўнг етказилганлиги;

- жароҳатлар жабрланувчининг ўзи томонидан етказилиши мумкинми ва бошқалар.

Мурда бўлаги ва бир неча бўлаклари юзасидан экспертиза текширувида ҳал қилинадиган масалалар:

- мурда бўлаклари бир шахс танасига тегишлими;
- мурда бўлаги (бўлаклари) бўйича жабрланувчининг шахсига тегишли маълумотлар жинси, миллати, тахминан ёши, касб-ҳунари ва бошқалар;

- жароҳатлар мавжуд бўлса, қандай қуролдан етказилган, тирик вақтида ёки ўлим юз бергандан сўнг етказилганми;

- мурдани бўлаклаш қандай қурол-асбоб ва усул билан содир этилган, касб-ҳунари ва бошқалар;

- қотиллик содир қилинган ва мурда бўлакланган вақти;

- мурда бўлаги таркибида бегона моддалар (заҳарловчи, алкоголь, наркотик) қолдиқлари мавжудми ва шу каби жиноятга оид бўлган бошқа масалалар.

Бедарак йўқолган шахсларни «жиноят қурбони» деган версия асосида қўзғатилган ишлар юзасидан тегишли текширувлар, тезкор-қидирув чоралари ўтказилиб, йўқолган шахс жиноят, бахтсиз ҳодиса ёки бошқа бирор ҳодиса қурбони, деган версияни текшириш лозим бўлади, унинг мурдаси қидирилади, топилган ҳолларда шахси аниқланиб, бедарак йўқолган билан қиёсланади.

Бундай вазиятни мурда мавжуд бўлган ҳолатлар каби дастлабки кўздан кечирув ва суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилиб, тергов давом эттирилади.

Бедарак йўқолган шахснинг мурдаси топилмаган ҳолларда терговнинг дастлабки босқичида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим бўлади:

- йўқолган шахснинг ташқи қиёфа белгилари, яшаш тарзи, қариндошлари, оила аъзолари билан мулоқоти, кимлар билан зиддиятли муомалада бўлганлиги ҳақидаги ва бошқа маълумотларни аниқлаш;

- бедарак йўқолган шахснинг ҳаёти давридаги фотосуратини топиш ва ишга қўшиш;
- қўл-бармоқ излари алфавит дактилокартаси информация марказида текширилиши;
- дастхати, ўз қўли билан ёзилган хужжатларни ишга қўшилиши;
- бедарак йўқолганлик ҳақида ариза берган шахсни сўроқ қилиш билан у қачон, қаерда охириги марта кўрганлиги, суҳбат, хабар қандай мавзуда бўлганлигини аниқлаш;
- йўқолган шахс қандай кийимда бўлган, руҳий, эмоционал ҳолати, қандайлиги, бирор қиммат нарса сотиб олиш ёки сотиш ҳақида гап бўлганми каби маълумотларни тўла ва аниқ равшанлантириш.

Бедарак йўқолган шахснинг «жиноят қурбони» деган версияни текшириш учун, унинг мурдасини, жиноят қуроли ва изларини, қон изларини, ариза берган шахснинг яшаш жойида, йўқолган шахснинг охириги бўлган манзили-жойида ва бошқа жиноятда гумон қилинганларнинг турар жойларида ёзилаш лозим. Топилган излар, ашёлар бўйича тегишли текширувлар ўтказилади.

Янги туғилган чақалоқни онаси томонидан ўлдирилиши ёки ташлаб кетилиши натижасида ўлим юз бериши ҳодисаларини тергов қилишда биринчи навбатда боланинг мурдасини топилган жойида кўздан кечирилади, унинг ўралганлиги, материалнинг ўзига хос хусусиятлари, яланғоч, ярим яланғоч ҳолати янги туғилганлик белгилари, ўлим юз берган вақтдан топилгангача бўлган муддат, танасида қандай жароҳатлар мавжуд, ўлимнинг сабаби, жиноятнинг механизми аниқланади. Кўздан кечириш жараёнида ва сўнгра экспертиза текшируви ўтказилиб, бола тирик туғилганми ёки ўлик ҳолдами, тирик туғилган бўлса, туғилгандан сўнг неча вақт яшаган, туғилиш шароити ва жойлари (касалхонада, уйда ёки бошқа жойда) аниқланади.

Боланинг онасини топиш дастлабки тергов вазифаларидан бири. Аҳоли гавжум яшайдиган шаҳар шароитларида бу масалани ҳал этмоқ анча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Касалхоналар (туғруқхоналар)га мурожаат қилган оналарнинг шахси аниқланади, уларнинг қандай масала бўйича мурожаат қилганликлари: туғиш, она бўлиш ёки ҳомилани тушириш, туғишни олдини олиш масаласи бўйича текширилиб, улар ичида қайсиларининг ҳомиладан бўшалиши номаълум шароитда юз берганлиги ва касалхонага мурожаат этмаганлиги ҳоллари бўйича текширилади, ўлган боланинг онаси шулар орасидан қидирилади.

Шубҳаланувчи аёл биринчи навбатда тиббиёт хужжатлари

асосида, сўнгра гувоҳлантириш ва экспертиза текшируви ўтказиш билан қачон тўққан, саломатлик ҳолати, туғиш жараёни нормал кечганми, туғиш оқибатида ноҳуш ҳоллар юз берганми аниқланади. Кўрсатилган вазиятлар ҳал этилгандан сўнг, муайян аёлдан гумон қилиш учун етарли асослар яратилади ва уни сўроқ қилиш ҳам мумкин бўлади. Сўроқ ўтказишдан олдин терговчининг кўлида гувоҳлантириш, кўздан кечириш баённомалари, суд-тиббийет экспертизаси хулосаларининг бўлиши улар далил сифатида ишлатилиб, ёлгон кўрсатув беришининг олдини олишга ва фош этишга ёрдам беради.

4-§. Терговнинг кейинги босқичида ўтказиладиган ҳаракатлар

Тергов жараёнининг кейинги босқичи дастлабки тергов ва тезкор-қидирув чоралари натижасига боғлиқ. Сўроқни жиноят ҳодисасини кўрган, эшитган ва муҳим маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлардан бошлаш керак. Тезкор-қидирув чоралари ёрдамида аниқланган гумон қилинувчилар ушланиб, тегишли муддатларда сўроқ қилиниши ва уларнинг кўрсатувлари текширилиши лозим.

Кўздан кечириш натижасида топилган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли излар юзасидан криминалистик экспертизанинг алоҳида турлари ўтказилади. Жумладан, транспорт воситаси ёрдамида содир қилинган жиноятлар бўйича излари трасологик, йўл ҳаракат қондасини қасддан бузиш ва йўловчини босиб кетиш ҳолатлари авто-техник экспертиза, айрим синган ва алоҳида бўлақлар бўйича бутун бир предмет – қуролни аниқлашда трасологик, жиноий ҳодисасига тегишли бўлган турли ҳужжат матнлари бўйича хатшунослик текширувлари ўтказилади.

Отиш қуроли воситасида содир қилинган қотиллик ишларида қурол ва унинг ҳарбий қисмлари юзасидан баллистик идентификациявий текширув ва совуқ қуролларнинг баллистик экспертизаси ўтказилади.

Жиноят содир бўлган жойда, жабрланувчининг ва ишда гумон қилинувчининг танаси-кийимида турли модда ва микроматериаллар топилиши мумкин, хусусан жиноятчи пойабзалининг тагчармида ҳодиса жойидаги тупроқ ва турли биологик заррачалар, жабрланувчи кийимининг устки қисмида жиноятчининг эгнидан микрозаррачалар ўтиш ҳоллари амалиётда кўп учраб туради. Бу микрозаррачаларни текшириш натижасида материал, модда ва маҳсулотларнинг қайси гуруҳга мансублиги, баъзида эса айнанлиги аниқланади

Келтирилган маълумотлар гумон қилинувчининг жиноят содир бўлган вақтда «мен бошқа жойда эдим, умуман ҳодиса жойида бўлмаганман» - деган важининг ёлғонлигини фош этиб, аксинча ҳолатни тасдиқлашга имкон беради.

Тергов жараёнида олинган хабарлар, турли экспертиза хулосалари, тергов эксперименти натижаларида янги ҳолатлар маълум бўлиши мумкин. Бу вазиятлар ва ҳолатларни ҳал қилиш учун баъзида дафн этилган жабрланувчининг жасадини кўмилган жойидан қайта очиб олиш, эксгумация қилиш ва турли экспертиза текширувидан қайта ўтказиш ҳаракатлари ҳам амалга оширилади. Эксгумация ўтказиш учун зарурат суд-тиббий экспертизасини қайта-такрорий ўтказиш ва номаълум матннинг шахсини аниқлаш учун ҳам тугилади. Мазкур тергов ҳаракати махсус қарор ва прокурор рухсати асосида, дафн этилганнинг яқин қариндош-уруғларининг рози-норозилигидан қатъи назар, ўтказилади.

Терговнинг бу босқичида айбланувчини сўроқ қилиш зарур бўлади. Сўроқ ўтказиш учун иш юзасидан йиғилган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертиза хулосалари ва бошқа маълумотлар яна бир бор таҳлил этилиб, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқми, орасида зиддият вазиятлар мавжудлиги текширилиб, айбланувчини сўроқ қилиш давомида уни ёлғон кўрсатув беришига қарши қўлланилиши мумкин.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатувини текшириш ва ҳақиқатни исботлаш учун уни таниб олишга кўрсатиш, айрим берган маълумотлари асосида тергов эксперименти юзлаштириш ўтказилади. Шунингдек, айбланувчининг кўрсатувларини ҳодиса ва жиноят жойида қайта текшириш билан ҳам тўғри-нотўғри эканлигини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Қотиллик жиноятини содир қилишда қўлланилган усуллар, алоҳида ўта раҳмсизлик ҳаракатлари, қурол хусусияти, жиноят қурбони бўлган шахс мурдасини бўлаклаш ҳолатлари юзасидан айбланган шахснинг ақли расолигини аниқлаш учун албатта суд-психиатрия текширувидан ўтказилиши лозим.

Жиноятда айбланганнинг ушланган жойида, яшаш манзилида зарур бўлганда тинтув ўтказмоқ мумкин. Тинтувнинг мақсади жиноят қуролини, изларини, ўғирланган қимматбаҳо буюм, пул маблағларини топишдан иборатдир.

Таниб олишга кўрсатиш, тергов эксперименти, юзлаштириб сўроқ қилиш ҳаракатларини криминалистик тактиканинг умумий қоида тартибига риоя қилган ҳолда амалга оширмоқ лозим. Айрим вазиятларни ҳал этишда ишнинг ўзига хослик томонларини назарда тутган ҳолда у ёки бу тактик қоидаларни қўллаш лозим.

Терговнинг сўнги босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг олдинма-кетинлиги, баъзида такрор ўтказилиши, аниқланаётган ҳолатнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, ҳар хил вазиятни ҳал этиш терговчининг мутахассис сифатидаги савиясига ва ишдаги тажрибаси ва ижодий ёндошувига боғлиқ бўлади.

26-боб. НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Номусга тегишнинг криминалистик тавсифи

Номусга тегиш жинояти - шахсга қарши қаратилган оғир жиноятлардан биридир. Криминалистик тавсиф шу билан белгиланадики, бунда терговчи номусга тегиш ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш билан бир қаторда, жабрланувчи ушбу жиноятни содир этган деб кўрсатаётган шахсга тухмат қилмаётганлигини аниқлаши лозим бўлади. Ушбу жиноят асосан гувоҳларсиз содир этилади, шунингдек ҳар бир одамнинг шахсий ва жинсий ҳиссиётларига дахлдордир. Бу ҳолатлар жабрланувчи томонидан кўрсатув берилганда ўз ифодасини топади.

Бу каби жиноятларни тергов қилиш амалиёти жабрланувчига ўтказиладиган таъсир кучлилигидан далолат беради. Манфаатдор шахслар жабрланувчини алдаб ўзига оғдириб олиши, уйланишни ваъда қилиши ёки турли хил таҳдидлар, қўрқитишларни амалга ошириши ва бошқа йўллар билан руҳий таъсир ўтказиши мумкин. Кўп ҳолларда жабрланувчи ўз кўрсатувларини ўзгартиради, яъни ҳодиса содир бўлмаган ёки умуман бошқа номаълум шахс томонидан содир этилган ёхуд жинсий алоқа ихтиёрий бўлган, деб аризалар берадилар.

Бу тоифадаги жиноятларда жабрланувчининг кўрсатувлари далилларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун жабрланувчининг кўрсатувларини ҳар томонлама ва синчковлик билан ҳолисона текшириш лозим. Чунки айрим ҳолатларда жабрланувчи турли мотив-мақсадларда айбланувчига тухмат қилиши ҳам мумкин.

Номусга тегиш жиноятларининг содир этилиш усулини иккига бўлиш мумкин. Биринчи усулда жабрланувчига тўсатдан ҳужум қилиш орқали содир этилади, тажовуз очик жойда ёки биноларда бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳақорат сўзлар ва жисмоний куч ишлатиб ёки бирон-бир восита орқали таҳдид қилиниши мумкин. Ёрдамга чақириш, қаршилиқ кўрсатишни бартараф қилиш мақсадида жабрланувчининг оғзи ёпилади, қўллари боғланади, наркоз ҳам ишлатилиши мумкин. Кўп ҳолларда жабрланувчининг кийимлари йиртиб ташланади.

Иккинчи усулда жиноятчи жабрланувчи билан таниш бўлган ёки биринчи танишиш пайтида қўлланилади. Бундай ҳолатда ҳам ҳужум тўсатдан бўлиши мумкин. Лекин, бундан ташқари бошқа усуллар ҳам қўлланилади. Жабрланувчи дастлаб маст ҳолатга

келтирилади, унинг диққатини турли суҳбатлар, турли предметлар, пейзажлар, парнографик суратлар томоша қилиш билан чалғитадилар. Жабрланувчининг иссиқ хонада ўзининг устки кийимини ечишидан фойдаланадилар. Баъзан жинсий мулоқотга оид гаплар ва ҳатти-ҳаракатлар қўлланилади. Бу охирги усуллар одатда вояга етмаганлар ва ақли заифларга нисбатан қўлланилади.

Юқоридаги усуллар шуни кўрсатадики, бундай жиноят ишларида жабрланувчи ва айбланувчининг хулқини далиллар йиғиндиси асосида номусга тажовуз қилинганми ёки йўқлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай тоифадаги ишларда излар ва ашёвий далиллар, жабрланувчи, айбланувчининг танасидан, кийимларидан ва ҳодиса содир бўлган жойдан олинадиган (тан жароҳатлари, биологик излар, микрозаррачалар, ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ўзгариши).

Номусга тегиш жиноятдан қолган айрим излар тезда йўқолиш характерига эга (қон, сперма, жинсий аъзоларидаги айрим излар). Шунинг учун терговчи бу изларни тезда топиши ва қайд қилиши, уларни синчиклаб текшириши лозим. Бу далиллар кейинчалик жабрланувчи ва айбланувчи, гувоҳларни кўрсатувларини текшириш имкониятини беради.

Номусга тегиш жинояти бўйича қуйидаги версиялар юритилади.

Айблов версияси: айбланувчи, жабрланувчининг эркига қарши унинг номусига теккан; айбланувчи ҳодиса жойида бўлган деган версия илгари сурилади.

Ҳимоя версияси: айбланувчи ҳодиса содир бўлган жойда бўлмаган, жинсий алоқага киришмаган ёки аризачининг хоҳиши билан жинсий алоқага киришган, жабрланувчи айбдор шахсни таърифлашда янглишган ёки атайлаб қасддан ушбу шахсни кўрсатмоқда, аризачига ҳеч ким тажовуз қилмаган деган фикр илгари сурилади.

Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар исботланиши лозим:

НОМУСГА ТЕГИШНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИНИНГ АСОСЛАРИ

АНИҚЛАНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Жинсий алоқа бўлаганми, у табиий ҳолати ёки бузуқ кўринишда содир этилганми?

Зўриқ ишлатилганми, у қандай йўсида бўлган: номусга тегиш вақтида жабрланувчининг қаринлиги қандай усулда бартариф этилган (жисмоний куч, дуҳ ва нўписа қўлланилган, жабрланувчининг оғизлигидан фойдаланилган)?

Номусга тегиш қачон ва қаерда содир этилган?

Номусга тегишнинг оқибатлари қандай?

Ким номусга теккан: унинг тавсифи: номусга тегиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилмаганми: улардан ҳар бирининг иштироки қан қаражсизда бўлган?

Жабрланувчи ким? Унинг ёши, тавсифи

Содир этилган номусга тегишдан ёки унга тайёргарликдан ким хабардор эди: ким уни яшириш чораларини кўрган?

Номусга тегиш имконини берган сабаб ва шартлар

- зўрлаш аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- агар зўрлаш аломати мавжуд бўлса, қачон, қаерда ва қандай ҳолатда содир этилган;
- зўрлаш жисмонан ёки руҳий кўринишга эга эканлиги;
- жабрланувчи оғир аҳволга тушганми, у нимада ифодаланади;
- жабрланувчининг аҳволи қандай, унинг ёши, соғлиги, (жинсий алоқага бўлган умумий муносабати қандай);
- айбланувчининг тавсифи, ёши, жабрланувчига бўлган муносабати, руҳий ҳолати, судланганлиги;
- номусга тегиш гуруҳ томонидан содир этилганда, зўрлаганларнинг ҳар бирини роли;
- номусга тегиш қандай оқибатларни келтириб чиқарган;
- тан жароҳатларининг сабаби;
- ҳомиладорлик ҳолати;
- таносил касаллиги билан зарарланмаганми;
- моддий ва маънавий зарар;
- жиноятнинг сабаби ва содир этиш шароити.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Бундай жиноят ишларига икки ҳолат ҳосдир: айбланувчи, жабрланувчи билан таниш ёки нотаниш. Бу ҳолатларни бири-биридан фарқи шундаки, айрим ҳолатларда нотаниш киши жабрланувчига бирдан тажовуз қилмайди, балки танишиш учун ҳаракат қилади. Таниш шахслар кутилмаганда тажовуз қиладилар, жабрланувчи бундай ҳолатни кутмайди, чунки эркак кишини танийди ёки уни тажовуз пайтида кўрмай қолиши ҳам мумкин.

Юқоридаги икки ҳолатни текширишда қуйидаги масалалар ҳал қилинади; жинсий алоқада бўлганлик факти мавжудми, жисмоний ёки руҳий зўрлик излари мавжудми ва қандай даражада.

Жинсий алоқада бўлганлик изларини, зўрлик аломатларини ва жиноятини аниқлашда жабрланувчи сўроқ қилинади, тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилади, ҳодиса содир бўлган жой текширилади, жабрланувчи, гумон қилинувчига нисбатан суд тиббиёт экспертизаси тайинланади, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш. Жабрланувчини сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Терговнинг йўналиши унинг натижасига боғлиқ. Шунинг эътибордан четда қолдирмаслик керакки, жабрланувчи руҳий тушкунлик ҳолатида янглишиши мумкин. Шунинг учун сўроқ қилиш режа асосида, натижаси эса ҳар томонлама текширилиб кўрилиши лозим.

Сўроқда жиноят содир қилинган вақт, тажовуз жойи, тажовуз тўсатдан қилинганми ёки жабрланувчи қандай усулда қаршилиқ кўрсатган, бақирганми, ёрдамга чақирганми, қандай овозда, тажовузчини тишлаганми ёки тирнаганми, жинсий алоқа охирига етказилганми, агар охирига етказилмаган бўлса нима сабабдан, тажовуз натижасида жабрланувчининг танасида қандай жароҳатлар мавжуд.

Жабрланувчи тажовузга қадар жинсий алоқада бўлганми, бўлган бўлса қачон (аниқ вақти) ҳомила ёки ҳайз (ой кўриш) ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Шунингдек, тажовуз пайтида жабрланувчининг устида бўлган кийимлари сақланиб қолганми ёки қолмаганлиги ҳақида батафсил маълумот олинади.

Сўроқ жараёнида руҳий зўрлик ишлатилганлигини аниқлаш мақсадида қуйидагилар аниқланади: тажовузчи қандай таҳдид ишлатган, қандай зарар етказишни кўзлаган, қандай ҳуқуқлар бузилган, тажовузчи қачон таҳдидни амалга оширишни кўзлаган,

тахдид қандай кўринишга эга бўлган (сўз билан, ҳаракат орқали, ишора орқали) айбланувчида таҳдидни амалга ошириш учун имкониятлар мавжудмиди ёки шу усулда таъсир ўтказмоқчи бўлганми, жабрланувчи таҳдидни қандай қабул қилган ҳолатни реал ҳолат ёки оддий кўрkitиш сифатида.

Жабрланувчи ожизлик аҳволда бўлганми ёки йўқлигини аниқлаш учун ундан содир бўлган ҳодисани фаҳмлаганми, қаршилиқ кўрсатиш имконияти бўлганми, ҳодиса содир бўлишидан олдин спиртлик ичимликни истеъмол қилганми, агарда истеъмол қилган бўлса, қанча ва қандай ичимлик эканлиги аниқланади.

Жиноятчи номаълум бўлган ҳолатда батафсил унинг ташқи кўриниши белгилари, идрок этиш шароити аниқланади. Жиноятчини ташқи белгиларини аниқлашда, унинг алоҳида белгиларини назардан четда қолдирмаслик керак. Юриши, гапириш усули, товуши, ўзига хос ҳаракатлари, кийимидаги ва юзидаги алоҳида белгилари аниқланиши лозим. Булардан ташқари, жиноятчи қайси томондан келгани ва қайси томонга кетгани, иш жойи ёки ўртоқларидан бирортасини исмини тилга олган ёки олмаганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Терговчи жабрланувчининг кўриш, эшитиш, идрок этиш қобилиятига ҳам эътибор бериши лозим. Жабрланувчидан жиноятчини кўрса таниб олиши мумкинлиги сўралади. Жабрланувчидан жиноятчи уни кузатганми, қачон ва у буни қаерда сезиб қолган, жиноятчи билан руҳий алоқага киришганми, қайси йўл билан ҳодиса содир бўлган жойга келганлиги, тажовуздан кейин жиноятчи уни кузатиб қўйганми, деган саволлар бўлиши лозим.

Агар жиноятчи жабрланувчи билан таниш бўлса қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим; содир этилган ҳодисага қадар у айбланувчи билан қандай муносабатда бўлганлиги, учрашганми, қачон, қаерда неча марта; учрашув қандай кечган, айбланувчи жабрланувчини жинсий алоқа қилишга иштиёқ уйғотишга ҳаракат қилганми, уларни муносабатларини бузилишига олиб келган далиллар мавжуд бўлганми (хиёнат, ҳақорат, никоҳдан ўтишни рад қилиш), жабрланувчи айбланувчидан хизмат юзасидан ёки моддий жиҳатдан қарам бўлганми, тажовуздан кейин айбланувчи томонидан жабрланувчига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслик тўғрисида бирор таҳдид қилинмаганми?

Жабрланувчини сўроқ қилиш тактикасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар номусга тегиш содир этилган пайтдан бошлаб тергов ҳаракатлари олиб борилса, аёлга биринчи навбатда имконият яратиши, кийимларини тартибга солишга вақт

ажратиши лозим. Хар қандай ҳолатда ҳам жабрланувчини аҳволини тўғри баҳолай олиш керак. Бундай ҳолат терговчидан хушмуомалалик, зийраклик, ғамхўрлик талаб қилади.

Агар жабрланувчи тажовуз тўғрисида гапиришга уялса, унга бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини ва айбланувчини жавобгарликка тортиш учун асос бўлишини тушунтириш лозим. Жабрланувчи ўз кўрсатувларида тиббий атамалардан қўллаши ва ёзма тариқасида тақдим этиши мумкинлигини таклиф этиш керак. Сўроқ натижалари ижобий бўлиши учун жабрланувчини катта ёшдаги терговчилар сўроқ қилгани мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчини ҳодиса ҳақида сўроқ қилишнинг охирида жабрланувчидан ушбу шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги аризани ихтиёрий равишда бераётганлиги сўраллади.

Агар жабрланувчи ҳодиса содир бўлгандан кейин ўша заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берса (жиноятчи номаълум бўлса), тезда уни қидирув ҳаракатлари ташкил этилади. Терговчи қидирув ходимларга ўргатилган хизмат итлари билан ҳодиса жойига етиб борадилар ва гумон қилинувчи қайси томонга кетган бўлса, шу йўналиш текширилади. Жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувлари асосида қидирув ҳаракатлари ташкил этилади. Топшириқда нафақат гумон қилинувчининг анатомик белгилари, балки функционал белгилари ҳам баён этилади. Айрим ҳолатларда жиноятчи бўлиши мумкин жойларда қўриқчи, патруллар ташкил этилади.

Агар гумон қилинувчи шахс тўғрисида бирон-бир маълумот бўлса, терговчи суриштирувчига бу маълумотларни етказиб гумон қилинувчининг терговдан яшириниши мумкинлиги ва уни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида топшириқ бериш лозим. Бундай ҳолатларда гумон қилинувчини прокуратура ёки ички ишлар органларига олиб келиш буюрилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жабрланувчини сўроқ қилгандан кейин, иложи бўлса, унинг ҳамкорлигида амалга оширилади. Кўздан кечириш натижасида қуйидагилар қайд этилиши мумкин: биологик ҳарактердаги излар (сперма, қон, сўлак, ҳид, тер) олишувдан қолган қўл, бармоқ излари, жабрланувчи ва жиноятчини ҳодиса жойига қайси томондан келганлиги ва унинг пойабзал излари, қолдирган ёки тушиб қолган бошқа предметлар. Жабрланувчининг кўрсатувлари ҳодиса жойида кўздан кечириш, топилган изларни, предметларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳодиса жойини кўрсатиш вақтида жабрланувчи сўроқ пайтида ёдидан чиқарган ҳолатларни қайта эслаши ва бу ҳақда терговчига тушунча бериши мумкин.

Жабрланувчининг ҳодиса жойини кўздан кечиришда

иштироки кўп ҳолларда айбсиз шахсларга тухмат қилмаётганлигини аниқлаш мақсадида ҳам ташкил этилади. Бундай ҳолларда уни кўрсатувлари батафсил текширилади. Акс ҳолда у тажовуз тўғрисида ўйдирма кўрсатув бериши ҳам мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам жабрланувчини ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнига жалб қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Жабрланувчини иштироки ва ҳар бир берган кўрсатуви баённомага қайд этилиб борилади. Жиноятчи ҳодиса жойидан ўзи билан тупроқ, чанг ва бошқа моддаларни олиб кетганлигини кўздан кечириш чоғида эътиборга олиш керак. Шунинг учун бу нарсалардан нусхалар олиш лозим.

Суд-тиббиёт экспертизаси. Жабрланувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, олинган кўрсатувларини текшириш ва масалани ҳал қилиш учун жуда зарур. Экспертиза имкон қадар зудлик билан ўтказилиши лозим, акс ҳолда тажовуз ва жинсий алоқа излари йўқолиши мумкин.

Суд-тиббиёт экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этади: жабрланувчининг жинсий аъзолари ва танасида жароҳатлар мавжудми, унинг характери, муддати, пайдо бўлиш сабаби, даражаси, нима орқали зарар етказилганлиги, номусга тегиш орқали етказилган бўлиши мумкинми, жабрланувчи маст ёки потологик ҳолатда бўлган ёки бўлмаганлиги аниқланади. Бундан ташқари, жабрланувчи олдин ҳам жинсий алоқада бўлганми, таносил касаллигига чалинмаганми, ҳомиладорлиги, жинсий аъзоларида ва танасининг бошқа қисмларида сперма, қон, изларини мавжудлиги, уларнинг гуруҳи аниқланади.

Ашёвий далиллар бўйича суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Яъни жабрланувчининг кийимлари, унда кўпгина биологик характердаги излар қолиши мумкин. Булардан ташқари, экспертизага ҳодиса жойида топилган предметлар ҳам юборилади. Айрим ҳолларда жабрланувчининг кийимлари экспертизадан ўтказишда, унинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин. Чунки бу тажовуз изларни тезда топишга ёрдам беради.

Суд-тиббиёт экспертизаси ашёвий далилларни текшираётганда қуйидаги ўзига хос саволларга жавоб беради: текширилаётган объектда қон, сперма, сўлак, соч қолдиқлари мавжудми, улар инсонга тегишлими, қон гуруҳи қанақа, бу биологик излар аниқ шахсга хос эканлиги ҳам аниқланади. Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертизаси доғ, қон, соч, изларни айнан тана қисмини қайси жойидан ажралиб чиққанлигини аниқлаб бера олади.

Сочга оид қуйидаги ҳолатлар аниқланади: узилганми,

қирқилганми, агар қирқилган бўлса, қачон, унда ифлосланиш, зарарланиш ёки аниқ предмет излари мавжудми.

Гумон қилинувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш қуйидаги ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради: жабрланувчи жинсий алоқада бўлганми, гумон қилинувчининг танасида жабрланган шахс томонидан қаршилиқ кўрсатиш пайтида етказилган жароҳат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги. Гумон қилинувчининг кийимидан топилган биологик излар кечиктирилмай олиниши ва суд-тиббиёт экспертизасига юборилиши лозим. Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертиза ходими томонидан гумон қилинувчининг танасида жабрланувчи кўриши мумкин бўлган татуировка ва ўзига хос бошқа алоҳида белгилар қайд этилиши лозим. Айрим ҳолатлар эксперт олдига гумон қилинувчи таносил касаллиги билан касалланганми ёки йўқми, агар касалланган бўлса унинг муддатини аниқлаш тўғрисида саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Жабрланувчи ва гумон қилинувчининг кийимларидан йиртилган парчаларни, пойабзалда ёки кийимларда ҳодиса жойидан олиб кетилган моддаларни ва бошқа изларни аниқлаш мақсадида криминалистик экспертизаси тайинланади. Бу экспертиза ёрдамида жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ҳодиса жойида бўлганлигини, қолдирилган микроизларни аниқлаш мумкин.

Тинтув. Гумон қилинувчидан нарсаларни олиш ва текшириш зарурияти тинтув ўтказишни тақозо этади. Тинтувда ҳодиса жойидан олиб кетилган жабрланувчига ёки яқин қариндошларга тегишли нарсалар, шунингдек жабрланувчига таҳдид солинган вақтида гумон қилинувчининг устида бўлган кийимлар топилиши мумкин.

Топилган ва олинган нарсалар ўша жойда баённомада қайд этилади (қаердан, қай ҳолатда олинганлиги) ва далилий ашё сифатида махсус идишларга солиниб муҳрлаб қўйилади.

Номаълум жиноятчини топиш. Номаълум жиноятчини аниқлашда жабрланувчининг кўрсатувларидан ташқари ишдаги барча маълумотлар ва версиялардан фойдаланилади. Гумон қилинувчининг ташқи кўриниши, белгиларига эътибор берилади. Жиноятчини ташқи кўриниши ўзига хос анатомик ва функционал белгилари, алоҳида белгилари, жиноят содир этилиш жараёнида шикастланганлиги, кийими, папкаси ва жиноятчи фойдаланган бошқа нарсалар ҳам аниқланади. Юқорида санаб ўтилган маълумотларни жабрланувчи, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижасида ҳамда тезкор-қидирув ҳаракатлари орқали олиши мумкин.

Номусга тегиш жинояти бўйича жиноятчининг субъектив хусусиятлари ўзига хос аҳамиятга эгадир. Масалан, жабрланувчи билан дастлабки танишишдаги одати қандай бўлганлиги, унинг машғулоти тўғрисидаги маълумотлар жиноятчини аниқлашга ёрдам беради. Субъектив хусусиятлар шахслар билан муносабатда намоён бўлади. Буларга жабрланувчини, унга тажовуз қилиш вақти, жойи ва жиноятни содир этиш усулини танлаши киради. Жабрланувчи билан бўлган жойда қолган изларни таҳлил қилиб фақат жиноятчининг бўйи, вазни эмас, балки ўзига хос ҳаракатлари, одати, индивидуал белгилари ҳам аниқланиши мумкин.

Шубҳаланган шахсни номусга тегиш жиноятини содир этгандан кейинги хулқи (яқин кишиларига бу ҳақда баён қилиши ёки сукут сақлаши) ҳам жиноятчи шахси тўғрисида версия юриштишга асос бўлади.

Жиноятчи шахси тўғрисида маълумот гувоҳнинг кўрсатувида ҳам бўлади. Шунинг учун терговни боришини режалаштириш жараёнида гувоҳларни топиш масаласига эътибор бериши лозим. Бу масалани ҳал қилиш жиноятчи жиноят содир этгунга қадар ва ундан кейин қаерларда бўлганлигини аниқлашдан бошланади. Қайси ҳудуддан излаш кераклиги жабрланувчининг кўрсатувлари орқали билиш мумкин.

Терговчи бундай ҳудудни аниқлаб, қайси гуруҳдаги шахс гувоҳ бўлиши мумкинлигини фараз қилади. Бу мақсадда терговчи ички ишлар ходимларига ҳодиса содир бўлган жойда ҳодисани кўрган шахсларни қидириш вазифасини топширади. Ундан ташқари, тергов органи иш юзасидан қидирув ҳаракатлари бўйича радио, телевидение, газета орқали аҳолига мурожаат қилади. Гувоҳдан жиноятчининг анатомик ва функционал белгилари, унинг ва жабрланувчини хулқи тўғрисида, жиноятни тавсифловчи бошқа ҳолатлар тўғрисида маълумот олинади. Гумон қилинувчининг жиноят содир этган жойда бўлганлигини, жабрланувчининг қаршилигига қарамай зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилганлигини аниқланади. Гумон қилинувчини ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини гувоҳнинг кўрсатувларидан, ҳодиса содир бўлган жойда қолган излар: қўл, оёқ ва пойабзал, тиш, қон, сперма, сўлак, кийим парчалари кабиларни текшириб аниқлайди. Қолдирилган нарсалар айнан гумон қилинаётган шахсга тегишли эканлигини у билан бирга ишловчи ходимларга, қўшниларга кўрсатиб аниқлаш мумкин. Бундай предметларга кийим, пойабзал, тақинчоқ ва бошқалар киради. Ҳодиса жойидан топилган нарсалардан, қолган излардан экспертиза ёрдамида гумон қилинувчига ёки бошқа шахсга тегишли эканлиги аниқланади. Агарда жабрланувчи тажовуз қилган шахснинг тавсифини

сўзлаб, қандай предметлардан фойдаланганини аниқ айтиб берса, терговчи гумон қилинувчидан ушбу предметларни топишга ҳаракат қилмоғи лозим. Гумон қилинувчини ёнидан ёки уйдан ушбу предметлар топилмаса, бошқа жойлардан, яъни гумон қилинувчининг сақлаш камерасига қўйганлиги ёки сотиб юборганлиги эҳтимол. Бундан ташқари, гумон қилинувчи бу нарсаларни ўртоғидан вақтинчага олган бўлиши мумкин. Буни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Синчковлик ва махсус сўроқ қилиш бундай ҳолатларда ижобий натижалар беради.

Гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар хил версияларни келтириши табиий ҳол, албатта. Яъни танасида топилган тирналган жойлар бошқа аёл билан бўлган жинсий алоқа натижасида пайдо бўлган деб важлар келтириши мумкин. Бу версияни аниқлаш учун гумон қилинувчига, қуйидаги саволлар берилади: бошқа аёл билан жинсий алоқада бўлганми, охири пайтда ким билан, қаерда ва қачон. Бундай ҳолатларда суд-тиббиёт экспертизаси тайинланади.

Жинсий алоқани аёлнинг эркига қарши амалга оширилганлигини исботлаш мақсадида терговчи суд-тиббиёт ходими иштирокида гумон қилинувчи баданидаги олишув изларини, тирналган, тишланган жойларни, кийимлардаги шикастланган қисмини аниқлайди. Жиноятчи мен фақат аёлнинг табиий уялишини енгиб ҳаракат қилдим, аёл бунга қаршилик кўрсатмади ва менинг томонимдан тажовуз бўлгани йўқ, деган важни билдириши мумкин. Бу ҳолатни аниқлаш мақсадида гумон қилинувчига қуйидаги саволлар берилиши мумкин: айнан аёл томонидан жинсий алоқа қилиш хоҳиши борлигини қандай ҳис қилди, танасидаги тирналган, тишланган ҳолатни жабрланувчига етказилган тан жароҳатларни қандай изоҳлайди. Юқоридаги ҳолатларни аниқлашда нафақат ҳодиса содир бўлган жойдан изларни анализ қилиш орқали, балки қаршилик кўрсатишнинг давомийлиги, чақирик, ёрдамга чорлаш каби ҳолатлар ҳам эътиборга олинади. Агар қаршилик шунчаки ёки умуман бўлмаган бўлса, бу гумон қилинувчининг жисмоний устунлиги билан боғлиқ эмасми, ҳодиса содир бўлган жой шароити қаршилик кўрсатиш бефойдалиги сабабли эмасми? Бундан ташқари, жабрланувчи кўрқиб ёки жисмоний, руҳий ҳолати, касаллиги туфайли қаршилик кўрсата олмаганлиги ҳам текширилиб кўрилади. Суд психиологик ва суд-психиатрия экспертизалари терговчига бундай масалани ҳал қилишда ёрдам беради.

Терговчи тажовуз жараёнида жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлигини аниқласа, бу ҳолатга гумон қилинувчи олиб келди-ми ёки у бундан фақат фойдалангандими аниқланади. Жабрланувчи руҳий касалликка чалинган ёки руҳий ҳолатига таъсир

қилувчи бошқа воситалар (спиртли ичимлик, руҳиятга таъсир қилувчи моддалар)дан истеъмол қилган бўлса, тажовузнинг моҳиятини англай олмаган ва қаршилик кўрсатишга ожизлик қилган бўлиши эҳтимол. Юқоридаги ҳолатлар жабрланувчидан, гумон қилинувчи ва гувоҳлардан сўроқ орқали аниқлаштирилади.

Гувоҳлар сўроқ қилинганда жабрланувчининг ҳолатини таърифловчи саволлар: юриши, гапириши, сабабсиз бақирishi, кулиши ёки йиғлаши каби далиллар аниқланади. Терговни объектив олиб бориш мақсадида қуйидаги ҳолат аниқланади: айбланувчининг ҳаракатини жабрланувчи иғво йўли билан тажовуз деб кўрсатмоқчи эмасми, у билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилмаганми?

Шахсга тухмат қилаётган бўлиши мумкин, деган версияни алоҳида текшириб кўриш лозим. Бундай версия юриштишга асос қилиб аризани кечиктириб берилиши, бундай қилишга яқин қариндошларининг таъсири бўлганлиги, тажовуз вақтини ва жойини тахминий тасвирлаши, жабрланувчининг кўрсатуви ва иш юзасидан йиғилган маълумотлар ўртасида жиддий зиддиятлар мавжудлиги, айрим кўрсатувларнинг нотўғри эканлиги, бўлиб ўтган воқеа тўғрисида эркин, бепарволик билан сўзлаш ҳолатлари олинади. Бундан ташқари ушбу версияни текшириб кўриш учун қуйидаги масалалар: жабрланувчининг номусига тегилганлиги унинг яқин қариндошларга қандай маълум бўлди, аризани ўзининг хоҳиши билан ёки бошқа шахслар таъсирида берганлиги, тажовуз излари мавжудми, жабрланувчи ва гумон қилинувчилар ҳодисага қадар ўзаро муносабати, улар қандай танишишган, тухмат мотиви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Бу саволларга жавоб топиш учун нафақат гумон қилинувчи ва жабрланувчи сўроқ қилинади, балки гумон қилинувчи ва жабрланувчини танувчи гувоҳлар, улар аҳволидан хабардор (ҳодисага қадар ёки ҳодисадан сўнг ўз кечирмалари билан ҳамсуҳбат бўлган) шахсларни топиб сўроқ қилиш лозим.

Гумон қилинувчи (айбланувчи)ларни сўроқ қилиш тактикаси. Терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилиш режасини тузганда гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш учун келтириши мумкин бўлган вазларни эътиборга олиб версиялар тузади. Гумон қилинувчининг алибисини текшириш учун номусга тегиш жинояти содир этилган вақтда қаерда ва қандай машғулот билан шуғулланганлиги тўғрисида гумон қилинувчининг важини тасдиқловчи шахслар сўроқ қилинади.

Гумон қилинувчи жинсий алоқани ихтиёрий бўлган деб жабрланувчи билан жинсий муносабати мавжудлигини асос қилиб кўрсатиши мумкин. Бу версияни текшириш учун у сўроқ

қилинганда ўзаро алоқалари қачондан бери давом этгани, бундан ўзининг ва жабрланувчининг яқин қариндошлари хабардорми ва бунга уларнинг муносабати аниқланиши лозим.

Гумон қилинувчи жабрланувчи билан учрашганлигини инкор этмаслиги мумкин. Лекин улар ўртасида ҳеч қандай жинсий алоқа бўлмаганлиги тўғрисида кўрсатуви танасида тажовуздан қолиши мумкин бўлган излар бор ёки йўқлиги орқали аниқланади. Гумон қилинувчини сўроқ қилишда қуйидаги саволлар берилиши мумкин: охири пайтда ким билан жинсий алоқага киришган ва қачон, учрашув қандай характерда бўлган, ўша учрашувдан унинг танасида, кийимида қандай излар қолганлиги тўғрисида сўралиши мумкин. Гумон қилинувчи билан жабрланувчининг учрашуви характерини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар аниқланади: қаерда ва нима сабаб билан учрашганлар, улар қанча вақт бирга бўлишган, нима қилишган, нима ҳақида гаплашишган, уларни бирон киши кўрганми, учрашувдан қайтишда кимларни учратган ва бу учрашув ҳақида кимлар хабардор эканлиги масалаларига аниқлик киритилади.

Айбланувчи тергов давомида ўз кўрсатуви ва жабрланувчи билан учрашганлик ҳолатини инкор этиши мумкинлигини назарда тутиб, ҳодиса содир бўлган жойда унинг кўрсатуви текширилиши ва бу баённомада, фотосуратда, видеоёзув орқали қайд этилиши лозим.

Айбланувчининг кўрсатувлари ёлгон эканлигини фош қилиш мақсадида унга қуйидаги далилларни кўрсатиш лозим: сўроқ баённомаси, эксперт хулосаси, тинтув ва ҳодиса содир бўлган жойдан топилган ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари.

Кўп ҳолларда сўроқ қилишдан ташқари, юзлаштириш тергов ҳаракати ҳам режалаштирилади. Чунки бу тергов ҳаракати жабрланувчининг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Юзлаштириш зарурият туғилганда, яъни қарама-қаршилиқни бошқа тергов ҳаракатлари билан аниқлаш иложи бўлмаганда ҳамда бу тергов ҳаракати орқали кутилган натижага эришиш мумкинлигига етарли асос бўлгандагина ўтказилади. Жабрланувчи сўроқда айбдорнинг анатомик ва функциявий белгилари ҳақидаги кўрсатувини текшириш гумон қилинувчини гувоҳлантириш, суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш орқали аниқлаш мумкин.

3-§. Вояга етмаганлар номусига тегиш жиноятини тергов қилиш

Вояга етмаган жабрланувчилар содир бўлган ҳодиса ҳақида тўла маълумот бера олишмайди. Жабрланувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олиш ва кўрсатувларини синчиклаб текшириш лозим.

Бундай ҳолатда жиноятчини кўпинча вояга етмаган шахслар номусига тегиб судланганлар орасидан қидирмоқ лозим.

Жабрланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан номусга тажовуз қилинганлик тўғрисидаги маълумотлари ҳар томонлама текшириб кўрилади. Чунки ўзаро жанжаллашиш натижасида қасд олишни мақсад қилиб, ифво уюштириш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин.

Айрим ҳолатларда жабрланувчининг яқин қариндошлари гап-сўзлардан қўрқиб жиноятни яширадилар. Буни ҳам инобатга олиш зарур.

Агар тажовуз 16–17 ёшли бўлган жисмонан яхши ривожланган қизга нисбатан содир этилган бўлса, айбланувчи уни вояга етмаганлигини билган ёки билиши мумкин бўлганини исботлаш лозим. Вояга етмаган шахсларнинг руҳий (психологияси) ҳолатини синчиклаб аниқлаш учун суд психологик экспертизаси ўтказаш мақсадга мувофиқ.

Гуруҳ томонидан содир этилган номусга тегиш жиноятини тергов қилиш. Бундай туркумдаги жиноятлар кўпинча вояга етмаган шахслар томонидан гуруҳ бўлиб содир этилади.

Тажовуз ҳам вояга етмаган шахсларга қаратилади. Айбланувчиларнинг кўрсатувлари бир-бирига қарама-қарши бўлади, яъни ўз айбини енгиллаштиришга ҳаракат қилиш, воқеа қоронғуда, маст ҳолатда содир этилганлиги туфайли ўзини бошқара олмаганлик важдлари асос қилиб кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда терговчи нафақат айбланувчилар ва жабрланувчини батафсил сўроқ қилади, балки айбланувчиларнинг ҳар бирини жиноят содир этишдаги иштирокини аниқлаш мақсадида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тарзидаги тергов ҳаракатини ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, экспертга аниқланиши лозим бўлган ҳолат юзасидан саволлар ва ашёвий далиллар жўнатилади.

27-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ МУЛКИНИ МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Талон-тарож қилиш жиноятларининг криминали- стик тавсифи

Давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятини таҳлил қилишда айбланувчининг ҳатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва бу ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш муҳим ўрин тутаети. Жиноятнинг таркибини аниқлашда давлат ва жамоат мулкани мансабдор шахслар томонидан талон-тарож қилинишига криминалистик тавсиф бериш керак. Талон-тарож қилиш жиноятларини криминалистик тавсифига қуйидаги элементлар кираети:

- 1) жиноий тажовуз предмети;
- 2) жиноятни содир этиш усули, ҳолати ва аниқ вазияти;
- 3) жиноятчининг шахсий хусусиятлари;
- 4) жиноятнинг оқибати.

Жиноий тажовузнинг предметиға кўра, талон-тарожни қуйидаги икки гуруҳға бўлиш мумкин:

- а) пулларни талон-тарож қилиш;
- б) моддий қимматликларни талон-тарож қилиш.

Бу маълум даражада шартли, чунки кўп ҳолларда жиноятчилар моддий қимматликларни пулға айлантиришға ҳаракат қиладилар. Озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, моддий қимматликларни пулға айлантириш талон-тарож қилинганда кўпроқ учрайти. Масалан, (гўшт комбинатида гўшт маҳсулотларини талон-тарож мақсадида қалбаки ҳужжатлар тўлдирилиб, улар мол етказиб берадиган тайёрлов ташкилотларига юборилади. Тайёрловчилар бу маҳсулотлар сотиб олинганлиги тўғрисида қалбаки квитанциялар ёзадилар ва натижада нақд пул ўзлаштирилади.

Баъзи ҳолларда раҳбарнинг хизмат мавқеи моддий қимматликларни ва пул воситаларини олишға кенг имконият беради. Бундай шахсларнинг талон-тарож қилиш усули бошқаларникидан фарқ қилади. Омбор мудир ва шофёрнинг содир қилган талон-тарож жиноятларида гарчи жиноят объекти битта бўлса-да, содир қилиш усули бир-биридан кескин фарқ қилади.

Давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш ва очишда жиноятни яшириш усулларини аниқлаб берадиган турли излар қолади. Жиноятчи олдиндан кўра билмаган бу излар жиноятни очишда муҳим роль ўйнайти. Дав-

лат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятининг криминалистик тавсифини кўрсатувчи изларнинг пайдо бўлишида жиноятни содир қилиш усули асосий рол ўйнайди.

Агар талон-тарож жинояти мансабдор шахслар томонидан содир этилган бўлса, уни содир этиш усули икки турга бўлинади: оддий талон-тарож, яъни ҳеч қандай ниқобсиз мулкни қонунсиз эгаллаб олиш ва ниқоблаб содир этилган жиноят. Бу турдаги жиноятлар қуйидаги усуллар билан содир этилади:

- а) ҳисоб-китоб ҳужжатларини, ҳисоб-китоб реестридаги крим-чиқим ёзувларини қалбакилаштириш;
- б) савдо базаларида ва оморларда ҳисобга олинмаган ортиқча маҳсулотларни вужудга келтириш;
- в) ишлаб чиқариш жараёнида ҳисобга олинмаган ортиқча маҳсулотларни вужудга келтириш;
- г) ғаразли мақсадларда пулни бошқа шахсларга бериш;
- д) пул воситаларини ноқонуний равишда, алдов йўли билан олиш.

Мансабдор шахслар томонидан талон-тарож жиноятлари ўзлаштириш, растрата, мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш, сохтакорлик, ваколат доирасидан четга чиқиш орқали ҳам содир этилади.

Давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини ўрганишда жиноятчининг шахсий хусусиятларини ҳам эътиборга олиш лозим. Агар талон-тарож бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан ташкилий равишда содир этилган бўлса, жиноят иштирокчиларининг ҳар бирининг роли, ташкилотчилари аниқланиши лозим. Кўпинча бундай жиноятлар фирибгарлар, юлғичлар томонидан содир этилади, улар молия-хўжалик ишлари, ишлаб чиқариш жараёнида ҳисоб-китобни яхши биладиган одамлар ҳисобланадилар.

Талон-тарож жинояти айрим шахслар томонидан содир этилган бўлса, бундай жиноятчилар таркибини асосан ўғрилар, талончилар, босқинчилар, олдин судланган шахслар, аксарият қисмини текинхўр элементлар ташкил этади.

Талон-тарож жиноятининг криминалистик тавсифига яна талон-тарож қилиш мотиви, айбланувчининг айбдорлик даражаси, келтирилган зарар миқдори, жиноят содир этилган вақт, жой ва шарт-шароитлар ҳам киради.

Жиноят процессуал қонуни ва жиноят процесси назарияси дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўришда исботлаш предмети ҳақида умумий ва бошланғич ҳолатларни аниқлаб беради. Исботлаш предмети белгилаётганда жиноят таркибига ҳамда улар ўртасидаги объектив боғланишга аҳамият бериш лозим.

Талон-тарож ишлари бўйича муҳим ҳолатларини аниқлаш учун жиноий гуруҳ фаолиятининг ҳамда бир жиноятчи фаолиятининг бошланиши ва тамом бўлиши пайтини аниқ исботлаш жуда катта аҳамиятга эга. Талон-тарож қилинган вақт тўла ва батамом аниқланса, жиноий гуруҳ иштирокчилари сонига ҳам аниқлик киритиш мумкин: Энг аввало, жиноятни қаерда, яъни қайси ташкилот ёки муассасада содир бўлганлигини аниқлаш лозим.

Жуда кўп ҳолларда талон-тарож жиноятлари кўзга ташланмаса-да, лекин дастлаб қайси ташкилотда талон-тарож содир бўлган, ҳодисанинг асосий воқеалари қаерда ривожланганлиги маълум бўлади. Бизга маълумки, талон-тарож жиноятлари турли хил йўллар билан амалга оширилади ва жуда кўп ҳодисалардан иборат бўлади.

Қуйида мансабдор шахслар томонидан талон-тарож жиноятларини очиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисалардан бир нечтасини кўриб ўтамиз:

1) мулкни талон-тарож қилиш факти;

2) талон-тарож жиноятчиларининг мансаблари - бу жиноят ҳодисасининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади, шунинг учун уларни аниқлаш жиноятни тўла-тўқис очишга ёрдам беради. Бунда икки ҳолат эътиборга молик:

- сохта ҳужжатлар билан талон-тарож қилинган мулк;

- умуман ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан ўғирланган мулк.

Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори исботланиши лозим бўлган ҳолатларга киради, бунда жиноят ҳодисаси етказилган зарарнинг миқдори ва характери аниқланади.

Жиноий гуруҳ таркиби ва шу гуруҳ иштирокчиларининг тавсифини аниқлашда айниқса қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

айбланувчининг турмуш тарзини ўрганишда:

а) даромад манбаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар;

б) харажатлар миқдори: бу ерда кунлик харажатлардан ташқари, ҳовли жой, автомашина ва бошқа қимматбаҳо нарсалар сотиб олиш ҳолатлари.

Талон-тарож қилувчи мансабдор шахс томонидан жиноий йўл билан эгалланган мулк, қимматбаҳо нарсалар фақат айбланувчининг айбдорлик даражасини кўрсатиб қолмасдан, балки талон-тарож натижасида етказилган зарарни қоплашнинг муҳим воситасидир.

Давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларининг аниқ белгилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- товар-материал қимматликларининг ортиқ ёки оз чиқиш факти;

- ҳужжатларни расмийлаштирмасдан мулкни олиб чиқиш ёки олиб кириш;

- ҳужжатда кўрсатилганидан кўп миқдордаги мулкни сотиш;

- моддий қимматликка эга бўлган айрим ҳаракатларда товарнинг белгиланганидан кўплиги;

- тайёр маҳсулотларни, ярим фабрикатларни, хомашёни яширин реализация қилиш факти;

- товарларни савдо корхоналарининг ёрдамчи биноларидан сотиб юбориш;

- мулкни сарф қилгандан кўп деб кўрсатиш;

- маълум қимматга эга бўлган материалларни қийматини йўқотган, деб олиб кетиш;

- пул воситасини ва қимматбаҳо материалларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш;

- моддий қимматликлар ишониб топшириб қўйилган мансабдор шахснинг маошига тўғри келмайдиган турмуш тарзи;

- моддий жавобгар шахслар мулкнинг сақланишини ҳисобкитоб ва назорат қиладиган маъмурият вакиллари ва хизматчилари билан мунтазам ичкиликбозлик қилиши.

Кўп ҳолларда талон-тарож ҳақидаги маълумотлар улар содир этилганлигини кўрсатиб туради. Давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари ҳақидаги хабарларни текширишда маълумот йиғишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш лозим:

- товарлар ва қимматбаҳо буюмларнинг сонини текшириш учун қўққисдан инвентаризация ташкил этиш;

- муассаса, корхона ва уларнинг бўлимларининг молия ҳужжалик фаолиятини ревизия этиш;

- товар ва қимматбаҳо нарсалар юкланаётган ва туширилаётган пайтда фойдаланилган қалбаки ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

- текширилаётган операцияга алоқадор мансабдор, моддий жавобгар ва уларнинг устидан назорат қиладиган шахслардан тушунтириш хатлари олиш;

- предметларни хусусияти, ўзаро боғлиқ бўлган процесслар ҳақида мутахассисларнинг фикрини олиш;

- тезкор-қидирув органларига қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида топшириқлар бериш;

- ташкилот, корхонанинг молиявий ҳужжалик фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;

- муассаса, корхонанинг давлат ва жамоат мулкани сақлаш шароитлари, технологик процессларининг хусусиятларини ўрганиш.

2-§ Дастлабки материалларни таҳлил этиш, жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатлари

Жиноят ишини қўзғатиш учун кўп ҳолларда қуйидаги ҳолатлар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин: ўтказилган тафтиш, инвентаризация ва бошқа текширув материаллари, шунингдек, тезкор-қидирув йўли билан тўпланган материаллар, агар бу материалларга кўра корхона муассаса ва ташкилотларда текширув натижасида растрата ёки моддий қимматликлар камомати аниқланган бўлса;

Булардан ташқари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бевосита ўзи аниқлаган жиноят белгилари ҳам талон-тарож ҳақида жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.

Терговнинг қанчалик тез ва самарали бўлишлиги тергов органларига талон-тарож жиноятларининг белгилари мавжудлиги тўғрисидаги фактларни аниқлаш тафтиш материалларининг қанчалик тез ва ўз вақтида берилишига боғлиқ.

Тафтиш молия-хўжалик органлари томонидан белгиланган режа асосида ёки тўсатдан ўтказилади ва бу тўғрида акт тузилади. Актда қандай корхонада талон-тарож фактлари топилганлиги, ким томонидан ва қаерда аниқланганлиги тўлиқ кўрсатилган бўлишлиги лозим. Акт беш кундан кечиктирилмасдан прокуратура ёки ички ишлар органларига берилиши керак.

Тафтиш материалларини таҳлил қила туриб терговчи қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратмоғи лозим:

а) текширув ваколатли шахслар томонидан тегишли мутахассисларни (ҳисобчи, муҳандис ва ҳ.к.) жалб этиб ўтказилганлиги;

б) текшириш ушбу хўжалик тармоғида ўрнатилган тартибда ўтказилганлиги;

в) тафтиш актида у ёки бу хатоликлар аниқ далиллар асосида ифодаланганлиги ва уларнинг ҳар тарафлама текширилганлиги;

г) текширув материаллари тегишли идора раҳбарлари томонидан кўриб чиқилганлиги ва уларнинг бу тўғридаги хулосалари;

д) тўпланган материалларнинг тўлиқлиги;

е) аниқланган далиллар бўйича жавобгар бўлган шахсларнинг қандай тушунтириш берганлиги ва бу тушунтириш бўйича тафтишчи қандай хулоса берганлиги.

Агар жиноят иши тафтиш материаллари асосида қўзғатилган бўлса, қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилади:

а) тафтиш асосида аниқланган ва шубҳали ҳисобланган ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

б) тафтиш томонидан аниқланган қалбакилаштирилган ҳужжатларни тайёрлаган шахсларни сўроқ қилиш;

в) далилий ашё бўладиган ҳужжат ва предметларни қидириб топиш мақсадида айбланувчиларнинг турар жойларида, иш жойида тинтув ўтказиш, моддий зарарни қоплашни таъминлаш учун мулкларни аниқлаш ва рўйхатга олиш;

г) тафтиш материалларида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш.

Тезкор-қидирув органлари томонидан тўпланган маълумотлар асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қуйидаги дастлабки тергов ва ташкилий тадбирлар ўтказилиши мумкин:

а) жиноят устида ушлаш;

б) ушланган шахснинг уйида ва иш жойида тинтув ўтказиш, айбланувчининг мулкига банд солиш;

в) ҳужжатларни кўздан кечириш, зарур ҳолларда олиб қўйиш;

г) далилий ашё бўладиган предметларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

д) ишлаб чиқариш бинолари ва омборхоналарни кўздан кечириш;

е) гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш;

ж) инвентаризация ва тафтиш ўтказишни ташкил этиш.

Агар жиноят иши фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг берган шикоят ва аризаларини текширилиши асосида қўзғатилган бўлса, дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирлар ушбу материалларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида аниқланади. Кўп ҳолларда бундай вақтларда тергов ишини бошлашдан олдин инвентаризация ва тафтиш ўтказиш ташкил этилади.

Терговчи жиноят иши бўйича зарур барча ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳужжатлар терговчига дастлабки материаллар ва тафтиш материаллари билан келиб тушиши мумкин. Бундай материалларни тегишли ташкилотлардан, шикоятчилардан, гумон қилинувчи ва айбланувчилардан, гувоҳлардан талаб қилиб олиш ҳам мумкин.

ЖПКнинг 161-моддасига мувофиқ терговчи зарур бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Терговчи жиноят ишини тергашда қандай ҳужжат зарурлигини ва олиб қўйилиши лозим бўлганларини белгилаб қўйиши зарур. Бундай вақтларда тергов-

чига мутахассис - ҳисобчи, иқтисодчи, криминалистлар катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Ҳисобчи ёки иқтисодчилар терговчига ҳужжатларни таҳлил қилишнинг қандай усулларидан фойдаланиши, терговчини қизиқтираётган операция қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши тўғрисида, криминалист эса кўздан кечирилаётган ҳужжатда қандай ўзгартиришлар, қалбакиликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар беришлари лозим.

Ҳужжатларни кўпроқ йиғиш учун ўтказилаётган дастлабки тергов ҳаракатлари тезкорлик билан ўтказилиши лозим. Тез кўздан кечиришга улгуролмаса ҳужжатлар сақланаётган жой муҳрлаб қўйилади. Кейинчалик бу ҳужжатлар тўлиқ ўрганилиб, кераклилари жиноят ишига қўшиб қўйилади, қолганлари эса қайтариб берилади.

Инвентаризация терговчининг талабига мувофиқ махсус тайинланган комиссия томонидан корхоналарда, ташкилотларда маълум вақт оралиғида товарлар, пул маблағлари мавжудлигини текшириб кўриш учун ўтказилади. Терговчи инвентаризация комиссия таркибига кирмаса-да, бу тадбир ўтказилаётган вақтда иштирок этиши мумкин.

Инвентаризация товар ва моддий қимматликларнинг ҳақиқий ҳолатини, мавжудлигини кўрсатиш учун қуйидаги шартларни бажариши керак:

а) инвентаризацияни ўтказишдан олдин: ёрдамчи хоналар, бинолар, ертўла ва бошқа кириш, чиқиш, моддий қимматликлар сақланаётган жойлар пломбаланиши ёки муҳрланиши лозим; кассадаги кундалик пул маблағларини ҳисоблаб чиқиш, барча тарози ва бошқа ўлчагич асбобларининг тўғри ишлашини текшириб кўриш, моддий жавобгар шахсдан барча кириш ва чиқим ҳужжатлари ҳисоботга киритилганлиги тўғрисида тилхат олинishi лозим;

б) барча товар ва моддий қимматликлар қайтадан санаб чиқилиши, ўлчаниши, тартиб кўрилиши лозим;

в) инвентаризацияни ўтказишда моддий жавобгар шахс иштирок этиши шарт. Агар моддий жавобгар шахс қамоқда бўлса, олиб келиш таъминланиши лозим, у оғир касал ёки атайлаб келмасагина, инвентаризация унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин;

г) инвентаризация жиноят иши билан боғлиқ бўлган барча объектларда бир вақтнинг ўзида ўтказилиши шарт;

д) инвентаризация моддий жавобгар шахсга аввалдан билдирилмай, тўсатдан ўтказилиши лозим;

е) инвентаризация натижалари инвентаризация рўйхатларида қайд этилиб, инвентаризация комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиши керак;

ж) инвентаризация мумкин қадар қисқа вақт ичида ўтказилиши лозим. Агар инвентаризацияни ўтказишга кўпроқ вақт талаб этилса, унда иш куни тамом бўлгандан кейин инвентаризация комиссия аъзолари милиция ходимлари билан биргаликда омбор ва моддий қимматликлар сақланаётган бино эшикларини муҳрлаб кетиши лозим;

з) инвентаризация рўйхатига киритилган қолдиқ маҳсулотлар, моддий қимматликлар ҳисобга олиниб, маълумотлар билан солиштириб кўрилиб, алоҳида тузилган ҳужжатда қайд этилади.

Тафтиш ўтказадиган мутахассис, тафтишчи томонидан корхона, ташкилот, муассасаларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини бухгалтерия маълумотлари асосида текшириб кўриш учун ўтказилади. Тафтиш асосан жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказилади. Мабодо, у жиноят иши қўзғатилишидан олдин ўтказилмаган бўлса, терговчи иш қўзғатилганданоқ дарҳол ўтказиш чорасини кўриши лозим. Бу тўғрида у қарор чиқариб, унда қисман ёки тўлиқ тафтиш ўтказиш зарурлиги ёки зарур эмаслиги, аниқ объект ёки мансабдор шахснинг қайси давр ичидаги фаолияти тафтиш қилиниши лозимлиги ва тафтиш далолатномасини қачон тақдим этиш зарурлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Тафтиш тайинлаш тўғрисида чиқарилган қарор назорат-тафтиш органларига юборилади. Тафтиш олдига қўйиладиган вазифалар аниқ бўлиши лозим. Қоидага биноан муассаса ва ташкилотларнинг катта давр ичидаги фаолиятини тафтиш қилиш тавсия этилмайди, чунки у кўп вақтни талаб этиб, тафтиш ишларини чуқур ва тўлиқ амалга оширилишига халақит беради. Агар тафтиш корхона ва ташкилотларнинг катта давр ичидаги фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлса, унда терговчи тафтишни бир гуруҳ тафтишчилар томонидан ўтказиш масаласини ҳал этиши лозим.

Тафтиш тўсатдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бир вақтнинг ўзида тафтиш қилинадиган объектдан ташқари у билан ўзаро алоқада бўлган бошқа объектларда ҳам тафтиш ўтказилиши шарт. Тафтишни тайинлаш билан бирга терговчи тафтишчиларга олдиндан талон-тарож қилиш, жиноятни яшириш усулларини, ҳатто тахмин этилаётган жиноятчиларнинг фамилияларини ҳам айтиш мумкин.

Терговчи тафтишчи билан доимий алоқада бўлиши лозим. Тафтишчи терговчига суиистеъмол қилиниш фактлари тўғрисида ахборотлар бериб турса, терговчи эса тафтишчига жиноят иши бўйича тўпланган янги материаллар тўғрисида маълумот бериб туради. Тафтишчи суиистеъмол қилиниш фактларини

аниқлагандан кейин бу тўғрида хусусий далолатнома тузади ва уни дарҳол терговчига тақдим этади. Бу далолатноманинг мазмуни билан манфаатдор шахсларни таништириш шарт эмас, чунки улар кейинчалик тузилган умумий далолатнома мазмуни билан таништирилади.

Тафтиш ўтказишдан мақсад фақат камчиликлар ва ортиқча маҳсулотларни аниқлаш эмас, шу билан бирга ўтказилган у ёки бу операцияларнинг қонунийлигини текшириш, журналларда қайд этилган ҳужжат ва ёзувларнинг сифатли ва ҳақиқий эканлигини баҳолаш, натижалар математик жиҳатдан тўғрилигини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, тафтишлар ҳужжатларда қайд этилган операциялар ҳақиқатан ҳам амалга оширилганлигини ва уларнинг қонуний характерда эканлигини ҳам текширишлари зарур.

Мансабни суистеъмол қилиш орқали давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жинояти ўзининг мураккаблиги ва кўп ҳодисалардан иборат бўлганлиги учун терговчидан катта ташкилий чора тадбирлар ўтказишни талаб этади. Терговчи тафтиш ва инвентаризация материаллари асосида ва тезкор-қидирув органлари, фуқаро ва мансабдор шахслардан тушган шикоятлар бўйича қўзғатилган жиноят ишлари бўйича баъзи предмет ва ашёвий далилларни қидириб топиши муҳим аҳамиятга эга.

Терговчи терговнинг бошланғич босқичида қуйидагиларни қидириб топиши жуда зарур деб ҳисобланади:

- 1) талон-тарож қилинган мулк;
- 2) жиноий йўл билан топилган пуллар; қимматликлар, омонат касса дафтарчаси, жиноий йўл билан топилган мулклар;
- 3) талон-тарож қилиш учун тайёрланган, ҳисобда бўлмаган хомашё, яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар;
- 4) жиноий битим билан алоқадор бўлган турли ёзувлар;
- 5) тергов учун керакли бўлган талон-тарож жинояти иштирокчиларининг уй манзиллари, телефон рақамлари ва бошқа маълумотлар;
- 6) турли ҳужжатлар ва ёрликларнинг тоза бланкалари;
- 7) терговчини қизиқтираётган ташкилот ва корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини ифода этадиган бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқалар.

Қайд этилган ҳолатларни аниқлаш ва далиллар тўплаш учун терговчи қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатларини ва ташкилий тадбирларни кўриши зарур:

- 1) жиноят устида ушлаш (хом ашёни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиш, қабул қилиш);
- 2) ушланганларни шахсий тинтув қилиш;

3) хизмат хоналарида тинтув ўтказиш ва уларни кўздан кечириш;

4) тинтув ўтказиш ва кўздан кечиришда тайёрланаётган ҳужжатлар, предметлар, тайёр маҳсулотларни муҳрлаш зарурати бўлса, айримларини олиб қўйиш;

5) пул ва мулкни банд қилиш, уларни олиб қўйиш ва қўриқлашга топшириш;

6) талон-тарож қилишда гумон қилинган шахсни сўроқ қилиш;

7) талон-тарож фактларини кўрган гувоҳларни сўроқ қилиш;

8) омборларда, савдо-муассасаларида ва ташкилотларда, кассадаги пул маблағларини инвентаризация қилиш ёки моддий қимматликларнинг қолдиқларини ҳисобга олиш;

9) харидорларни алдаш ҳолатларини аниқлаш мақсадида назорат тарзда харид қилиш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини назорат учун топширишни ўтказиш.

Қайд этилган дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни бажаришда топилган объектларнинг ҳолати, қўриқланиши, ҳужжатларнинг сақланиши аниқ ва батафсил қайд этилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Тафтиш ва инвентаризация материаллари асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) тафтишчи ва инвентаризация ўтказган шахсни сўроқ қилиш;

2) далолатномада кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш;

3) камчилик борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш, тафтиш далолатномаси билан бирга, берилган ҳужжатларни олиб қўйиш ёки уларнинг йўқолмаслик чорасини кўриш;

4) камчилик учун жавобгар шахсни сўроқ қилиш; уларни тинтув қилиш;

5) уларнинг пул ва мулкига ҳибс солиш.

Жиноят устида ушлаш. Терговчи ички ишлар органи ходимлари билан биргаликда жиноятчини жиноят устида ушлаб, ундан тегишли ҳужжат ва предметларни олади, ушлаган жойи ва вақтини белгилаб қўяди. Талон-тарожчи кўп ҳолларда талон-тарож қилинган товар маҳсулотларини сотишда, уларни олиб кетишда, ортиқча хомашёдан маҳсулот тайёрлашда, хомашёни яширинча олиб кетишда ушланади. Жиноятчини жиноят устида ушлашга пухта тайёргарлик кўрилмоғи лозим: ушлаш бўйича тузиладиган тезкор гуруҳ таркибини аниқлаш, вазифаларини белгилаб олиш, ушлаш вақти ва жойини аниқлаш, тўсатдан ушлашни таъминлаш, жинойий гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир вақтда ушлаш масаласини ҳал этиш имконияти борича ушлаш

тезкор гуруҳни зарурий транспорт воситаси билан таъминлаш лозим.

Ушлаш вақтида талон-тарож қилган шахсдан барча ўғирланган мулклар, хомашё, яримфабрикатлар, тайёр маҳсулотлар, пуллар, ҳужжатлар олиб қўйилиши зарур.

Талон-тарожчини жиноят устида ушлаш фактининг ўзи унга маълум даражада психологик таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг натижасида у ўзи содир этган жиноят ва унинг иштирокчилари тўғрисида ноилож тўғри кўрсатув бериши мумкин.

Ушланганларни шахсий тинтув қилиш, уларнинг турар жойи ва иш жойларида тинтув ўтказиш. Шахсий тинтув талон-тарожчи ушлангандан кейин дарҳол ўтказилади. Шахсий тинтувни ўтказишдан мақсад ушлангандан иш бўйича далил бўла оладиган предметлар ва ҳужжатларни олиш ҳисобланади. Баъзи вақтларда ушланган шахс ўзини фош қиладиган предметлар ёки ҳужжатларни ташлаб юбориши ёки йўқ қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун, ушланган шахсни диққат билан кузатиш лозим бўлади, бундай ҳаракатлар қилиш сезилса, дарҳол унинг олдини олиш чорасини кўриш зарур.

Талон-тарожчи шахс ушлангандан кейин унинг уйида ва иш жойида тинтув ўтказилиши зарур. Тинтув вақтида топилган ва олинган мулклар ҳамда жинойий йўл билан йигилган мулк ва қимматликлар иш бўйича муҳим далил бўлиб ҳисобланиши ва келтирилган моддий зарарни таъминлаш учун зарур ҳам бўлиши мумкин.

Хизмат биноларида, хоналарда тинтув ўтказишда талон-тарожчининг пули, қимматли буюмлари, хизмат билан боғлиқ бўлган турли ҳужжатларни, уларнинг жинойий операциялари тўғрисидаги ёзувларини қидириб топишга ҳаракат қилиш керак. Бундай вақтларда хуфий жойларни қидириб топишга ҳам ҳаракат қилиш лозим.

Тинтув ўтказишга тайёргарлик кўришда умумий масалалардан ташқари мутахассис сифатида товаршуносларни, ҳисобчиларни, криминалистни жалб этиш масаласини ҳам ҳал этиш зарур бўлади.

3-§. Давлат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини тергаши режалаштириш

Давлат мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари бўйича тушган материалларни терговчи ўз юритувига қабул қилар экан, бевосита шу ишда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб тергов ҳаракатларининг бошланғич тайёрлаш ҳамда ташкилий чораларини ўтказиш режасини тузади.

Тайёрлов босқичи режаси терговчи томонидан ишни қўзғатилганга қадар тузилади ва қуйидагиларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

а) талон-тарож содир бўлган жойни, яъни муассаса, ташкилот ёки корхонанинг ишлаш шароити билан танишади, шу билан биргаликда, ўша муассаса, ташкилот, корхона маҳсулот билан таъминлаб турадиган ёки шу корхоналарни тайёр маҳсулотлари қайси ташкилот орқали реализация қилинганлиги ҳисобга олиниб, бу корхоналарнинг ишлаш шароити билан ҳам танишади;

б) ўша ташкилот ёки корхонанинг ҳисоб-китоб ҳамда ҳужжат обороти тизимини ўрганади, шу билан биргаликда баъзи бир звено, цех ўртасидаги биргалашиб қилинадиган ҳаракатни аниқлайди;

в) гумон қилинаётган мансабдор шахслар тўғрисида маълумотлар тўплайди, бу маълумотлар ўз ичига гумон қилинаётган шахсларнинг яқин алоқалари, таниш-билишлари, яшаш жойлари, мулкый аҳволи (автомашинаси, қимматбаҳо буюмлари, дачаси бор ёки йўқлиги) каби факторларни ўз ичига олади;

г) жинойий йўл билан талон-тарож қилинган мулк яширилиши мумкин бўлган жой аниқланади.

Ташкилий чораларни кўриш босқичи тергов ҳаракатларини бошланғич даврини тўғри ташкил қилишни таъминлайди, бу давр эса ўз мобайнида иш учун зарур бўлган далилларни тўплашда ва улардан унумли фойдаланишда хизмат қилади.

Терговнинг бошланғич босқичида бир қатор ташкилий чоратадбирлар ўтказиш зарурати туғилади, булар инвентаризация, тафтиш ва шунга ўхшаш текширишлар ҳисобланади.

Инвентаризация ва тафтиш материалларига кўра дастлабки тергов ҳаракатини бошланғич босқичини ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- текшириш давомида камомад ёки ортиқча маҳсулот чиққанлиги сабаблари ҳақида мансабдор шахс сўроқ қилинади;
- инвентаризацияда иштирок этган тафтишчилар ва ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланадиган шахслар сўроқ қилинади;
- жинойят иши учун керакли ҳужжатлар олинади ва кўриб чиқилади.

Шунинг учун ҳам давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жинойяти юзасидан муваффақиятли тергов олиб боришнинг шартларидан бири терговни режалаштириш бўлиб ҳисобланади. Терговни **режалаштириш** тергов жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилишга катта ёрдам беради, воқеа ҳолатини объектив, тез, тўла ва ҳар томонлама ўрганиш,

шунингдек жиноятчини қидириш ва уни фош қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Бу маълумотлар процессуал ҳамда тезкор-қидирув йўли билан тўпланган бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув йўли билан тўпланган материаллар, иш бўйича далил кучига эга эмас. Лекин улардан терговчи режалаштириш ва тактик масалаларни ҳал қилишда фойдаланиши мумкин.

Фактик маълумотлар мажмуасининг тўлалиги ва мазмунига қараб, терговчи тергов вазифаларини аниқлайди, версиялар тузади, уларнинг текшириш йўллари ва усулларини белгилайди.

Терговнинг дастлабки вақтида жиноят изини ўзида сақлаган маълумотлар сони кам бўлади. Бу эса ишни режалаштиришни қийинлаштиради, чунки терговчи ҳар бир янги очилган ҳолатдан кейин режани кўриб чиқиши ва уни тўлдириб туриши лозим. Шунинг учун ҳам режалаштириш узлуксиз давом этадиган жараёндир, у фақат тергов тугаши билан тугайди. Режалаштиришда икки асосий қисмни ажратиш мумкин:

а) ҳар бир босқич учун терговчининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

б) бу вазифаларни ҳал қилишнинг кўпроқ самарали усулларини ва тергов олиб боришнинг тўғри йўналишини танлаш.

Тергов йўналишини аниқлашда қуйидаги асосий ҳолатлар ҳисобга олиниши керак:

1. Аввало дастлабки тергов ҳаракатлари режалаштирилади, бу ҳаракатларнинг бажарилиши жиноят излари ва бошқа далилларни тез топиш, жиноятчини аниқлаш ва ўзлаштирилган мулк яширилган жойни аниқлашга ёрдам беради. Бундай тергов ҳаракатларига асосан ҳодиса жойини, ҳужжатларни кўздан кечириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, тинтув, жиноятчини қидириш каби ҳаракатлар киради. Терговнинг кейинги босқичида ўтказиладиган ҳаракатларга - таниб олиш учун кўрсатиш - тергов эксперименти, юзлаштириш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш каби ҳаракатлар киради.

2. Режалаштириш тергов ҳаракатларининг содир қилинган жиноят характери, гумон қилинувчининг шахси, унинг кўрсатувлари, далилларининг мазмуни, илмий-техник ва бошқа воситаларни қўллашда мутахассисларни ишга жалб қилиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. Тергов олиб боришнинг усул ва йўналишини белгилашда, суриштирув органлари ходимларига қандай топшириқлар бериш кераклигини илгаридан кўзда тутмоқ зарур. Бундан асосий мақсад, далиллар манбаини топиш, тезкор-қидирув тадбир-чораларини мувофиқлаштириш кўзда тутилади.

Терговни режалаштиришнинг асосий тамойилларига куйидагилар киради:

- а) индивидуаллик;
- б) ҳаракатчанлик (динамиклик).

Индивидуаллиги шундаки, режанинг бир типлиги, яъни бир нечта худди шундай жинойтлар бўйича ҳам режаларнинг бир хил бўлмаслигидир.

Ҳаракатчанлиги шундаки, режалаштириш тергов олиб бориш процессининг ҳамма босқичи давомида бирдай олиб борилади. Шунингдек, ҳаракатчанлиги деганда режанинг ўзгарувчанлиги тушунилади.

Йигилган далилларга кўра, режа ўзгариши, унга қўшимчалар киритилиши, баъзи вақтларда эса умуман қайта тузилиши мумкин. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш босқичида жуда кенг ва турли-туман ҳаракатлар олиб бориладики, улар ўз навбатида бир-бири билан боғлиқ, мувофиқлашган ва қисқа муддат ичида ижро этилиши керак бўлган ҳаракатлардир. Бу ҳаракатларни яхши ишлаб чиқиб, режа асосида амалга ошириш керак.

Режада ишлаб чиқилган версиялар кўрсатилмаслиги ҳам мумкин, чунки бу дастлабки тергов ҳаракатлари босқичининг асосий вазифаси бўлиб, иложи борица кўпроқ далил тўплаш, уларни кейинчалик аниқлаш, яъни уларни тасдиқлаш чораларини таъмин этиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, далилий ашёларни йўқотиш, ўзлаштирилган мулк ҳамда пул-сармояларини яшириш фактларининг олдини олиш, мансабдор шахсларнинг тил бириктириши, гувоҳларни ёлгон кўрсатув беришга кўндиришнинг олдини олиш чораларини кўриш зарур.

Режада барча тахминлар, ҳар бир тахминни текшириш учун белгиланган барча тергов ҳаракатлари ва бошқа чоралар кўрсатилади. Давлат ва жамоат мулкларини мансабдор шахслар томонидан талон-тарож қилиш жинойтларини тергов қилишда бригада методи қўлланилади.

Бригада терговчиларининг иш режаси ҳар хил тузилиши мумкин.

1. Умумий режа бригада раҳбари томонидан ишлаб чиқилади ва бригада аъзолари ўртасида муҳокама қилинади.

2. Индивидуал режа ҳар бир терговчига топширилган вазифа юзасидан тузилади.

3. Ҳар бир ҳодисага оид режа. Жинойт ишидаги алоҳида ҳодисалар юзасидан бажариладиган ишлар юзасидан тузилади.

Режалаштирилган тергов олиб бориш натижасида тахмин кўринишдаги гипотеза муҳим аҳамиятга эга. Тахмин бу терговчи қўл остида бўлган материаллардан келиб чиқувчи ҳамда етарли

даражада асослантирилган, жинойи воқеа ёки уни содир қилган шахслар тўғрисидаги эҳтимоллардир. Содир қилинган жиноят бўйича, терговнинг дастлабки даврида, терговчига маълум бўлган далиллар етарли даражада бўлмаганлиги учун ҳам бир қанча тахминлар орқали уларни аниқлашга киришади. Тахминлар тўла ва аниқ бўлмаган маълумот беради. Лекин бу маълумот албатта текширилиши керак. Натижада илгари сурилган тахмин тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон бўлади.

Тергов жараёнида аниқ маълумотларни таҳлил қилиш билан асослантирилган тахмин юритиш моменти пайдо бўлганга қадар терговни режалаштиришда тахмин асосий роль ўйнайди.

Режалаштиришда тергов тахминларининг роли, терговнинг йўналишини аниқлаш билан чегараланиб қолинмайди. Тахминлар алоҳида тергов ҳаракатларининг мазмуни ва тактикасини аниқланиши билан ўзгартирилиши керак. Лекин камомадни аниқлашнинг ўзи моддий жавобгар шахсларнинг давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилиш жиноятида айбдор деб топиш учун ҳамма вақт асос бўла олмайди, чунки бу камомад бошқа сабаб натижасида бўлиши ҳам мумкин.

Мулкда камомаднинг аниқланиши муносабати билан қуйидагича тахмин юритиш мумкин:

а) давлат ва жамоат мулки моддий жавобгар мансабдор шахс томонидан уюштирилган ёки растарата қилинган;

б) мулк бошқа шахслар томонидан талон-тарож қилинган;

в) камомад моддий жавобгар шахснинг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши натижасида вужудга келган.

Моддий жавобгар шахснинг тушунтиришларидан келиб чиқадиган барча тахминлар албатта илгари сурилиши ва текширилиши зарур. Кўп ҳолларда талон-тарож жинояти у ёки бу усуллар билан яширилган бўлади, бу эса жиноятнинг ўз вақтида очилишга маълум даражада халақит беради. Хужжатларни сохталаштириш - жиноятни яширишда кўп қўлланилади. Сохталаштирилган хужжатнинг топилиши, давлат ёки жамоат мулкнинг талон-тарож қилинганлик фактини исботлашдан озод қилмайли, чунки хужжатни сохталаштириш турли сабаблар билан ҳам тушунтирилиши мумкин. Масалан, мулкни қабул қилиб олишда қўйилган хато оқибатида келиб чиққан камомадни қоплаш мақсадида хужжат сохталаштирилган.

Хужжатларни сохталаштириш натижасида мулкнинг маълум қисми асл ёки пул формасида ҳисобга олинмай қолади ва ҳисобга олинмаган мулк талон-тарож қилинади.

Сохталаштирилган хужжатларга нисбатан қуйидагича тахмин юритиш мумкин:

а) қўл остидаги ҳисобга олинмаган мулк бўлган моддий жавобгар шахс, шу мулкни ўзлаштириш мақсадида ҳужжатни сохталаштирган;

б) жавобгарнинг иштирокисиз сохта ҳужжатлардан фойдаланиш ёки уларнинг иштироки билан ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштирувчи бошқа шахслар томонидан ҳужжатлар сохталаштирилган;

в) ҳужжат бошқа камчиликларни ёпиш мақсадида қалбакилаштирилган.

Ортиқча мулк турли сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин. Кейинчалик ўзлаштириш учун ортиқча мулкни қасддан ҳосил қилинганлик тўғрисида, бу мулкларнинг узоқ вақт ҳисобга олинмаганлиги, ортиқча мулкнинг мунтазам равишда пайдо бўлиб туриши каби фактлар гувоҳлик бериши мумкин.

4-§. Ҳужжатларни кўздан кечириш

Ҳужжатлар талон-тарож жинойатларини тергашда муҳим далиллардан бири ҳисобланади. Талон-тарож жинойатларини тергашда терговчи ҳужжатларни тўплаш, кўздан кечириш ва текшириш ишларини амалга оширади. Терговчи мутахассис-бухгалтер ёрдамида муҳрланган ҳужжатларни тўплайди, зарур ҳолларда меъёрий ҳужжатларни тегишли корхоналардан талаб қилиб олади. Терговчи тўплаган барча ҳужжатларни диққат билан таҳлил қилади, уларни текшириб чиқади. Ҳужжатларни текшириш усуллари уч турга бўлинади:

1) Айрим ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш усули;

2) Бир бири билан ўзаро боғлиқ операцияларни ифода этувчи бир неча ҳужжатларни текшириш усули;

3) Бир турдаги ходимларнинг ҳаракатини ифода этувчи ҳужжатларни текшириш усули.

Айрим ҳисоб-китоб бухгалтерия ҳужжатлари ўрнатилган тартиб бўйича текширилади, яъни ҳужжатларда барча зарурий реквизитларнинг борлиги ва уларда шубҳали реквизитларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Ҳужжатлар форма бўйича текшириб кўрилгандан кейин арифметик ва норматив текширувдан ўтказилади. Арифметик текширувда ҳужжатлардаги горизантал ва вертикал графаларда чизилган ёзувлар (рақамлар) солиштириб текширилади. Норматив текширувда эса ҳужжат мазмунининг ҳаракатдаги норматив актларга - инструкциялар, низомлар, қоидалар, харажат, чиқим нормаларига мос келиши текширилади.

Бир-бири билан боғлиқ ўзаро операцияларни ифода этувчи бир неча ҳужжатларни текширишда муқобил текширув ва ўзаро

назорат усуллардан фойдаланилади.

Муқобил текширув усулида бир турдаги ҳужжатларнинг турли нусхаларини бир-бири билан ўзаро солиштириб текширишдир. Бу нусхалар бир ташкилотнинг турли бўлимларидан ёки бир неча ташкилотлардан олиниши мумкин.

Ўзаро назорат усулида бир турдаги операциянинг турли ҳужжатларда ифода этилиши солиштириб текширилади. Ўзаро назорат усули ҳар бир ҳўжалик операциясининг турли бухгалтерия ҳужжатларида ифода этилишига асосланган. Бухгалтерия ҳужжатлари бошқа турли-туман бошқа ҳужжатлар билан солиштириб кўрилиши мумкин. Масалан, кортатека ва омборлардаги журнал ёзувлари билан транспорт ҳужжатлари, меҳнат дафтарчалари, моддий жавобгар шахсининг ёзувлари ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳужжатларини текширишнинг хусусий усуллари ҳам мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1) Товар-моддий қимматликлар ва пул маблағлари ҳаракатини бевосита ифода этувчи кирим-чиқим ҳужжатларидаги маълумотларни ушбу операцияни бошқа тарзда ифода этувчи ҳужжатлар-маълумотлар билан солиштириб кўриш;

2) Моддий-товар бойликларни олиш ва бериш операциясини ифода этувчи ҳужжатлардаги маълумотларни биринчи операция билан ўзаро боғлиқ бўлган бошқа операцияларни ифода этувчи ҳужжат маълумотлари билан солиштириб кўриш;

3) Моддий-товар бойликларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни улар ташиб ўтказилган таралар тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириб кўриш;

4) Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги маълумотларини тезкор учёт маълумотлари билан солиштириб кўриш;

5) Назорат касса тасмасидаги маълумотларни касса чеклар маълумотлари билан солиштириб кўриш;

6) Пул маблағлари ва моддий товар бойликларни бериш тўғрисидаги пул воситалари ва моддий товар бойликларни ёзиш ва бериш учун асос бўлган ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштириб кўриш.

Бир турдаги қийматларнинг ҳаракатини ифода этувчи ҳужжатларни текшириш усули моддий қийматлар ҳаракатининг одатдаги тартибдан нотўғри четга чиқиб кетганлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Бу усул ёрдамида ҳужжатлардаги дастлабки ёзувлар тикланиб, талон-тарож жинояти содир этилганлик факти аниқланади. Ушбу усул қуйидаги ҳолатларни аниқлашда қўлланилади:

1) Бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилган, чалкаштирилган бўлса;

2) Бухгалтерия ҳисоби реестрлари тасодифан ёки қасддан йўқ қилинган бўлса;

3) Дастлабки ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда мавжуд бўлса-да, таҳлилий ҳисобдаги ишларни қисқартиришни тақозо этмаган бўлса;

4) Таҳлилий ҳисоб етарли даражада деталлаштирилмаган бўлса, мавжуд суистеъмолликни аниқлаш учун таҳлилий ҳисоб ўрнига миқдорига оид ва сортли ҳисобни тиклаш зарур бўлса.

Ҳисоб-китоб тиклангандан кейин моддий қийматларнинг одатдаги айланишдан четга чиқиб кетганлиги аниқланади. Ҳисоб ёзувларини тиклаш ёппасига, танлаб ўтказиладиган, тўлиқ ва натура турларга бўлинади. Ёппасига тиклашда маълум бир давр оралиги ичида бажарилган маълум моддий қийматларнинг барча номлари бўйича тикланади. Танлаб ўтказиладиган тиклашда эса айрим ҳисоб ёзувлари ёки айрим қийматларнинг номлари тикланади.

Ҳисоб ёзувларини тўлиқ ва нотўлиқ ҳисобга олишнинг хусусий усуллари тўғрисида юқорида баён этилди. Ҳисоб ёзувларини нотўла равишда тиклаш ҳам мавжуд бўлиб, унга қолдиқларни контроль солиштириб кўриш киради.

Қолдиқларни назорат тарзида солиштириб текшириш усулининг моҳияти шундан иборатки, бу усул орқали текширилаётган маълум давр, вақт оралигида инвентаризациявий ведомостга бир хил турдаги товарлардан қолган қолдиқлар билан товарларнинг ҳаракатдаги бўлган миқдори текширилиб кўрилади.

5-§. Гувох, жабрланувчи, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш

Сўроққа тайёргарлик кўриш. Дастлабки терговдаги сўроққа мувофиқ равишда, криминалистика тактикаси тавсия этган усуллар асосида талон-тарож жинойти бўйича сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Талан-тарож жинойтлари бўйича сўроқ қилиш қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- жинойт содир бўлган ташкилот ёки корхоналарнинг асосий хусусиятларини ўрганиш;

- сўроқ қилинаётганнинг шахсини аниқлаш;

- сўроқни режалаштириш;

- сўроққа чақиршни ташкил этиш;

- сўроқ давомида фойдаланиши лозим бўлган далилларни тайёрлаш.

Сўроққа тайёрлаш жараёнида терговни режалаштириш лозим. Олдиндан ўйлаб тузилган режа асосида сўроқни олиб бориш уни тўғри ташкил этишга ва терговчи томонидан бошқа ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Терговни олиб бориш жараёнида тегишли равишда гувоҳларни гуруҳларга ажратиб олиш зарур;

1. Талон-тарож жинойти содир бўлган ташкилот раҳбарлари, бухгалтерлари ҳам давлат мулки ўзлаштирилганига маълум даражада айбдордирлар, баъзан эса мансабдор шахс билан алоқадор бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам терговчи бундай гувоҳларни сўроқ қилишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак, чунки улар терговни чалкаштириши ёки йўналишни бошқа тарафга ўзгартириб юборишлари мумкин.

2. Талон-тарож қилинган мулк билан бевосита алоқадор бўлган ишчилар. Бу омбор ходимлари, мулкни юклаш-туштиришда иштирок этган ҳамда ортиқча мулк ҳосил қилинишини билган ишчилар бўлиши мумкин. Бундай гувоҳларнинг кўрсатувлари ўзлаштириш фактларини, ўзлаштирилган мулкнинг миқдори, жинойт бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган бўлса, иштирокчиларнинг кимлигини, иштирокчилардан ҳар бирининг жинойтдаги ролини аниқлашга маълум даражада ёрдам беради. Бундай гувоҳларни сўроқ қилиш кўпинча ижобий натижа беради.

3. Талон-тарож қилинган мулкни ташишда ёрдам берган шахслар. Булар автомашина шофёрлари, юкни олиб боришда иштирок этган шахслар, яъни ишчилар бўлиши мумкин. Кўпинча маълум жойга юк олиб борган, лекин маршрут йўл варақасида акс эттирилмаган бўлса шофёрлар гувоҳ тариқасида қатнашадилар.

4. Юқори турувчи ташкилот ходимлари, тафтишчи ва назоратчилар.

Гувоҳларни кўрсатув бериш мазмунига қараб яна уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳдаги гувоҳлар ўз хизмат мансабидан фойдаланиб талон-тарож ишлари юзасидан бўлган фактларни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Булар корхона, муассасаларнинг бухгалтерлари, тафтишчилари ва раҳбарлари бўлиши мумкин. Уларни сўроқ қилишда кўрсатувларини аниқлаштириб, ҳужжатларга асосланган ҳолда исботлашлари ва атрофлича тушунтириб беришлари талаб қилинади.

Иккинчи гуруҳ гувоҳлар аниқланган камомад, ортиқча маҳсулотларни яшириб қолишга уринадилар. Шунинг учун ҳам

уларнинг кўрсатувларини диққат билан тинглаш, ҳодисани тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Учунчи гуруҳ гувоҳларга жиноятни фош этиш зарур фактлар маълум бўлса ҳам бу ҳақида ҳеч нарса билмасликларини пеш қиладилар. Аслида улар талон-тарож қилган шахслар билан алоқада бўладилар. Булар шофёрлар, юк ташувчилар, қоровуллар, оддий сотувчилар ва бошқалардан иборат муҳим гувоҳлар ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларни аниқлаш керак:

- а) гувоҳнинг айбланувчига нисбатан бўлган муносабати;
- б) гувоҳда ўз кўрсатувини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ёзувларни бор ёки йўқлигини аниқлаш;
- в) сўроқ мобайнида бошқа шахслардан олинган кўрсатувларни тўғрилигини аниқлаш;
- г) талон-тарож қилиш билан боғлиқ бошқа фактларни унга қанчалик маълумлиги ёки маълум эмаслигини сўраб билиш.

Гувоҳни сўроқ қилишда фақат унинг шахсини ўрганиб қолмай, балки шу билан биргаликда унинг тўғри кўрсатув беришига халақит берадиган ҳолатларни аниқлаш терговчининг ўзига хос санъати ҳисобланади, чунки давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш жиноятида мансабдор шахслар одатда гувоҳларни йўқ қилишга, алдашга, сотиб олишга ҳаракат қилади.

Айбланувчи ва гумон қилингандан тўла ва ҳақиқий кўрсатув олиш учун терговчи сўроқ қилиш жараёнида бир қанча тактик усулларни қўллаши керак бўлади. Гумон остидаги шахс терговчи қўлида ўзини айблаш учун материал тўла эмаслигини яхши тўшунади, акс ҳолда унга айб эълон қилинган бўлар эди.

Шунинг учун ҳам содир бўлган жиноятда ўз айби борлигини инкор этишга ҳаракат қилади. Талон-тарож жиноятида гумон остидаги шахс камомад келиб чиқишига ўзининг бевосита алоқаси йўқлигини, кўпинча улар ҳужжатларидаги хатолик ёки объектив омиллар асосида келиб чиққанлигини асос қилиб кўрсатадилар. Талон-тарож жиноятларини тергаш бўйича гумон остидагиларни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш катта аҳамиятга эга.

а) гумон остидаги шахсни сўроқ қилишда унинг асосий вазифаси, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тўла ва ҳаққоний кўрсатув бериши;

б) унинг ўз айбига иқрор бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса-да, бу бошқа далиллар каби муҳимлиги;

в) ўз айбини бўйнига олиш айбдор эканлигини исботлаш учун этарли эмас, чунки унинг айбдорлиги бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланиши зарурлиги;

г) шахснинг айбига иқрор бўлиши билан чегараланиб бўлмайди, бошқа жиноят иштирокчиларини ҳам «ҳиссаси»ни аниқлаш лозимлиги.

Иштирокчиларни аниқлаш ўзлаштирилган давлат ёки жамоат мулкнинг миқдорини аниқлаш имконини беради.

Агар иш бўйича бир неча гумон остидаги шахсларни сўроқ қилишга тўғри келса, терговчи аввало сўроқни кимдан бошлаш масаласини тўғри ҳал қилиш, иш учун катта аҳамият касб этади.

Сўроқни аввало жиноятнинг иккинчи даражали иштирокчиларидан бошлаш зарур, бундай иштирокчилар кўпинча жиноятга тасодифан қўшилиб қолган шахслар бўлади ва объектив кўрсатув беришга ҳаракат қиладилар.

6-§. Талон-тарож жиноятини тергаиш бўйича экспертизалар тайинлаш

Давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилиш жиноятларини тергаишда турли-туман масалаларни у ёки бу турдаги экспертизаларни тайинлаш орқали ҳал қилинади. Қуйида талон-тарож жиноятларини тергаишда тайинладиган айрим турдаги экспертизаларга тўхталиб ўтамиз:

1. Бухгалтерия экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) моддий товар қимматликлар, пул маблағларининг кам ёки ортиқча чиқиш ҳажмини текшириш ва аниқлаш;

б) хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни сарфлашнинг асосли эканлигини текшириш;

в) молия интизомининг бузилганлик ҳолатларини аниқлаш;

г) мазкур объектда ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилганлигини текшириш;

д) талон-тарож жиноятининг содир этилишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш.

Экспертизани тайинлашдан олдин терговчи эксперт бухгалтер билан маслаҳатлашиб экспертиза предмети ва вазифалари, текшириш учун олинладиган ҳужжатларнинг сони ва турларини, эксперт томонидан ҳал этиладиган саволларнинг мазмунини аниқлайди.

2. Криминалистика экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) дастхатни бажарган шахсни идентификация қилиш;

б) бир неча ҳужжатларни бажарган, тайёрлаган шахсларни аниқлаш;

в) ҳужжатлар матнидаги ўзгарган хат ва рақамларни ва уларнинг бажариш усулларини аниқлаш;

- г) ҳужжатлардаги дастлабки ёзув мазмунини аниқлаш;
- д) ёзув машинкаларини идентификация қилиш;
- е) муҳр ва штампларни идентификация қилиш ва ҳ.к.

Талон-тарож жиноятларини тергашда кўпинча дастхат ва текстларни экспертиза қилиш, ҳужжатларни криминалистик асосда текшириш учун трасологик экспертизалари тайинланади.

3. Технологик экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) технологик режимдан четга чиқиш ҳолларини, уларнинг нималарда ифода этганлигини, ишлаб чиқилган маҳсулот сифатига қандай таъсир қилганлигини аниқлаш учун;

б) ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун қанча хомашё яримфабрикатлар сарф этилганлигини аниқлаш;

в) тайёр маҳсулотларнинг давлат стандарти шартларига мос келиши;

г) маълум материаллар ёки маҳсулотларни тайёрлашда ёки ишлаб чиқаришда сарф этилган хомашё техник шартлар (та-лаб)ларга мос келиши ва ҳ.к.

Экспертиза ўтказиш учун етарли материалларни ўз вақтида етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Терговчи талон-тарож содир этилган давр ичида тайёрланган барча маҳсулотларни то-пишга ҳаракат қилиши лозим.

4. Товаршунослик экспертизаси асосан саноат ва савдо соҳасида содир этилган жинойий ишларни тергашда тайинланади. Экспертизанинг объекти бўлиб, тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Товаршунослик экспертизаси орқали тайёр маҳсулотларнинг сифати тўғрисидаги тайёр маҳсулотларнинг техник шартлар ва давлат стандарти талабларига мос келиши, номи, сорти ва баҳосининг тўғрилиги каби масалалар ҳал этилади.

5. Қурилиши техника экспертизаси асосан қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида содир этилган талон-тарож жиноятларини тергашда тайинланади ва қурилиш объектининг смета баҳоси, қурилиш ишлари материаллар нархи сметага мувофиқ аниқланганлиги қурилиш баҳоси қанча суммага ошириб кўрсатилганлиги каби масалалар ҳал этилади.

Булардан ташқари яна химия, агротехник, ветеринария ва зоотехника экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Бу турдаги экспертизалар давлат ва жамоа ҳўжаликларида, тайёрлов ташкилотларида содир этилган талон-тарож жиноятларини тергашда тайинланади.

7-§. Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш тадбирлари

Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш бўйича олиб бориладиган чораларга қуйидагилар киради:

- 1) талон-тарож жиноятларининг содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитларни аниқлаш;
- 2) уларнинг олдини олиш тадбир тадбирларини ишлаб чиқиш.

Талон-тарож жиноятларининг содир этилишига олиб келган ҳолатлар ва шарт-шароитлар 2 гуруҳга бўлинади: жиноятнинг содир этилишидаги вазият билан боғлиқ бўлган ҳолатлар; жиноятчининг шахси билан боғлиқ бўлган ҳолатлар.

Жиноятнинг содир этилишидаги вазият билан боғлиқ бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- мансабдор шахслар томонидаги давлат ва жамоат мулкининг қўриқланишига хўжасизларча ва совуққонлик билан муносабатда бўлиш; - моддий қийматлар ва пул воситаларини ҳисобга олиш қоидаларининг бузилиши;
- назорат қоидаларининг бузилиши;
- қабул қилинган ва берилаётган мулкларнинг сон ва сифати бўйича қайд этиш қоидаларининг бузилиши;
- юкларни транспортда ташиш қоидаларининг бузилиши;
- моддий қийматлар, мулкнинг етарли даражада қўриқланмаганлиги;
- кадрларни танлаш принципларининг бузилганлиги;
- мулкнинг ҳаракатда бўлишини ифода этувчи ҳужжатларни тузиш қоидаларининг бузилиши.

Бу кўрсатилган ҳолатлар умумий гуруҳлар категориясига киради. Ҳар бир ҳолатда улар деталлаштирилиши ва аниқликлар киритилиши мумкин.

Талон-тарож жиноятларини содир бўлишига олиб келадиган ҳолатлар содир этиш усуллари билан боғлиқ бўлади. Жиноятчилар жиноят содир этиш усулини танлашда корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги кирим-чиқим ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ички тартиб қоидаларининг бажарилиши устидан олиб бориладиган назоратнинг бўшлиги, ўлчов асбобларининг носозлиги, тафтиш ва инвентаризация текширишларининг юзаки ўтказилиши ва кадрлар танлашда йўл қўйиладиган камчиликларни ўрганиб, улардан ўзларининг жинойий ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланилади.

Талон-тарож жиноятларининг содир этилишга олиб келган, ёрдам берган ҳолатларни аниқлаш ва унинг олдини олиш тадбир

чоралари жиний ишни қўзғатишдан бошлаб, дастлабки терговни тугатишгача бўлган давр ичида терговчи ички ишлар органи ходимлари ва жамоатчилик вакилларининг ёрдами асосида ушбу жиноятларнинг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқади ва улар берган маълумотлар асосида тайёрланаётган кейинги жиноятларни бартараф этиш чораларини кўради.

Талон-тарож жиноятларининг олдини олишдаги терговчининг профилактик йўналишдаги фаолиятига қуйидагилар киради: тақдимнома киритиш, корхона, муассаса ва ташкилотлар жамоаларининг йигилишларида маъруза қилиш, умумий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали чиқишлар қилиш ва ҳ.к.

Терговчининг талон-тарож жиноятининг олдини олишдаги асосий иш формаси жиноят содир этилган корхона ва ташкилотларга тақдимнома киритиш ҳисобланади. Тақдимномада жиноятни тергаш жараёнида ушбу корхонада талон-тарож содир бўлиш сабаблари, уни содир этишда яратилган шароитлар ва кимнинг айби билан содир этилганлиги кўрсатилади. Шунингдек, тақдимномада талон-тарож жиноятининг олдини олиш йўллари ва воситалари ҳам кўрсатилади. Тақдимноманинг самарадорлиги кўрсатилган талаблар риоя қилинганлигига, адресатнинг тўғри танланганлигига ва унинг бажарилиши устидан тегишли назорат қилинишига боғлиқ.

28-боб. ЎҒИРЛИК, ТАЛОНЧИЛИК ВА БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. *Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг криминалистик тавсифи*

Давлат, жамоат ва шахсларнинг мулкани ўғирлаш энг кўп тарқалган жиноятлардан ҳисобланиб, мазкур турларнинг бевосита объектлари давлат, жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулкларидир.

Ўғирлик - давлат, жамоат ва шахсий мулкларнинг яширин равишда ўзлаштиришдан иборат.

Талончилик жинояти деганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки ишлатмасдан мулкни очикчасига талаш тушунилади. Бу ҳаракат ўзгалар мулкани очикдан очик зўрлик ишлатиб қўрқитиш йўли содир қилинади.

Босқинчилик жинояти дейилганда эса, жабрланувчининг шахсий мулкани унинг соғлиги ёки ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб эгаллаш тушунилади.

Мазкур жиноятларни содир этишдан олдин унга пухта тайёргарлик кўрилади. Жиноятчилар олдиндан жиноят содир этиладиган жойни (омбор, дўкон, хонадон) ёки ҳужум уюштирилиши лозим бўлган шахсни (инкассатор, газначи, сотувчи, қоровул) белгилаб олишади, зарур бўлганда олдиндан қуролларни тайёрлашади, транспорт воситаларини ҳозирлаб қўядилар, бажариладиган вазифаларни ўзаро тақсимлаб олишади.

Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари аксарият ҳолларда уюшган гуруҳ томонидан содир этилади. Кўпинча шундай гуруҳлар жуда турғун бўлиб, доимий равишда қатор жиноятларни содир этишлари ҳам мумкин.

Жиноятчилар жамғарма ва давлат банкларига, дўконларга, инкассаторларга ҳужум қилиш учун махсус тайёргарлик ишларини амалга оширадилар, корхона ва муассасаларнинг иш режимиларини ўрганадилар. Инкассатор ва савдо ходимларининг йўналишларини кузатадилар. Етарлича маълумот тўплаганларидан кейин ҳужум қилиш вақтини ва жойини, гуруҳ таркибини аниқлайдилар, қурол ва транспорт воситасини ҳозирлайдилар. Орқага қайтиш йўллари ва талон-тарож қилинган мулкни яшириш жойларини белгилаб олишади.

Жиноятчилар баъзи вақтларда мазкур жиноятни ҳеч қандай олдиндан тайёргарлик кўрмасдан амалга оширишлари мумкин.

Бундай жиноятлар агар жиноий тажовуз объекти олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлса амалга оширилади. Масалан: жиноятчилар бир қатор хонадонларни айланиб, эшикларни тақиллатадилар агар ҳеч ким чиқмаса, эшикни бузиб ўзларини қабиҳ ниятларини амалга оширадilar. Бундай жиноятлар кўпинча кундуз, дам олиш ва байрам кунлари содир этилади, чунки бундай кунларда уй эгалари ишда бўлишади ёки дам олгани кетган бўлишади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этишда жиноятчилар кўпинча тўсатдан ҳужум қилишга (агар кўчада бўлса) ҳаракат қилишади, хонадонларга киришнинг эса турли йўллариини излайдилар, почта, газ, электр энергияси хизмати ходими сифатида келганлигини билдириб, уйга ҳеч қандай қаршиликсиз киришга ҳаракат қиладилар.

Агар жиноят очиқ жойларда содир этилса, жабрланувчига тўсатдан пана жойдан, дарахт орқасидан туриб ҳужум қилинади ёки унга яқинлашиш учун турли йўллариини қидиради. Масалан: чекиш учун гугурт сўраш, бирон-бир кўча ёки адресни сўраш орқали жабрланувчига яқин келишга, кейин эса унга ҳужум уюштиришга ҳаракат қилади. Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг объекти аксарият ҳолларда аёл кишилар ва маст ҳолатда юрган эркеклар бўлиб чиқишади.

Ўғирлик жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- 1) ўғирлик жинояти ҳақиқатан ҳам содир этилганлиги;
- 2) ўғирлик жинояти содир этилган жой (корхона, муассаса, ташкилотларнинг аниқ номи ва жойлашган жойи, жабрланувчининг манзили), вақти ва қўлланган усули;
- 3) ўғирланган мулк кимга тегишли эканлиги (корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаролар);
- 4) аниқ нима ўғирланганлиги, ўғирланган мулкнинг белгила-ри, унинг сони ва нархи;
- 5) ўғирлик жиноятини содир этишда қандай техника воситаларидан фойдаланганлиги;
- 6) ўғирлик кимлар томонидан содир этилганлиги, иштирокчилар ва уларнинг вазифалари;
- 7) ўғирланган мулк кимга берилган ёки сотилганлиги;
- 8) келтирилган зарар миқдори;
- 9) ўғирлик жиноятининг содир этилишига олиб келган сабаб ва ҳолатлар;

10) келтирилган моддий зарарни қоплаш учун қандай чоратадбирлар кўриш талаб этилади.

Ўғирлик жинояти содир этилган жой ва унинг манзили жабрланувчи, мансабдор шахслар, қоровул, гувоҳ, суриштирув органлари вакиллари берган маълумотларда аниқ кўрсатилган

бўлади. Ўғирлик жиноятининг содир этилиши вақти, усули ва қандай техникавий воситалардан фойдаланганлиги воқеа жойини кўздан кечиришда аниқланади, шунингдек ўғирлик жиноятини тергашда аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш даврида аниқланади.

Ўғирлик жиноятини тергашда ўғирлик саҳналаштириб кўрилади, яъни ўғирлик жинояти содир этилмаган бўлса-да, хонадонларда, дўкон ва давлат мулки сақланадиган омборларда мазкур жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолат, вазият яратилади. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирганда бундай муғомбирликни фош этадиган асосларни топиш мумкин. Масалан: эшик ичига ўрнатилган қулфни кўздан кечирганда бузишдан қолган излар ташқаридан эмас ичкаридан топилганда, дўкон деворида ҳосил бўлган тешик ўйилиши ташқаридан эмас, ичкаридан ўйилганлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса ёки жабрланувчи ўғирланган буюмларнинг (пальто, магнитофон, соат) ранги, размери, маркаси, номи, тузилиши қандайлиги сўралганда аниқ жавоб бера олмаса, ўғирлик жиноят саҳналаштирилганликдан далолат беради. Терговчи жабрланувчини сўроқ қилаётганда бундай ҳолатларга ҳам жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергашда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) талончилик ёки босқинчилик жиноятлари қачон, қаерда ва қандай шароитда ва кимга нисбатан содир этилганлиги;

2) жиноятнинг содир этилишида нечта шахс иштирок этганлиги, уларнинг умумий ва хусусий белгилари;

3) жиноятчилар қуролланган бўлса, нималар билан қуролланганлиги;

4) жиноятни содир этишда зўрлаш ишлатилган бўлса, у қандай ҳажмда эканлиги;

5) етказилган тана жароҳатининг тавсифи ва оғирлик даражаси;

6) жабрланувчига етказилган тана жароҳатлари тўғрисидаги кўрсатувнинг гувоҳ берган маълумотлар билан таққослаб кўриш ва унинг тасдиқланиши;

7) босқинчилик натижасида жиноятчилар қандай мулк ёки предметларни олганлиги;

8) жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган шароитлар;

9) жабрланувчида катта пул суммаси борлигини билган шахсларни аниқлаш.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этишда жиноятчилар пухта тайёргарлик кўрадилар, жиноятни содир этиш усулларини, иштирокчиларни ва вақтни танлайдилар. Ис-

ботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноятни содир этиш усулини аниқлаш ҳисобланади. Жиноятчиларнинг жиноятни содир этишда қўллайдиган усулларидан бири ҳужум қилинадиган шахсни, хонадонни, қимматбаҳо давлат мулклари сақланадиган жойларни, инкассаторнинг раҳбаридан қачон пулни олиши ва унинг қаерга бориш йўналишларини зимдан кузатадилар ва ундан кейин ҳужум уюштириш усулларини танлайдилар. Кўп ҳолларда, жиноятчилар ўзларини расмий вакил сифатида электромонтёр, ЖЭК ходими деб таништириб хонадонларга киришга ҳаракат қиладилар, яқка шахсларга нисбатан эса у билан танишиш мақсадида яқин борадилар ва дарҳол ҳужум қиладилар.

Жиноятчиларнинг қўллайдиган асосий усули бу объектга тўғридан-тўғри ҳужум қилиб мулкни эгаллаш ҳисобланади. Агар жиноятни содир этишда кўп одам иштирок этган бўлса, терговчи ҳар бир иштирокчининг бажарган вазифасини ва ролини аниқлаши лозим. Жиноятни содир этиш усулларини жиноятчилар шахси, яширинган жойлари аниқлангандан кейин уларни қидириб топиш ва ушлаш амалга оширилади.

2-§. Ўғирлик жиноятларини тергов қилиш

Ўғирлик жинояти ўзининг объектлари бўйича икки турга бўлинади:

- 1) давлат ва жамоат мулкни ўғирлаш;
- 2) фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш.

Бу турдаги жиноятларни терғашда ўғирлик жиноятининг содир этилиши усулларини албатта инобатга олиш зарур. Давлат, жамоат ва шахсий мулкларни ўғирлаш жиноятларини содир этиш усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

1) Ўғирлик жиноятини содир этишга тайёргарлик қўришдаги ҳаракатлар;

2) Ўғирликни бевосита содир этишдаги ҳаракатлар;

3) Ўғирлик жинояти изларини яширишдаги ҳаракатлар.

Ўғирлик жиноятини терғаш услуги нуқтаи назаридан жиноятчиларнинг жиноий тажовуз объектига киришда қўллаган усулларини аниқлаш айниқса диққатга сазовордир. Моддий қийматлар, пул воситалари сақланаётган бинога, турар жойга киришнинг энг кўп тарқалган усуллари қуйидагилардир:

- қулф ва сим тўсиқларини бузиш;

- қулфларни калит ёки махсус тайёрланган мослама ёрдамида очиш;

- ром ёки унинг ойнасини чиқазиб қўйиш;

- витрина ойнасини туртиб чиқазиш;

- пол тагидан ковлаб кириш;

- девор ёки шифтни тешиб кириш;
- тўсиқларни электр (газ) пайвандлаш аппаратлари ёрдамида бузиш.

Ўғирлик жинояти бўйича жиноят иши қуйидаги асосларга биноан қўзғатилади.

1) корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, мансабдор шахсларнинг берган хабарлари асосида;

2) фуқароларнинг (жабрланувчиларнинг) берган хабарлари асосида;

3) моддий жавобгар шахслар ва қоровуллар берган хабарлари асосида;

4) ўғирлик содир этилганини кўрган ва эшитган гувоҳлар берган маълумотлар асосида;

5) суриштирув ва тергов органлари томонидан ўғирлик жинояти изларини топган ҳолларда;

6) ўғирлик жиноятини содир этилишида гумон қилинувчи сифатида ушланган шахсдан унга тегишли бўлмаган буюмларнинг мавжудлиги (масалан: ушланганда кўп қўл соати, моддий қийматлар олинган бўлса).

Ўғирлик жиноят ишлари бўйича қуйидаги тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) воқеа жойини кўздан кечириш;

2) инвентаризация ва тафтиш ўтказиш;

3) гувоҳларни сўроқ қилиш;

4) жабрланувчини сўроқ қилиш.

Шахсий мулкларни ўғирлаш жиноят ишларини тергаш бўйича қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) жабрланувчини сўроқ қилиш;

2) воқеа жойини кўздан кечириш.

Дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тезкор-қидирув ҳаракатлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади. Терговнинг мазкур шаклда ташкил этилиши ўғирлик жиноятини содир этган шахс тўғрисида мумкин қадар тезроқ маълумотлар тўплаш ва дастлабки тергов босқичидаёқ уни аниқлаш ва ушлаш имконини беради. Терговчи дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларига дастлабки тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ беради:

1) жиноятчини изидан қувиш;

2) из қидирув итидан фойдаланиш;

3) жиноятчининг қочиши мумкин бўлган йўлларга кузатувчилар қўйиш;

4) ИХХХ ходимларига, транспорт милицияси ва территориал ички ишлар органлари ходимларига жиноятчининг ва ўғирланган

мулк белгилари тўғрисида хабар бериш;

5) жиноятчининг бориб яшириниши тахмин этилган ҳудуддаги манзил тўғрисида тегишли органларга хабар бериш ва кузатувни ташкил этиш;

6) жиний рўйхат маълумотлари асосида қидирувни ташкил этиш.

Ўғирлик жиноятини тергаш воқеа жойини кўздан кечиришдан бошланади. Ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар олгач терговчи тезкор-қидирув ходимлари билан биргаликда зудлик билан воқеа жойига етиб бориши зарур.

Воқеа жойига етиб келиши биланоқ терговчи воқеа жойидан бегона шахсларни четлатиши ва ўғирлик жиноятининг содир этилишини ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни сўроқ қилиб жиноятчи тўғрисида айрим маълумотларни билиб олишга ҳаракат қилиши керак. Кўздан кечиришни бошлашдан олдин терговчи моддий жавобгар шахс, корхона маъмуриятидан моддий қийматлар, пул маблағлари қаерда ва қандай сақланганлиги тўғрисида маълумот олади. Кўздан кечиришни бошлашдан олдин терговчи ўғирлик содир этилган бино (квартира)нинг ташқи кўриниши, унинг атрофидаги биноларга нисбатан қандай жойлашганлиги, келиш кетиш йўлакчалари, қўриқланиш тартибини ўрганади, ундан кейин ўғирлик содир этилган жойни кўздан кечиради.

Воқеа жойи тўғрисида тўлиқ маълумот олгач, кўздан кечиришнинг кетма-кетлиги ва чегараси белгиланади, сўнгра терговчи қуйидаги ҳолатларни аниқлайди:

- ўғирлик содир этилган жойга жиноятчи қандай кирганлиги, қандай усул ишлатганлиги, қайси томонга қараб кетганлиги;

- қандай техника воситаларидан фойдаланганлиги;

- воқеа жойида қандай излар қолдирганлиги, қандай буюмларни ўзи билан олиб кетиши мумкинлиги;

- жиноятчининг касбини кўрсатувчи белгилар бор ёки йўқлиги;

- жиноятни содир этишда қанча шахс иштирок этганлиги;

- сохта жиноят белгилари бор ёки йўқлиги.

Воқеа жойини кўздан кечиришда бинога (омбор, дўкон) ёки хонадонга кириш жойлари диққат билан ўрганилиши лозим, чунки у ерларда жиноятчининг бузиш қуроллари, пойабзалидан, кийимларидан қолдирилган излар бўлиши мумкин. Жиноят содир эта туриб шахс эҳтиётсизлиги натижасида қўлини шикастлантириб қўйиши ва ўзи билмаган ҳолда воқеа жойида қон томчиларини қолдириб кетиши мумкин, булар эса жиноятчининг қон гуруҳини аниқлашга имкон беради.

Ўғирлик содир этишда жиноятчилар шошилганидан воқеа

жойида баъзи буюм ва предметларини қолдириб кетиши мумкин. Масалан: даструмолини, бош кийимини, чекиб ташланган папирос қолдиғини ва ҳоказо. Улар далилий ашё сифатида олиб махсус мосламаларга солиниши, жойлаштирилиши лозим.

Воқеа жойини кўздан кечиришда, айниқса давлат ва жамоат мулкани ўғирлаш жиноятлари бўйича воқеа жойида буюм ва предметларнинг тартибсиз ётганлигига (товарларнинг ҳар томонга сочиб ташланганлиги, полда пул ва бошқа қийматларнинг тартибсиз ётиши ва ҳ.к.) конфет, шакар ва бошқа озиқ-овқат махсулотларининг ерда сочилиб ётиши каби ҳолатларга асосий эътиборни қаратмоқ зарур. Бундан ташқари, воқеа жойини кўздан кечиришда сохта ўғирлик белгиларини кўрсатувчи салбий ҳолатларга ҳам эътибор бериш лозим.

Давлат ва жамоат мулкани ўғирлаш жиноятини сохталаш белгилари қуйидагилар:

1) полда ётган ҳалқаси кесилган қулфда арраланганлик аломатларини кўрсатувчи белгилар (қириндилар)нинг йўқлиги;

2) деворда ўйилган тешик ҳажми билан ўғирланган деб кўрсатилган буюмнинг ҳажми ҳақиқатга тўғри келиш ва келмаслиги: масалан, дўкон деворидан ўйилган тешикдан бир одам кириб чиқиши мумкин бўлсада, музлатгич ёки мазкур тешикка сигмайдиган катта габаритли буюм ўғирланганлиги тўғрисида шикоят қилинган бўлса;

3) девордаги тешикни ичкаридан ўйилганлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса-да, эшик қулфини бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай из бўлмаса;

4) ўта қимматбаҳо предметларнинг йўқлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлса-да, уларнинг қаерда сақланиши фақат моддий жавобгар шахсга маълум бўлса.

Воқеа жойини кўздан кечириш тамом бўлгандан кейин дарҳол инвентаризация ўтказиш тайинланади, ўғирлик сохталаштирилган деган тахмин туғилганда эса корхона ва ташкилотда тафтиш ўтказиш тайинланади.

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Давлат ва жамоат мулкани ўғирлаш ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатларидан бири моддий жавобгар шахсларни, раҳбар, қоровул ва ўғирлик содир этилаётганда жиноятчиларни бевосита ўз кўзи билан кўрган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳисобланади. Шахсий мулкларни ўғирлаш жиноят ишлари бўйича гувоҳ сифатида ўғирлик содир этилган хонадон аъзолари, қўшнилари сўроқ қилинади. Мазкур гувоҳларни сўроқ қилишда ўғирлик содир этилган объектга нисбатан ушбу гувоҳнинг қандай муносабатда эканлиги аниқланмоғи лозим.

Юқорида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилишда терговчи

қуйидаги масалаларни ҳал этишга эътибор бериши керак:

1) терговчи етиб келгунча воқеа жойидаги ҳолатга қандай ўзгартиришлар ким томонидан ва қандай мақсадда киритилганлиги;

2) ўғирлик қачон ва қандай ҳолатларда сезилганлиги;

3) мулк сақланаётган жойдан нималар ўғирланганлиги (ўғирланган мулкнинг номи, тахминий сони, нархи ва ҳ.к.)

4) ўғирланган мулк қаерда турганлиги;

5) мулк сақладиган жойни қўриқлаш қандай ташкил этилганлиги (қоровул, сигнализация орқали);

6) мулк сақланаётган жой (омборхона, база ва ҳ.к.) қандай кулфланганлиги, калит кимда ёки қаерда сақланганлиги;

7) объектнинг ҳолати, унда қандай моддий қийматлар сақланаётганлиги тўғрисида кимлар қизиқиб сўраганлиги;

8) ўғирлик содир этилиши даврида объектнинг яқинроғида кимни кўрганлиги;

9) сўроқ қилинувчи мазкур жиноятнинг содир этилишида кимни гумон қилиши.

Бу кўрсатилган ҳолатлар албатта йўналиш олиш хусусиятига эга бўлиб, аниқ воқеа шароитига ва ким сўроқ қилинишига қараб ўзгариши ҳам мумкин. Масалан: жабрланувчини ва моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда ўғирланган товар ва моддий қийматликлар ўғирлангани, уларнинг ҳажми тўғрисида маълумот олиши керак. Бундан ташқари моддий жавобгар шахс ўзини-ўзи ҳисоб-китоб, ким-чиқим ишлари бўйича текшириб кўрилганлигини аниқлаш лозим. Бу текширув ўғирланган мулкнинг тури, нархи ва қийматини аниқлашга катта ёрдам беради. Бу ҳолатларни аниқлаш жиноятини ўз вақтида очишга катта ёрдам беради.

Жабрланувчи ва моддий жавобгар шахсларни сўроқ қилиш. Жабрланувчилар ва моддий жавобгар шахсларни сўроқ қилиш ўғирлик жиноятларини тергашда ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларидан ҳисобланиб, у орқали нафақат жиноятчини аниқлаш, ҳатто ушбу ишлар бўйича муҳим бўлган дастлабки маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш ўғирлик жинояти қандай ҳолатларда содир этилганлигини аниқлашдан бошланади. Сўроқ қилинувчидан ўғирланган мулкни ёки моддий қийматликларни қачон кўрганлиги ва қачон йўқолганлигини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жабрланувчини сўроқ қилишда ўғирлик қачон ва қаерда содир этилганлигини, нима ўғирланганлигини, уларнинг номи, қиймати аниқланиши лозим. Ўғирланган мулкнинг баҳосини (суммасини) баъзи вақтларда

жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахслар ўз нархидан ошириб айтишлари ҳам эҳтимол, ҳатто ўғирланган мулкнинг ўзига хос белгиларини айтолмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бошқа оила аъзоларини ҳам сўроқ қилишга тўғри келади. Агар хонадондан соат, радиоприёмник, магнитофон, фотоаппарат каби буюмлар ўғирланган бўлса, уйда уларнинг техник паспортлари бор ёки йўқлиги ҳам аниқланиши лозим.

Сўроқ вақтида жабрланувчидан ўғирликда кимни гумон қилишини сўраб билиш керак. Турар-жойлардан ўғирлик содир этилганда жабрланувчидан у билан қўшни бўлиб шубҳали шахслар яшаш ёки яшамаслиги, уйда қимматбаҳо буюм ёки предметларнинг борлигини кимлар билиши мумкинлигини, уйда охирги марта ким бўлганлиги, уйдаги қимматли буюмлар билан кимлар қизиққанлиги каби масалалар аниқланиши лозим. Агар жабрланувчи ўғирликни кимлар содир этиши мумкинлиги, ҳатто аниқ шахснинг исми шарифини айтса, унда гумон қилиш асослари аниқланиши лозим.

Моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим: ўғирлик содир этилганлик вақти ва ким хабар берганлиги; ташкилотнинг иш тартиби қандайлиги; мулк сақланадиган жойга кимлар кириш ҳуқуқига эга эканлиги; объектнинг қўриқланиш тартиби; ушбу ташкилотда шубҳали шахслардан ишлаши ёки яқинда кимлар ишдан бўшатирилганлиги; терговчи келгунча умумий ҳолат ўзгармаганлиги; қаердан нима ўғирланганлиги; агар пул ўғирланган бўлса, улар қанча эканлиги ва қаерда сақланганлиги.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ўғирлик жинояти содир этилган пайтда унинг қаерда эканлигини аниқлашдан бошланади. Жиноятни содир этиш вақтида ушланган жиноятчилар асосан тўғри кўрсатув беришади. Гумон қилинувчи сифатида ушланган шахс эса жиноят содир этилган вақтда бошқа ерда эканлигини айтиб жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида кўрсатув бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда унинг берган кўрсатувлари деталлаштирилиб, текширилиб кўрилади. Бунинг учун воқеа жойидан топилган излар, тинтув вақтида олинган ашёвий далиллар, ўғирлик жинояти содир этилаётганини ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар кўрсатувлари жиноятчиларнинг ёлгон кўрсатувларини фош этиш мақсадида фойдаланилади. Агар гумон қилинувчи ўз айбига иқрор бўлиб, жиноят содир этилганини тан олса, жиноятни содир этиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар, унга тайёргарлик қўриш, қандай қуроллардан фойдаланганлиги, иштирокчилар аниқланади.

Гумон қилинувчи (айбланувчи) ларни сўроқ қилишда қатор масалалар ҳал этилиши лозим: гумон қилинувчи (айбланувчи)

нинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, ўғирлик қаерда содир этилганлиги, уни содир этиш вақти ва усули, ўғирланган буюмлар ва уларнинг ўғирлангандан кейин қаерда сақланаётганлиги.

Агар иш бўйича бир неча гумон қилинувчи бўлса, унда терговчи қайси бирини биринчи сўроқ қилиш масаласини аниқлаши керак.

Айбини тан олган жиноятчиларни сўроқ қилишдаги асосий шарт-шароитлардан бири уларнинг берган кўрсатувларини деталлаштириш ҳисобланади. Ўғирлик содир этилган жой аниқлангандан кейин сўроқ қилинаётган шахсдан ўғирлик содир этилган объект қаерда жойлашганлиги, унинг ташқи кўриниши, унга бориш йўллари ва ўғирлик содир этилган хона, дўкон, омбор ва бошқаларнинг ички ҳолати қандайлиги ҳам аниқланиши лозим. Жиноятни содир этиш усулини аниқлаш пайтида ўғри нима учун айнан ушбу усул танлаганлиги, тўсиқдан қандай ўтганлиги, тўсиқдан ўтишда, уни бузишда қандай қурол ва предметлардан фойдаланганлиги, уларни қаердан олганлиги ва ўғирланган буюмларни қаерга қўйганлиги, қандай буюм ва моддий қийматлар ўғирланганлиги, улар хонанинг, дўконнинг қаерида турганлиги, ўғирланган буюмнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиши лозим. Кўрсатувнинг бундай деталлаштириш, уни тергов ва тезкор қидирув ҳаракатларини амалга ошириш даврида тўпланган маълумотлар билан солиштириб кўриш учун имкон беради.

Гумон қилинувчи ушлангандан кейин дарҳол шахсий тинтув қилинади ва унинг турар жойида тинтув ўтказилади. Агар гумон қилинувчи сифатида бир неча шахс ушланган бўлса, уларнинг турар жойларида бир вақтнинг ўзида тинтув ўтказилади. Шахсий тинтувни ўтказишда асосий эътибор ўғирлик содир этилишида фойдаланилган қуроллар ёки мосламаларни, турли ҳужжатларни, ўғирланган буюмлар, предметларни қидириб топишга қаратилмоғи лозим. Тинтув ўтказилаётган шахсларнинг чўнтагидан унинг шахсини билдирувчи ҳужжатлар, тўсиқни бузишда (эшик, ром, девор ва ҳ.к.) кийимларида, баданида турли чанг, металл қириндилари қолиши мумкин. Бу изларга асосий эътиборни қаратмоқ лозим бўлади.

Гумон қилинувчилар ва ўғирланган мулклар яширилиши мумкин деб гумон қилинган шахсларнинг турар жойларида ҳам тинтув ўтказилади. Кўпинча жиноятчилар ўғирланган буюмларни ертўла, чердак, молхона ва шунга ўхшаш жойларда сақлашлари мумкин. Шунинг учун бундай жойлар диққат билан текширилиши лозим. Бундан ташқари ҳовли жойларда дарахт таглари, томорқа жойлари ҳам албатта текширилиши шарт.

Тинтув жиноятчини қидириб топиш мақсадида ҳам

Ўтказилиши мумкин. Бундай вақтларда жинойтчининг яшириниб турган жойини у билан алоқа қилиб турган шахсларни кўрсатувчи турли ёзишмалар, почта квитанциялари ва ҳ.к.ларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гумон қилинувчининг баданида жинойт изларини, белгиларини аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ҳам ўтказилади. Кўпинча жинойтчилар ўғирликни содир этишда шошилиб бирон аъзосини жароҳатлантириши, қўлида турли доғлар, чанг, тирноқ тагида ёғ, ун, шакар ва ҳоказо маҳсулотларнинг қолдиқлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гувоҳ ва гумон қилинувчиларнинг кўрсатувларини текшириб кўриш учун тергов эксперименти ҳам ўтказилади. Ўғирлик жинойтини тергашда у ёки бу ҳаракатни бажариш қобилиятини текшириб кўриш мақсадида тергов эксперименти ўтказилади. Масалан: тинтув вақтида гумон қилинувчидан олинган калит билан ўғирлик содир этилгани, уй ёки бино эшигидаги қулфни ечиш мумкин ёки мумкин эмаслик ҳолатини текшириб кўриш.

Ўғирликни тергашда турли суд экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Кўпинча криминалистик, суд-тиббиёт, суд-химия, товаршунослик экспертизалари тайинланади.

Криминалистик экспертизаси энг кўп тарқалган экспертиза турларидан ҳисобланиб, ўғирлик жинойтларини тергашда трасологик хатшунослик (дастхатлик) экспертизалари тайинланади. Воқеа жойидан кўпинча бармоқ излари, пойабзаллардан, бузиш қуролларидан қолган излар топилди. Терговчи излардан нусхалар (намуналар) олиб дактилоскопик ёки бузиш қуроллари, оёқ излари бўйича трасологик экспертиза тайинлайди. Суд-тиббиёт экспертизаси ўғирлик содир этилган жойдан қонга ўхшаш доғлар, бузиш қуроллари, буюмлар, ойна синиқлари ҳамда чекиб ташланган папирос қолдиқлари, соч толалари топилганда тайинланади. Экспертиза ёрдамида воқеа жойидан қон доғлари мавжуд бўлган предметлар, бузиш қуролларидаги қон гуруҳи гумон қилинувчи сифатида ушланган шахснинг қон гуруҳига тўғри келиши ёки келмаслиги масалалари ҳал этилади. Бу маълумотлар гумон қилинувчининг ўғирлик содир этишга алоқадор эканлигини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-химия экспертизаси гумон қилинувчидан ёки бузиш қуролларидан топилган турли моддалар (клей, буёк, чанг, турли кимёвий модда доғлари) таркиби воқеа жойидан олинган моддалар таркибига мос келиши масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

Товаршунослик экспертизаси асосан ўғирланган предметларнинг гумон қилинувчидан топилган предметлар билан бир

таркибли ёки фарқ қилиши масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

3-§. Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергаш

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари хавфли ва оғир жиноятлар туркумига кириб, давлат ва жамоат ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкани эгаллашга қаратилган бўлади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун асос қилиб қуйидагилар олинади:

1) жабрланувчиларнинг берган аризалари;

2) мансабдор шахсларнинг давлат мулки сақланаётган жойга ёки уни қўриқлаётган қоровулга хужум қилиб мулкни ўғирлаганлиги тўғрисидаги аризаси;

3) талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида шикаст етказилган шахсга тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббий муассасалардан берилган хабарлар;

4) ички ишлар органлари бевосита талончилик ва босқинчиликни аниқлаганлиги.

Талончилик ёки босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар олингандан кейин ўтган вақтни инobatга олган ҳолда ички ишлар органи тезкор ходимлари ёрдамида зудлик билан жиноятчини ушлашга қаратилган тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш лозим. Ундан кейин жабрланувчидан ҳодиса қандай ҳолатда содир этилганлиги тўғрисида сўраб олинади. Сўраш қисқа бўлиши, бу вақт ичида терговчи ёки суриштирувчи жиноят белгилари борлиги тўғрисида бир хулосага келишлари лозим. Шу ҳолатнинг ўзи жиноят ишини қўзғатишга асос бўлади.

Ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги жиноятчининг жиноят содир этиш вақтида ушлангани ёки жиноятнинг содир этиш ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилганлигига боғлиқ. Агар жиноят иши жиноятнинг содир этиш ҳолати бўйича қўзғатилган бўлса, тергов дарҳол жабрланувчини сўроқ қилиш, воқеа жойини кўздан кечириш, жабрланувчининг кийимларини кўздан кечириш ва гувоҳлантириш, жабрланувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, гувоҳларни сўроқ қилишдан бошланади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш. Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергашда жабрланувчилар иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни беришлари мумкин. Сўроқ жараёнида жабрланувчининг руҳий ҳолати албатта инobatга олиниши зарур. Жабрланувчи унга хужум уюштирилганда қўрққанидан ҳушидан кетиб қолиши ёки содир этилган ҳодисани барча деталаригача эслаб қололмаслиги мумкин. Ушбу турдаги

жиноятлар кўпинча қоронғулик пайтида содир этилади. Жабрланувчи жиноятчиларнинг ташқи кўриниш белгиларини яхши эслаб қололмаслиги, қоронғуликда уларнинг қўлидаги қурол турларини яхши ажрата олмай қолишлари мумкин. Баъзи вақтларда жиноятчилар ҳақиқий тўппонча ўрнига ёғочдан ясалган ёки ўйинчоқ тўппончалардан фойдаланишлари ҳам учраб туради. Жабрланувчи қўрқув ёки яхши эътибор бермаганлиги натижасида, жиноятчилар қуролланган эдилар, деган кўрсатув беради.

Жабрланувчи ўзига нисбатан ҳужум уюштирилгандан кейин тўлалигича ўзига келмаган ёки бўлиб ўтган ҳодисани батафсил эслай олмайдиган ҳолатда бўлади. Шунинг учун терговчи уни тинчлантириши зарур, хавф ўтиб кетганлиги, ўзини қўлга олиши ва бўлиб ўтган воқеани яхши эслашини тушунтириши керак. Жабрланувчи эс-ҳушини таклагандан кейин сўроқ қилиниб, қуйидагилар аниқланади:

- талончилик ва босқинчилик қачон ва қаерда (шаҳар, кўча, парк ва ҳ.к.) содир этилганлиги;

- ҳужум уюштирилганда жабрланувчи бир ўзи ёки у билан бошқа шахслар ҳам борлиги, агар бўлган тақдирда ким бўлганлиги ва уларни қандай топшиш мумкинлиги;

- ҳужум қилинган жойга нима мақсадда борганлиги;

- талончилик ва босқинчилик содир этилаётган вақтда жиноятчиларнинг ҳаракатлари нималарда ифода этилганлиги: жиноятчилар пул талаб қилганлиги ёки қўлидан сумкачасини тортиб олганлиги, жиноятчилар бир неча шахс бўлса улар ўзаро нималар тўғрисида гаплашганлиги, бир-бирига исми шарифи ёки лақаб билан мурожаат этганлиги;

- жабрланувчи талончилик ёки босқинчилик натижасида қандай зарар кўрганлиги: қанча сўм пулини олганлиги, қандай нарсаларни олган бўлса уларнинг номи, қиймати, ўзига хос белгилари ва рақамлари;

- жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатган ёки кўрсатмаганлиги;

- воқеани кимлар кўрганлиги ёки унга ҳужум қилинганлигини кимлар тасдиқлаши мумкинлиги;

- жиноятчилар транспорт воситасидан фойдаланган бўлсалар, унинг маркаси, ранги ва қайси томонга кетганлиги.

Сўроқ вақтида жабрланувчининг кўрсатуви мумкин қадар аниқлаштирилиши ва деталлаштирилиши лозим. Айниқса, баён-номада жиноятчиларнинг ташқи кўриниш белгилари жинси, ёши, бўйи баста, ташқи қиёфаси, бош ва оёқ кийимининг тури, ранги батафсил ёритилиши лозим. Агар жиноятчилар жабрланувчиларнинг устки кийимини ечиб олган бўлса, уларнинг чўнтагида ни-

малар бўлганлиги аниқланади, агар давлат ва жамоат мулки босқинчилик ёки талончилик билан талон-тарож қилинган бўлса, жабрланувчи сифатида ушбу корхонанинг ходими сўроқ қилиниб ўғирланган мулк қаерда, қандай сақланганлиги, уларни ким тасарруф этганлиги аниқланади.

Жабрланувчи ҳужум натижасида қўрққани туфайли жиноятчиларнинг сони, ташқи қўриниш белгилари, жиноятнинг содир этилиш ҳолати тўғрисида нотўғри кўрсатув бериши ҳам мумкин. Бундай вақтларда жабрланувчининг берган маълумотлари танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, улар иш бўйича тўпланган, маълумотлар билан солиштириб кўрилиши шарт. Жабрланувчининг дастлабки сўроқ вақтида берган кўрсатувларини деталлаштириш, аниқлаштириш мақсадида сўроқни жиноят содир этган жойга чиқиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида кўрсатувнинг тўғрилигини, тўлалигини таъминлашга ёрдам беради.

Талончилик ва босқинчилик билан боғлиқ бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жабрланувчи сўроқ қилингандан кейин дарҳол ўтказилади. Ҳодиса жойи, кўчалар, қурилиш майдонлари, шаҳар дам олиш боғлари, шаҳар транспорт воситалари (автобус, троллейбус, трамвай ва ҳ.к) салонлари, турар жойлар бўлиши мумкин. Кўздан кечиришни ўтказишда жабрланувчи ва ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг иштироки кўздан кечириш чегарасини аниқлаб олишда ва жиноят изларини қидириб топишда ёрдам беради.

Воқеа жойини кўздан кечиришда мутахассис криминалистнинг иштирок этиши ҳам жуда зарур, чунки у топилган бармоқ изларидан, пойабзал, транспорт воситалари ва бузиш қуролларидан кўчирма нусхалар олишда терговчига ёрдам беради. Шу боисдан воқеа жойига чиқадиган гуруҳ таркибига мутахассис-криминалистни ҳам киритиш зарур.

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари бўйича воқеа жойини кўздан кечиришда инспектор-кинолог ҳам иштирок этиши мумкин.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи қуйидаги вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиши лозим:

1. Жиноятчилар томонидан воқеа жойида ва унга туташ бўлган ҳудудларда қолдирган турли изларни пойабзал, транспорт воситаси, бузиш қуролларидан қолдирилган излар, қон доғларини қидириб топиш;

2. Жиноятчилар томонидан эсидан чиқиб қолдириб кетган ёки ташлаб юборилган турли предметларни ёки ўзлари билан жабрланувчи ўртасида ҳужум вақтида олишув бўлганда

қолдириб кетган предметларни (қурол, папирос қолдиғи, бош кийими ва ҳ.к.) қидириб топиш;

3. Жиноятчининг воқеа жойида бўлганлигидан далолат берувчи излар ва предметларни, жиноятчиларнинг кийимларида, фойдаланган транспорт воситасида қолдирилиши мумкинлигини аниқлаш (Масалан: лой, тупроқ, чанг, бўёқ, қон излари ва ҳ.к.);

4. Воқеа жойи ҳолатини ва изларни криминалистик-техникавий воситалар ёрдамида қайд этилишини таъминлаш чорасини кўриш лозим. (Масалан: фотосуратга олиш, видеотасвирга тушириш, нусхалар олиш).

Кўздан кечиришни ҳужум уюштирилган жойдан бошламоқ лозим. Бу жойлардан жиноятчининг оёқ излари, ташлаб юборилган ёки тушириб қолдирилган жиноят қуроллари (пичоқ, устара, кастет ва ҳ.к.) отилган гильза ва ўқлар, жиноятчиларнинг тиш излари қолган предметлар, папирос қутигачи ва қолдиғи, дастрўмол, гугурт, олишув вақтида юлинган тугма, кийим парчалари, бош кийим ва бошқа буюмлар топилиши мумкин. Бу топилган из ва буюмларда жиноятчилар тўғрисида муҳим маълумотлар бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, улар диққат билан кўздан кечирилиши лозим. Масалан: воқеа жойидан топилган пойабзал излари жиноятчилар кийиб юрган пойабзал тури, размери, жиноятчиларнинг қаёқдан келиб, қайси томонга кетганлигини, транспорт воситаси протекторидан қолган излар бўйича жиноятчилар қандай транспортдан фойдаланганлигини, бош кийимидан топилган сочи бўйича, сочининг ранги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Ҳужум қилинган жой кўздан кечирилгандан кейин, унга туташ бўлган жойлар кўздан кечирилади. Воқеа жойидан жиноятчилар кетган из бўйича кузатиб борилса, йўлма-йўл унча аҳамиятли бўлмаган, арзимайдиган предмет ёки буюмларни ташлаб кетган ёки тушириб қолдирганлиги аниқланиши мумкин.

Масалан, жиноятчилар сумкача ёки ҳамённи тортиб олгандан кейин ичидаги пул ва бошқа қимматли буюмларни олиб, ўша ернинг ўзидаёқ ёки воқеа жойидан бир оз узоқлашгандан кейин отиб юборишлари мумкин. Жиноятчилар ташлаб кетган предметлар, ўғирланган буюмлар топилганда улар диққат билан кўздан кечирилади, чунки уларда жиноятчилар ўзларининг бармоқ изларини қолдирган бўлишлари мумкин.

Агар талончилик ёки босқинчилик турар жойларда содир этилган бўлса, юқорида қайд этилган из ва предметлардан ташқари хонадонларга кириш жойларида, эшикда ва ичида бузиш аломатлари мавжуд бўлганда, бузиш қуролларининг турини аниқлаш мақсадида улар диққат билан кўздан кечирилади, бузиш қуролини қидириб топиш чоралари кўрилади.

Жабрланувчини сўроқ қилгандан ва воқеа жойида кўздан кечиришни ўтказгандан кейин, кечиктириб бўлмайдиган баъзи тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим бўлади. Уларга гувоҳларни сўроқ қилиш, суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш, жабрланувчининг кийимини кўздан кечириш ва гувоҳлантириш каби тергов ҳаракатлари киради.

Гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг кузатувиға таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларға ҳам эътибор бериш лозим. Масалан, жиноят содир этилган жойнинг ёритилганлиги, масофа, ҳодисанинг тез бўлиб ўтганлиги, кўриш ва шунга ўхшаш ҳолатлар. Шунинг учун ҳам уларни сўроқ қилишда биринчи навбатда ҳодиса қачон содир этилганлигини, об-ҳаво қанақалиги, ёритилиш қандай эканлиги, ҳодиса содир этилаётганда қаерда турганлиги, кўриш қобилияти қандайлиги, нима учун ҳодиса содир этилган жойға ўз эътиборини қаратганлиги аниқланади. Кузатиш жараёнида у нималарни кўрганлиги, яъни жабрланувчини кўрган бўлса, у қандай кийимдалиги ва ҳужум вақтида нима қилганлиги, агар жиноятчиларни кўрган бўлса, кўриниши қандай эканлиги, қайси томондан келганлиги ва ҳар бирининг ҳаракати нималарда ифода этилганлиги ва қайси томонға қараб кетганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятға эгадир.

Суд-тиббиёт экспертизасида жабрланувчиға етказилган тан жароҳати, унинг даражаси, танаға етказилган шикаст (жароҳат) вақти, қўлланилган қурол, натижада жабрланувчининг меҳнат қобилиятини йўқотганлиги аниқланади. Баъзан жабрланувчи баданиға жароҳатни ўзи етказиши мумкинми, шикаст етказилишида жабрланувчи билан жиноятчи (ҳужум қилган шахс)нинг ўзаро жойлашиши қандай бўлганлиги каби ҳолатлар аниқланиши лозим.

Агар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш зарурати бўлмаса, жабрланувчининг баданида шикастланиш белгилари бор- йўқлигини аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ўтказилади. Гувоҳлантириш Жиноят процессуал кодексининг 142-147-моддаларида кўрсатилган талаблар асосида ўтказилади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этиш вақтида, агар жабрланувчи қаршилиқ кўрсатган бўлса, улар олишув пайтида ҳар иккаласининг ҳам ташқи кийимида уларнинг толалари қолиши мумкин. Уларнинг кийимлари олиниб, ЖПКнинг 135, 140-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда кўздан кечириш ўтказилади. Кийимларни кўздан кечириш яхши ёритилган хонада катталаштириб кўрсатадиган лупалар ёки микроскоплардан фойдаланиб ўтказилади. Кўздан кечиришда ҳосил бўлган шикастлар асосида жиноятчилар қандай қуроллардан фойдаланганлиги ҳамда жабрланувчининг кийимида

қолган қон доғлари ва микрозаррачалар аниқланади.

Дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш билан бирга ички ишлар органлари ходимларига жиноятчилар ва ўғирланган мулкни қидириб топиш учун тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар берилади. Жиноят содир этилишидаги аниқ ҳолатни, ўтказилган дастлабки тергов жараёнида тўпланган маълумотларни инobatга олган ҳолда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жиноятчи қочиб улгурган бўлса, унинг изидан қувиш гуруҳи таркибига жабрланувчи ёки гувоҳни киритиш зарур;

2) яширинган жиноятчини қидириб топиш мақсадида атрофдаги ҳудудларни қараб чиқиш;

3) хизмат итидан фойдаланиш;

4) жиноятчилар қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида милиция ходимлари ва жамоатчилик вакиллари ёрдамида йўлларда, станцияларда, пристанларда тўсиқ ўрнатиб уларнинг йўлини тўсиш ишларини ташкил этиш;

5) жиноятчилар келиши мумкин бўлган жойларда кузатишни ташкил этиш;

6) жиноятчиларни кўрган шахсларни аниқлаш;

7) жиноятчилар ўтиши мумкин бўлган аҳоли пунктлари, милиция органларини, темир йўл станцияларини ва қўшни туман ва вилоят ички ишлар органларини жиноятчиларнинг белгилари ва ўғирланган мулк турлари маркаси ва бошқалар тўғрисида хабардор қилиш;

8) бозорларда, ломбардларда, дўконларда қўл юкини сақлаш камераларида, вокзал ва аэропортларда ўғирланган мулкни сотаётган ёки сақлашга топшираётган шахсларни ушлаш мақсадида кузатувни ташкил этиш.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларининг қанчалик тез ва моҳирона ўтказилиши жиноятчилар ва ўғирланган мулкларни ўз вақтида ушлаш ва қидириб топишда катта аҳамиятга эга.

Терговнинг вазифасига мазкур жиноятларнинг олдини олиш масаласи ҳам киради.

Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг содир этилишига олиб келган ҳолатлар ва сабабларни аниқлашни терговчи жиноят иши қўзғатиш босқичидан бошлайди ва дастлабки тергов тамом бўлгунга қадар давом эттиради.

Маълумки, бу жиноятларнинг содир этилишининг асосий сабаблари айрим шахсларнинг онгида жамият манфаатларига зид бўлган қарашлар ҳисобланади. Терговчининг вазифалари, биринчидан, бундай қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омилларни, иккинчидан, бу омилларнинг амалга оширилишига

имкон яратувчи ҳолатларни аниқлашдан иборат.

Талончилик ёки босқинчилик жиноятларининг содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга кирувчи типик ҳолатларга қуйидагиларни киритса бўлади: ёш ўспиринларнинг назоратсиз қолдирилиши, айрим оилаларда уларга нисбатан салбий таъсир кўрсатилиши оилада сурункасига спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши, оилада эгоизм, қўполлик, атроф-муҳитга нисбатан менсимаслик, баландимоғлик билан қараш. Бу ҳолатларга мактабларда, ўқув муассасаларида ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларида тарбиявий ишларнинг сустлиги, яшаш жойидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятсизлигини қўшиш мумкин.

Бирон-бир маънавий негизга эга бўлмаган, ўзининг бўш вақтларини қандай ўтказишни билмайдиган ўспирин ичкиликбозликка, карта ўйинларига берилиб кетади, натижада аввал кичикроқ, кам аҳамиятли бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этадилар, кейинроқ унинг онгида жазосиз қолиб кетиш аломатларининг пайдо бўлиши натижасида оғирроқ, яъни талончилик ёки босқинчилик жиноятларини содир этишгача олиб келади.

Иккинчи гуруҳ ҳолатларига қуйидагилар киради: 1) маъмурий органлар фаолиятида йўл қўйиладиган камчиликлар: текинхўрларча турмуш кечираётган шахслар жиноятчилар муҳитига тушиб (шахслар) қолиши, жинойий гуруҳлар билан ишлашнинг суст олиб борилиши; талончилик ва босқинчилик жиноятларининг тўла очилмай қолиши; ўқ-отиш ва совуқ қуроолларни тортиб олишдаги бепарволиклар; жамоат тартибини қўриқлаш органларининг фаолиятсизлиги; турар жой атрофларининг яхши ёритилмаганлиги;

2) жабрланувчиларнинг маънавий ва ахлоқий бузуқлиги;

3) моддий қимматликлар билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши. Масалан: газначи ёки инкассаторларнинг пул маблағларини қўриқчисиз транспортда олиб юриши.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини келтириб чиқарган сабаблар, ҳолатлар аниқлангандан кейин терговчи тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимномада жиноятнинг содир этилишига имконият яратиб берганликлари кўрсатилиши билан бирга ушбу ҳолат ва шарт-шароитларни бар-тараф этиш чораларини ҳам кўрсатади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ички ишлар органлари, пост-патруль хизматини яхши ташкил этиш;

2) кўча ва жамоат жойларидан маст ҳолатда юрган шахсларни четлатиш;

3) милиция органлари ва жамоатчилик ёшларнинг ўқ отиш ёки совуқ қуроолларини тақиб юриши билан боғлиқ ҳолатларга қарши кураш олиб бориши;

4) жабрланувчининг хулқини иш жойи йиғилишида муҳокама этиш.

Тақдимномада, шунингдек, корхона раҳбарияти номига ёшларни ишга жойлаштириш, меҳнат шароитлари ва дам олиш вақтларини яхши ўтказишни таъминлаш масалаларига эътиборсизлик билан қараганликлари қайд этиб борилади.

29-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГАШ УСЛУБИ

1-§. *Фирибгарликнинг криминалистик тавсифи*

Фирибгарлик деганда ўзгалар мулкани (давлат, жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулклари) алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қўлга киритиш тушунилади. Мазкур жиноятни тергаш ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, фирибгарлик жиноятининг содир этилиши бошқа жиноятлар содир этилишидан фарқ қилади. Жабрланувчилар фирибгарлар билан бир қанча вақт, баъзи вақтларда узоқ муддат давомида ўзаро муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан кейин фирибгарнинг ташқи кўриниши, белгилари тўғрисида тўлароқ маълумот беришлари мумкин.

Иккинчидан, фирибгар маълум даражада бошқа жиноятчилардан (ўғри, талончи, безори) фарқ қилади. Кўп ҳолларда фирибгарлик вояга етган, ёши катта шахслар томонидан содир этилади. Улар жиноятни содир этишда ўзларининг айёрлик ва чапдастлик қобилиятларини ишлатиб одамларни ўзига жалб этадилар, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотадилар.

Учинчидан, фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ўзларини ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очиқ кўнгиллик билдирадилар ва шу билан ўзларини алданиб қолганларини билмайдилар.

Фирибгарларни шартли равишда беш гуруҳга бўлса бўлади: биринчи гуруҳга қўнимсиз, доимий равишда дайдиб юрадиган фирибгарлар- учарларни (гастролер) киритса бўлади. Улар жиноятни содир этиш биланоқ яширинади.

Иккинчи гуруҳга доимий яшаш ва иш жойи бўлмаган, фирибгарлик билан бир неча бор судланган шахсларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга майда фирибгарлик содир этадиган шахслар киради.

Тўртинчи гуруҳ ўзларининг енгилтаклиги туфайли ёки бошқа шахслар ёки ҳолатлар таъсирида биринчи маротаба фирибгарликни содир этган шахслардан иборат.

Бешинчи гуруҳга олдин судланмаган, узоқ чўзилган фирибгарликни содир этган, жумладан, ноқонуний равишда нафақа (пенсия) олиб турган шахслар киради.

Фирибгарлик жиноятини тергашда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга жиноятни содир этиш усули, жиноят содир этилишида жабрланувчининг роли, фирибгарлик жиноятининг содир этилишига имконият яратган шароитлар киради.

ФИРИБГАРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИНИНГ АСОСЛАРИ

АНИҚЛАНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Фирибгарлик содир этилганми?

Фирибгарлик содир этилган жой, вақти шароитлари, усуллари, ким жиноятнинг шохиди бўлганлиги

Фирибгарлик кимга нисбатан содир этилган?

Фирибгарлик предмети, фирибгар қанча миқдордаги пулни ноқонуний йўл билан қўлга киритганлиги

Жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотлар

Фирибгарлик жиноий гуруҳи ва унинг ҳаракатларида иштирок этган бошқа шахслар ҳақида маълумотлар (таркиби, сони, техник жиҳозланганлиги, алоқалари, ихтисослашуви)

Жабрланувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар, фирибгар билан муомала қилинган ҳолатлар

Фирибгарлик содир этилишига қўмаклашган шароитлар

2-§. Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари

Фирибгарликнинг содир этилиш усулларини билиш терговни муваффақиятли олиб боришга имкон беради, чунки шу асосда у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказиш режалаштирилади, уларни ўтказишнинг кетма-кетлиги ва тактикаси аниқланади ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари белгиланади. Фирибгарликнинг кўп

тарқалган усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ижтимоий таъминот органларидан давлат нафақалари ва бошқа тўловларни сохта ҳужжатлар ёрдамида ноқонуний йўл билан олиш, бундай ҳужжатлар корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларидан пора бериш орқали сотиб олинади;

2) у ёки бу товарларни кредитга олиш йўли билан давлат мулкани эгаллаш ва қолган суммани тўлашдан бош тортиш;

3) давлат ва жамоат мулкани сохта ёки ўзгаларнинг ҳужжатини кўрсатиш йўли билан эгаллаш;

4) давлат ва жамоат мулкани кўп миқдордаги пулларни майдалаб олишда кассирларни ҳисобда алдаш йўли билан эгаллаш.

Фуқароларнинг шахсий мулкани фирибгарлик йўли билан эгаллаш усулларидан бири:

1) харидорга у сотиб олаётган нарса ўрнига бошқа нарсани бериш тез-тез учрайди. Бу ҳолларда тергов режаси тузишда ва тегишли версиялар юритилади. Юритиладиган типик версияларга шартли равишда қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Фирибгарлик ҳақиқатан ҳам юз берганми?

2) фирибгарлик содир этилмаган, лекин аризачи виждонан адашган?

3) фирибгарлик содир этилмаган, лекин аризачи атайлаб ёлғон хабар берган (фирибгарлик).

Фирибгарлик жиноятини тергашда хусусий версиялар ҳам юритилиши мумкин, уларга қуйидагилар киради.

1) фирибгарларни шахси тўғрисида;

2) содир этилган жиноят натижасида олинган мулкларни сақлаш ва сотиш жойлари тўғрисида;

3) фирибгарлик содир этилиш ҳолатлари тўғрисида;

4) фирибгарлик натижасида келтирилган зарар миқдори тўғрисида.

Агар терговнинг бошланишида фирибгарнинг шахси аниқ бўлмаса, дастлабки тергов ҳаракатларида қуйидагилар амалга оширилади: жабрланувчини сўроқ қилиш, кўздан кечириш, фото-суратлар орқали таниб олиш учун кўрсатиш, гумон қилинувчини ушлаш, тинтув қилиш, сўроқ қилиш.

Жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар аниқланиши керак. Шунинг назарда тутиш керакки, баъзи вақтларда жабрланувчилар содир этилган жиноят тўғрисида кўрқиб ёки уялиб, истаристамас кўрсатув берадилар. Терговчи бу ҳолатларни эътиборга олиб у билан психологик алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиши керак

ёки шундай ҳолат яратиш керакки, жабрланувчи сўроқ вақтида ўзини эркин ҳис этсин.

Фирибгарлик жиноятини тергашда фирибгарларнинг алоҳида ва кўзга ташланиб турадиган белгиларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳолларда сўроқ қилинувчига шахсларнинг ташқи кўринишини характерловчи суратларни кўрсатиш мумкин. Агар жабрланувчи фирибгарнинг ташқи кўриниши белгиларини эслаб қолган бўлса, унга юз тузилиши белгиларини чи-зиб кўрсатиш таклиф этилади.

Жабрланувчини сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар мумкин қадар мукаммал аниқланиши керак:

- 1) фирибгарлик қачон, қаерда содир этилганлиги;
- 2) жабрланувчи қандай ҳолатларга кўра, жиноят содир этилган жойда ҳозир бўлганлиги;
- 3) фирибгарлар неча киши бўлганлиги, улар ўзларини қандай тутганлиги, бир-бирлари билан қандай муомала қилганликлари;
- 4) жиноятчилар фирибгарликнинг қандай усулларидан фойдаланганлиги;
- 5) фирибгарлар жабрланувчига қандай предмет ёки ҳужжатлар берганлиги;
- 6) қандай буюмларни олганлиги;
- 7) содир этилган жиноят тўғрисида жабрланувчи кимга хабар берганлиги.

Предметлар, ҳужжатлар ва воқеа жойини кўздан кечириш.

Жиноят изларни ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш, қайд этиш ва олиш мақсадида кўздан кечириш ўтказилади. Жабрланувчиларнинг ёнларидан ёки жиноят содир этилган жойидан ҳужжатлар, нарсалар, қалбаки пуллар, турли ёзувлар, квитанциялар, паспорт, гувоҳнома, ишончнома топилиши биланоқ дарҳол кўздан кечирилиши лозим, бу ўз навбатида жиноятчининг шахси тўғрисида маълумотлар тўплаш имкониятини беради.

Жабрланувчилар томонидан терговчига берилган предмет ва ҳужжатларни улардан фирибгарларнинг бармоқ изларини қидириб топиш мақсадида диққат билан кўздан кечириш керак.

Фирибгарлик жинояти содир этилгандан кейин ўтган вақтни инобатга олган ҳолда воқеа жойида кўздан кечириш ўтказилади. Ушбу жиноят иши бўйича воқеа жойи тушунчаси кенгроқ маънога эга. Фирибгар жабрланувчи билан бир жойда танишиб олиши мумкин, бошқа жойда уни алдаши ва учинчи жойда эса ундан пул ёки қимматбаҳо нарсаларни олиб яшириниши мумкин. Аниқ вазиятга қараб қаерни ва қандай ҳолатларни кўздан кечиришни терговчи ўзи ҳал қилади. Ҳар эҳтимолга кўра, фирибгар ва жабрланувчининг охириги учрашган жойи албатта кўздан ке-

чирилиши шарт.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи унинг умумий ҳолатини бевосита ўрганади, фирибгарликнинг қаерда содир этилганлигини, жиноятчи бу жойни олдиндан билиши ёки билмаслигини, кириш ва чиқиш йўлларини билиши каби ҳолатларни аниқлайди.

Фирибгарлар томонидан қолдирилган қўл изларини қидириб топишда, жабрланувчиларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ, чунки улар қандай предметларга фирибгар қўл урганлигини айтишлари мумкин.

Дастлабки терговни амалга ошириш билан бир вақтда фирибгар ва у ғайриқонуний эришган мулкни қидириб топиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари ҳам олиб борилади.

Фирибгарлик жиноятини очиш ва фирибгарларни қидириб топишда кенг жамоатчилик ёрдамига суюниш лозим. Уларнинг фирибгарларни қидириб топишдаги иштирок этиш имкониятлари турлича бўлиши мумкин: милиция ходимлари ишчи-хизматчилар йиғилишларида, маҳаллий радио орқали, телевидение ва матбуот воситалари орқали чиқишларидан кейин уларнинг ёрдамлари тегиши мумкин.

Энг аввало, фирибгарларни иссиғида қидириб топиш тадбирлари амалга оширилади. Бу тадбирларни махсус тузилган тезкор-қидирув гуруҳи амалга оширадilar. Улар дўконлар, бозорлар, вокзал ва метроларда патруллик қилиб фирибгарларни кузатадилар. Фирибгарларни қидириб топишда жинойий рўйхатдан ҳам кенг фойдаланилади.

Фирибгарлар ушланиш вақтида турли ҳийла-найранг ишлатишлари мумкин. Бундай вақтларда ушланганларнинг хатти-ҳаракати зимдан кузатилмоғи керак, уларни қочиб қолишининг олдини олиш, жиноят қуроллари, жабрланувчидан олган пул ва буюмларни отиб юбормаслик чораларини кўриб қўйиш керак. Фирибгарликда гумон қилинган шахслар ушланганда дарҳол шахсий тинтувдан ўтказиш даркор ва ундан фирибгарлик билан топилган барча пул, қимматбаҳо нарсалар олиб қўйилади.

2-§. Кейинги тергов ҳаракатлари

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Фирибгарлар жиноятни одатдагидек, жабрланувчининг ва бошқа шахсларнинг иштирокисиз амалга оширишга ҳаракат қиладилар, шундай бўлса ҳам фирибгарликнинг содир этилиши тўғрисида ниманидир гапириб бериши мумкин бўлган гувоҳларни аниқлаш мумкин. Бундай гувоҳлар жабрланувчининг фирибгарга пул ёки бошқа

қимматли буюмларни берганлигини ўз кўзи билан кўрган, суҳбатини эшитган, фирибгарнинг жиноятни содир этишидан олдинги ва кейинги ҳаракатларини кузатган бўлишлари мумкин. Баъзи вақтларда жабрланувчига таниш бўлган одамлар жабрланувчи билан фирибгар ўртасида битим тузилаётганда иштирок этадилар. Бундай гувоҳлар кўпинча жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида, жамоатчилик ёрдамида, воқеа жойини кўздан кечиришда ва ички ишлар органларининг тезкор-қидирув йўли билан аниқланади. Гувоҳларни сўроқ қилишда жиноятни содир этилишида уларга маълум бўлган барча ҳолатлар аниқланади, айниқса фирибгарнинг ташқи кўриниш белгиларини аниқлашга асосий эътибор қаратилмоғи лозим. Баъзи вақтларда айбланувчи ва жабрланувчининг шахси тўғрисида ҳамда улар билан ўзининг ўзаро муносабатлари тўғрисида маълумот берувчи гувоҳларни сўроқ қилишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун сўроқ вақтида уларнинг айбланувчига нисбатан ҳар қандай муносабати аниқланиши керак.

Гувоҳларни сўроқ қилишда қуйидаги масалалар ҳал этилмоғи лозим: айбланувчининг турмуш тарзи, жиноятни содир этишдан олдин ишлаган-ишламаганлиги, айбланувчининг бошқа шахслар билан ўзаро муносабати, бўш вақтларини ким билан ва қандай ўтказиши, унинг дўстлари орасида муқаддам судланганлар бор-йўқлиги, айбланувчининг жиноий фаолияти тўғрисида гувоҳга нималар маълумлиги.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш. Одатда гумон қилинувчи ушланган ва тинтув ўтказилгандан кейин дарҳол сўроқ қилинади. Сўроққа тайёргарлик кўришда терговчи иш бўйича тўпланган барча материалларни диққат билан яна бир бор таҳлил қилиб чиқиши тавсия этилади.

Жиноятнинг устида ушланган фирибгар, кўпинча турли ҳийла-найранг ишлатиб айбдор эканлигини дарҳол тан олмайди. Кўпинча у ҳеч қандай жиноят содир этмаганлиги тўғрисида гапириб, ушланиши ноқонуний эканлигини билдиради. Агар фирибгар ўзининг иштирокчилари билан бирга ушланса, уларни биринчи марта кўраётганлигини гапириши мумкин, иштирокчи эканликлари исботланган ҳолларда эса, улар билан учрашув тасодифий бўлганлигини тушунтиришга ўтиб оладилар.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда ундан фирибгарликни содир этиш усули аниқлаб олинади, зарурати бўлса, уни қайта кўрсатиш таклиф этилади. Фирибгарликда ушланган шахснинг кўрсатувини қайта текшириш усули фирибгарга қўйилган айбни инкор этса, унга ушлаш тўғрисидаги баённома, ушлаш вақтида иштирок этган милиция ходимининг кўрсатувлари, шахсий

тинтув баённомаси билан таништирилади ва жабрланувчи билан юзлаштириш ўтказилади.

Жиноят содир этилгандан кейин бир мунча вақт ўтгандан кейин ушланган фирибгарлар жиноят содир этилганда бошқа жойда эканлигини важ қилиб жиноят содир этмаганликлари тўғрисида кўрсатув берадилар. Бундай вақтда терговчи тўпланган материаллар асосида уни фош этиши зарур.

Фирибгарлик жиноятини тергашда кўпроқ ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири шахс ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш ҳисобланади. Фирибгарлик ишлари бўйича шахсни таниб олиш учун кўрсатиш услуги ўзига хос бўлган баъзи хусусиятларга эга. Жумладан, фирибгарларни таниб олиш учун кўрсатишда улар ишлатадиган турли найранглари ҳисобга олиш зарур бўлади. Кўпинча улар жиноятни содир этишдан олдин ўзларининг ташқи кўринишларини ўзгартиришлари мумкин: кийимини ўзгартириши, сочини ясама соч билан алмаштириши, соқол-мўйловини ўстириб юбориши, кўзойнак тақиб олиши ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам шахсни таниб олиш учун кўрсатишда жабрланувчини шошилтирмаслик керак, у таниб олинаётганнинг, ташқи кўриниш белгиларини синчиклаб ўрганиши учун тўлиқ имконият яратилиб берилиши керак.

Жабрланувчи ёки гувоҳларга турли буюмлар ҳам таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин. Буюмлар олдин жабрланувчига тегишли бўлиб, ундан фирибгарлар алдов йўли билан олган бўлиб, тинтув вақтида фирибгардан топилган бўлса таниб олиш учун кўрсатилади.

Экспертиза тайинлаш. Фирибгарлик жиноятини тергашда кўпинча дастхатнинг экспертизаси, ҳужжатларни техникавий-криминалистик экспертизаси ва трасологик экспертизалари тайинланади.

Криминалистик экспертизаси ёрдамида шахсларни дастхатлари бўйича идентификация қилиш, ҳужжатларни ёки уларнинг айрим реквизитларини (қисмларини) тайёрлаш усулларини аниқлаш, ҳужжатлардаги дастлабки ёзувларни қайта тиклаш каби масалалар ҳал этилади. Баъзи вақтларда бўлақлардан бир бутунликни аниқлаш учун ҳам трасологик экспертизаси тайинланади.

Фирибгарлик жиноятини тергашда суд-химия, техникавий экспертизалар ҳам тайинланади. Улар ёрдамида суюқликларнинг химиявий таркибини, қалбаки пулларни тайёрлаш усуллари аниқланади.

Фирибгарлик жиноятини олдини олиш чоралари. Фирибгарлик билан боглиқ бўлган ҳар қандай ишни тергашда мазкур

жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва шароитларни аниқлаш зарур. Кейинчалик шу асосда бундай жиноятнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Фирибгарликнинг содир этилишидаги асосий сабаблар айбланувчиларнинг онгига сингиб қолган жамият манфаатларига зид бўлган эгоистик кўникмалар ҳисобланади. Бу ўтган давр эскилик сарқитлари бўлмиш текинхўрлик, худбинлик, манфаатпарастлик кўринишларида ифодаланиши мумкин. Кўп ҳолларда бундай хусусиятларнинг юзага келишига ижтимоий фойдали меҳнатдан қочиш, фирибгар ишлаётган жамоада тарбиявий ишларнинг сустиги, атрофдаги одамларнинг салбий таъсири сабаб бўлади.

Фирибгарликнинг содир этилишига маълум даражада айрим шахсларнинг, хусусан жабрланувчиларнинг нотўғри ҳаракатлари, ички ишлар органлари ва жамоатчиликнинг бу турдаги жиноятнинг очилиш ва унинг олдини олишга қаратилган ишларнинг етарлича ташкил этилмаганлиги, айрим раҳбарларнинг кўнгилчанлиги, бепарволиги, шунингдек, турли хил ҳужжат қоғозларининг ўғирланиши сабаб бўлади. Баъзи ташкилотларда назорат қилишнинг пастлиги ушбу ташкилотда ишлаётган шахслар томонидан қалбаки ҳужжатлараро орқали пул маблағларини олишга имконият туғдиради.

Жиноятни тергаш жараёнида фирибгарликнинг содир этилишига олиб келган барча сабаб ва шарт-шароитлар аниқлангандан кейин, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Жумладан, тегишли корхона, муассаса, ташкилотлар ва жамоат ташкилотларига аниқланган ҳолат ва шарт-шароитларни йўқотиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида тақдимнома юборилади. Тергов давомида фирибгарликни жабрланувчининг ўзи содир этган бўлса, бунга жабрланувчининг диққатини жалб этиш зарур. Бундай жиноятнинг олдини олишда телевидение, радио ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланиш лозим.

1-§. Пoрaхўрликнинг криминалистик тавсифи

Пoрaхўрлик ҳар доим мансабдор шахснинг хизмат вазифаларини ўз гаразли мақсадлари йўлида суиистеъмол қилиши билан боғлиқ ва кўпгина ҳолларда яширинча, гувоҳларсиз юз беради. Пoрaхўрликда жиноят субъектларининг одатий алоқа схемаси қуйидагича: пора берувчи – пора олувчи, баъзан эса, пора берувчи – воситачи – пора олувчидан иборат. Масалан, савдо соҳасидаги пoрaхўрликда кўпинча пора олувчининг бир неча воситачи билан алоқаси бўлади. Бунда воситачилар мустақил, баъзан эса ўзаро хизмат билан боғлиқ бўладилар. Воситачи ўзининг улушини олган ҳолда жиноятни сир тутишга ҳаракат қилади ва одатда пoрaхўрлик ташаббускорининг ишончли одами бўлади. Бу алоқа бажарилиши жараёни ниҳоятда сир сақланади. Пoрaхўрлар пора берувчи жиноят устида қўлга тушганда қандай баҳона тўқишини аввалдан келишиб қўяди. Жиноятни яширишнинг турли усуллари бор: «совға қилиш», «қарз бериш», корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш ва ҳоказо.

Пoрaхўрликнинг натижаси ҳар доим ҳам моддий қайд қилинмайди. Аммо бир қатор вазиятларда жиноятга алоқадор шахсларнинг бармоқ излари пора предметда, ўрамда қолади, баъзан эса пoрaхўрликнинг бошқа излари ҳам сақланиб қолади (товар чеклари, этикеткалар, пул, қимматбаҳо нарсалар, жиноятчиларнинг шахсий ёзувлари ва бошқалар).

Пoрaхўрлик кўпгина ҳолларда давлат ёки жамоат мулкани талон-тарож қилиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятлар билан боғлиқ.

Пoрaхўрликнинг криминал тавсифи жиноят содир этишнинг қуйидаги типик ҳолатлари билан боғлиқ: а) пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ пoрaхўрлик; б) пора берувчининг манфаатларини кўзловчи қонуний ҳаракатлар билан боғлиқ пoрaхўрлик, масалан: уй-жой ёки бирор маблағ олишни тезлаштириш мақсадида; в) воситачиларсиз пора бериш ва олиш; г) воситачилар ёрдамида пора бериш ва олиш; д) таъмагирлик йўли билан пора олиш; е) таъмагирликсиз пора олиш.


2-§. Типик тергов вазиятлари, версиялари ва терговни ре- жашлаштириш

Порахўрлик ҳақидаги жиноят иши жамоатчилик, мансабдор шахслар вакилларининг маълумотларига кўра, фуқароларнинг аризалари, матбуотдаги хабарлар ва милиция органларининг тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилади. Терговчи, жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қиларкан, юз берган тергов вазияти ва бошланғич маълумотларни баҳолайди ва уларга асосан версиялар ишлаб чиқади ҳамда тергов режасини тузади.


Порахўрликни тергов қилишнинг типик вазиятларига қуйидагилар киради:

ПОРАХЎРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСКИЧИДАГИ ТИПИК ВАЗИЯТЛАР ВА ТЕРГОВЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ


ПОРА БЕРУВЧИНИНГ АРИЗАСИ БОР ВА У ПОРА ОЛУВЧИНИ ФОШ ЭТИШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁР



ПОРА ОЛУВЧИ ВА ПОРА БЕРУВЧИ ЎЗАРО КЕЛИШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛГАН: ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АХБОРОТ ТЕЗКОР МАНБАЛАРДАН ТУШГАН



ПОРАХЎРЛИК ФАКТИ ҲАҚИДАГИ АХБОРОТ РАСМИЙ МАНБАЛАРДАН ТУШГАН. ПОРАХЎРЛАРГА УЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ ҚИЗИҚАЁТГАНЛИГИ МАЪЛУМ



Маълум бир мансабдор шахс томонидан пора олинганлиги ҳақида аниқ далил мавжуд. Бундай ҳолларда, одатда, жиноят

иши қўзғатилади ва тергов режаси тузилади. Бошланғич тергов жараёнида: гувоҳларни сўроқ қилиш, мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ҳаракатлар қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш; пора берувчини ушлаш ва сўроқ қилиш; шерикларни тинтув қилиш, пора предметини кўздан кечириш; юзлаштириш, криминалистик экспертиза тайинлаш, керак бўлса ҳужжатларни суд-дастхат ёки криминалистик техник ўрганиш, товаршунослик экспертизаси тайинлаш, тинтув пайтида шубҳаланувчидан олиб қўйилган нарсаларнинг тури ва сифатини аниқлаш, суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаб, маблағ тўловлари тўғрилигини ҳисобга олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим. Тергов ҳаракатлари билан айна вақтда порахўрнинг шерикларини ва ҳар бир шахснинг жиноятдаги ролини аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Маълум бир мансабдор шахсга пора ваъда қилинганлиги ёки берилиши ҳақида маълумотлар бор бўлса, бундай ҳолатда жиноят иши қўзғатишга асосни бошланғич текширувдан ўтказиш, мансабдор шахснинг алоқаларини текшириш, унинг пора берувчи манфаатини кўзлаган ҳолда хизмат доираси имкониятлари ва ҳаракатларини аниқлаш, пора берувчи ва пора олувчини жиноят устида қўлга тушириш бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарур. Бундай вазиятда бошланғич тергов ҳаракатлари қуйидагича тус олади: даъво қилувчини сўроқ қилиш, жиноят устида қўлга тушириш, пора олувчининг уй-жойи ва иш хонасида тинтув ўтказиш, пора предметларини кўздан кечириш, гувоҳ ва шубҳа остидагиларни сўроқ қилиш, экспертизалар тайинлаш.

Порани тамагирлик йўли билан олинганлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлса, олинган маълумотни дастлабки текширувдан ўтказиш зарур. Ҳақиқатдан ҳам пора олувчи ўзига тобе шахснинг унинг ноқонуний талабларини қондиришга мажбур қилувчи шароит яратганлигини аниқлаш зарур. Мансабдор шахсга нисбатан ифвогарлик бор-йўқлигини аниқлаб, жиноят иши қўзғатиш ва тергов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш зарур. Дастлабки тергов вақтида криминал ҳисоботлар, архив материалларидан фойдаланилади, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Терговчи мансабдор шахснинг ваколати билан танишади, даъво қилувчи ва бошқа шахслардан тушунтиришлар олади, зарур ҳолларда мансабдор шахснинг маълум бир муддатдаги меҳнат фаолиятини текшириш мақсадида ревизия ёки инвентаризация ташкил қилади. Кўрсатиб ўтилган вазиятда қуйидаги бошланғич тергов ҳаракатлари амалга оширилади: арз қилувчи ва бошқа гувоҳларни сўроқ қилиш, порахўрни жиноят устида қўлга олиш,

уни тинтув қилиш ва сўроққа тутиш, пора предметларини кўздан кечириш, ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш, шубҳа остидагиларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, экспертизалар тайинлаш. Масалан, бухгалтерия ҳужжатларини тўғри ва қонуний ҳужжатлаштиришни текшириш учун суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш лозим.

Порахўрликни тергов қилиш жараёнида қуйидаги версиялар юзага келади ва текширилади:

- порахўрлик ҳақиқатдан ҳам жиноят иши қўзғатишга асос бўлувчи материалларда кўрсатилган шароитларда содир бўлган;

- порахўрлик содир этилган, аммо сохта мансабдор-фирибгар шахсга берилган;

- пул мансабдор шахсга қонуний равишда берилган (қарзни қайтариш), пора ҳақида ариза – виждонан янглишган;

- мансабдор шахсга пора берилмаган, чунончи, ноқонуний талабни бажаришдан бош тортгани учун унга тухмат қилинган;

- мансабдор шахс бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб маълум бир хизмат ҳаракатларини амалга оширган ва пора олмаган.

Кўпинча порахўрлик мансабдор шахсни қалбакилаштириш ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун порахўрликни тергов қилишда порахўрликни бошқа жиноятлар билан алоқа версияларини ҳам текшириш зарур. Версиялардан келиб чиққан ҳолда, тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги, ўтказиш вақтлари ва ижрочилари режалаштирилади. Порахўрлик ҳақидаги иш одатда кўп эпизодли бўлади. Режалаштиришда ташкилий ва тайёрлов тадбирларига, тергов ҳаракатларини ўтказишда криминалистик техник воситалар ёрдамига ва мутахассисларни иштирокига етарли эътибор бериш зарур. Шунингдек, порахўрликка имкон берган шарт-шароитларни аниқловчи тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилади. Мураккаб, кўп эпизодли тергов иши терговчилар гуруҳига топширилади.

3-§. Дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари

Жиноят устида қўлга тушириш – порахўрларни фош этишнинг самарали усулидир. Одатда, у даъво қилувчи шахснинг ҳар томонлама текширилган пора таъмагирлиги бўйича, аризаси бўйича амалга оширилади. Порахўрларни фош этиш учун суд-тезкор фотографияси, кинотасвир ва тезкор-қидирув воситалари қўлланилиши мумкин.

Жиноят устида қўлга олиш ишнинг маълум ҳолатлари билан боғлиқ бўлиб ва порани бериш-олиш пайтида ёки берган заҳоти амалга оширилади. Қўлга олиш вақтида пора олувчи ашёвий да-

лиллардан — пора предметидан қутула олмаслиги муҳимдир. Шерикларни аниқлаш учун қўлга олишни пора предметини учинчи шахсга бериш ёки пуллаш вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Жиноят устида қўлга олишни синчков тарзда режалаштириш зарур. Жиноят устида қўлга олингандан сўнг пора олувчини ўша заҳоти, пора предмети унга қай йўсинда келиб тушганлиги ҳақида баҳона топмасидан туриб сўроқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда кўпинча пора олувчи ўз айбини тан олади ва ҳаққоний кўрсатувлар бера бошлайди.

Тинтув. Шахсий тинтув ва порахўр шерикларининг уй-жойларини ҳамда мансабдор шахснинг-пора олувчининг иш жойини тинтув қилиш мазкур жиноятни тайёрлаш тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва пора предметларини, жинойий йўл билан топилган моддий бойликларни топиш ва олиб қўйиш мақсадида амалга оширилади. Одатда шахсий тинтув ва хона тинтуви бир вақтда амалга оширилади. Алоҳида эътибор порахўрлик шерикларининг алоқасини тасдиқловчи хатларга, почта қвитанциялари, турли хил ёзувлар, телефон номерларига қаратилиши лозим. Тинтув пайтида шунингдек, шифрланган ёзувлар, шубҳа остидаги шахс ўз алоқасини инкор этувчи шахс тушган фотосуратларга эътибор бериш керак.

Ҳужжатларни кўздан кечириш жуда муҳим тергов ҳаракатларидан биридир. Баъзи бир ҳолатларда у пора олиш-бериш ҳолатларига алоқадорларни аниқлашга имкон яратса, бошқа бир ҳолатларда порахўрликка йўл очиб берувчи ҳисоботни йўлга қўйилмаганлигини аниқлайди, учинчидан мансабдор шахс-ни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб маълум бир ҳаракатларни амалга оширганлиги ёки оширмаганлигини тасдиқлайди. Ҳужжатларни кўздан кечириш жиноятчи киритган ўзгаришлар, қалбакилаштириш, ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ноодатийлиги, тегишли реквизитларнинг мавжудлиги, мансабдор шахснинг иш бажарилганлиги тўғрисидаги виза ва белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Порахўрлар ўз жинойий кирди-корлари изларини йўқ қила олмасликлари учун ҳужжатларни кўздан кечиришни кечиктириб бўлмайди.

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Порахўрлик бўйича гувоҳлик бериши мумкин бўлган шахслар гуруҳи жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган материалларга боғлиқ. Қуйидагилар одатда гувоҳ сифатида сўроқ қилинадилар: уларга нисбатан таъмагирлик қилган шахслар, порани бериш-олишни кўрганлар; порахўрни жиноят устида қўлга олишда иштирок этганлар; порахўрликда гумон қилинаётган мансабдор шахснинг хизмат фаолияти билан таниш бўлганлар ёки унинг кўрсатмаларини бажарганлар; порахўрнинг

шахси ва ахлоқини таърифлаб бера олувчилар (ҳамкасабалар, қўшниллар, қариндошлар). Бу гувоҳлар гуруҳи порахўрлик шेरикларининг алоқалари ва пора беришнинг шарт-шароитлари ҳақида фойдали маълумот бера оладилар. Гувоҳлик олингандан сўнг гувоҳ-ҳолиснинг пора берилган (олинган) жойда кўрсатувларини текшириш мумкин.

Порахўрликни тергов қилишнинг баъзи ҳолларида пора бериш-олиш, шунингдек бошқа ҳаракатларни амалга оширишда кузатишни текшириш учун тергов экспериментлари ўтказилади.

Порахўрликни фош этишда суд экспертизалари катта роль ўйнайди. Кўп ҳолларда, пора предметда ёки унинг ўрамида қўл бармоқлари ва кафтнинг изи, кундалик, дафтар, ён китобчаларда – пора бериш билан боғлиқ ёзувлар, блокнотларнинг тоза ва-рақларида текстнинг босилган изларини аниқлаш мумкин. Уларни ўрганиш учун ҳужжатларни криминалистик-техник экспертизаси, микрозаррачалар, материал ва моддаларни ўрганиш учун трасологик экспертиза, баъзан эса комплекс экспертизалар ўтказилади.

31-боб. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЖИНОЙ ТАРЗДА БУЗИЛИШНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг жинояткорона бузилиши катта ижтимоий хавф туғдиради. Улар одамлар ўлимига сабаб бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказиши, ишлаб чиқаришга моддий зиён келтирилади. Мазкур жиноятнинг барча ҳолатларини ўз вақтида, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш айбдорларни жавобгарликка тортиш учунгина эмас, балки шу турдаги жиноятлар содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш учун ҳам муҳимдир.

Меҳнат шароитларининг хавфсизлигини техникадан фойдаланиш, саноат санитариясига оид умумий ва тармоқ қоидалари таъминлайди. Бундай қоидалар ҳукумат томонидан касаба уюшмалари ва вазирликлар (идоралар) билан биргаликда ишлаб чиқилади. Уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш касаба уюшмалари қўмиталари, шунингдек махсус назорат органлари (“Саноаттехназорат”, “Энергоназорат”) зиммасига юклатилган. Санитария назоратини давлат санитария инспекцияси органлари, ёнғиндан сақлаш назоратини – ёнғиндан муҳофаза қилиш органлари амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг одамлар билан бахтсиз ҳодисалар юз беришига ёки бошқа оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бузилишлари жиноят деб топилади. Йўл қўйилган бузилишлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш ўз вазифалари доирасига кирувчи мансабдор шахслар жавобгар бўладилар.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари жиноий тарзда бузилишининг иккита турини назарда тутди: 1) соғлиққа зарар етказилишига сабаб бўлган бузилишлар; 2) одам ўлимига сабаб бўлган бузилишлар.

Кон ишлари хавфсизлиги қоидалари бузилиши, қурилиш ишларини бажариш қоидалари бузилиши, портлаш хавфи бўлган корхоналарда ёки цехларда хавфсизлик қоидалари бузилиши алоҳида турларини ташкил этади. Тергов қилиш услубиёти йўл қўйилган бузилиш турини ва у содир этган муайян шароитларни ҳисобга олиб белгиланади.

Бузилиш сабабларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: техникавий, ташкилий, санитариявий. Биринчи гуруҳга

агрегатлар, машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналарнинг конструктив хусусиятлари ва нуқсонлари; иккинчисига - ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар; учинчисига - санитария-гигиена тусидаги камчиликлар (бинолар ичининг ахлат босганлиги, етарлича ёритилмаганлиги ва ҳ.к.) киради.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар камдан-кам ҳолларда алоҳида-алоҳида учрайди. Одатда улар ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқдир. Чунончи, бузилишнинг санитарияга хос сабаблари юзага келишига кўпинча ташкилий камчиликлар сабаб бўлади. Жароҳатланиш ҳоллари жабрланувчининг ўз бепарволиги ва бошқа қоидабузарликлари оқибати бўлиши мумкин.

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг жинойй тарзда бузилишини тергов қилишда жинойт процессуал қонунида кўрсатилган барча ҳолатлар исботланиши керак бўлади. Қуйидагиларни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш муҳим: 1) ҳодиса содир бўлган жой (корхона, цех, участка, уларнинг аниқ жойлашуви); 2) ҳодиса содир бўлган вақт (сана, соат, минут, иш ёки дам олиш вақти ва ҳ.к.); 3) ҳодиса келиб чиқиш механизми (ҳодиса манбаи, унинг ҳолати, ривожланиш жараёни бошланишидан то энг юқори нуқтасигача ва натижа, жароҳатланиш механизми ва ҳ.к.); 4) юзага келган (ёки юз бериши мумкин бўлган) оқибатларнинг (одамлар соғлиғига зиён, моддий зарар, ишлаб чиқариш манфаатларига зарар) хусусияти; 5) ишлаб чиқариш хусусияти, технологияси, уларнинг белгиланган нормаларига мувофиқлиги; 6) жабрланувчининг шахси (ихтисоси-малакаси, иш стажы, ҳодиса вақтида қандай аҳволдалиги, меҳнат интизомига, техника хавфсизлиги қоидаларига муносабати); 7) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муайян қоидалари бузилишининг аниқ далиллари; 8) бахтсиз ҳодисанинг сабаблари; 9) бузилиш ва юзага келган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш (ҳодисанинг аниқ сабаблари, улар учун жавобгар шахслар, уларнинг жинойй оқибатларга олиб келган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг аниқ далиллари, жабрланувчи айбининг даражаси, жабрланган ходим ва бехатар меҳнат шарт-шароитларини яратишга масъул мансабдор шахсларнинг ҳар иккиси айбли эканлиги; 10) текширилаётган объектда ва умуман корхонада меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ҳамда унинг хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши; 11) тегишли мансабдор шахслар жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир кўрсатадиган, шу жумладан айбини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар.

Барча ҳолларда терговчи жинойй тарзда бузилишлар содир этилишига кўмаклашган сабаблар ва шарт-шароитларни

бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Мазкур тоифадаги ишларни тергов қилиш анча мураккаб. Ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертизалар тайинлаш, ҳужжатлар билан ишлаш ўта қийинчилик туғдиради. Жиноят ишларини кўзгатишни асоссиз рад этиш ва уларни асоссиз равишда тугатиш ҳоллари терговни қийинлаштиради. Ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатлар билан танишиш ўта қийинчилик туғдиради, тергов қилиш муддатларининг чўзилиб кетиши, унинг режасизлиги, пойма-пойлиги, ҳодиса жойини камдан-кам ва кечикиб кўздан кечириш, ҳодиса механизмининг техник масалаларини инкор қилиш, суд-техника экспертизалари имкониятларидан ва мутахассислар ёрдамидан етарлича фойдаланмаслик терговнинг одатий хатоликлари ҳисобланади.

2-§ Жиноят ишини кўзгатиш. Тергов қилишнинг дастлабки босқичи

Кўпинча жиноят ишини кўзгатишга касаба уюшмалари ташкилотлари, махсус назорат органлари, бахтсиз ҳодиса содир бўлган корхона маъмуриятининг хабарлари сабаб бўлади.

Мавжуд норматив ҳужжатларга мувофиқ гуруҳли, ўлим билан тугаган ва бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳодисалар дарҳол касаба уюшмасининг техник инспектори томонидан, «Саноатконтехназорат» назорати остидаги объектларда эса – шу органларнинг инспектори томонидан текширилмоғи лозим. Текширишда маъмуриятнинг, касаба уюшмаси ва юқори хўжалик органининг вакиллари иштирок этишлари керак.

Алоҳида ҳолларда, техник инспектор дарҳол етиб келишининг имконияти бўлмаганда, текшириш комиссияси, касаба уюшмаси қўмитаси ва корхона маъмурияти томонидан амалга оширилади. Бундан қатъи назар, корхона раҳбари ҳодиса ҳақида прокуратура органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Текшириш материаллари (бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома, техник инспекторнинг хулосаси, кўздан кечиришларнинг баённомалари, гувоҳлардан, жабрланувчидан сўраб фикр тўплаш баённомалари ва ҳ.к.) ҳодиса содир бўлган пайтдан эътиборан 7 кундан кечиктирмай тергов органларига юборилади.

Жиноят ишини кўзгатиш ва уни процессуал тергов қилиш юқорида кўрсатиб ўтилган текшириш билан боғлиқ эмас. Процессуал тергов, илгариги текширишдан қатъи назар, техник инспекторнинг ва бошқа назорат органлари вакиллари

ҳаракатлари билан бир вақтда ўтказилиши лозим.

Ҳужжатларни текшириб чиқиш, сўроқлар ўтказиш, зарурий эксперт текширувларини амалга ошириш кўриб чиқиладиган турдаги жинойтларни тергов қилишнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Бу ҳаракатларнинг барчаси ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин ва кўздан кечириш жараёнида терговчи ҳаракатларининг йўналиши, хусусияти ва мақсади ишни кўзгатишда иккита эҳтимол тутилган вазият мавжудлигига боғлиқ бўлади: 1) ҳодиса тўғрисидаги хабар бахтсиз ҳодисадан сўнг дарҳол келган бўлади; 2) хабар анча вақт ўтгандан кейин келган бўлади. Биринчи ҳолда терговчи ҳодиса содир бўлган жойни дарҳол кўздан кечириши керак, иккинчисида – олдинги текшириш натижалари билан танишишдан бошлаш лозим. Бироқ иккала ҳолда ҳам ҳодиса жойини кўздан кечириш – бажарилиши шарт бўлган ҳаракатдир.

Афсуски, баъзи амалиётчи ходимлар кўпинча мазкур қондани инкор этиб, бахтсиз ҳодиса моддий из қолдирмайди, қанчадир вақтдан сўнг кўздан кечириш беҳуда, техник инспектор ўтказган кўздан кечириш, тергов кўздан кечиришнинг ўрнига ўтиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Албатта, ҳодиса содир бўлган вазиятни узоқ вақт ўзгаришсиз сақлаб туриш қийин, ишлаб чиқариш шароитида эса, баъзан иложи йўқ. Бой берилган вақт эса, шубҳасиз, салбий омилдир. Бироқ, шундай ҳолларда ҳам кўздан кечириш зарур. Моддий изларнинг ҳаммаси ҳамини ҳам йўқолиб кетавермайди. Кўздан кечириш натижалари жабрланувчининг, айбланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувларини тўғри баҳолаш учун зарурдир. Кўздан кечириш пайтида ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатларини яширишга уринишларни пайқаб қолиш мумкин. Масалан, электр токини улаш ва узиб қўйиш мосламасида унинг дастаси алмаштирилиши, ҳаракатланувчи механизмларда янги тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Салбий ҳолатлар иш учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин улар одатда кўздан кечириш натижасида аниқланади.

Ниҳоят, назорат қилувчи органнинг техник инспектори амалга оширган кўздан кечириш қуйидаги сабабларга кўра терговчи кўздан кечиришининг ўрнини боса олмайди: 1) биринчи ҳолдаги кўздан кечиришда унинг ҳолисоналигини кафолатловчи процессуал талабларга риоя этилмаган бўлади; 2) бу кўздан кечиришнинг субъектлари кўздан кечиришнинг техник воситалари ва тактик усулларидан, унинг натижаларини қайд этиб қўйиш усулларидан фойдаланиш борасида етарлича малакага эга бўлмайдилар; 3) назорат органининг вакили бахтсиз

ҳодиса содир бўлган корхона устидан назорат қилиш вазифасини бажариши боис ноҳолис бўлиши мумкин. Корхона маъмуриятининг вакилларида янада кўпроқ манфаатдорлик ва ноҳолислик намоён бўлиши мумкин.

Кўздан кечиришни кечиктириб бўлмаслиги боис, унга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш шарт. Кўздан кечириш бошлангунга қадар гувоҳларни топиш, уларнинг ёрдамида ҳодисанинг асосий жиҳатларини аниқлаштириш, шунингдек ҳодиса жойида қандай ўзгартиришлар қилинганини, уларни ким, қачон ва қандай мақсадда амалга оширганини албатта аниқлаш зарур.

Кўздан кечиришдан олдин унинг чегаралари, кетма-кетлиги, тугунлари (қисмлари, узеллари) белгилаб олинади. Бунда услубий тавсиялардан, тергов тажрибасидан фойдаланилади. Масалан, қайси агрегат ёки дастгоҳда ишлаш пайтида бахтсизлик содир бўлган бўлса, фақат ўша агрегат ёки дастгоҳни эмас, балки ишлаб чиқаришда у билан боғлиқ бўлган участкаларни ҳам кўздан кечириш кераклигидан далолат беради. Бу участкаларга бутун устахонани, цехни ва бошқа шу сингариларни қўшиб кўздан кечириш чегараларини янада кенгайтириш зарур бўлиши мумкин. Масалан, электр токи уриши бир жойда юз бериши мумкин, бахтсиз ҳодиса сабабини эса электр энергияси тақсимланадиган энергия узелини ёки электр узатиш тизимини кўздан кечиргандагина аниқлашга эришилади.

Кўздан кечириш иштирокчилари тўғрисидаги масала ҳам унинг бошланишидан олдин ҳал қилиниши керак. Унда мутахассислар иштирок этишини таъминлаш айниқса муҳимдир. Ҳодисанинг моддий изларини топиш, қайд этиб қўйиш ва олишга уларнинг кўмаклашиши кўздан кечиришнинг самарали бўлишини кучайтиради. Бироқ ҳар доим мутахассисларнинг етарлича билимга эгаллиги ва ҳолислигига, уларнинг ишнинг натижасидан манфаатдорлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Кўздан кечиришда иштирок этишга жабрланувчилар, гувоҳлар ва техника хавфсизлиги қоидаларини бузган мансабдор шахслар жалб этилиши мумкин. Кўздан кечириш иштирокчиларининг сони тўғрисидаги масалани ҳал этишда шуни эсда тутиш керакки, ортиқча одамлар, одатда, кўздан кечиришга халал беради.

Кўздан кечириш усули кўздан кечириш чегарасига боғлиқ бўлади. Ҳодиса содир бўлган жой катта бўлганда у айрим участкаларга – тугунларга (узелларга) бўлинади.

Кўздан кечиришни марказий тугундан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳодиса содир бўлган жойда мурда ётган бўлса, кўздан кечириш ундан бошланади.

Кўздан кечириш жараёнида қуйидагилар текшириб

чиқилади: 1) қайси агрегат ёки дастгоҳда ишлаш пайтида бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, ўша агрегат ёки дастгоҳ; 2) мазкур агрегат ёки дастгоҳ билан техник жиҳатдан боғлиқ кабеллар, трансмиссиялар, транспортёрлар, ўлчов ва қайд этувчи асбоблар ҳамда объектлар; 3) ишловда бўлган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар; 4) жабрланувчи ва у билан биргаликда ишлаган шахслар фойдаланган асбоблар ва ҳимоя воситалари (кўзойнаклар, қўлқоплар ва ҳ.к.); 5) ҳодиса жойида қолдирган моддий излар (механизмлар деталларининг синиқлари, кийим-кечак парчалари ва ҳ.к.); 6) мурда, агар у ҳодиса жойида бўлса.

Кўздан кечириш жараёнида ва унинг натижаларини таҳлил қилишда терговчи қуйидаги, яъни: 1) текширилаётган ҳодисанинг сабаблари нима (қозоннинг портлаши, краннинг қулаб тушиши ва ҳ.к.) 2) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилганми? 3) ана шу бузилишлар нималардан иборат бўлган, уларга ким йўл қўйган; 4) тергов қилинаётган ҳодисанинг оқибатлари қандай, қилмиш ва жинойий натижа (ўлим, майиб бўлиш ва ҳ.к.) ўртасида сабабий боғланиш борми, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиш керак. Агар кўздан кечириш ўз вақтида, тўлиқ ва ҳолисона ўтказилса, мазкур саволларнинг барчасига ёки бир қисмига жавоб олинади.

Хужжатларни кўздан кечиришда, ҳодиса юзасидан қуйидагилар синчиклаб ўрганиб чиқилиши керак: 1) бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома; 2) назорат қилувчи орган вакили (техник инспектор, “Саноатконтехназорат” вакили ва ҳ.к.) нинг хулосаси; 3) бахтсиз ҳодиса юз берган корхонада амалда бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари; 4) мазкур участка, цех, устахона ва ҳ.к. меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахслар тўғрисидаги буйруқдан кўчирма; 5) даволаш муассасасининг жабрланувчига етказилган шикастлар хусусияти ва даражаси тўғрисидаги маълумотномаси; 6) техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахснинг тушунтириши.

Бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома алоҳида криминалистик аҳамиятга эга. Унда ҳодиса содир бўлган жой ва вақт, жабрланувчининг шахси, бахтсиз ҳодисанинг ҳолатлари ва сабаблари, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида тергов учун жуда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ далолатноманинг мазмунини тўғри деб қабул қилмаслик керак, уни ҳар доим синчиклаб текшириш керак бўлади.

Кўпинча тергов қилишнинг бошланғич хужжати бўлувчи техник инспекторнинг хулосаси ҳам танқидий назар билан

текширишни талаб қилади. Тўғри, у экспертнинг хулосаси ўрнини босмайди, лекин ҳодисанинг техник ҳолатларини ўрганиб чиқишда, шу ҳолатлар тўғрисида айбланувчини, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилишда ҳамда суд-техника экспертизасини тайинлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Тергов қилиш жараёнида бошқа материаллар: ходимларга техника хавфсизлиги бўйича берилган йўл-йўриқлар қайд этилган журналлар, мазкур агрегат, қурилма, механизмда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, синовларга доир журналлар, техник паспортлар, технология хариталари сингарилар ҳам текширилади.

Жабрланувчини ва гувоҳларни сўроқ қилиш мазкур тоифадаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Бу бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ. Жабрланувчи ва гувоҳларга одатда, содир бўлган ҳодисанинг барча тафсилотлари маълум бўлади. Уларнинг ҳодиса рўй бергандан сўнг дарҳол берган кўрсатувлари кўпинча ишончлироқ балади. Уларда кейинги таассуротлар, манфаатдор шахсларнинг эҳтимол тутилган тазъийқи ва кўрсатувларнинг тўғри бўлишига таъсир этадиган бошқа омиллар акс этмаган бўлади. Бундан ташқари, терговчи бундай шахсларнинг кўрсатувларига эга бўлмаса, улар биладиган ҳолатларни бошқа манбалар ёрдамида аниқлаши қийин.

Жабрланувчини сўроқ қилиш, шубҳасиз, унинг соғлигини ҳисобга олиб, зарар етказадиган тарзда олиб борилиши мумкин эмас. Жабрланувчининг аҳволига қараб уни сўроқ қилиш ҳодиса жойида, уйида, терговчининг хонасида ёки даволаш муассасасида ўтказилади. Охири ҳолда фақат даволовчи врачнинг рухсати билан сўроқ қилиш мумкин. Ана шу сўроқда ҳодисанинг барча ҳолатлари, унинг сабабларини жабрланувчи қандай баҳолаши батафсил аниқлаштирилиши керак. Шунингдек, жабрланувчининг малакаси, унинг касбий тайёргарлиги, техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилганлиги, ўқитилгани, йўриқномалардан хабардорлиги, у ишлаган ускунанинг созлиги, муҳофаза мосламалари мавжудлиги, улардан фойдаланилган-фойдаланилмагани, бахтсиз ҳодиса олдидан улар қанчалик яроқли бўлгани тўғрисидаги маълумотлар аниқлаштирилади. Жабрланувчи ишлаб чиқариш операциялари бажарилган вазиятни тўғри идрок этишига ҳалал берадиган касалликларга (эшитиш, кўриш қобилиятининг сустлиги ва ҳ.к.) чалинган-чалинмаганини аниқлаш муҳимдир.

Бахтсиз ҳодисанинг гувоҳларини сўроқ қилишда энг муҳими, улардан тергов қилинаётган ҳодисанинг ўзларига маълум криминалистик аҳамиятга эга бўлган ҳолатлари тўғрисида

имкони борича кўпроқ маълумотлар олишдан иборат. Мазкур шахслар ҳодиса пайтида қайси жойда турганлиги, бахтсиз ҳодиса сабаблари, корхонада меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи, ишлаб чиқариш операцияларининг ўзига хослиги, жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари, у билан меҳнат жараёнидаги ўзаро алоқалари, жабрланувчининг малакаси, у бажарган иш тўғрисида; ишлаш пайтида бахтсиз ҳодиса содир бўлган дастгоҳ, агрегат, бошқа механизмнинг ҳолати тўғрисида; асбобларнинг, муҳофаза воситаларининг ҳолати, техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ бериш ўтказилган вақт ва уни ўтказиш тартиби, илгари юз берган техника хавфсизлиги бузилиш ҳоллари тўғрисида сўроқ қилинади.

Терговчи кўпинча ўз ихтиёридаги дастлабки материаллар асосида тергов қилишни режалаштиришга киришади. Хусусан, техник инспектор ёки корхона маъмуриятининг текшириш материалларида одатда ҳодиса сабаблари ва унинг айбдорлари ҳақида дастлабки маълумотлар бўлади. Бироқ бу хулосалар терговчининг мустақиллигини чеклаб қўймаслиги керак. Терговчи уларга танқид кўзи билан қараб, ҳодиса хусусида ўз версияларини олға суришга ҳақли. Агарда терговчи бундай материалларга эга бўлмаса, тергов қилиш режаси шошилиш тергов ҳаракатлари ўтказилиб, бунда олинган натижалар пухта таҳлил қилингандан кейингина тузилиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг жиноий тарзда бузилишини тергов қилишда асосий версиялар жиноятнинг объектив томонини аниқлаш билан боғлиқ, яъни: 1) бузилишнинг сабаблари ва унинг натижаларини; 2) бузилишлар юзага келишига бевосита сабаблар ва шарт-шароитларни ойдинлаштириш билан боғлиқ бўлади. Жиноят субъекти, яъни бахтсиз ҳодисага олиб келган бузилишларда айбдор шахс тўғрисидаги версияларнинг аҳамияти кам эмас. Версиялар ҳодиса ҳолатларини тўлиқ, ҳар тарафлама ва ҳолисона текшириш учун зарур бўлган тафсилотлар билан боғлиқдир.

Режалаштириш асосини, шубҳасиз, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилишлари ва бунда айбдор шахслар хусусидаги версиялар ташкил этади. Бу хилдаги асосий версиялар тахминан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: 1) етарлича малакага эга бўлмаган ҳамда техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ берилмаган шахсни ишга қўйишдан иборат; содир бўлган бахтсиз ҳодиса йўл қўйилган бузилиш билан сабабий боғланишга эга; 2) ҳодиса йўл қўйилган бузилишлар билан боғлиқ бўлмаган; фойдаланилган ускуналарнинг техник нуқсонлари бахтсиз ҳодисага бевосита сабаб бўлган; 3) техника хавфсизлиги қоидалари бузилмаган; бахтсиз ҳодиса

жабрланувчининг ўз эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлган. Бирок баъзан ҳодиса аёндек туюлганда пайдо бўладиган битта версияга кўр-кўрона эргашмаслик керак. Кўпинча бир қатор ўзаро боғлиқ сабаблар мавжуд бўлиб, уларни тўла очиш ва тергов қилинаётган ҳодисанинг асосий сабабини аниқлаш зарур бўлади.

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг ташкилий ва тактик хусусиятлари

Жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишдан ташқари терговнинг иккинчи босқичида терговга далил бўлувчи аҳамиятга молик маълумотларни бериши мумкин бўлган бошқа шахслар сўроқ қилинади.

Шу шахслар қаторида биринчи навбатда жабрланувчининг у билан битта участкада ишлаган, лекин бахтсиз ҳодиса гувоҳи бўлмаган ҳамкасблари сўроқ қилинади. Улар бажарилган ишларнинг хусусияти ҳақида, технологияга, техника хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномаларга риоя этилган-этилмагани, мавжуд қоидаларга риоя этилиши устидан назоратнинг аҳволи хусусида, шунингдек, жабрланувчининг шахси, унинг малакаси ва тажрибаси бажарилган ишлар хусусиятига мувофиқлиги ҳақида сўроқ қилинадилар.

Бахтсиз ҳодиса содир бўлган участка, смена, цех, ишлаб чиқариш раҳбарлари сўроқ қилинишлари керак. Улардан меҳнат жараёни қандай ташкил этилгани, жабрланувчига ишни ким томонидан буюрилгани, бахтсиз ҳодиса юз берган пайтда улар қаерда тургани, уларни қачон, ким ва қай тарзда ходимларга таништиргани, мазкур қоидаларга қандай риоя этилгани, уларнинг бажарилиши учун ким масъул эканлиги, хавфсизлик қоидаларига амалда риоя этиб келинганми, агар улар бузилган бўлса, нима туфайли бузилгани аниқлаштирилади.

Техника хавфсизлиги қоидалари жинойий тарзда бузилгани тўғрисидаги ишларни тергов қилишда фаолияти бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарлари (бош электрик, бош технолог ва ҳ.к.)ни сўроқдан четда қолдириб бўлмайди. Умуман корхона бўйича ва унинг айрим бўлинмаларида техника хавфсизлиги учун масъул шахслар ҳам сўроқ қилинади. Улардан бахтсиз ҳодисанинг сабаблари ҳақидаги, бахтсиз ҳодиса муносабати билан ва меҳнатни муҳофаза қилишни кучайтириш учун кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар аниқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни бевосита амалга оширувчи шахслар ва

корхонанинг бошқа ходимлари ҳам кўриб чиқиладиган тоифадаги ишлар бўйича гувоҳлар қаторида сўралиши мумкин. Биринчи гуруҳга техника хавфсизлиги хизмати ходимлари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари, касаба уюшмалари вилоят қўмиталарининг техник инспекторлари, давлат назорат органлари («Энергоназорат», «Саноатконтехназорат» ва ҳ.к.)нинг ходимлари киради. Кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар муайян бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳолатларни тушунтириб беришларигина эмас, балки мазкур корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ва илгари йўл қўйилган бузилишлар, шу муносабат билан кўрилган чоралар, уларнинг натижалари ҳақида ҳам маълумот беришлари мумкин. Мазкур ходимлардан шу корхонада амалда бўлган қоидалар, идоровий текшириш материалларидаги ноаниқликлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлари ва бошқа шу сингарилар ҳақида тушунтиришлар олиниши мумкин.

Бухгалтерия ходимларидан мазкур корхонада меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар ҳақида, уларнинг сарфланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги режасини амалга оширишнинг молиявий-моддий имкониятлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Бундан ташқари, гувоҳлар тариқасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган шахслар (жабрланувчининг қариндошлари, танишлари) ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Меҳнат шароитидаги ноқулайликлар, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилишлари, етарлича тайёргарликсиз, малакасиз, йўл-йўриқлар берилмасдан ишни бажаришни топшириш ҳоллари ҳақида уларга жабрланувчи сўзлаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг жиноий тарзда бузилишлари тўғрисидаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи кўпинча мутахассислар ёрдамига таянишига, суд-техника, суд-тиббиёт ва тиббий-меҳнат экспертизалари тайинлашига тўғри келади.

Суд-техника экспертизалари махсус билимлар талаб қилинадиган мураккаб техник масалаларини ҳал қилиш зарур бўлганда ўтказилади. Идоравий текшириш материалларида ва техник инспектор хулосасида етарлича ҳамда ҳолисона маълумотлар бор бўлса, суд-техника экспертизаси тайинланмаслиги мумкин. Бироқ юқорида кўрсатиб ўтилган хулосалар бўлса ҳам, айниқса айбланувчи уларга рози бўлмаганда ёки бу хулосалар бир-бирига зид бўлганда суд-техника экспертизаси ўтказиши шарт.

Суд-техника экспертизаси ваколатлари жумласига барча

ишлаб чиқариш масалаларини ва бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ техник масалаларни текшириш ва ҳал қилиш киради. Бу масалаларнинг аниқ рўйхатини бериш қийин. Уларнинг таркиби бахтсиз ҳодиса юз берган корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларига, тергов қилинаётган ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларига, бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Амалиётда суд-техника экспертизаси олдига, қоида тариқасида, қуйидаги саволлар қўйилади: 1) мазкур ҳодисанинг сабаблари қандай (техникавий ва ташкилий); 2) тегишли дастгоҳ, агрегат, механизм ва бошқаларнинг техник ҳолати қандай; 3) мазкур ҳолда техника хавфсизлиги, sanoat санитарияси қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа sanoat санитарияси қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бузилганми? 4) агар бузилиш мавжуд бўлса, у аниқ нимадан иборат бўлган, унинг ҳодиса билан сабабий боғланиши борми? 5) йўл қўйилган бузилишлар юзага келишига нима ёрдам берган? 6) қандай чоратадбирлар мазкур ҳодисанинг олдини олиши мумкин эди?

Техник экспертлар ўнлаб махсус масалаларни ҳал қиладиган ишлар учрайди. Бироқ текшириляётган ҳодисанинг бевосита сабаби тўғрисидаги масала ҳар доим улардан энг муҳими ҳисобланади.

Ҳал қилиниши бир қанча билим соҳаларининг мутахассисларини жалб этишни талаб қиладиган масалалар пайдо бўлганда комплекс экспертиза тайинланади.

Экспертлар тариқасида ихтисослашуви бўйича турдош корхоналарнинг мутахассислари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари таклиф қилиниши мумкин. Эксперт эга бўлиши шарт бўлган асосий фазилат – бу унинг техника соҳасида махсус билимларга ва ишлаб чиқариш фаолияти тажрибасига эга бўлишидир. Давлат ва касаба уюшмалари назорат қилувчи органларининг мутахассислари ҳам эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин. Лекин улар мазкур корхонани назорат қилмаган ёки унга хизмат кўрсатмаган, шунингдек, идоравий текширишда иштирок этмаган – ҳолис бўлишлари керак.

Экспертга жиноят ишининг барча материаллари, идоравий норматив ҳужжатлар, олинган намуналар ва бошқа сингарилар берилиши керак. Текшириш учун зарур бўлган материаллар ҳажмини эксперт билан олдиндан келишиб олиш фойдалидир. Табиийки, экспертга тақдим этиладиган маълумотлар тўла ва аниқ бўлиши керак. Акс ҳолда, янглиш хулоса чиқирилиши мумкин. Экспертнинг муҳим, лекин иш бўйича ягона далил бўлмаган натижаси ишнинг бошқа материаллари билан биргаликда текширилади ва баҳоланади.

Суд-тиббиёт экспертизаси мазкур тоифадаги ишлар бўйича асосан ўлимнинг сабабларини, баданга етказилган шикастларнинг даражасини, жабрланувчининг бахтсиз ҳодиса пайтидаги аҳволини, жабрланувчининг кийим-кечаги ва баданидаги изларни ҳамда жароҳатловчи омилларни аниқлаш учун тайинланади. Суд-тиббиёт экспертизаси тирик шахслар, мурда, кийим-кечак ёки бошқа нарсаларга тааллуқли масалаларни ҳал қилиши мумкин. Терговчи экспертга ҳодиса жойини кўздан кечириш маълумотларни, тиббий хужжатларни, идоровий текшириш материалларини, ишнинг бошқа материалларини тақдим этиши керак. Ишлаб чиқариш санитарияси ва касб касалликлари бўйича тиббиёт мутахассисларини жалб этган ҳолда комплекс суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши мумкин.

Ниҳоят, тўпланган далиллар асосида айбланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тергов қилинаётган ҳодиса содир бўлган соҳадаги ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади. Сўроқ қилиш чоғида аниқланадиган масалалар технология жараёнининг хусусиятлари билан, махсус техник тушунчалар ва атамалар, айбланувчи лавозимига кўра қандай мавқега эгаллиги ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Айбланувчини сўроқ қилишда, қоида тариқасида, қўйидагиларни аниқлаш керак: 1) мазкур мутахассислик бўйича махсус маълумоти ва иш стажи қандай? 2) мазкур участкада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан қандай назорат чоралари кўрилган; 3) айбланувчи техника хавфсизлиги бўйича қоидалар ва йўриқномаларни билганми ҳамда уларга риоя этишда унга нима ҳалақит берган? 4) мазкур участкада илгари ҳам бахтсиз ҳодисалар юз берганми ва шу муносабат билан қандай чоралар кўрилган? 5) айбланувчи содир бўлган ҳодиса сабабини нимада деб ҳисоблайди ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилишида ўз айбини тан оладими?

Сўроқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унга махсус техник адабиётлар, техника хавфсизлиги бўйича қоидалар ва йўриқномалар, корхона раҳбари ва юқори органларнинг буйруқларини ўрганиб чиқишдан иборат бўладиган тайёргарлик кўришга боғлиқ бўлади. Меҳнат психологияси, меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳоказолар бўйича қоидалар ва тавсиялар билан танишиш фойдалидир. Баъзан тегишли мутахассислардан маслаҳат олиш мақсадга мувофиқ.

Кўрсатиб ўтилган тергов ҳаракатларидан ташқари тинтув, олиб қўйиш, тергов эксперименти ва бошқа шу сингариларни ўтказиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин.

32-боб. ЎТ ҚЎЙИШ ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. *Ўт қўйиш ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг криминалистик тавсифи*

Ўт қўйиш ва ёнгиндан сақлаш қоидасини бузиш хавфли жиноятлар турига киради. Бундай жиноятлар инсон ҳаётига, саломатлигига, давлат ва шахсий мулкка жиддий зиён беради.

Одатда ёнгин тўғрисида жиноят иши қўзғатишга ёнгин тўғрисида хабарнинг ўзи, шунингдек қасддан ўт қўйиб юбориш ёки ёнгинга қарши хавфсизлик қоидаларини жинояткорона бузиш, шу жумладан оловга нисбатан эҳтиётсизлик сабаб бўлади.

Бевосита ёнгин чиқишига сабаблар хилма-хил бўлиб, уларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1) очиқ жойдаги ўтнинг таъсири (аланга, қизиган жисм, учкун, чақмоқ);

2) ўз-ўзидан ўт олиш, яъни ташқи иссиқлик таъсирида буюмнинг ёниб қетиши;

3) қизиб ўз-ўзидан ёниш, яъни кимёвий реакция таъсирида ёнгин чиқиши ва физик ҳодисалар;

4) атрофдаги предметларнинг ўз-ўзидан ёниши ва ёнгин содир этилишига олиб келадиган портлаш.

Бинода ёнувчан материалнинг мавжудлиги, бинонинг ҳаддан ташқари ивирсиб ётганлиги, ўт ўчиришга мўлжалланган дастлабки воситалар, ёнгинга қарши сигнализация бўлмаслиги ёки уларнинг яроқсизлиги, ёнгинга қарши хавфсизлик тартиб қоидаларига риоя қилинмаслиги, ёнгин чиқиши, портлаш юз бериши, деформацияга учраши ва қулаши, ўт ўчириш идораларига ўз вақтида хабар бермаслик, объект ходимларининг ёнгинни ўчиришга тайёр эмаслиги ва бошқалар ўтнинг авж олиб тез тарқалишига олиб келувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Мазкур жиноятларни содир этиш усуллари ҳам хилма-хил, аммо баъзи бир умумий аломатлари мавжуд.

Кўпинча қасддан ўт қўйишлар маълум тайёргарлик босқичлари билан характерлидир. Бунда жиноятчи тажовуз қилиш йўллари тўғрисида ахборот тўплайди, ўз ниятларини олдиндан режалаштириб олади, ўт қўйиш учун зарур бўлган техник воситалар ва қурооллар танлайди, уларни яшириш чораларини кўради.

Ўт қўйиш усуллари бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) тез аланга оладиган ва тез ёнадиган материаллар ёрдамида ўт қўйиш;

2) махсус тайёрланган ёнувчи материаллар ёрдамида ўт қўйиш;

3) ташқи олов манбаидан тез ўт олишга ёки белгиланган вақтда алангаланишга мўлжалланган махсус тайёрланган техник мослама ёки махсус яратилган шароитдан фойдаланиб ўт қўйиш;

4) ўз-ўзидан ёниб кетадиган бирор буюм ёки материал учун қулай шароит яратиш йўли билан ўт қўйиш.

Ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятнинг мазкур турлари учун тайёргарлик кўриш босқичи мавжуд эмаслиги характерлидир, айтилиши ва кейинги фаолиятини ниқоблашга хизмат қилади. Содир этиш усулларига кўра, мазкур ҳуқуқбузарлик бир неча гуруҳларга бўлинади:

1) ёритгич, иситгич, газ ва кимёвий қурилмалардан фойдаланишда ва сақлашда ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилмаслик;

2) турли ёнғин, аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган материалларни сақлаш, ташиш, фойдаланиш ва тайёрлашга оид техник қоидаларга риоя қилмаслик;

3) электр ўтказгичларни монтаж қилиш ва ёритгич асбобларини сақлашда ёнғинга қарши тартиб қоидаларга риоя қилмаслик;

4) ёнғинга қарши ишончли ҳимоя асбоблар, қурилмалар, машиналарни бошқа мақсадларда, хусусан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ва ҳоказо.

Ушбу жиноятларни содир этадиган шахсларнинг ўзига хосликлари ҳам хилма-хилдир. Ёнғин содир этганлар турар жойида ва иш жойида салбий тавсифланади, уларнинг орасида илгари судланганлар кўпроқ учрайди.

Ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини бузиб, жиноят содир этган шахс билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига риоя этиш қоидаларини бузган шахсни бир гуруҳга киритиш мумкин.

Ўт қўйиш ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жиддий бузиш тарзидаги жиноятларни тергов қилишда қуйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш керак:

1) ёнғин қачон юз бергани;

2) ёнғин қаердан бошланди, унинг манбаларининг сони ва тарқалиши;

3) ёнғин, унинг чиқиши ва тарқалишини ким кўрган, кузатгани;

4) ёнғин чиқишига қайси воқеалар сабаб бўлгани;

5) агар ёнғин хавфсизлик тартиб-қоидаларининг бузилиши натижасида чиққан бўлса, унга риоя қилиш учун жавобгарликни кимнинг зиммасига юклангани; тартиб-қоидаларнинг бузилиши

нималардан иборат ва бунга ким томонидан йўл қўйилгани;

6) агар ёнгин техник сабабларга кўра чиққан бўлса, аниқроғи улар нималардан иборат, техник носозликлар қачон пайдо бўлгани, уларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш имкони бўлганми?

7) агар қасддан ўт қўйилган бўлса, унинг сабаблари, ижро усуллари қандай, ким томонидан ва қандай воситалардан фойдаланган ҳолда содир этилгани?

8) агар ёнгинда одамлар қурбон бўлган бўлса, у қандай вазиятда юз берди, агар тан жароҳати олган бўлса, унинг характери ва жиддийлик даражаси қандай?

9) ёнгин чиқишига ким айбдор, ўз ҳаракатлари (ёхуд ҳаракатсизлиги) билан ёнгин чиқишга сабаб бўлган шахснинг айбдорлик даражаси, айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи вазият қандай?

10) ёнгин етказган зарар характери ва миқдори;

11) ёнгин чиқишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитлар.

Юқорида санаб ўтилган вазиятлар билан бирга бошқа жиноятлар (қотиллик, ўғрилик ва ҳ.к.)ни яшириш ниятида қасддан амалга оширилган ишни тергов қилишда ёнгин билан ниқоблашга мўлжалланган жиноятни далиллар билан исботлаш керак.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказиш

Ёнгин тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари рўй берган вазиятга тўғри йўналиш бериш имкониятларини таъминлаш, ёнгинни биринчилар қаторида сезган, курган, кузатган шахс ва дастлабки босқичларни топиш сўроқ қилиш, қолдирган изларни кўриб чиниш, белгилаб олиш, ашёвий далилларни қидириб топиш ва сақлаб қўйиш керак.

Ёнгин тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари қуйидагиларни ўз ичига олади;

1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

2) экспертиза тайинлаш ва ўтказиш (техник ёнгинга оид, криминалистик, тиббий);

3) ёнгин чиқишида гумон қилинаётган шахсни тинтув қилиш;

4) ўз кўзи билан кўрган шахсларни сўроқ қилиш;

5) гумон қилинган шахсни текширишдан ўтказиш.

Санаб ўтилган тергов ҳаракатларини кечиктирмасдан, шу билан бирга жиноят содир этган шахсни топишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўз муддатида амалга ошириш керак.

Милициянинг тезкор-қидирув ходимлари ёнги чикқан атрофни текшириб кўриши, жиноят изларини қидириб топиши, махсус итнинг қидирув хизматларидан фойдаланиб, алоҳида шахсларни кузатиб бориши, жиноятчини “иссиғида” таъқиб қилиш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, куннинг қайси вақти бўлишига қарамай, текширувни тезроқ бошлаш керак. Агар ҳодиса тунда содир бўлган бўлса, кундузи қўшимча текширув ўтказиш тавсия этилади.

Терговчи ҳодиса содир бўлган жойга боришда илмий-техника воситаларидан ташқари ёнги тушган жойни кўздан кечириш учун мўлжалланган махсус асбобларга ҳам эга бўлиши керак. Бундан ташқари, текшириш ишларига ёнги техникаси ва ёнги ишлари соҳасидаги манфаатдор бўлмаган мутахассисларни, қурбонлар бўлса суд-тиббий экспертларини жалб этиши зарур. Баъзи ҳолларда текширишга муҳандис электрик, кимёгар, қурувчи ва бошқа мутахассислар ҳам жалб этилади. Зарур ҳолатларда текширишнинг самарали техник воситаларини ишлатиш имкониятини берадиган махсус қатнайдиган лаборатория автомашинасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Терговчи текшириш олдидан ёнги чиқишига гувоҳ бўлганлар билан қисқа сўровлар ўтказиши, шунингдек ёнги чикқан жойга биринчи етиб келган, яъни воқеани ўз кўзи билан кўрганлар билан ҳам савол-жавоб қилиши лозим:

1) ёнги қаердан тарқала бошлаган?

2) улар бошқача ҳидни сезмадиларми (резина, латта, керосин ёнганда чиқадиган ҳидлар)?

3) тутун ва аланганинг ранги қандай эди?

4) шамолнинг кучи ва йўналиши қандай?

5) ёнги чикқанини кўрганлар уни ўчириш учун қандай чоралар кўрди ва ишлар ким томонидан амалга оширилди?

6) ёнги чикқан вақтда атрофда бегона киши борлиги ёки у қаерда юргани, қаерга кетгани, унинг қандай белгилари мавжуд?

Ёнги чикқан жойни кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларга ойдинлик киритиш зарур:

1) ёнги содир бўлган жой вазияти;

2) ёнги чикқан жойнинг кўриниши ва ёнгининг тарқалиш йўллари;

3) ёнги чикқан жой (ёнги манбаи) бинонинг ич.та ёки ташқарисида бўлганлиги, электр асбобларининг ишлатилган ҳолда қолдирилганлиги;

4) ёнги натижасида нималар ёниб кетди ёки зарарланди?

Ҳодиса содир бўлган жойни текшириш қуйидаги изчилликда

амалга оширилади;

1) ёнгин чиққан жойни ва унга ёндош худудларни умумий кўздан кечириш;

2) дастлаб ёнгин чиққан манбани текшириш;

3) ёнгин чиққан жойни унинг тарқалиш йўналиши бўйича кўздан кечириш;

4) воқеа содир бўлган жойга олиб борган, ундан қайтган киши ва транспорт излари топилган участкаларни синчиклаб текшириш.

Кўздан кечиришнинг муҳим вазифаларидан бири ёнгин чиққан манбани синчиклаб текшириш ҳисобланади. Энг кўп куйган пол, девор, шифт, ўта қурум босган, шакли ўзгарган, сирти эриган ва тўпон билан қопланган метал қисмлари, тош ва бетон объектларда ҳосил бўлган ёриқлар ёнгин чиққан манбалар учун характерли белгилардир.

Ёнгин чиққан манбани кўздан кечирганда асосий эътибор ёнгин чиқишга сабаб бўлган объект, предмет ва буюмларга қаратилади. Шунингдек иситиш, ёритиш, маиший электр буюмлари, электр ўтказгичлари, тез аланга олиб ёнадиган ёки кимёвий моддалар қолдирган қолдиқлар, излар синчиклаб текширилади; ёнгин қолдиқлари (кул, қурум, ва бошқа буюмлар) ўрганилади; ёнгинга сабаб бўлган воситалар аниқланади (ясама пилик, ёнадиган буюмлар ва ҳ.к.)

Белгиланган ёки таҳлил қилинган ёнгин манбаини кўздан кечиргандан кейин ёнгин тарқалган йўналиш бўйича ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Шунини унутмаслик керакки, марказдан (ёнгин манбаидан) четга чиқиб, бу ерда қасддан ёнгин чиқарган ёки жиноят излари бўлган предметга дуч келиш мумкин.

Ёнгин зонасида барча узелларни текшириб бўлгач, ёнгин қолдиқларини текшириб кўриш, баъзан текшириш участкасига кириш имкониятини бермаётган ҳолатларни бартараф этишга тўғри келади. Ёнгин қолдиқларини, айниқса ёнгин манбаини алоҳида синчковлик билан текшириш воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади. Ёнгин қолдиқларида ёнилғи суюқлиги, техник мослама қолдиқлари ва бошқаларни учратиш мумкин. Зарур ҳолатларда ўт тушган жойдан олов чиқиш сабабларини аниқлашга ёрдам берадиган кул, ёнмай қолган объектлар намуналарини ажратиб олиш зарур. Текшириш жараёнида далилий ашёларни олиб, ўраб жойлаш ва кейинги экспертиза учун сақлаб қўйиш лозим. Куйган ҳидли буюмларни ҳиди йўқолмаслиги учун герметик жойлаб қўйиш зарур.

Куйиб кетган ҳужжатларни фотосуратга тушириш ва иложи борича ажратиб олиб, жойлаш мақсадга мувофиқ. Бу ишларни

бажаришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, акс ҳолда эса ашёвий далиллардан айрилиб қолиш мумкин. Куйиб кетган ва кулга айланган қоғозларни йигиш ва ажратиб олишда криминалист мутахассислар жалб этилади.

Куйиб кетган жойни кўздан кечиришга борганда ҳар бир предмет ва топилган изларни синчиклаб ўрганиш керак. Ёнгин жараёнида ҳосил бўлган изларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ёнгиндан қолган материаллар буюмларнинг асл ҳолатини аниқлаш жараёнларини тиклаш имкониятини беради. Агар ёнгин содир бўлган жойда одам жасади топилса, уни кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1) ёнгин манбаидаги бино конструкцияси қулаб тушган жойга нисбатан жасад топилган ўринни аниқлаш;

2) жасад қандай ҳолатда ётган эди, ундан ўлим олдидаги ҳаракатини билиш мумкинми?

3) ўлган одам ёнгиндан ҳимояланиш чорасини кўрганми?

4) жасадда юқори ҳарорат ва олов излари борми?

5) жасадда механик тарзда етказилган жароҳат мавжудми (қуролдан ўт очиб ярадор қилинган, шикаст етказилган, бино конструкцияси қулаши натижасида жароҳат олган, буғиб ўлдириш, пичоқ ёки чопқи излари борми ва ҳоказо)?

Жасадни кўздан кечиришда шуни эътиборга олиш керакки, юқори ҳарорат таъсирида жасаднинг мушаклари кескин қисқаради, қўл-оёқ бўғимлари тортилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, юзаси бир-бирига зич тегиб турган қисми олов таъсиридан яхши сақланади. Жасаднинг худди шундай жойларидан ҳаётлик давридаги жароҳатини қидириш керак, бу ўлдириб, кейин ўт қўйган қотиллик тўғрисидаги ишлар бўйича муҳимдир. Оловда куйиб ўлганлар жасадида доғлар ўрни бўлмайди, агар жасадда бундай доғлар топилса, демак жабрланган ёнгинга қадар ўлдирилган деб ҳисобланади.

Гувоҳлар ва жабрланганларни сўроқ қилиш. Ёнгин содир бўлган жойни кўздан кечириб бўлгандан кейин терговчи гувоҳларни ва жабрланганларни батафсил сўроқ қилиши керак.

Биринчи навбатда ёнгин гувоҳлари сўроқ қилинади, сўнгра уни баргараф этишда иштирок этганларга навбат келади. Энг аввало, ёнгин чиққан ёки хабар топилган вақтда ёнгиннинг тарқалиши, уни ўчириш жараёнида вазиятнинг ўзига хос томони каби масалаларга аниқлик киритиб олиш лозим.

Жабрланганлар сўроқ қилинганда ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари ва вазиятлари тўғрисида муҳим маълумотлар олиш мумкин. Аммо жабрланувчи ҳам адашиб ёнгин билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиши эҳтимоллигини ҳам унутмаслик керак. Бу айниқса руҳий изтироб, қўрқув, шунингдек

одамлар, мол-мулкни кутқариш, ёнғинни ўчириш воқеалари билан боғлиқ равишда юз беради.

Гувоҳларни ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилиши керак:

- 1) ёнғин чиққан вазият, унинг тарқалиши ва ўчирилиши;
- 2) объектдаги ёнғинга қарши хавфсизлик ҳолати;
- 3) ўт қўйишда гумон қилинган аниқ шахсга тегишли ахборотни олиш.

Масалан, ёнғин гувоҳлари ва ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган шахс сўроқ қилинганда уларнинг ҳар бири қайси вақтда етиб келди ва қандай вазият устидан чиққанлиги аниқланади: ёнғинни ким биринчи бўлиб кўрди ва бу ҳақда ким хабар берди; ёнғин қачон, қайси жойда ва қандай сабаблар билан чиқди, у бир вақтнинг ўзида бир неча жойда пайдо бўлмадими, улар ўт қўйишнинг бошқа аломатларини кўрмадиларми; оловнинг тарқалиши ва унинг авж олиш вазияти қандай, оловнинг кучайиши ва шамолнинг йўналиши; тутуннинг ранги ва қуюқлиги қандай, аланга характери, ҳиди, ёнғин кучайиши ва ўчириш даврида турли таъм сезиш ҳолатлари бўлдими?

Гувоҳлар ва жабрланувчилардан ҳодиса содир бўлган жойда вазият ўзгардими, ёнғинни ўчириш қандай ўтди? Шу каби сўроқларга жавоб олишлари керак; қандай ашёвий далиллар, айнан қайси жойда топилди; жабрланганлар қаердан ва қайси шароитда кутқариб олинди; ўтда қайси мол-мулк куйиб кетди; объектдаги дастлабки ёнғин ўчирадиган восита қандай ҳолатда эди, ёнғин чиққан жойда четдан шубҳали шахс пайдо бўлмадими, ёнғин келиб чиқиш сабаблари ва айбдорлари тўғрисида қандай таклифлар айтилмоқда, улар нималарга асосланган ва ҳоказо.

Ёнғин чиққан объектда хавфсизлик ҳолатини аниқлаш учун ёнғинга қарши тартиб қоидалар бузилишга ким ва қандай тарзда йўл қўйди, иситиш тизими, ёритгич, вентиляция, газ ва сув таъминотининг ҳолати, ёнғинга қарши воситалар ҳолати қандай эди, объектда портловчи, ёнувчи ва ўз-ўзидан аланга оладиган моддалар бор эдими, ёнғиндан олдин портлаш юз бермадими, ёнғин чиқишига сабаб бўладиган бошқа сабаб ва шароитлар йўқмиди?

Гумон қилинган одамни текширувдан ўтказиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида суриштирув органи ходимлари дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишда ёнғин чиқишига шубҳа қилинган шахсни қўлга олишлари керак. Терговчи уни қўлга олиш асосли эканлигини текшириши ва уни айбли ёки айбсизлигини исботловчи далиллар йиғишга киришиши зарур.

Тажрибадан маълумки, қасддан ўт қўйганлар кийимида ва танасида ёнувчи моддалар изи, ҳиди, куйдирган жойининг ўрни, доғи қолади; кийим чўнтагида олов тутатгич воситалари, унинг қисмлари бўлади. Булар мазкур иш бўйича ашёвий далил бўлиши мумкин.

Гумон қилинган одамнинг кийими, пойабзали, баданини кўздан кечира бориб, қаерда, қандай доғ қолганлигини аниқ қайд этиш, уларнинг шакли, ҳажми, ранги, ҳидини белгилаш, қуйдириб олган кийими, сочи, боши, юзи ва қўлини синчиклаб текшириш зарур.

Гумон қилинган одам пойабзалига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки унда тупроқ зарралари, ўт, кул, барг, шунингдек ёнувчи модда изи қолиши мумкин. Бундай пойабзал экспертиза учун юборилиши шарт.

Ўт қўйишда гумон қилинган шахсни дарҳол тинтув қилиш керак. Бу ўт қўйиш учун фойдаланилган ўт олдириш воситаси, уларнинг қолдиқларини топиш имкониятини беради. Шунингдек, ўт қўювчининг оёқ кийимини ҳам текшириш лозим.

Кўп ҳолларда тинтув ўтказилганда ёнгин вақтида ўғирланган предметлар ва ҳужжатларни қўлга тушириш мумкин. Улар мазмун-моҳиятига қўра содир этилган ёнгинга алоқадор бўлиши ва жиноят сабабларини очишга хизмат қилиши мумкин.

Баъзан айрим ҳужжатларни дарҳол олиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Ёнгинга қарши хавфсизлик ҳолати текширувчига оид ҳужжатлар биринчи даражали аҳамиятга эга: буларга портловчи моддаларни сақлаш ва транспортда жўнатиш, ортиш, тушириш ҳолати, объектдаги ёнувчи ва ўз-ўзидан ёниб кетадиган моддалар ҳолатини ҳарактерлаб берувчи ҳужжатлар; ёнгиндан муҳофаза қилиш вакиллари томонидан тузилган ёнгин тўғрисидаги ҳужжат; техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигининг маҳаллий инструкцияси; куйган объект мол-мулкининг инвентаризация рўйхати киритилади.

3-§. Тергов ўтказишни режалаштириш ва кейинги тергов ҳаракатлари

Версиялар ишлаб чиқариш билан боғлиқ дастлабки тергов ҳаракатларининг ўз вақтида, олинган натижалари, ёнгин сабаблари, айрим ҳолларда унинг айбдорлари тўғрисидаги материаллар асосида олга сурилади.

Терговнинг биринчи босқичида олинган маълумотлар асосида терговчи ҳодиса ҳарактери тўғрисида қуйидаги асосий тахминни олга суриши мумкин:

1) ўт қўйилган;

2) очикдаги оловга эҳтиётсизлик билан қилинган муносабат натижасида ёнғин чиққан;

3) ёнғиндан хавфли қурилма, асбоблар, электр ўтказгичлар ва бошқалар техник носозлиги оқибатида ёнғин чиққан;

4) ўз-ўзидан ёниб кетадиган маҳсулотлар нотўғри сақланган;

5) чақмоқ уриши ва бошқалар.

Ёнғин чиқишига сабаб бўлган асосий тахмин асосида турли масалаларга оид жузъий тахминларни олға суради, бунда ишнинг аниқ вазияти ва йиғилган материаллар ҳисобга олинади. Масалан, ўт қўйиш тўғрисидаги асосий тахмин олға сурилганда қасддан қилинган ўт қўйиш сабабларига оид масала муҳокама этилади. Ўт қўйиш қуйидаги сабаблар билан содир этилган: 1) бошқа жиноятни ёпиш учун; 2) ўч олиш мақсадида; 3) суғурта ва бошқа моддий қулайликларни олиш мақсадида қилинган.

Ёнғинда одам жасади топилса, ўлим қандай содир бўлганлиги тўғрисида тахмин олға сурилади, жумладан: 1) жабрланган одам юқори ҳарорат таъсирида ҳалок бўлган, газ ҳидидан захарланган; 2) жабр кўрган, ўлдирилган ва кейин қотилликни яшириш мақсадида ўт қўйилган; 3) ёнғин жойида топилган жасад ёнғин чиққанга қадар ўз ажали билан ўлган.

Кейин вазият тўғрисида тахмин олға сурилиши мумкин. Бунда жабрланган очик олов ва юқори ҳарорат остида ўлган, (жабрланган, касал бўлган, маст ҳолатда эди, чиқадиған йўл олов билан тўсилган) қотиллик сабаблари тўғрисида, уни ижро этган шахс тўғрисида маълумотлар олинади.

Олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлган ёки қурилма ва асбоблар техник носозлигидан келиб чиқадиған ёнғин тўғрисида олға сурилган асосий тахминда мазкур объектда олов билан боғлиқ муносабатлар мавжуд эмаслиги, ёнғинга қарши асбобларнинг носоз ҳолати тўғрисида тахмин олға сурилади.

Тергов ўтказишни режалаштириш. Қилинган версиялар режалаштиришнинг асоси ҳисобланади. Ёнғин тўғрисидаги ишлар бўйича тергов ўтказишни режалаштириш олға сурилган тахмин мазмуни ва терговнинг аниқ бир босқичда ҳал этиладиган вазифалар билан асосланган ўзига хос жиҳатларига эгадир.

Агар ёнғин чиқишига асосий сабаб олов билан хавфсизлик қодаларига риоя қилинмаган ҳолда муносабатда бўлиш оқибати эканлиги тахмин қилинса, тергов ўтказишни режалаштиришда ёнғин рўй берган вақтда бинонинг ичида бўлган шахснинг ахлоқини ўрганиш назарда тутилади.

Агар ёнғин чиқишига техник носозлик сабаб, деб тахмин қилинса, уни топиш имкониятини берадиган тегишли эксперт тадқиқоти режалаштирилади. Сўнгра ёнғинга қарши хавфсизлик

тартиб-қоидаларига риоя қилишга жавобгар ва мавжуд асбоблар, машиналар, механизмлар ҳолатини назорат қилишга масъул шахсларни сўроқ қилиш назарда тутилади.

Айни вақтда ёнгин чиққан бинода ишлаётган ходимларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш режалаштирилади. Шунингдек, режада тегишли техникага оид ҳужжатларни ажратиб олиш кўзда тутилади.

Агар қасддан ўт қўйиш тўғрисидаги тахмин асос қилиб олинса, жиноят содир этиш сабабларини очиб беришга йўналтирилган тергов ҳаракатларини ўтказиш режалаштирилади. Бунда тергов режаси жиноятнинг барча таркибини ўз ичига олган воқеанинг ҳақиқий характери тўғрисидаги бир неча тахминни бир вақтнинг ўзида текширишни назарда тутиши керак. Масалан, дўкон, омбор ва бошқаларга ўт қўйишдан мақсад у ердаги ўғирликни ниқоблаш, турар жой биносига ўт қўйишда эса қотилликни ниқоблаш назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда ёнгин билан боғлиқ шароитни тадқиқ этишда ўғирлик, қотиллик тўғрисидаги тахмин режалаштирилади ва текширув ўтказилади.

Экспертизалар. Ёнгин билан боғлиқ ишлар экспертизасининг асосий турлари техник-ёнгин, кимёвий-суд, криминалистик ва техник экспертизаларни ўз ичига олади. Одам қурбон бўлган бўлса суд-тиббиёт экспертизаси, агар ҳайвон ўлган бўлса ветеринария экспертизаси ўтказилади.

Ёнгин чиққан жойни текшириб, гувоҳлар сўроқ қилиниб, бошқа тергов ҳаракатларидан кейин дарҳол юқоридаги экспертизалар бошланиши керак. Техник-ёнгин экспертиза ишлари ёнгин бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида бошланса, унинг самардорлиги шунча юқори бўлади.

Техник-ёнгин экспертизасини ўтказишда, қоидага кўра, қуйидагиларни аниқлаб олиш масаласи қўйилади:

1) ёнгин манбаи ва ёнгин чиқишининг сабаблари;
2) ёнгинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини бузиш ва ўт қўйиш билан боғлиқ далиллар;

3) ёнгин чиққан вақтда шарт-шароит ва унинг ривожланишининг ўзига хос томонлари (баъзи материаллар ва буюмлар ёнувчанлик даражаси, оловнинг тарқалиш кетма-кетлиги, айрим ҳолатларнинг ёнгин авж олишига таъсири ва ҳ.к.);

4) вужудга келган оқибатлар ва ўт қўйиш ёки ёнгин хавфсизлиги тартиб-қоидалари техник талабларига риоя қилмаслик сабаблари ўртасидаги алоқалар;

5) мазкур объектда ёнгинга қарши воситалар ҳолати ва олдини олиш чораларига оид тавсиялар.

Кимёвий суд экспертизаси. Ушбу экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган: 1) у ёки бу куйган предметлар қандай буюмлар таркибига киради; 2) ёнғин манбаи ичида нима-лар бор эди, ёнувчан моддалар излари йўқми; 3) ёнғин чиқишига сабаб бўлган ўз-ўзидан ёнувчи моддаларнинг кимёвий таркиби қандай эди?

Криминалистик экспертиза. Криминалистик экспертизада қўрилаётган ишлар қуйидаги масалаларга жавоб топишга ёрдам беради: 1) мазкур пойабзалнинг ёнғин чиққан жойда излари қолганми? 2) бармоқ излари мазкур шахсга тегишлими? 3) ёнғин чиққан жойда топилган предметларда йўл изи қолганми; (чирок, дазмол ва ҳ.к)? 4) ёнғин чиққан жойдан топилган ва гумон қилинган шахс тинтув қилинганда олиб қўйилган предметнинг қисмлари яхлит бирор нарсага тегишлими?

Товаршунослик экспертизаси. Газлама ва шунга ўхшаш маълум гуруҳга тегишли предметлар қасддан ўт қўювчи томонидан жиноят қуроли сифатида фойдалангани, оловда куйиб кетган товарларнинг тахминий қиймати аниқланади.

Суд-тиббийт экспертизаси қуйидаги масалаларга жавоб топишга ёрдам беради: 1) куйиш ва бошқа сабаблар натижасида ўлим юз берганми? 2) тирик одам ёки жасад олов таъсири остида қолганми? 3) нима таъсирида куйган (аланга, ёнувчи эритма, ёниб турган газ ва бошқалар таъсирида)? 4) жасадда олов таъсиридан ташқари яна қандай жароҳат ўринлари бор? 5) уларга қандай қуроллар ёрдамида зарба етказилган? 6) жасадда аниқланган жароҳат оловнинг юқори ҳароратими ёки механик сабаблар туфайлими? 7) жабрланган одам қандай даражада куйган; 8) жабрланган ўлим олдидан алкоголь ичимликлар ва гиёҳванд воситалар қабул қилганми?

Техник экспертиза ёрдамида қуйидаги масалаларга аниқлик киритилади: 1) ўз-ўзидан ёниб кетадиган материал ёнғин чиқишига сабаб бўлганми? 2) мазкур турдаги материал қандай шароитда ўз-ўзидан ёниб кетади? 3) маълум шароитда сақланаётган мазкур предметлар ўз-ўзидан ёниб кетиши учун қанча вақт талаб этилади? 4) мазкур материални сақлаш шароити тегишли қоида талабларига жавоб бера оладими? 5) ўз-ўзидан ёниб кетишнинг олдини олиш қоидалари бузилишига йўл қўйилган эмасми? 6) қурилишнинг қайси қоидаларидан чекиниш ёнғин чиқишига сабаб бўлган? 7) электр ўтказгичлар, иситиш, газ ва вентиляция тизимининг техник ҳолати қандай, мавжуд нуқсонлар ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкинми? 8) мазкур материал (эритма) нималардан иборат, у ёнғинга сабаб бўладими?

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш. Ёнғин

тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчини дастлабки сўроқ қилишда уларнинг ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жинояткорона бузишда ва ўт қўйишда билвосита иштирокини тасдиқловчи вазиятни аниқлашга қаратиш мақсадга мувофиқ. Агар ёнғин жойида топилган предмет, айнан гумон қилинган шахсдан ҳам чиқса, (масалан, ўт ёқиш воситалари) сўроқни ўшани аниқлаб олишдан бошлаш керак. Гумон қилинувчи топилган бу предметни олган ва ундан фойдаланган шароит тўғрисида тўла маълумот бериши лозим.

Агар тинтувда ёки гумон қилинувчини текширганда унинг кийимида, пойабзалида ёки баданида ёнувчи материаллар, кул ва куйган излари топилса, ёхуд ҳодиса рўй берган жойдаги тупроқ зарралари чиқса, сўроқни шу далиллар қаердан келиб қолганлигини аниқлашдан бошлаш керак.

Гумон қилинувчи сўроқ қилинганда ёнғин чиққанга қадар бу ерда бўлганлиги ёки ўт ўчириш вақтида ҳозир бўлиш сабаблари тўғрисида ёнғинни ўчиришда иштирок этган гувоҳлар кўрсатувидан ҳам, жойни кўздан кечириш натижасидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунда, ёнғин юз берган жойга қачон келди, қайси йўналиш бўйича юрди, ҳодиса содир бўлган жойда ўзини қандай тутди, унинг кўрсатмалари ўша жойда топилган изларга мос келадими, шулар ҳақида билиб олинади.

Айбланувчи ўз айбига иқрор бўлмаса, экспертизага маълумотларидан фойдаланиш керак. Экспертиза хулосалари айбланувчи берган жавобига зид келганда бу усул анча самарали бўлади.

Табиийки айбланувчи ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини билмаслигини айтади, хавфли оқибатларни олдиндан кўра олмаганлигини билдиради. Бундай тушунтиришни айбланувчининг бошқа кўрсатувлари каби синчковлик билан текшириш керак. Бундай ҳолда, сўроқ қилишда, объектда ёнғинга қарши хавфсизлик ҳолати ва уни таъминлашда мансабдор шахснинг масъулияти аниқ кўрсатилган буйруқ, низом, инструкция ва бошқа ҳужжатлардан унумли фойдаланиш зарур.

Ёнғиннинг олдини олиш чоралари: 1) жиноят ишини тергаш жараёнида ёнғиннинг келиб чиқишига қандай сабаб ва ҳолатлар ёрдам берган ёки енгиллаштирган, 2) ёнғин хавфсизлигига оид чоралар ташкил қилинганми, йўқми? 3) шу объектда ёнғин хавфсизлиги ишларининг умумий аҳволи қандайлиги каби масалалар аниқланиши лозим.

Тегишли мутахассис иштирокида объектда ёнғинга қарши кураш қуроллари, транспорт воситалари, сув ва сигнализация каби шароитлар мавжудми ёки мавжуд эмаслиги ва уларнинг ҳолати аниқланади. Кўрсатилган шароитлар йўқ бўлса ёки

етарли даражада бўлмаса, бунинг учун мансабдор шахслардан ким жавобгарлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Кадрлар билан ишлаш, уларнинг ёнғинга қарши кураш соҳасидаги малакасини ошириш, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказиш ва бошқа тарбиявий ишлар ҳам ёнғиннинг олдини олишга ёрдам беради. Терговчи ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби ва у юз берган шароитларни инobatга олган ҳолда бу ҳақда маълумотномалар ёзиши ва тегишли идораларга юбориши керак. Қонунни тарғиб қилиш, матбуотда, радио ва телевидениеларда чиқиш ва йирик объектларда (корхоналарда, завод ва фабрикаларда, омборларда, пахта пунктларида, мактабларда) суҳбатлар ўтказиш юқоридаги каби ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

33-боб. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЖИНОИЙ ТАРЗДА БУЗГАНЛИК ҲОЛЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ.

1-§. Йўл-транспорт ҳодисаларининг криминалистик тавсифи

Йўл ҳаракати хавфсизлиги (ЙҲХ) қоидаларини жиноий тарзда бузганлик эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган турларидан ҳисобланади. Бундай қоидабузарликларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасининг юқорилиги нафақат уларнинг кенг тарқалганлиги, балки келиб чиқадиган оқибатларнинг оғирлиги, яъни жароҳатларнинг кўплигига, қурбонлар бўлишига, мулкый зиён жиддийлигига боғлиқдир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик ҳолларини тергов қилишнинг мураккаблиги асосан йўлдаги ҳолат бамисоли яшин тезликда ўзгарадиган бир шароитда ҳодиса сабабларини аниқлаш заруратидан келиб чиқади. Муҳими вазиятни аниқлаштириб олиш, ҳодиса механизмини тиклаш-терговчи учун доимо мураккаб техник ва юридик вазифа ҳисобланган. ЙТҲларининг умумий криминалистик тавсифларини билиш терговчи олдидаги муаммони ҳал этишга муайян даражада кўмаклашади. Бундай тавсифлар негизда транспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракат қилишининг шарт-шароитларини, бу шарт-шароитларга риоя этиши шарт бўлган шахсларнинг хулқ-атворидаги қоидадан четга чиқишларни, содир этилган қоидабузарликлар натижасида келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги алоқани акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ётади.

Агарда транспорт воситаларининг ҳаракатини бошқаришга нисбатан муайян тизим сифатида қараладиган бўлса, ҳайдовчи, транспорт воситаси ва йўлдаги ҳолат ушбу тизимнинг шарт бўлган ва ўзаро боғлиқ элементларини ташкил этади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ана шу учала элементнинг тўғри ишлаши ва бир-бирига боғлиқ ҳолда амал қилиши орқали таъминланади. Улардан исталган бирининг бошқаларига нисбатан номувофиқ келиши туфайли хавфли вазият, яъни ҳайдовчининг фавқулотда чоралар кўриши орқали ЙТҲни четлаб ўтиш учун ҳали имкониятлар мавжуд бўлган муҳит юзага келади. Бирок, бундай вазият ҳайдовчи, у бошқараётган транспорт воситаси ва йўлдаги ҳолат ўртасида алоқадорлик бузилиши натижасида авария ҳодисасига айланиши мумкин.

ЙТХлари механизмидаги сабабий боғланишни қуйидаги тарзда тасаввуф этиш мумкин: Ҳайдовчи-транспорт воситаси-йўлдаги ҳолат тизимидаги номувофиқлик хавфли ҳолат юзага келишига сабаб бўлади. Агар лозим чоралар кўрилмаса, бу ҳол авария вазиятига айланиб кетиши мумкин, бу эса муқаррар равишда зиён кўрилишига олиб келади.

Шунингдек, “ҳайдовчи-транспорт воситаси-йўл-вазият” тизимидаги номувофиқлик ҳайдовчилар, пиёдалар ёки йўловчиларнинг, транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолати. Йўл ҳаракатини ташкил этиш учун маъсул бўлган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиқиши мумкин.

Ҳайдовчи бўғинида қоидалардан четга чиқиш сабаблари объектив ёки субъектив тусга эга бўлади. Одамлар ва бошқа нарсаларни уриб кетиш, транспорт воситаси билан тўқнашиш ва бошқа хавфли оқибатларга йўл қўймаслик мақсадида ҳайдовчини бошқаришнинг одатдаги усулларини ўзгартиришга ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузишга мажбур этадиган ҳар қандай ташқи шароитлар объектив сабаблар жумласига киради. Белгиланган тартиб-қоидаларни баён этилгани тарзда бузиш ҳоллари, одатда, агар ҳайдовчи шундай чоралар кўрмаса йўл ҳолатида юқорида таъкидланганига ўхшаш ёмон оқибатлар келиб чиқиши мумкин, деган хулосага келса, рўй беради. Ҳайдовчининг кўпинча ўринли бўлиб чиқадиган ҳаракатлари ана шундайдир. Афсуски, баъзан у йўл қўймасликка ёки олдини олишга ҳаракат қилган оқибатлардан ҳам оғирроқ вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, йўлда ҳайдовчи учун кутилмаган тўсиқнинг тўсатдан пайдо бўлганлиги туфайли ҳаракат йўналишини кескин ўзгартириб бошқа транспорт воситалари билан тўқнашиб кетишга, пиёдаларни туртиб кетиш ва шу каби бошқа ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

“Ҳайдовчи” бўғинида тартиб-қоидалардан четга чиқишнинг *субъектив сабабларига* қуйидагиларни киритиш мумкин: а) зарурат тақозо этмаган бир пайтда йўл ҳаракати қоидаларини қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида бузганлик: тезликни йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошириш, чорраҳалардан ўтиш қоидаларини бузиш, йўл белгиларига риоя этмаслик ва шу кабилар; б) касбий жиҳатдан етарли даражада тайёргарликка эга эмаслик, йўлдаги ҳолатни нотўғри баҳолаш ёки тажрибанинг етишмаслиги оқибатида транспортни бошқаришнинг нотўғри усулларидан фойдаланганлик; в) ҳайдовчи ҳолатидаги унинг иш қобилияти ва ташқи вазиятни сезиш ҳиссини пасайтирувчи психофизиологик ўзгаришлар (транспорт воситасини узоқ вақт бошқариш оқибатида ҳаддан зиёд толиқиш, алкоғолдан маст бўлиш, тан носоғлиги ва шу кабилар).

Ҳайдовчи тартиб-қоидаларни бузиш оқибатида юзага келадиган вазиятлар хавфлилиги шундаки, у бошқараётган транспорт воситаси муайян йўналишда ёки вақтда ҳаракат ман этилган ҳудудга кириб қолиб, йўл ҳаракати қатнашчилари учун таҳдид солади. Бундай ҳудудлар: қарама-қарши ҳаракат йўлдаги, пиёдалар йўли, светофорнинг тақиқловчи сигнали билан юриш ман этилган чорраҳа ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин. Хавфли вазият ҳамisha ҳам ўз-ўзидан аварияларга олиб келавермайди. Қарама-қарши ҳаракат ўтиб кетиш, масалан, рўпарадан транспорт воситаси келаятган бўлса, катта хавф туғдиради. Бундай вазиятларда ҳайдовчи ўз вақтида зарур чораларни кўrsa (ҳаракат йўналишини ўзгартирса, транспортни кескин тўхтатса ва бошқа усуллар қўлласа), ЙТХлари содир бўлишининг олди олинад.

Қай пайтда хавфли ҳолат юз бериши мумкин? Белгиланган хавфсизлик қоидаларини бузган, транспорт воситаси яқинида йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари ёки тўсиқ мавжуд бўлса ва қоидабузарнинг ҳар қандай ҳаракати ҳам одамлар (бошқа тўсиқлар)ни уриб кетиши, транспорт воситалари тўқнашиб кетиши ва бошқа оғир оқибатларнинг олдини олишга қодир бўлмай қолсагина, бу каби кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкин. ЙТХларини тергов қилиш вақтида ҳайдовчи авариянинг олдини олиш имкониятига эга бўлган ёки бўлмаганлик масаласини айниқса синчиклаб ўрганиш лозим.

“Транспорт воситаси” бўғинида четга чиқишлар транспорт воситаларининг техник жиҳатидан носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлиб, айна ана шу салбий кўринишлар ЙТХлари юз беришига сабаб бўлади. Рулни бошқариш ва тормоз тизимидаги носозликлар йўл ҳаракати хавфсизлиги учун таҳдид соладиган энг жиддий сабаблар ҳисобланади. Бундай носозликларнинг йўл ҳаракати қатнашчилари учун хавфлилиқ даражасининг юқорилиги шу билан изоҳланадики, бу каби носозликлар ҳаракат давом этаётган бир пайтда тўсатдан, ҳайдовчи учун қутилмаганда пайдо бўлиб, транспорт воситасини бошқаролмай қолади. Шунинг учун хавфли вазиятни авария ҳолатига айланиб кетишини тўхтатиб бўлмайди. Транспорт воситасининг двигатели, ҳаракатланувчи қисми, бошқа узеллар ва агрегатларидаги носозликлар ЙТХларига нисбатан камроқ сабаб бўлади.

“Йўл” транспорт воситаси ҳаракатини бошқариш тизимининг элементи сифатида:

ҳаракат амалга оширилаятган ҳудуддаги йўлнинг техник ҳолатига (йўлнинг профили, уланиш қисми, қопламаси, нуқсонлари, тўсиқлар ва шу кабиларга);

йўлнинг хавф тўғрисида огоҳлантирувчи, тўсиқни айланиб ўтишни кўрсатувчи ва шу каби бошқа зарур йўл белгилари ва ишоралари билан қай даражада таъминланганлигига;

йўлнинг ҳаракат амалга ошириладиган қисмида пиёдалар ва бошқа транспорт воситаларининг бор-йўқлигига, уларнинг ҳаракат йўналишлари ва тезлигига доир масалаларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган шароитларнинг барчаси трассада мунтазам равишда ўзгариб боради ва ҳайдовчидан ўз ҳаракатларини мавжуд шароитларга мослаб боришни талаб қилади. Ушбу босқичда йўлларнинг ҳолати ва йўл ҳаракатини ташкил қилиш учун жавобгар бўлган йўл хизматининг, бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари ва пиёдаларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли ҳам авария вазиятига олиб келадиган тарздаги тартиб-қоидалардан четга чиқиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Чунончи, йўллар ҳолатининг қониқарсизлиги ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг бузилиб қолишига сабаб бўлади, бу эса ҳайдовчини ҳам, бузилган транспорт воситасининг бевосита яқинида бўлган йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини ҳам хавфли вазиятга солади. Йўллардаги ўнқир-чўнқирлар, чуқурликлар, очиқ қолган канализация люклари ва бошқа тўсиқлар ўраб қўйилган бўлиб, тегишли йўл белгилари (йўлда таъмирлаш ишлари олиб бориладиганлигидан огоҳлантирувчи, тўсиқни айланиб ўтишни англатувчи ва бошқа шу каби белгилар) билан кўрсатилган бўлиши керак. Бундай белгилар бўлмаса, айниқса йўлнинг кўриниши ёмон шароитларда авариялар юз бериши мумкин. Йўл ҳаракатининг белгиланган қоидалари: йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмидан ўтиш тартибига ёки светофорнинг тақиқловчи сигналига риоя қилмайдиган, жамоат транспорти ҳаракатланиб турган пайтда унга чиқишга уринадиган ва шунга ўхшаш нотўғри ҳаракат қиладиган пиёдалар кўпинча ЙТХлари содир этилишида айбдор бўлиб қолади.

Ҳайдовчи, транспорт воситаси ва йўл юқорида кўриб чиқилган барча ҳолатлар ҳамда улар туфайли юзага келадиган турли вазиятларга боғлиқ, чунончи: 1) пиёдалар, велосипедчилар, мотоциклчилар ва бошқа ҳаракатланувчи объектлар бир-бирини уриб юбориши; 2) ҳаракат қилмайдиган объектларни (ёритгич, телеграф устунлари ва бошқа устунларни, йўл бўйидаги иншоотларни, тўхтаб турган транспорт воситалари ва бошқа шу кабиларни) уриб юбориш ёки улар билан тўқнашиш; 3) ҳаракатдаги транспорт воситалари билан тўқнашиш; 4) кескин тўхтатилиши ёки йўлдаги тўсиқларга урилиши туфайли ёхуд

бошқа сабабларга кўра турғунликни йўқотиши натижасида транспорт воситасининг ағдарилиши; 5) ҳаракатдаги транспорт воситасидан йўловчиларнинг ағанаб тушуши; 6) транспорт воситасининг ағдарилиши (масалан, кўприкдан); ҳамда 7) транспортда (электр симларида транспорт воситаларининг тўқнашиши натижасида ёқилғи узатиш тизимида юзага келадиган носозликлар, ёқилғининг портлаши ва бошқа сабабларга кўра) келиб чиқадиган ёнғиндан иборат бўлиши мумкин.

Санаб ўтилган вазиятларнинг ҳар бири ўзига хос қонуниятларга, ўз динамикасига эга бўлиб, бу хусусиятлар ўз навбатида из ҳосил бўлишининг спецификаси ва қонуниятларини белгилаб беради.

ЙТХ юз берган жойдаги излар кўпинча воқеа содир бўлганлигидан далолат берувчи ягона манбадир. Уларни ўрганиш эса, терговнинг дастлабки босқичида ҳодиса механизмини билиш ва баҳо беришнинг ягона усули бўлиб қолади.

2-§. Тергов йўналишларини аниқлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жинойий тарзда бузганликни тергов қилишнинг йўналишларини белгилаш-терговчининг дастлабки вазифаларини аниқлаши ва уларни ҳал этишнинг йўллари танилаб олишини англатади. Бундай вазифа негизида терговчи олиб бораётган тергов ишларининг дастлабки босқичида юзага келаётган вазиятларнинг таҳлили ётади. Ушбу босқичда тергов вазиятларининг ўзига хос хусусиятлари, асосан, авария юз бериши биланоқ йўл хавфсизлиги қоидаларини бузган шахслар ва ҳодиса бошқа иштирокчиларининг хулқ-атвори қандай бўлганлигига, ҳодисанинг шохидлари бор-йўқлигига, моддий ҳолатнинг қай аҳволдалигига, терговчи ҳодиса юз берган жойга етиб келганида излар сақланган-сақланмаганлигига ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади. Санаб ўтилган факторлар объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ бўлган турли ривожланишига сабаб бўлади. Вазиятнинг қулай ёки ноқулай деб эътироф этилиши иш олиб борилаётган пайтда тергов қилинаётган воқеанинг ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш имкониятига боғлиқ.

Айбдорларнинг жинойят ивларини яширган ҳолда воқеа содир бўлган жойдан яшириниши, гувоҳларнинг йўқлиги ёки уларнинг яшаш жойлари номаълум, ҳодиса юз берганлиги ҳақидаги маълумот ЙТХХ ходимига ёки терговчига жуда кеч хабар қилинган бўлиб, вазият жиддий ўзгариб кетган бўлса, энг мураккаб, бинобарин, энг ноқулай вазият ҳисобланади. Бундай

ҳолларда терговнинг асосий йўналиши ахборот манбаларини қидириш: яширинган ҳайдовчиларни қидириш, воқеанинг гувоҳи бўлиши эҳтимол тутилган шахсларни аниқлаш, воқеа ҳолатларига аниқлик киритиш мумкин бўлган жинойтнинг сақланиб қолган моддий изларини топиш ва шу кабилардан иборат бўлиши керак. Бундай вазият учун ноаниқлик даражасининг юқорилиги хос хусусият бўлиб, исботловчи ахборотларнинг эҳтимол тутилган манбалари аниқланмагунча бошқа бирор-бир масаланинг ҳал этилиши мумкин эмас.

Тергов учун қулай вазият юзага келаётганида, масалан, ҳодиса қатнашчилари ва гувоҳлар терговчи етиб келгунига қадар ўз жойларида қолса, изларни сақлаб қолиш учун ўз вақтида чоралар кўрилса ва ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатнинг ўзгаришсиз қолиши таъминланса, тергов йўналишини белгиловчи вазифа характерини, яъни қатнашчиларнинг хатти-ҳаракатларида жинойт таркиби белгилари бор-йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади. Бунинг учун, энг аввало, ҳодиса юз берган жойда ҳозир бўлган барчанинг (ЙТХ қатнашчилари, гувоҳлар, жабрланувчилар) кўрсатувлари ва тушунтиришларини процессуал воситалар ёрдамида мустаҳкамлаш ва бу далилларни ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш жараёнида ўрганилган моддий ҳолат билан таққослаш зарур. Агар терговчи тергов йўналишини белгилаб ва кейинчалик исбот қилиниши лозим бўлган аниқ вазиятларда барча ҳолатларни аниқлаб олса, у жараён давомида катта қийинчиликларга дуч келмайди.

Дастлабки босқичда ЙТХни тергов қилишнинг йўналишларини белгилаб олиш-текширилаётган воқеага доир маълумотлар ўта тақчил бўлган бир шароитда терговчи ишини аниқ мақсадга қаратилишига ёрдам берадиган энг умумий тарздаги ҳаракат режасинигина ишлаб чиқишни англатади, холос. ЙТХ юз берган жойни кўздан кечиришдан олдиноқ, ҳодиса иштирокчилари, шохидлари ва ҳодиса юз берган жойни қўриқлаётган ЙХХХ ходимларидан олинган тушунтиришлар дастлабки маълумотлар ҳисобланиб, тергов тахминларининг асосини ташкил этиши мумкин.

Тўғри, терговнинг дастлабки босқичида бундай маълумот ҳодисанинг характери, аварияга олиб келган сабаблар, ҳодиса айбдорлари ва бошқа шу кабилар тўғрисида умумий версиялар тузиш учунгина етарли бўлади, холос. *Воқеанинг характери тўғрисидаги одатдаги версиялар қуйидагича бўлиши мумкин:* 1) ЙТХ йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жинойий тарзда бузганлик натижасида рўй берган; 2) ЙТХ жинойт таркиби аломатларининг доирасига кирмайдиган ҳаракатлар туфайли келиб чиққан; 3) ЙТХ бошқа жинойтни яшириш учун ниқоб

сифатида ташкил этилган; 4) ЙТХ транспорт воситасидан жиноят қуроли сифатида қасддан фойдаланилганлиги оқибагида юз берган.

Воқеанинг характери тўғрисидаги версияларни тақсимлаш ёки рад этиш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг дастлабки натижалари ва воқеа қатнашчиларининг дастлабки тушунтиришлари олинганидан кейинроқ мумкин бўлади. Худди мана шу маълумотлар ЙТХнинг сабаблари, йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида йўл қўйилган қоидабузарликлар, уни содир этган шахслар, яшаш жойлари ва бошқа шу кабилар тўғрисида хусусий версиялар қилиш учун дастлабки маълумот сифатида хизмат қилади. Терговнинг асосий йўналишларини белгиловчи вазифаларга, шунингдек, илгари сурилган тергов версияларини тасдиқлаш ёки рад этиш учун зарур жавоблар топиш мақсадида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ масалаларга асосланган ҳолда терговнинг энг умумий режаси тузилади. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чора-тадбирлари ёрдамида ҳали аниқланмаган, аммо исбот қилиниши лозим бўлган тахминларни илгари суришга, терговни давом эттиришнинг кенг режасини ишлаб чиқишга киришиш имконини берадиган маълумотлар базасини яратади.

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чора-тадбирлари

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чора-тадбирлари ёрдамида қандай воқеа юз берганлиги, авария келиб чиқишининг сабаби, айбдор ким эканлиги ва қандай моддий зарар етказилганлиги аниқланади.

**ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИДАГИ
ТИПИК ҲОЛАТЛАР ВА ТЕРГОВЧИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ**

ҲАЙДОВЧИ ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТУРИБДИ

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Гувоҳларни сўроқ қилиш

Наркотик модда ёки алкоголь таъсири остида бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш учун ҳайдовчини ва жабрланувчини гувоҳлантириш

Ҳайдовчини сўроқ қилиш

Жабрланувчини сўроқ қилиш

Суд экспертизалари тайинлаш

*Ҳайдовчи транспорт воситаси билан ҳодиса содир бўлган жойдан яширилган.
Транспорт воситаси ҳодиса содир бўлган жойда турибди, ҳайдовчи эса яширилган*

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Гувоҳларни сўроқ қилиш

Жабрланувчини сўроқ қилиш

Суд экспертизаларини тайинлаш

Сурштирув органларига тезкор-қидирув чораларини амалга оширишни таъинириш

Терговнинг дастлабки босқичида энг муҳим тергов ҳаракатлари жумласига: ЙТҲ жойини кўздан кечириш; мурдани ва ҳодисада иштирок этган транспорт воситаларини кўздан кечириш; ҳайдовчини гувоҳлантириш, жабрланувчилар, шохидлар ва гумон қилинаётганларни сўроқ қилиш киради. Терговни бошлаш пайтидаги юзага келган тергов вазиятига ва унинг янги маълумотлар олиш натижасида ўзгариши тамойилига қараб бошқа шакллардаги дастлабки тергов ҳаракатларини: жабрланувчиларни суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, автотехника экспертизаси ўтказиш, гувоҳларни сўроқ қилиш (масалан, ҳодисада иштирок этган транспорт воситасини тасарруф этувчи аниқ автокорхона транспортининг техник ҳолати учун жавобгар бўлган ходимларидан бирини) ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Далил-исбот материалларининг асосий қисмини олиш ва текшириляётган воқеа тўғрисида ҳолис тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган ЙТҲ жойини кўздан кечириш техник ва тактик жиҳатдан энг мураккаб иш ҳисобланади.

Терговнинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган тезкор қидирув чора-тадбирларидан кўзланган асосий мақсад-яширилган ҳайдовчиларни, ЙТҲда иштирок этган транспорт воситаларини, ҳодисанинг гувоҳлари ва шохидларини қидириб топишдан иборат. Шу мақсадда йўлларни тўсиш чора-тадбирлари амалга оширилади, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида, автокорхоналарда текширувлар ўтказилади, давлат автомобиль назорати органларидан транспорт эгалари тўғрисида маълумотлар олинади., ҳодисанинг аниқланган гувоҳлари, шунингдек бошқа шахслар сўроқ қилинади.

Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни кўздан кечириш. ЙТХ юз берган жойдаги моддий ҳолатни ўрганиш кўздан кечиришнинг асосий вазифасидир. Олинган натижалар текшириладиган воқеани тиклаш, ҳодиса механизми туғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва унинг сабабларини аниқлаш имконини беради. Кўриб чиқиладиган тоифадаги ишлар бўйича ҳодиса юз берган жойини кўздан кечиришнинг специфик хусусиятлари ушбу тергов ҳаракатлари амалга ошириладиган шароитлар билан белгиланади. Ушбу шароитлар йўл ҳаракатининг ўта зичлиги туфайли ҳолатнинг ўзгариши ва изларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфининг катталиги билан ажралиб туради. Ҳаракатни тўхтатиш эса автомагистралларида бошқа хавфли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бу каби тез-тез бўлиб турадиган мажбурий ўзгаришлар терговчи учун доимо ортиқча қийинчилик туғдиради. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ЙТХлари туғрисидаги ҳар бир хабарга дарҳол муносабат билдириш ва авария юз берган ҳудудда йўл ҳаракатини тез ва тўғри ташкил этиш: хавфли ҳудудни айланиб ўтилишини таъминлаш, огоҳлантирувчи белгилар ўрнатиш ва шу кабилар зарурлиги талаб этилади.

ЙТХ юз берган жойга, қоида тариқасида, маълумот олинганидан кейин биринчи бўлиб ЙХХХ ходимлари етиб келишади. Уларнинг зиммасидаги вазифа – терговчи етиб келгунига қадар ЙТХни қўриқлаш ва йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бироқ, кўздан кечириш бошлангунига қадар ҳодиса юз берган жойни ўзгаришсиз сақлашга ҳамиша ҳам муваффақ бўлинадими. Бундай ўзгаришларга қўпинча авария натижасида жабр кўрган транспорт воситасидаги йўловчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати сабаб бўлади, негаки, бу ишни бажариш учун автомашина ойналарини синдиришга, эшикларини суғуриб олишга тўғри келади. Аварияда иштирок этган автомашиналарни йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатландирган қисмидан бошқа жойга олиш эҳтиёжи уларнинг бу ерда туришидан йўлдаги ҳолатнинг мураккаблашиши, айниқса, йўлда транспортнинг нормал ҳаракатланишига хавф солиши ва шу каби бошқа сабаблардан келиб чиқади.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳодиса содир бўлган жойга етиб келган ЙХХХ ходимларининг биринчи галдаги вазифасидир. Башарти, жабрланувчи даволаш муассасасига жўнатилгунига қадар йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатландирган қисмида ётган бўлса, у ётган жой ва

гавдасининг ҳолати тегишли тарзда қайд этилади (чизилади, масалан, бўрда асфальтга чизилади ва шу кабилар).

ЙХХХ ходимлари терговчи етиб келгунига қадар ЙТХда иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ушлаш, уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ва бошқа ҳужжатларини, масалан, юк ташиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини, транспорт воситаларининг техник паспортлари ва бошқа шу кабиларини олиб қўйиш чора-тадбирларини ҳам кўришлари керак. Изларнинг сақлаб қолинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Негаки, излар об-ҳаво шароитлари, йўлда юзага келаётган ҳолат ва бошқа шу кабиларнинг таъсири натижасида йўқолиб кетиши турган гап.

Кўздан кечириш бошлангунига қадар терговчи шоҳидлардан сўраш орқали воқеа қандай юз берганини, моддий ҳолатга қандай ўзгаришлар киритилганлигини умумий тарзда аниқлайди. Башарти, ҳайдовчи авария айбдори бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган бўлса, аварияда иштирок этган транспорт воситасининг тури, русуми ва рангини, қоидабузар қочиб кетган йўналишни аниқлаш жуда муҳим. Бу қидирувни «иссиғида» ташкил этишга ёрдам беради. Қидирув ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда олиб борилади. Ҳодисада иштирок этган ҳайдовчилар маст деган шубҳа пайдо бўлса, уларни ЙХХХ ходимларининг ҳамроҳлигида қондаги алкоголь таркибини аниқлаш мақсадида тиббий текширувга юбориш лозим.

Терговчи ЙТХнинг *умумий манзараси* билан танишиб, кўздан кечиришнинг чегараларини белгилайди ва шу чегаралар доирасида қўриқлаш таъминланади. Кўздан кечириш бошлангунига қадар ҳодиса юз берган жойдан шатак ёрдамида тортилган транспорт воситаларининг қаерда турганлигини, улар дастлаб йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг қаерида турганлигини кўрсатувчи белгилар бор-йўқлигини, касалхонага жўнатилган жабрланувчининг турган жойи ва гавда кўриниши ҳамда бошқа шу кабилар белгиланган-белгиланмаганини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЙТХ юз берган жойнинг моддий ҳолатини ташкил этувчи ва синчиклаб ўрганилиши лозим бўлган асосий объектлар қуйидагилар: 1) йўлнинг авария рўй берган қисми; 2) ҳодиса рўй берган жойдаги воқеа механизмини тиклаш имконини берадиган транспорт воситаларининг излари ва бошқа излар; 3) мурдалар (агар авария одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган бўлса); 4) ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари.

ЙТХ юз берган жойнинг ҳолатини ўрганиш тергов учун муҳим аҳамиятга молик қатор вазиятларни ойдинлаштириш имконини берадики, улар ёрдамида:

хавфли вазият юзага келган жой ва юзага келиш сабабларини;

йўлнинг бевосита авария рўй берган қисмининг аҳволини ва ундаги йўл ҳолатини;

ҳодиса қатнашчиларидан ҳар бирининг хавфли вазият юзага келишидаги ролини ва авариянинг олдини олиш юзасидан қилган хатти-ҳаракатларини;

хавфли вазият юзага келган пайтдан бошлаб, то зарарли оқибатлар келиб чиққунига қадар давр ичидаги ҳодиса механизмини аниқлаш имконини беради.

Кўздан кечиришни йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган ва йўл ҳаракатини тезда тиклаш талаб қилинадиган қисмидан бошлаш керак. Бунда ҳаракатларнинг кетма-кетлиги юзага келадиган вазиятга боғлиқ бўлади. Энг аввало, изларга путур етиши ёки улар йўқ бўлиб кетиши хавфи мавжуд ва автомагистрал бўйлаб транспорт зич ҳаракат қиладиган жойлар кўздан кечирилиши керак. Кўздан кечириш баҳонасида транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш йўл ҳаракатини тартибга солишда қийинчиликлар туғдириб, автомобилларнинг тўп бўлиб қолишига, хавфли вазиятлар юзага келишига сабаб бўлади. Агар йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи ҳодиса юз берган жойдан машинада ғойиб бўлган бўлса, кўздан кечиришни ҳайдовчининг йўналишини кўрсатувчи излар орқали топилиши мумкин бўлган жойдан бошлаб, шу йўналиш бўйича қидирувни ташкил этган маъқул.

Йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмини кўздан кечириш жараёнида унинг профилини (баландликлари, пастликлари, бурилиш жойлари ва шу кабиларини), йўл ишоралари ва белгиларининг бор-йўқлигини, йўл ёқасини, тўсиқларни, транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг кенлиги ва шу кабиларни албатта қайд этиш шарт. Ушбу маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик ҳодисанинг ҳар бир қатнашчиси йўлнинг мазкур қисмини кўз билан қамраш ва ЙТХнинг олдини олиш учун қай даражада имкониятга эга бўлганлигига баҳо берилади.

Хавфли вазият юзага келган жой ва вақтни аниқлаш маълум даражада қийинчилик туғдиради.

Хавфли вазиятнинг пайдо бўлиши ҳам, авария ҳам айна бир жойнинг ўзида бир вақтда юз берган бўлиши мумкин. Бироқ, қўпинча макон ўлчови ҳам, вақт ўлчови ҳам турлича бўлади. Йўлдаги хавфли вазият билан авария вазиятини бир-биридан муайян муҳлат ажратиб туради. Ана шу муҳлат ичида ҳайдовчилар, пиёдалар аварияга йўл қўймасликка уриниб

кўрадилар. Хусусан, шу муҳлатда транспорт воситаси ва пиёдалар ўз ҳаракат тезликларига мос келадиган масофани босиб ўтадилар. Ҳодиса барча қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларига имкон қадар тўлиқроқ баҳо бериш учун хавфли вазият юзага келган жойни аниқлаш фавқулодда муҳимдир. Жойда амалга ошириладиган ушбу иш транспорт воситаларининг (ҳаракат йўналишини, тормоз ва бошқа шу кабилар) изларини, йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмида пиёдаларнинг изларини қидириш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш зарурати билан боғлиқ бўлиб, аксарият ҳолларда ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг доираси кенгайтирилишини тақозо этади. Тормоз излари алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бундай изларнинг бошланиш қисми, одатда, хавфли вазият юзага келган жойга мос келади ва унга қараб, транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Изларда акс этган тормоз йўлининг узунлиги айниқса синчиклаб ўлчанади. Йўл қопламасининг (асфальт, тупроқ йўл, курук ёки ҳўл асфальт ва бошқа шу кабилар) ҳолати албатта қайд этилади. Шунинг ёрдамида муайян даражада тормоз йўли аниқланади.

Гилдирак қопламасининг шакли акс этадиган ва кўпинча ЙТХ юз берган жойда топиладиган изларга қараб, ушбу изларни қолдирган автомашинанинг русуми, модели аниқланади. Мана шу маълумотлар яширинган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидиришга ёрдам беради.

ЙТХ ҳар бир қатнашчисининг ролини аниқлаш ва унинг механизмини тиклаш учун бошқа излар: нур тарқатадиган фаралар ойналари, олд ойнанинг синиқ парчалари, уларнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўл қисмидаги жойлашуви; худди мана шу жойлардан ва уларга туташ ҳудудлардан топиладиган транспорт воситаларининг тўқнашиши натижасида бузилган ёки узеллар ва агрегатларнинг техник жиҳатдан носозлиги туфайли ишдан чиққан деталлар; тормоз суюқлигининг излари, асфальтдаги мой доғлари, пиёдаларнинг излари, киярланиш излари, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ўзларида мавжуд бўлган нуқсонларнинг излари муҳим роль ўйнайди. Буларнинг ҳаммаси тегишли шакллари, миқдорлари, характери ва ўзаро жойлашувининг хос хўсусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳодиса механизмини тиклаш учун фавқулодда муҳим аҳамият касб этади ва улар криминалистик воситалар: фотосуратга олиш, киносуратга тушириш, турли тарх ва схемалар тузиш орқали, ҳозирги замон нусха кўчириш воситалари ва бошқа шу кабилар ёрдамида синчковлик билан қайд этилиши лозим.

Транспорт воситаларини кўздан кечириш. Аварияда қатнашган транспорт воситаларини кўздан кечириш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг бир қисми ёки мустақил тергов ҳаракати бўлиши мумкин. Транспорт воситаларини кўздан кечиришнинг асосий вазифалари, биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жинойий тарзда бузганлик натижасида аварияда қатнашган транспорт воситаларида пайдо бўлган излар ва путур етган жойларни, иккинчидан, уларнинг техник ҳолатини аниқлашдан иборат. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун, одатда, махсус билимлар талаб қилинади, шунинг учун кўздан кечиришга автотехника мутахассисини, баъзида эса: криминалистни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг муайян қисми ҳисобланган транспорт воситасини кўздан кечиришни бошлашдан олдин унинг турган жойи ва бошқа мўлжалларга (бошқа транспорт воситалари, мурда, йўл ёқаси ва бошқа шу кабиларга) нисбатан жойлашувини қайд этиш зарур.

Транспорт воситасини кўздан кечиришни авария натижасида путур етган жойларидан бошлаш лозим. Бунда транспорт воситаларида мавжуд бўлган бошқа излар: қон излари, бўёқ заррачалари, трасологик излар ва бошқа шу кабиларга зиён етказмаслик ёки уларни йўқ қилиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Путур етган жой қаерда жойлашганлиги, шакли, ўлчами кўрсатилган ҳолда баённомада батафсил тавсифланиши лозим. Агар транспорт воситасида қирилган жойлар пайдо бўлган бўлса, уларнинг горизонтал бўйлаб йўналишини кўрсатиш керак. Путур етган жойлар автомашинанинг қаерида эканлигини кўрсатишдан ташқари ўлчаш йўли билан ҳам қайд этилади. Ўлчов воситасининг бир учи доимо ер сатҳида бўлиши керак. Шу орқали путур етган жой қандай баландликда аниқлангани маълум бўлади. Кўздан кечирилаётган автомобиль қандай ҳолатда эканлигини ва ундаги путур етган жойлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун умумий ва мукамал суратга тушириш қоидалари бўйича *фотосуратга олиш* лозим. Умумий фотосуратларда транспорт воситасининг ҳар бир томондан умумий кўриниши қайд этилади. Кейин масштабли чизғич билан ҳар бир путур етган жой алоҳида суратга олинади.

Кўздан кечириш пайтидаёқ бошланиши лозим бўлган транспорт воситасидаги путур етган жойларни ўрганиш, уларни бошқа объектлардаги (мурда танаси, тўсиқлар, ҳодисада иштирок этган бошқа транспорт воситалари) путур етган жойлар билан таққослаш авария механизмини танлаш, тўқнашиш, уриб кетиш вақтида транспорт воситаларининг, пиёдаларнинг, йўлнинг

транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмидаги тўсиқларнинг ўзаро қай тарзда жойлашганлигини, ўзаро тўқнашилганда механик кучларнинг ҳаракат йўналиши ва бошқа шу кабиларни аниқлаш имконини беради.

Транспорт воситасидаги барча путур етган жойлар ва излар аниқланиб, қайд этилганидан кейин кўздан кечириладиган транспорт воситасининг техник ҳолатини аниқлашга киришиш мумкин. Техник ҳолат автотехник мутахассиснинг иштирокида текширилади. Бу иш, агар терговчи ЙТХга транспорт воситасининг техник жиҳатдан носозлиги сабаб бўлган, деган асосли фикр билдирса, айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт воситасини кўздан кечириш жараёнида ёруғлик сигнализацияси, тормоз тизими, ҳаракатланувчи қисми, унинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бошқа муҳим узеллари ва агрегатларининг ҳолати текширилади. Башарти, автомашинанинг техник ҳолатини аниқлаш учун мураккаб диагностика ва бошқа приборлардан фойдаланиш талаб қилинса, нафақат носозликлар бор-йўқлигини, балки кўздан кечириш пайтида топилган носозликларнинг сабабларини ҳам аниқлаш вазифаси кўндаланг бўлса, автотехника экспертизаси тайинланади.

Ҳодиса юз берган жойда бир неча автотранспортни кўздан кечириш чоғида нафақат улардаги излар ва путур етган жойларни аниқлаш, балки бир-бирига таққослаш ҳам ижобий натижа беради.

Мурдани кўздан кечириш. ЙТХ юз берган жойда мурда умумий қоидаларга биноан текширилади. Айниқса мурдадаги излар ва шикастларга алоҳида эътибор қаратиш, одам уриб кетган ҳайдовчи яширинган, гувоҳлар йўқ бўлган ноқулай тергов вазияти юзага келган пайтда ҳал этувчи муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун кийим-кечак ҳам, пойабзал ҳам алоҳида синчковлик билан текширилади, негаки, уларда кўп ҳолларда кейинчалик транспорт воситасини идентификация қилиш имконини берадиган гилдирак қопламаси излари ва бошқа излар қолган бўлади.

Ҳодиса юз берган жойда мурдани кўздан кечириш натижаларини қайд этиш вақтида йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг қаерида, аварияда иштирок этган транспорт воситасига, мавжуд изларга (мурдани судраш, тормоз излари ва шу кабилар) нисбатан қаерда эканлигини аниқ кўрсатиш муҳимдир. Бу ҳодиса механизмини тиклаш имконини беради. Мурданинг гавдаси, кийим-кечагининг ҳолати, улардаги излар ва путур етган жойлар ҳам қайд этилади. Кўздан кечириш жараёнида барча манзара фотосуратга олинади, ўлчанади.

Натижалар баённомага батафсил ёзилади. Мурдадаги путур етган жойлар, уларнинг локаллашгани, оғирлик даражаси ва мурданинг кийим-кечакларидаги изларга қараб, зарба автотранспортнинг қайси қисми билан етказилганлиги, зарбанинг кучи, йўналиши ва бошқа шу кабилар тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисасида қатнашган ҳайдовчиларни сўроқ қилиш. Сўроқ қилишдан олдин ҳайдовчининг шахсини аниқлаш ва ҳужжатлари: ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомашинанинг техник паспорти, юк ташишга тааллуқли ҳужжатлар, йўл варақалари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларини текшириш зарур.

Ҳайдовчини сўроқ қилиш вақтида қуйидаги ҳолатларни аниқлаш лозим:

1) сўроқ қилинаётган шахс бошқарувидаги транспорт воситасининг ҳолати ҳодисага қадар қандай бўлган. Агарда транспорт воситаси носоз бўлса, бундай носозлик қандай намоён бўлган, носозлик қачон маълум бўлган ва унга барҳам бериш учун қандай чоралар кўрилган;

2) хавфли вазият юзага келган пайтда ҳайдовчи қандай ҳолатда бўлган ва нормал ҳолатни йўқотишнинг сабаблари нимада (транспортни узоқ бошқариш натижасидаги толиқиш, алкогольдан маст бўлиш ва бошқа шу кабилар);

3) ҳайдовчи рўлни узлуксиз қанча вақт бошқарган ва бундай узоқ юришга қандай зарурат бўлган;

4) хавфли вазият пайдо бўлишида бевосита олдин йўлдаги ҳолат қандай бўлган: ҳайдовчи қандай тезликда ҳаракат қилган; йўлда бошқа транспорт воситалари, пиёдалар бормиди; улар ўртасида оралиқ масофа қанча, улар қайси йўналишда ва тахминан қандай тезликда ҳаракат қилишган; йўлнинг ушбу қисмида хавф тўғрисида қандай огоҳлантирувчи белгилар бор; йўл қопламасининг ҳолати ва кўриш шароити қандай бўлган;

5) сўроқ қилинувчининг фикрича, хавфли вазият юзага келиш пайтида йўлнинг ҳолати қандай бўлган ва бундай вазият юзага келишининг сабаби нимада, вазиятнинг хавфлилиги нимада намоён бўлган; сўроқ қилинаётган шахс йўлнинг транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмида пиёдани кўрганми ва у транспорт воситасига бевосита яқин жойда қаердан пайдо бўлди; сўроқ қилинаётган шахс авариянинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрган; у йўл ҳаракати қоидаларини бузганми ёки хавфли вазият бошқа сабаб билан пайдо бўлганми; у светофорнинг қайси сигналига кўра чорраҳа томон ҳаракат қилган ва бошқа шу кабилар;

6) одам уриб кетишда тўқнашув қандай содир бўлган; пиёдага транспортнинг қайси қисми урилган; авария вазиятида ва авариядан кейиноқ сўроқ қилинаётган ҳайдовчи ўзини қандай тугтан;

7) ҳодиса юз берган жойга бевосита яқин турган транспорт воситалари ҳайдовчиларидан қайси бири унинг кўрсатмаларини тасдиқлаши мумкин; сўроқ қилинаётган шахс ҳайдовчилар ҳодисани кузатганлиги эҳтимол тутилган автомашиналарнинг рақам белгиларини эслаб қолганми;

8) сўроқ қилинаётган шахс ЙТХда жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун қандай чоралар кўрган.

Ҳодисада қатнашган транспорт воситалари ҳайдовчиларини сўроқ қилиш учун юқоридаги саволлар доираси тугал эмас. Бу доира сўроқ қилинаётган шахснинг ҳодиса механизмидаги ролига, айб даражасига, авария оқибатларининг характери ва оғирлик даражасига ҳамда бошқа шу кабиларга қараб кенгайтирилиши ёки торайтирилиши мумкин. Масалан, одам урганликда гумон қилиш бўйича қидирув чора-тадбирларини ўтказиш вақтида ушланган ҳайдовчини сўроқ қилиш авария пайтида у қаерда бўлганлиги, у авария содир этилган жойдан бошқа жойда бўлганлигини ким тасдиқлаши мумкинлигини, ҳодиса юз берган жойдан яширинишга уни нима мажбур этганлигини ва бошқа шу кабиларни аниқлашдан бошлаш керак.

ЙТХда қатнашган ҳайдовчини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинар экан, у ишнинг қандай тугашидан манфаатдор эканлигини унутмаслик керак, негаки, ҳақиқат қарор топиши учун сидқидилдан ёрдам кўрсатиш истагидаги тажрибали ҳайдовчилар ҳам йўлда юзага келган вазиятни холис баҳолашга, белгиланган қоидаларни ким бузган-у, ким бундан жабр кўрганини фарқлашга қодир бўлмайдилар. Бироқ, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беришдаги субъективлик ҳамиша ҳам жавобгарликдан қочиш ёки айбни бировга ағдариш мақсадини кўзламайди. Масаланинг бу жиҳати транспорт воситалари ҳайдовчиларини сўроқ қилиш тактикасини белгилаб бериши керак. Улар бераётган маълумотларнинг қай даражада тўғрилигига эса, тўпланган далил-исботларнинг жамламаси бўйича баҳо бериш мумкин.

Жабрланувчини сўроқ қилишнинг хусусиятлари. ЙТХ бўйича пиёдалар, велосипедчилар, транспорт воситаларидаги йўловчилар жабрланувчи бўлишлари мумкин. Аварияда иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари билан бирга бўлган, зиён кўрган ва айбсизлиги аниқланган шахслар ҳам жабрланувчи сифатида эътироф этилади.

Транспорт уриб кетишидан жабрланганларни ва аварияда жабрланган пассажирларни сўроқ қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, жабрланганлар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракатлари йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик мувофиқлиги хусусида фикр юритишга қийналадилар, айниқса, фикр юритиш махсус тайёргарлик талаб қилинса, иш янада мураккаблашади. Шу сабабдан воқеага тавсиф берад эканлар, жабрланувчилар кўпроқ объектив категорияларга эмас, балки ҳис-ҳаяжонга амал қиладилар. Бошқа томондан, ҳодиса учун айбдор бўлган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари (уларнинг қариндошлари, танишлари) аксарият ҳолларда жавобгарликдан қочиш ёки айбни енгиллаштириш мақсадида жабрланувчиларга тазйиқ ўтказиб, етказилган зарар учун пул бериш таклифи билан уларни кўрсатма беришдан бош тортишга ёки ўзларига маълум бўлган далилларни яширишга кўндириш учун ҳаракат қиладилар. Бундай тазйиқ ўтказилиши эҳтимolini назарда тутиб, ИТХда жабр кўрганларни сўроқ қилиш биринчи вазифа деб ҳисобланади, сўроқ ўтказишга жабрланувчининг соғлиги тўсқинлик қилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай пайтларда сўроқ фақатгина даволовчи шифокорнинг рухсати билан ўтказилади.

Пиёдаларни (велосипедчиларни) автомашина уриб кетганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

1) жабрланувчи қай тарзда, қандай тезликда, қандай жадалликда ва йўналишда ҳаракат қилган;

2) жабрланувчи ўзига яқинлашиб келаётган транспорт воситасини кўрганми ва агар кўрган бўлса, у қайси томондан ва тахминан қандай тезликда ҳаракат қилган;

3) жабрланувчи транспорт воситаси келиб урилганда қаерда турган;

4) келиб урилган транспорт воситасининг тури, русуми, модели, ранги қандай эди ва агар у воқеа содир бўлган жойдан яширинган бўлса, қайси йўналиш бўйлаб кетган.

ИТХга шохид бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликни тергов қилишнинг дастлабки босқичида ҳодисага шохид бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш алоҳида муҳим аҳамиятга молик. Бундай шахслар жумласига ҳодисада иштирок этмаган, бироқ, авария жойига бевосита яқин туриб, уни кузатиши мумкин бўлган пиёдалар, йўловчилар, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари киради. Ҳаракат хавфсизлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича зиммасидаги вазифаларни бажараётган ЙХХХ ходимлари ҳам ҳодиса шохидлари бўлиши мумкин.

Шоҳидларни сўроқ қилиш вақтида олинадиган маълумотлар юз берган воқеага ҳолис баҳо беришда доимо катта қимматга эга бўлади.

Ҳодиса шоҳиди бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида, биринчидан, ҳодиса содир этилганида уларнинг ўзи қандай шароитда бўлганлиги (ҳодиса юз берган жойга қандай келиб қолганлиги, аниқ турган жойи, ҳодисани қаердан туриб кузатганлиги ва шу кабилар), иккинчидан, ҳодиса механизми (йўлнинг мазкур қисмида транспорт воситалари қайси йўналишда ҳаракат қилганлиги; йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмида пиёдалар бўлган-бўлмаганлиги, агар бор бўлса, аниқ қаерда бўлганлиги; ҳодисада иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун атрофни кўриш шароити қандай бўлганлиги, атроф манзарани кўриш учун уларга нима халақит қилганлиги; автомашиналарнинг тўқнашиши, одам уриб кетиш йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг аниқ қайси жойида юз берганлиги; ҳайдовчи тўқнашиб кетиш ёки одам уришнинг олдини олиш учун чоралар кўрган-кўрмаганлиги, агар кўрган бўлса, бу ҳаракатлар нимада намоён бўлганлиги; одам уриб кетган транспорт воситаси светофорнинг қайси сигналига биноан чорраҳага кириб келганлиги ёки пиёда светофорнинг қайси сигналига биноан чорраҳани кесиб ўтганлиги ва бошқа шу кабилар) аниқланади.

Ҳодиса жойидаги яширинган ҳайдовчиларни қидириш учун ҳайдовчининг ташқи қиёфаси, у қочиб кетган транспорт воситасига тааллуқли маълумотлар (тури, русуми, модели, рақам белгиси ва бошқа фарқловчи белгилари) муҳим аҳамиятга эгадир. Юз берган ҳодисага ҳолис баҳо бериш нуқтаи назаридан олганда касбий кўникмага эга бўлган шоҳидлар: ҳодисада иштирок этмаган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, йўлнинг мазкур қисмида ҳаракат хавфсизлиги устидан назоратни амалга оширувчи ЙХХХ ходимларининг фикрлари алоҳида эътиборга эга бўлади. Улар тўқнашиш, одам уриш ва бошқа шу кабилар содир бўлган пайтда йўлда юзага келган ҳолатда аниқ баҳо беришлари, йўл ҳаракати қодаларини бузганлик оқибатида хавфли вазиятни юзага келтирган шахс ким эканлиги, бундай вазиятда авариянинг олдини олиш мумкин бўлган-бўлмаганлиги ва шу кабилар ҳақида асосли мулоҳазалар билдиришлари мумкин.

Яширинган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидириш. ЙТХ юз берган жойдан яширинган ҳайдовчилар авария туфайли автомашинада пайдо бўлган носозликларга, путур етган жойларга имкон қадар тезроқ барҳам беришга, ундаги изларни

йўқ қилишга уринадилар. Автомобиль яхшилаб ювилади, тўқнашиш, одам уриш ва бошқа шу кабилар натижасида шикаст етган деталлар янгиларига алмаштирилади, қийшайган кузов тўғриланади, умуман камчиликларга барҳам берилади. Жиноят изларининг йўқ қилиб юборилиши хавфи яширинган транспорт воситалари ҳайдовчиларини жадал қидириш юзасидан чоратадбирлар кўришни тақозо этади. Ҳодисанинг шоҳидларидан, жабрланувчилардан олинган маълумотлар тезкор қидирув чоратадбирлари ўтказиш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Ҳодиса юз берган жойдан топилган излар: автомобилнинг тури, русуми ҳақида фикр юритиш имконини берадиган гилдирак қопламаларининг излари; ҳаракат йўналишини ва яширинган транспорт воситаларини қидириш йўналишларини белгиловчи излар қидириладиётган транспорт воситаларига тааллуқли муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидириш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда ташкил этилади. Бунда олинаётган маълумотларни айирбош қилиш ва бундан кейинги қидирув чора-тадбирларини биргаликда режалаштириш мақсадида тезкор қидирув ходимлари, ЙХХХ ходимлари ва терговчи ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилиши керак. Ҳайдовчилар яширинган йўналишдаги ЙХХХ постлари улар хизмат ўтаётган ҳудудда қоидабузар пайдо бўлиши эҳтимоли борлиги ва унинг белгилари ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Яна шуни унутмаслик муҳимки, қидириладиётган ҳайдовчилар автомобилдаги носозликка барҳам бериш, авария изларини йўқотиш мақсадида бирор жойда тўхташлари ҳам мумкин. Бундай тўхташлардан йўлдаги ёнилғи-мойлаш материалларидан пайдо бўлган доғлар, йўлнинг ёқаси ёки транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмидаги ҳайдовчининг оёқ излари, йўл ёқасидаги гилдирак қопламаси излари ва бошқа шу кабилар дарак бериши мумкин. Транспорт воситаси тўхтаб ўтган жойда авария натижасида путур етган деталлар, фараларнинг синиқ парчалари, кузов бўёгининг заррачалари топилиши мумкин. Булар ҳам «иссиғида» жиноятчининг кетига тушган ходимларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак, негаки, булар ҳодиса тўғрисида янги далилий маълумотлар берибгина қолмай, қидирув тўғри йўналишда олиб бориладиётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Тезкор ходимлар эга бўлган дастлабки ахборотларда қидирувни аниқ йўналишларда олиб бориш учун зарур бўлган ҳодиса жойидан қочган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларига тааллуқли ишончли маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки мавжуд бўлса-ю, бир-бирини инкор этса, янги ахборот манбаларини

қидириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- автотрассада сиртида кўзга ташланадиган путур етган жойлари бор транспорт воситаси ўтганлигини кузатган шахслар;

- транспорт воситаларининг ҳайдовчилари носозликка барҳам беришда ёки носоз автомобилни ташишда ёрдам кўрсатиш илтимоси билан мурожаат қилган шахслар;

- автокорхоналарнинг сафардан қайтган транспорт воситаларида шикаст етган жойлари борлигини пайқаган ходимлари ва бошқа шу кабилар.

Мазкур гувоҳларни қидириб топиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва йўл хизматининг кўп сонли ходимларидан юксак даражадаги уюшқоқликни, тажриба ва маҳоратни, режали иш маромини талаб қилади, кўп вақт ва куч сарфланишини тақозо этади. Шунинг учун бундай ишга оммавий ахборот воситаларини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзида яширинган ҳайдовчилар ўзлари қочиб кетган транспорт воситаларини ҳодиса юз берган жойдан анча олисда ташлаб кетадилар. Бунга авария туфайли автомашинанинг носоз ҳолатга келиши оқибатида ҳаракатни давом эттиришнинг иложи йўқлиги; ёнилғи тугаб, уни яна қуйишнинг имконидан маҳрумлик, яъни яқиндаги ЙҚХХ постида қўлга тушиб қолиш мумкинлиги ва бошқа шу каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Жиноятчилар ташлаб кетган транспорт воситалари топилганида ЙҚХХ органларидаги мавжуд қайд этиш материаллари бўйича дарҳол унинг эгасини аниқлаш лозим. Айтиб беришнинг ўзида топилган транспорт воситасини кўздан кечириш орқали қидириладиган ҳайдовчи тўғрисидаги ахборотга ҳам эга бўлиш мумкин. Бунинг учун эса, ҳайдовчининг қўли тегиши мумкин ва шарт бўлган рул бошқаруви агрегатларида, приборлар қутигаси ва автомашинанинг бошқа қисмларида қолдирилган қўл излари, ташлаб кетилган транспорт воситаси атрофидаги оёқ излари, сигарета қолдиқлари ва бошқа шу кабилар асқотади. Транспорт воситасининг саломида яхши сақланиб қоладиган ҳидлардан қидирув хизмати итлари ёрдамида яширинган ҳайдовчини топиш ва ушлаш, кейинчалик эса, тўғри қайд этилган ҳид изларидан гумон қилинувчини танлаш деб аталмиш ишларда фойдаланиш мумкин. Бундай иш натижалари далил-исботлар манбаи сифатида эътироф этилмаса-да, бироқ улардан тахминлар қилиш ва ишни тергов қилишнинг бундан кейинги режаларини тузишда фойдаланиш мумкин.

4-§. Йўл-транспорт ҳодисалари терговининг давоми

Терговнинг давоми ЙТХнинг сабаблари тўғрисидаги дастлабки хулосани ойдинлаштириш, текширилаётган воқеанинг ҳали номаълум бўлган ҳолатларини, ҳодиса ҳар бир иштирокчисининг роли ва айб даражасини аниқлаш, терговнинг дастлабки босқичида олинган маълумотларни текшириш мақсадини кўзлайди. Бунинг учун *экспертизалар, тергов экспериментлари, сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.*

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жинойий тарзда бузганликка доир ишларни тергов қилишда кўпинча *экспертизалар ўтказиш талаб қилиниб, улар орасида энг кўп тарқалганлари автотехника, криминалистик, суд-тиббиёт ва суд-кимё* экспертизаларидир. Ҳозирги кунда ҳодиса юз берган пайтда ҳайдовчиларнинг психофизиологик ҳолати қандай бўлганлигини аниқлаш учун *суд-психологик* экспертиза тез-тез тайинланадиган бўлиб қолди. Психофизиологик ҳолатнинг нормадан четга чиқишига сабаб йўлда хавфли вазият юзага келиши бўлган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, тилга олинган шаклдаги экспертиза ўтказиш зарурати пайдо бўлади.

Автотехник экспертиза текшируви кўриб чиқиляётган тоифадаги ишларнинг деярли барчаси бўйича ўтказилади, негаки бундай экспертиза техника нуқтаи назаридан қараганда, кўпинча ЙТХ механизмидаги сабабий боғланишларни аниқлаш ва уларга баҳо беришнинг ягона усули бўлиб қолади. Бу каби техник жиҳатдан баҳо бериш усули йўқ бўлса, ҳодиса иштирокчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишларни аниқлаб бўлмай қолади, бошқача айтганда, текшириляётган воқеага юридик жиҳатдан баҳо беришнинг ҳам имкони қолмайди. Автотехника экспертизаси ушбу тоифадаги ишлар терговини амалга ошираётган терговчи олдида кўндаланг бўладиган асосий саволлардан бирига жавоб беради, яъни, транспорт воситасининг ҳайдовчиси юзага келган вазиятда ҳодисанинг олдини олиш учун техник имкониятга эга бўлган-бўлмаганлиги масаласини ҳал қилиб беради.

Автотехника экспертизаси ҳал этадиган масалаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Автомашинанинг (мотоцикл ва шу кабиларнинг) техник ҳолати. Бундай пайтда транспорт воситасининг техник ҳолатини ўрганиш вазифаси фақатгина у ёки бу носозликни аниқлаш эмас, балки бу носозлик юзага келишининг сабабини очиб беришдан

ҳам иборатдир. Автотехника экспертизаси автомашинанинг аниқ узели ёки агрегати авария оқибатида ишдан чиққанми ёки автомашинадаги носозлик таъмирнинг, техник хизмат кўрсатишнинг қониқарсизлиги, заводда йўл қўйилган нуқсон, ҳайдовчи томонидан бошқарувнинг нотўғри усуллари қўлланилиши ёки бошқа сабаблар натижасими деган саволга жавоб бериши керак.

2. Ҳодисанинг айрим деталларига қараб, унинг механизмини аниқлаш. Ушбу масалаларни ҳал этиш давомида транспорт воситалари ҳаракатининг тезлиги, йўналиши, траекторияси, тўқнашилган жой, излар ҳосил бўлиш (путур етиш) механизми ва авариянинг бошқа ҳолатлари, уларнинг динамикаси аниқланади.

3. Ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг хатти-ҳаракатлари. Ушбу хатти-ҳаракатларга экспертиза ҳайдовчи йўлда юзага келган вазиятда транспорт воситасини ҳайдаш ва бошқариш усулларида қай даражада тўғри ёки нотўғри фойдаланганига баҳо беради. Экспертиза ҳайдовчи фойдаланган ҳайдаш усуллари техника хавфсизлиги талабларига қай даражада мос келиши, ушбу вазиятда авариянинг олдини олиш учун қандай усуллар кўпроқ самара бериши мумкинлиги ва бошқа шу каби масалалар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириши керак.

Автотехника экспертизаси ҳайдовчининг хатти-ҳаракатларига баҳо беришда ушбу ҳаракат тезлигига, йўналишига, автомобилнинг турғунлигига, тормоз йўлининг узун-қисқалиги ва бошқа шу кабиларга қандай таъсир кўрсатганлигини ҳам аниқлайди.

Уқтириб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун экспертизага тергов пайтида олинган зарур материаллар: ашёвий далиллар, кўздан кечириш, тергов эксперименти баённомалари, ҳодисада бевосита иштирок этган транспорт воситалари ёки уларнинг агрегатлари; ҳодиса юз берган жойнинг чизгилари ва фотосуратлари; шохидларни сўроқ қилиш вақтида олинган маълумотлар ва бошқа зурур нарсалар тақдим этилади.

ИТХ механизмидаги сабабий боғланишларни аниқлашга ёрдам берадиган техник экспертиза тадқиқотлари орасида тергов қилинаётган воқеа юз берган *йўл қисми техник ҳолатининг экспертизаси* муҳим ўрин тутаети. Бундай текширув давомида йўлнинг ушбу қисми белгиланган техника талабларига (қопламанинг сифати, ёритилганлик даражаси, кенглиги, тўсиқлар бор-йўқлиги ва бошқа шу кабилар) жавоб бериш-бермаслиги аниқланади. Йўл ҳолатининг қониқарсизлиги ИТХга сабаб бўлган ҳолларда юқоридаги каби тадқиқот ўтказиш тақозо этилади.

Криминалистик экспертизалар орасидан кўпроқ гилдирак қопламаларининг излари (транспорт воситасини идентификациялаш мақсадида), ойнанинг синиқ бўлакчалари, авария натижасида узилиб тушган ёки путур етган деталлар ва узеллар (бўлакларининг умумий чизиғи маълум бўлса, бўлакчалардан яхлит қисм яшаш), автомашинанинг турли қисмларида жабрланувчининг кийим-кечакларидан қолган излар (идентификациялаш мақсадида) бўйича трасология тадқиқотлари ўтказилади.

Ҳодиса юз берган жойдан яширинган ҳайдовчиларни фош қилиш мақсадида *идентификациявий дактилоскопик экспертизалар* тайинланиши мумкин. Бундай экспертизалар учун ҳодисада иштирок этган транспорт воситасининг саломида, узеллари ва агрегатларида топилган бармоқ излари объект сифатида хизмат қилади. Тергов вақтида бошқа криминалистик экспертизалар, хусусан, ҳайдовчилик гувоҳномасида, юк ташишга доир ҳужжатларда, транспорт воситаларининг паспортлари ва бошқа ҳужжатларда қалбакилик белгилари бор-йўқлигини билиш учун ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси тайинлаш зарурати туғилиши мумкин.

Материаллар ва моддаларнинг криминалистик экспертизаси ушбу тоифадаги ишлар бўйича ўтказиладиган криминалистик экспертизалар тадқиқотининг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Экспертиза объектлари: ёнилғи-мойлаш материаллари, сирлаш учун ишлатилган лак-бўёқ ва бошқалар. Бу ўринда уларнинг қайси гуруҳга мансублиги ёки пайдо бўлиш манбаига доир масала ҳал этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликка доир ишлар тергов қилинаётганида жабрланувчилар, белгиланган қоидаларни бузган ҳайдовчилар, биологик манба ҳосилаларининг излари: қон, соч толалари, мия моддаси ва бошқа шу кабилар суд-тиббиёт экспертизаси объектлари бўлиши мумкин. Суд-тиббиёт экспертизаси ўлим сабаблари, тан жароҳатининг оғирлик даражаси ва ҳодиса юз берган жойда топилган биологик объектларнинг қайси гуруҳга мансублигига доир масалаларни ҳал этади. Суд-тиббиёт экспертига ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг соғлиғи, қай пайтда носоғлом ҳолат ЙТХга сабаб бўлганлигига доир саволлар берилиши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликни тергов қилиш вақтида бошқа турдаги экспертизалар: материалшунослик (металл деталларнинг бузилиши сабабларини аниқлаш учун); дефектоскопик (транспорт воситасининг турли конструкцияларида, деталларида ва бошқаларда яширин, ички

нуқсонларни аниқлаш учун); товаршунослик (авария туфайли етказилган зиён миқдорини белгилаш учун) экспертизалари ва бир қатор бошқа экспертизалар ўтказиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин.

Тергов эксперименти – анча кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, асосан гумон қилинаётганлар, айбдорлар, жабрланувчилар, ҳодиса гувоҳлари ёки шохидларининг кўрсатмаларини текшириш мақсадида ўтказилади. Бу шахслар терговчига воқеага субъектив баҳо берган ҳолда далилларни маълум қиладилар. Ушбу далилларни объектив тасдиқлаш учун суроқ вақтида маълум қилинган воқеа юз бериши ва ҳодиса иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари манзаралари тикланади. Излар ҳосил бўлиши механизмини аниқлаштириш, турли йўл шароитларида автомобилнинг эксплуатация сифатларини текшириш учун тергов экспериментлари камроқ ўтказилади.

Энг кўп тарқалган тергов экспериментлари қуйидаги мақсадларда, чунончи:

1) транспорт воситаларининг, пиёдаларнинг ҳаракат тезлиги тўғрисида, ҳодиса юз берган пайтда улар орасидаги ва бошқа объектлар орасидаги масофа тўғрисида воқеани четда туриб кузатган гувоҳлар айтиб берган маълумотларни текшириш ва тасдиқлаш;

2) транспорт воситаси ёки пиёда аниқ масофани босиб ўтиши учун зарур бўлган вақтни аниқлаш;

3) транспорт воситасида муайян вақт ичида, йўлдаги муайян шароитларда транспорт воситасини бошқаришнинг тегишли усулларидан фойдаланган ҳолда босиб ўтиш мумкин бўлган оралик масофани топиш;

4) автомобиль йўлнинг транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмида турган бир пайтда аниқ жойдан туриб ҳодисани кузатиш, ҳайдовчи кабинасидан қандайдир тўсиқлар ёки йўл белгиларини кўриш ёхуд кўннинг муайян вақтида, муайян об-ҳаво шароитларида, қўчанинг керакли даражада ёритилганлиги ва бошқа шу каби шароитларда кўриш чегарасини белгилаш имкониятини текшириш учун ўтказилади.

Юқорида келтирилганлар тергов эксперименти воситасида ҳал этиладиган масалаларнинг тугал рўйхати эмас, албатта. Бироқ, бу муаммоларнинг исталган бирини ҳал этиш учун муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш шароитлари эксперимент орқали текшириляётган воқеа содир бўлган шароитларга имкон қадар мос тушиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса, айни ўша аварияга учраган транспорт воситасидан (бунинг иложи бўлмаса, ўша русум, модель, ранг, техник тавсифи ва шу кабилари ўхшаш автомобилдан), бўй-басти, жинси, ёши ўхшаш пиёдадан, худди

ўша жойдан, ўхшаш об-ҳаво шароити ва ёритилганлик даражасидан фойдаланиш керак.

Айбланувчини сўроқ қилишга айб эълон қилиш учун етарли даражада далил-исботлар тўплангани ва айб эълон қилинганидан кейин киришилади. Айбланувчини сўроқ қилишнинг моҳияти ундан тегишли тушунтириш ва маълумотлар олишдир. Бундай тушунтиришлар кўпинча янги тергов экспериментлари, сўроқлар, экспертизалар, бошқа тергов ҳаракатлари ёки тезкор қидирув чора-тадбирлари орқали қўшимча текширувлар ўтказишни тақозо этади. Агар, айбланувчи текширилаётган воқеага янги тушунтиришлар берса ва уларни мантиқан асослай олса, юқоридаги каби текширувни ўтказиш зарур.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жинойий тарзда бузганлик тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчиларни сўроқ қилишнинг хос хусусиятлари сўроқ вақтида аниқлаштирилаётган масалалар кўпинча махсус, техник йўналишларга эга эканлигида намоён бўлади. Масалан, суҳбат сўроқ қилинаётган шахс бошқарган транспорт воситасининг эксплуатация хусусиятлари; автомашинани ҳайдаганида унинг узеллари ва агрегатларида сезган ўзгаришлар; ҳаракат хавфсизлиги қоидалари ва шу каби-лар ҳақида бўлиши мумкин. Шунинг учун мазкур тергов ҳаракатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг автомобиль соҳасини, автотранспортни бошқаришни қай даражада мукамал билишига, сўроққа қай даражада пухта тайёргарлик кўрганлигига боғлиқ. Шу мақсадда кўпинча олдиндан махсус адабиётлар билан танишиш ёки автотехника мутахассисидан маслаҳат олиш ҳам талаб қилинади.

1-§. Экология соҳасидаги жиноятларнинг оқибатлари

Ҳозирги шароитда экологик муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Тупроқ, ер ости бойликлари, ҳаво, сув муҳити, ўсимлик ва ҳайвонот оламига жуда катта зарар етказиб келаётган экологик жиноятларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Экологик жиноятлар терговининг самарадорлиги, энг аввало, терговчининг мазкур корхона ва тозалаш иншооти ишлашини ташкил этишнинг ўзига хос томонларини билишига боғлиқ.

Бу жиноятларнинг барчаси тергов услуги нуқтаи назаридан бир хил кўринишга эга ва ўз криминалистик белгиларига кўра, яъни содир этилиш тарзи, механизми ва шарт-шароити, содир этган шахс ва келтирган зарар характери жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшашдир. Мазкур тоифадаги ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни тергов қилиш ва очиш экологик жиноятлар қолдирган типик моддий изларда криминалистик аломатлар бутунлай аниқ намоён бўлиши ва уйғунлигига боғлиқ. Масалан, табиий муҳитнинг ифлосланиши турли кимёвий воситалардан фойдаланиш, энергетик иссиқлик, шовқин, тебраниш, радиация тарзида ҳаддан зиёд тарқалиши атроф-муҳит таркибий қисмини биологик ва физик тузилмалар ва сифат жиҳатдан жиддий оғишларга олиб келади.

Тупроқ ва ер ости бойликлари, дарё, кўллар, сув омборлари, каналлар, сув ҳавзалари, сизот сувлари, музликлар ва ҳоказолар асосан саноат, транспорт, коммунал хўжаликлар ва бошқа корхоналардан чиққан тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалардан ифлосланади. Ҳаво бўшлиғи эса асосан қора ва рангли металлургия корхоналари, кимёвий, энергетик, нефтни қайта ишлаш саноати томонидан норматив ҳужжатларда белгиланган ва рухсат этилган концентрация (РЭК)дан юқори миқдорда чиқариладиган углевод оксиди, олтингугурт, қўрғошин, азот оксидлари, симоб, водород сульфиди ва бошқа жонли мавжудот учун хавфли бўлган моддалардан ифлосланади.

Экологик зарар келтирадиган қилмишларни аниқлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак: 1) мазкур ҳудудда мавжуд чиқинди чиқарадиган табиатни ифлослайдиган манбалар ишлаб чиқариш корхоналари қанча эканлиги; 2) чиқиндининг РЭКдан юқорилиги, уларнинг миқдори, ифлосланишнинг давомийлиги, вужудга келган экологик хавфлилик даражаси; 3) тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалар, ташландиқ ва

чиқиндиларни сув ҳавзалари ва атмосферага чиқариш сабаблари; 4) атмосфера ва сув муҳитини ифлослашда айбдорлар, айниқса нотўғри кўрсатмаси туфайли ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган шахслар; 5) жиноий оқибатларга олиб келган хатти-ҳаракатлар, уларнинг юз берган ва давом этган вақти, зарарли оқибатларни баргараф этиш имкониятлари ва бошқаларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бир қатор ҳолатларда давлат органларининг санитария назорати ва бошқа инспекция ходимларининг талаблари, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бажармаслик, тозалаш иншоотларини қуриш ёхуд таъмирлашдан бош тортиш натижасида ҳаво ва сувлар ифлосланмоқда. Бунда кўрсатмаларни бажармаслик сабаблари ва важларини белгилаш, корхона раҳбари ёхуд бевосита ижрочилар айбини аниқлаб олиш зарур. Тергов ишлари мукамаллигини таъминлаш учун жиноят содир этишга олиб келган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи вазият бўйича айбланувчиларни шарт-шароитларини аниқлаш лозим. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технологик режим талабларига риоя қилиш тозалаш иншоотлари, чанг ва турли газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ўрганишда муҳим ўрин тутаяди.

2-§. Жиноят ишни қўзғатиш

Экологик жиноят тўғрисида иш сув-техника назорати, балиқчилик назорати, санитария-эпидемиология станцияси органлари, корхона маъмурияти, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, алоҳида фуқаролар ахборотларига асосланиб қўзғатилади.

Экологик жиноят бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан аниқланиши ҳам мумкин. Дастлабки текширишда жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш, сув ҳавзалари, тупроқ ёхуд ҳаво қанчалик ифлосланаётганлиги, бу ифлосланишнинг характери ва ҳажми, уларнинг одамлар соғлигига, ҳайвонот дунёсига, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжаликлари ёки бошқа ишлаб чиқаришларга келтирадиган зарарини белгилаб олиш керак. Мавжуд жиноят белгиларини текшириш учун қўшимча материаллар талаб қилиш ва тушунтириш хатлари олиш мумкин. Жумладан, жиноят иши қўзғатишга оид хулоса чиқаришга қуйидаги таҳлиллар асос бўлиши мумкин:

1) сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, балиқ заҳираларини муҳофаза қилиш ёки табиат муҳофазасига оид бошқа норматив қоидалар бузилганлиги тўғрисида ҳужжатлар;

2) одамлар томонидан тупроқ, сув ресурслари, балиқ захиралари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарар ёхуд атмосфера ҳавоси ифлослангани тўғрисида ҳужжат;

3) оқова сув, тупроқ, ҳаводан олинган намуна таҳлилига оид ҳужжат;

4) шохидларнинг хабари ёки тушунтириш хати, шунингдек ўз хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан экологик зарарли оқибатларга олиб келган шахснинг кўрсатувлари.

Тўпланган ахборот ва маълумотларни текшириш мақсадида жиноят иши қўзгатганга қадар ҳодиса рўй берган жойларни кўздан кечириш лозим.

Терговнинг дастлабки босқичида ифлосланиш механизми ва манбаига нисбатан турли фаразлар олға сурилади. Бунда объект-ни ифлослаётган чиқиндилар, моддалар ва ташландиқларнинг тури, табиатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиш сабаблари, уларга риоя қилмаган мансабдор ва бошқа шахслар иштироки ўрганилади.

Фаразни олға суриш жиноят иши қўзғатиш вақтида вужудга келган вазиятга боғлиқ. Қоидага кўра вазиятнинг учта тури мавжуд:

а) сув манбалари, тупроқ ва атмосфера ҳавоси ифлосланганлик факти маълум;

б) содир этилган қоидабузарликлар одамлар саломатлиги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, балиқ захираларига зарар келтиргани очиқ-ойдин кўриниб турибди;

в) илгари йўл қўйилган экологик жиноят белгиларини кўрсатувчи материаллар мавжуд.

Шунга мувофиқ терговчи олдида турган вазифаларидан келиб чиқиб иш бўйича тергов йўналиши, бу ҳаракатларнинг биринчи навбатдаги тадбирлари белгилаб олинади. Энг аввало, жиний хатти-ҳаракатнинг келиб чиқиш сабаблари ва экологик объектлар ифлосланишининг интенсивлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш зарур:

- воқеа содир бўлган жой ва тозалаш иншоотларини кўздан кечириш;

- атроф муҳитни ифлосланишига олиб келган ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш;

- ифлослаётган манбаларни бартараф этиш чорасини кўриш;

- экологик қоидани бузганликда айбли шахс, жабр кўрганлар, гувоҳларни сўроқ қилиш;

- ифлосланишнинг технологик жараёнини кўрсатадиган ҳужжатларни олиб қўйиш, ички бошқарув назоратининг ҳолати, экологик назоратни амалга оширадиган инспекция ва

органларнинг маълумотлари;

- ифлосланганлик даражасини таҳлил этиш учун тупроқ, сув ва ҳаводан намуналар олиш;

- тиббий, биологик, кимёвий, ихтиологик ва бошқа экспертизаларни белгилаш.

Бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида ахборот олиш учун тергов ҳаракатларини тезкор-қидирув тадбирлари билан қўшиб олиб бориш тавсия этилади.

Милиция ходимларига топшириқ бериб, унда тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқова сувни ташлаганларни кўрган гувоҳларни билиб олиш, атрофдаги жойларни текшириб чиқиш йўли билан моддий далилларни аниқлаш, ҳаракатдаги воситалар (автомашина, кема ва ҳоказо)ни тўхтатиш, жойларни айланиб чиқиш ва изидан кузатиб бориш йўли билан ифлосланган жойдан яширинганларни аниқлаш керак.

3-§. Жиноят моҳиятини исботлаш

Атроф муҳит ифлосланганлик факти ва даражасини исботлаш учун то ифлосланганга қадар тупроқ, сув объекти ва атмосфера ҳавосининг ҳолати (кимёвий таркиби, баъзи моддалар бўйича РЭМ, маҳаллий табиий шароитлар), рўй берган ҳодисалар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва ифлослашни тўхтатиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ахборотга эга бўлиш керак. Шунингдек, юқорида тилга олинган объектларни ифлосланишига йўл очадиган вазиятни (тозалаш қурилмалари носозлиги, ишлаб чиқаришнинг технологик талабларига риоя қилмаслик, чиқинди ва ташландиқларни зарарсизлантириш ва тозалаш жараёнининг бузилиши, саноат, коммунал-маиший хўжаликлардан чиқадиган оқовалар тозаланишни таъминловчи қурилмалар бир меъёردа ишламаслиги, назоратининг сусайиб кетганлиги) аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Терговнинг охиригача кутиб ўтирмай терговчи жиноятни келиб чиқишига йўл очган аниқ сабаб ва шароитларни белгилаши, уни бартараф этиш имкониятларини ўрганиши ва олдини олиш тўғрисида тегишли органларга тақдимот киритиши шарт.

Экологик жамиятларни тергов қилишда ҳақиқий ҳолатни тез, тўла ва самарали аниқлаб олиш керак. Тергов ҳаракатларига таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзига хос тактик йўналишлар мавжуд.

Воқеа рўй берган жойни кўздан кечириш жараёнида ифлосланган сув ҳавзаси, ер участкаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига дуч келиш мумкин. Бунда ифлосланиш характери, унинг бошланиши, ривожланиши ва жадаллашиш даражаси

аниқланади. Сув ва ер нефть маҳсулотлари билан ифлосланганда юзада юпқа қатлам ҳосил бўлади, у ички қатламга ўтиши, тупроқ шимиб олган бўлиши мумкин. Натижада ифлосланган ер ва сувнинг физик хоссаси ўзгаради (ялтирайди, хид чиқаради, ранги ўзгаради). Атмосфера ҳавоси ифлосланганда зарарли чанг-тузон ва турли газларни шамол йўналиши бўйича ўз манбаларидан узоқларга олиб кетади. Ифлосланган ҳаво турли даражада флора ва фауналарга ҳам таъсир кўрсатади.

Ифлосланган жойда ўзига хос томонларни исботлаш учун текшириш ишларига турли мутахассислар – тегишли ишлаб чиқариш тармоқлари, санитария-эпидемиология, сув муҳофазаси, балиқ муҳофазаси ва бошқалар билан шуғулланадиган ходимларни жалб этиш керак. Бундан мақсад илмий методлар ва махсус асбоблар, қурилмалар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб, олинган ахборот ва намуналар тўла-тўқис аниқлиги таъминланади.

Ифлосланган жойни кўздан кечирганда кўп ҳолларда марказдан бошлаб кейин четга чиқилади, яъни ифлослаш манбаидан тозалаш иншоотига, сув тўпланадиган жойга, сўнгра чиқиндилар тўкиладиган ва кўмиладиган яқин худудга ўтиш, ҳуллас спирал бўйича ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, фақат ифлосланаётган манбанигина эмас, балки чиқиндилар, ташландиқлар, ўлган балиқ ва бошқа ҳайвонлар тўпланиб қолган участкаларни ҳам ўрганиш имконияти яратилади. Бу участкалардаги сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳаводан намуналар олинади. Видеога олиш, суратга тушириш, шунингдек ифлосланиш манбаи, унинг қолдиқлари, излари ва намуна олинган участкаларнинг чизмаси кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар сув ҳавзалари, тупроқ ва ҳавони зарарлаётган далиллар, шунингдек фауналарнинг қирилиб кетиши, ўрмон ва бошқа ўсимликларнинг йўқолиши тўғрисида маълумотлар беради.

Экологик ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги энг қимматли маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) саноат объектлари қурилиши, қайта қуриш ва таъмирлаш лойиҳаси, тозалаш, филтрлаш ва сув тўплаш иншоотларини қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

2) саноат, коммунал хўжалиги ва бошқа объектлардан чиқадиган чиқиндилар ҳисобини юритиш, уларнинг сони, кимёвий таркиби ва концентрациясига оид ҳужжат;

3) саноат объектлари, канализация ва тозалаш иншоотларини кўриш, таъминлаш ва фойдаланиш тартибига оид инструкция ва бошқа норматив ҳужжатлар;

4) ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиш тўғрисида

хужжатлар;

5) чиқиндиларни текшириш ва лаборатория текширувига оид ҳужжатлар;

6) санитария-эпидемиология станцияси, давлат ўт ўчириш назорати, давлат балиқчилик назорати ва бошқа инспекцияларнинг сув ҳавзалари, тупроқ, ҳавони ифлослантириш фактларига оид ҳужжатлари ва кўрсатмалари.

Ҳужжатлар билан танишув орқали, баъзи мансабдор шахслар ваколати, ҳужжатларнинг талабларига риоя этиш даражаси тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни ифодалайдиган ва жиноят ишига тиркаб қўядиган асосий ҳужжатлар даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳужжатларни уларнинг тўла-тўқислиги ва мантиқийлиги нуқтаи назаридан ҳам, тузатиш ва қўшимча киритиш имкониятларини техник-криминалистик воситаларни жорий этиш орқали аниқлаш билан ҳам чуқур ўрганиш зарур.

Ҳужжатлар билан танишиб чиқиш натижасида аниқланган фактлардан сўроқ қилишда, экспертиза тайинлашда ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Терговчи воқеа содир бўлган жойга оид ҳужжатларни ўрганиш жараёнида суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, зарур ҳужжатларни тайёрлаб қўйиши керак. Шунингдек, сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигига қадар ва ундан кейинги ҳолатини кўрсатадиган ашёвий далиллар ва олинган намуналарга эга бўлиши зарур. Экспертиза ифлосланган макон, унинг вақти, давомийлиги, жадаллашуви ва келиб чиқиш сабаблари, тозалаш иншоотидаги камчиликлар, атроф муҳитни муҳофаза қилишда йўл қўйилган хатоларни белгилашга ёрдам беради.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича қуйидаги экспертиза турлари ўтказилади:

- суд-тиббиёт экспертизаси – одамлар вафот этган ёки захарланганлиги сабабларини белгилаш, чиқинди ва ташландиқлар (қурум, кўл, чанг, газ, турли суюқликлар ва моддаларнинг) одам соғлигига хавфлилик даражаси, уларнинг таъсир кўрсатиш механизми, оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриш ва ҳоказолар учун;

- суд-ветеринария экспертизаси – ҳайвонларнинг ўлиш ва касалланиш сабабларини, сув, тупроқ ва ҳаво ифлосланишининг ҳайвонлар ҳаётига таъсирини аниқлаш учун;

- ихтиологик экспертиза – балиқларнинг ўлиш сабаблари, унга сабаб бўлган моддаларни аниқлаш учун;

- кимёвий экспертиза – сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосини ифлословчи моддалар таркиби, концентрацияси, манбаларини аниқлаш учун;

- технологик экспертиза – сув ҳавзалари, тупроқ ва ҳавони ифлословчи технологик жараёнда йўл қўйилган қоидабузарликни, саноат оқоваларини тозалаш, суюқлик ва газ чиқиндиларини зарарсизлантириш қоидаларига риоя қилмаслик сабабларини аниқлаш учун;

- техник экспертиза – тозалаш иншоотлари, чанг ва газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ишдан чиқиши, тузатилмаслиги сабаблари, уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш учун.

Баъзан бошқа турдаги экспертизаларни (гидротехник, иқтисодий, бухгалтерияга оид), шунингдек комплекс экспертиза (тиббий-биологик, техник-санитария, кимёвий-ветеринария ва бошқа)ларни белгилаш зарур бўлади.

Экологик жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гувоҳларнинг кўрсатмалари муҳим далиллар манбаи ҳисобланади. Амалда мазкур иш бўйича гувоҳ сифатида бир неча гуруҳдаги гувоҳлар бўлиши мумкин:

1) ифлосланиш фактлари ва зарарли оқибатларга оид маълумотларни берадиган гувоҳлар. Улар орасида турли инспекциялар ва нозорат органлари мансабдорлари ва оддий фуқаролар бўлиши мумкин;

2) тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган саноат, коммунал ва бошқа чиқиндиларни сув ҳавзалари ва ҳавога чиқарилганлигини бевосита кузатган гувоҳлар; ифлослантираётган манбаларни биладиган шахслар. Улар асосан, тозалаш иншоотларида ишловчи ходимлар бўлиб, ўзларининг камчиликларини яшириш ва саноат объекти раҳбари билан муносабатни бузмаслик учун ифлосланиш вазиятларини сир тутишга ҳаракат қилади;

3) тозалаш иншоотларидан нотўғри фойдаланиш сабаблари ва баъзи шахсларнинг нотўғри берган кўрсатмаси туфайли сув ҳавзаси, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳақида хабардор бўлган шахслар.

Сўроқ қилиш йўли билан ифлосланишгача бўлган вазият, тозалаш иншоотларининг аввалги ҳолати, технология қоидасига масъул шахснинг фаолияти ва кўрсатмалари, илгари қандай ифлосланиш фактлари кузатилгани каби масалалар аниқлаб олинади. Кўп ҳолларда оқова сувлар, зарарли моддалар, газларни ташлаш, ифлосланиш оқибатларига барҳам бериш ва экологик жиноятни содир этишга олиб келадиган вазиятни бартараф

этишга йўналтирилган бошқа тадбирлар юзасидан гувоҳлар муҳим кўрсатувлар бериши мумкин.

Гумон қилинган ва айбланаётганларни сўроқ қилиш самарадорлигини таъминлаш учун, қоидага кўра, содир этилган жиноят иши юзасидан ишончли далиллар йиғилган бўлиши керак. Уларни сўроқ қилиш тактикаси сўроқ қилинувчини ўз айбини инкор этиши бемаъни эканлигига ишонтирадиган маълумотларнинг мантиқий таҳлиliga асосланган бўлиши керак. Бундай тоифадаги ишлар бўйича айбланувчилар ўз айбини бошқаларга, айниқса, бўйсунувчиларга тўнкашга мойил бўладилар, тажрибалари етишмаганликлари, норматив ҳужжатлар талабларини бузиш хавфлилигини билмаганликларини рўқач қиладилар. Баъзан улар ўз айбларини тан олиб уни юмшатишга ҳаракат қиладилар, зарарли оқибатларни инкор этадилар ёки унчалик эмас деб ҳисоблайдилар, баъзан ишлаб чиқариш манфаати учун шундай қилганликлари, юқори лавозим шахс кўрсатмалари мавжудлигини пеш қиладилар.

Экологик жиноят тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчи шахслар махсус билимга, профессионал тажрибага эга эканлигини эътиборга олиб, терговчи сўроққа жиддий тайёргарлик кўриши ва норматив материалларни ўрганиши, корхона ва унинг тозалаш иншоотлари фаолиятининг ўзига хос томонлари, жиноят иши материалларини билиб олиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиши зарур.

Терговчи айбланувчини сўроқ қилаётганда унинг шахси, профессионал стажи, зарарли чиқиндиларни қаерга ва қанча ташлашга оид кўрсатма беришда нималарга асосланганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиши керак. Мазкур иш бўйича айбланувчи кўрсатмасини экспертиза хулосаси ва бошқа маълумотлар билан таққослаб кўриш керак.

Айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида ва бошқа тергов ҳаракатларини мазкур жиноий қилмишни содир этиш сабаблари ва шароитларини белгилашга алоҳида аҳамият бериш керак: бу ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва фаолият кўрсатишидаги нуқсонлар, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилona фойдаланишда баъзи мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги, тозалаш иншоотлари иши бўйича назоратнинг йўқлиги, техник воситалар ва транспорт билан ёмон таъминланганлиги, баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнларида ҳисоб ишларини юритиш, чиқиндилар сақлаш ва уларни ҳисобга олиб бориш ва бошқалар талабга жавоб бермайди. Терговчи мутахассислар ёрдамида худди шундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

35-бoб. Контрабанда жинойтларини тергов қилиш

1-§. Контрабанданинг криминалистик тавсифи

Сўнги йиллар Ўзбекистон ҳудудига хом-ашё, саноат моллари, бадий ва бебаҳо қадриятлар, савдодан чиқарилган товарларни контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб чиқиш кенг авж олганлиги билан ажралиб туради. Бунга:

- МДХ республикалари билан мавжуд очиқ чегаралар;
- Ўзбекистон иқтисодий тизимининг ўзгариши ва Божхона назоратининг фаолияти етарлича такомиллашмаганлиги;
- суверен ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатларини йўлга солувчи ҳуқуқий-шартнома базасининг камчиликлари кенг йўл очиб беради.

Ҳозирги шароитда контрабанда жуда кенг кўламда ёйилган бўлиб, у уюшган жинойтчилик томонидан корхона раҳбарлари, божхона ходимлари, маҳаллий маъмурият вакиллари ва ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўз фаолиятига жалб этиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Ҳозирда гиёҳванд моддаларнинг янги турлари (кокаин, ЛСД), қурол-яроғ, қалбаки пул ва халқ истеъмoли моллари контрабандаси амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқа МДХ мамлакатларига транзит учун ҳужжат расмийлаштириш орқали контрабанда олиб кирилиши кенг тус олган. Бунинг натижасида ҳар йили давлатга миллиардлаб зиёд зарар етказилмоқда. Контрабанданинг бу усули жуда оддий: товар транзит сифатида ҳужжат расмийлаштириш орқали олиб кирилади ва сохта фирмалар орқали сотилади. Баъзан чегарадаги манфаатдор божхона ходимлари эса пора эвазига юк чегарани кесиб ўтишига кўмаклашадилар.

Контрабанданинг худди шундай усуллари маҳсулот ва хом-ашёни Ўзбекистондан олиб чиқишда ҳам ишлатилади. Кўпинча озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари билан тўлдирилган автомашиналар расмийлаштирилмай, ташқарига олиб кетилади.

Кейинги йилларда рангли металлларни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш кенг тус олмақда. Бу усул ҳам сохта ҳужжатлар ёки пора бериш орқали юкни транспорт воситаларида кўринишини ўзгартириш йўллари билан амалга оширилади.

Контрабанданинг «анъанавий» усули ҳам катта ҳажмда сақланиб қолган, яъни қимматбаҳо буюмлар ва валютани яширин жойларда Ўзбекистонга олиб кириш ва олиб чиқиш. Контрабанданинг бу усулида кўплаб хорижий фуқаролар иштирок этади.

Ҳозирги вақтда контрабандани тергов қилишнинг оддий ҳолатлари қуйидагилар:

1. Чегара ёки божхона назоратида сохта ҳужжатлар билан контрабанда қилган шахсларни қўлга олиш.

2. Ҳужжатларни тафтиш қилиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлар чоғида хом-ашё ёки тайёр маҳсулотни контрабанда йўли билан олиб чиқиш ҳолатини аниқлаш.

Биринчи ҳолатда терговчиларнинг хатти-ҳаракатлари қўлга олиш ҳолатини расмийлаштиришга ва контрабанда маҳсулотини мусодара қилишга қаратилган бўлиши керак. Бунда мусодара қилинаётган маҳсулотнинг миқдори, маркаланганлиги, ўралганлиги, илова қилинган ҳужжатлари, махфий жойларнинг мавжудлиги контрабанда кўринишини аниқ фиксация қилиш жуда ҳам муҳимдир. Буларнинг ҳаммасини баённомаларда аниқлик билан қайд этиш керак. Қўлга олиш ва мусодара қилишни аниқ фиксациялаш учун видеотасмага олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, алоҳида эътибор контрабанда ва контрабандани олиб кириш ёки олиб чиқишга ҳаракат қилган шахс ўртасидаги алоқани аниқлашга қаратилиши керак. Баъзан, қўлга олинган шахснинг ҳис-туйғуларини - (сўкиш, ҳақорат, дўқ-пўписа, пора беришга ҳаракат қилиш, контрабандани амалга ошириш ниятини бошқа шакллардаги кўринишини) фиксациялаш ҳам ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун магнит ва видеотасмалар ёрдамида фақат қўлга олиш ва контрабандани мусодара қилиш жараёнинигина эмас, балки қўлга олинган шахснинг қўлга олингандан ва тергов органларига олиб борилгандан кейинги хулқ-атворини ёзиш ҳам эътиборга моликдир.

Сўнгра қуйидагиларга қаратилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари мажмуи амалга оширилиши лозим:

- контрабандани олиб ўтишга ҳаракат қилган шахснинг айбини аниқлаш;

- шерикларни аниқлаш;

- контрабанда маҳсулотини келиб чиқишини аниқлаш;

- олиб чиқишга мўлжалланган контрабанда маҳсулотларининг бошқа партияларини аниқлаш.

Қўққисдан амалга оширилган ҳаракат омилини ишлатиш биринчи навбатда жиноят иши қўзғатиш билан боғлиқдир.

Тергов ишларини иложи, борича тезроқ бошлаш мақсадга мувофиқдир. Тергов қўлга олинган ва контрабандага алоқаси бор бошқа шахслар ўз хатти-ҳаракатларини келишиб олмасликлари учун иложи борича тезроқ ўтказилиши лозим.

Иккинчи ҳолатда терговчилар ва тезкор ходимлар одатда контрабандани қўлга туширишга қаратилган тактик операцияни тайёрлаш учун етарли вақтга эгалар. Бунда контрабандани янги

партиясини олиб ўтиш вақтида кўрсатилган шахсларни қўлга олишдан бошлаш зарур. Бир вақтнинг ўзида терговчилар ва тезкор ходимлар:

а) контрабандага алоқаси бор шахсларнинг уй ва иш жойларини тинтув қилиш;

б) контрабандани қўшимча ҳолатлари қайд этилиши мумкин бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш;

в) контрабандага алоқаси бор барча шахсларни дарҳол сўроқ қилиш;

г) аниқланган контрабанда ҳолатлари бўйича қўшимча тафтишлар белгилаш ишларини амалга оширишлари зарур.

2-§. Контрабанда ишини тергов қилиш услуби

Контрабанданинг моҳияти божхона чегараси орқали товар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни махфий ёки алдаш йўли билан олиб ўтишдан иборат. Ушбу масала учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасига биноан жавобгарлик ўрнатилган. Махфий ҳаракат усуллари қуйидагилар:

- «кўринмас» ёки яхши кўриқланмайдиган чегараларни кесиб ўтиш учун айланма йўл ёки яширин сўқмоқлардан фойдаланмоқ;

- товар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг транспорт воситаларида махсус жойлаштирилган махфий жойлардан фойдаланмоқ;

- товар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларга бож тўланмайдиган ва декларация талаб қилмайдиган объектлар каби тус бериш.

- объектларни инсон танасининг аъзоларида яшириш.

Божхона органларини алдаш йўли билан контрабанда қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1. Божхона назоратига қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш;

2. Сохта тамгалар, муҳрлар, идентификация белгилари ва ҳоказоларни ишлатиш;

3. Объектни ноҳаққоний декларация қилиш.

Ушбу жиноят қасддан амалга оширилади. Контрабандани давлат чегарасидан ноқонуний олиб ўтишда кўпинчалик чегара ва божхона ходимлари, кузатувчилар иштирок этишади. Шериклик одатда шахсий ғараз хусусиятига эга ва уюшган гуруҳ таркибига эпизодик ёки доимий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Контрабанданинг энг кўп тарқалган объектлари гиёҳванд

моддалар, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар ва антиквариатдир. Баъзан бу Ўзбекистон орқали ўтаётган, жўнатувчиси ва қабул қилувчиси сохта фирма ёки шахс бўлган транзит юкдир. Шу каби объектларнинг божхона назоратидан озод қилинган дипломатик почтада ёки дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар орқали ўтказиш контрабанданинг алоҳида, ўзига хос турларидан биридир.

Бошлангич тергов ҳаракатлари. Контрабанда ишини тергов қилиш одатда божхона ёки чегара ходимлари томонидан уни фош этилишидан бошланади. Агар контрабанда объектига эга бўлган шахс қўлга олинса жинойт иши қўзғатилади ва қуйидаги тергов ишлари амалга оширилади:

Кўздан кечириш. Контрабанда объектлари ва ошкор қилинган яширин жойларни кўздан кечириш. Яширин жойлар транспорт воситаларида жойлаштирилган бўлиши мумкин: эшикларда, ўриндиқларда, юкхонада, капот остида, ёритгичларда ва ҳоказо. Контрабанда предметлари ёқилги бакида, гилдирак камераларида, прицеп бортларида ва ҳоказоларда бўлиши мумкин.

Топилган нарсаларнинг ҳаммаси синчиклаб кўздан кечирилади ва зарурат бўлса мутахассис иштирокида хусусиятлари, мақсади ва жойлашиши кўздан кечириш баённомасида қайд қилинади. Контрабандага оид далилий ашёлар қийматини аниқлаш учун экспертлар таклиф қилиниши мумкин.

Қалбаки ҳужжатлар, тамғалар, муҳрлар ва сохталаштирилган идентификация белгилари кўздан кечирилиши шарт.

Контрабандачини қўлга олиш ва сўроқ қилиш. Қўлга олишда контрабандистни шахси аниқланади ва шахсий тинтув ўтказилади. Агар қўлга олинган шахснинг танасида контрабанда ашёлари (гиёҳванд моддалар, қимматбаҳо буюмлар) яширилганлик эҳтимоли бўлса, рентгеноскопик текширув, ич сурадиган дориларни ишлатиш, тананинг табиий тешиklarини кўздан кечириш ёрдамида суд-тиббиёт текшируви амалга оширилади. Суд-тиббиёт эксперти хулосасига текширув пайтида топилган ҳамма контрабанда объектлари илова қилинади ва сўнгра кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади.

Қўлга олинган шахсни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

1) қўлга олинган шахснинг оилавий ва хизмат ҳолати, турар жойи ва бошқа алоқалари;

2) контрабанда ашёлари кимга тегишлилиги; қўлга олинган шахс ташувчи бўлса, кимнинг топшириғига биноан, қандай шарт билан ташувчи бўлишга рози бўлганлиги, транспорт воситаси кимга тегишлилиги; контрабанда эгасининг ходими бўлса, аввал-

лари шундай ташувчиликни амалга оширганлиги;

3) транспорт воситасидаги яширин жойлар ким томонидан жойлаштирилган ва жиҳозланган, авваллари ҳам шу каби мақсадларда ишлатилганлиги, контрабандани махфий ташиш учун ошкор этилмаган бошқа жойлар борлиги;

4) қаерда, қачон ва ким томонидан контрабанда юкни қабул қилиб олганлиги, қаерда, кимга ва қандай шароитда топшириши; сўроқ қилинаётган шахсга юк ҳақида, уни жўнатувчи ва қабул қилувчи шахслар ҳақида нималар маълумлиги;

5) ким ва қандай ҳолатда ташувчини божхона назоратидан ўтиш учун қалбаки ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаганлиги; муваффақиятсизлик ҳолатида қандай йўл тутиш тўғрисидаги кўрсатувлар;

6) чегарани қийинчиликсиз кесиб ўтишда божхона ходимлари ёрдами тўғрисида келишув борлиги ва бу келишув қандай шартлар асосида амалга оширилиши кераклиги, ўз ичига нималарни олиши, аввал ҳам бундай ёрдам кўрсатилганлиги;

7) юк ташиш тўғрисида контрабанда эгасидан бошқа яна ким хабардор эканлиги, бу шахслар юк эгасининг фаолиятига, юкнинг ўзига қандай алоқаси борлиги; ташувчининг контрабанда эгасининг шериклари, контрабанданинг келиб чиқиши манбалари тўғрисида хабардорлиги.

Агар контрабанда қўлга олинган шахсга тегишли бўлса, қўлга киритиш манбалари ва сотиш каналлари тўғрисидаги саволлардан ташқари шерикларнинг шахси ва контрабандачининг бошқа алоқаларини аниқлаш, контрабандачи аъзо бўлиши мумкин бўлган уюшган жиноий гуруҳ мавжудлиги ҳақидаги тахминни ва унинг жиноий фаолиятининг бошқа эпизодларини текшириб кўриш керак. Қўлга олинган шахснинг кийимида ёки танасида гиёҳванд моддалар топилганда гиёҳванд ёки токсикоман эмаслиги аниқланиши зарур ва бу нарсалар ким учун мўлжалланганлиги ва ким орқали сотиш режалаштирилганлигини аниқлаш лозим. Қўлга олинган шахснинг гиёҳвандлиги масаласи уни текширув даврида суд-тиббиёт экспертизаси олдига ҳам қўйилади.

Контрабандачи билан бирга қўлга олинган олиб ўтувчиларни сўроқ қилишда чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ бевосита саволлардан ташқари уларнинг контрабандачи билан алоқалари хусусиятлари, шу каби уринишлар улар иштирокида ёки унга таъиниш бўлган шахслар ёрдамида аввал ҳам амалга оширилганлиги, уларнинг шахси; чегарадан нима олиб ўтилганлиги, чегарани кесиб ўтгандан сўнг уларни ким, қаерда ва қандай шароитда қабул қилиб олганлиги аниқланади.

Тинтув. Контрабанда ашёлари ва уларни ташиш воситаларини кўздан кечириш ёки қўлга олинган шахсни сўроқ қилиш на-

тижасида аниқланган шахсларнинг уй ва хизмат жойлари, транспорт воситалари ва юк сақлайдиган жойлари тинтув қилиниши керак. Агар бу жойлар чегара ёки божхона назорати бекатларидан узоқда жойлашган бўлса ички ишлар органларига прокурорнинг санкцияси олинган қарор билан тинтув қилиш тўғрисида талабнома жўнатилади. Тезкор ҳаракат мақсадида бу талабнома ва санкцияланган қарор факс билан, бир вақтнинг ўзида асл нусхаларини хизмат почтаси орқали жўнатилади. Сусткашлик муҳим далилларни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Тинтув қўлга олинган шахснинг турар жойи бўйича ҳам амалга оширилиши керак; агар у хорижлик фуқаро бўлса, унинг вақтинча турар жойи ва юкни топшириш жойи ҳам тинтув қилиниши керак.

Кейинги тергов ҳаракатлари. Уларнинг асосийлари контрабанда шерикларини аниқлаш ва сўроқ қилиш, контрабанда қилишга мўлжалланган юклар, жиноий фаолиятнинг далили бўлган бошқа нарсалар сақланиши мумкин бўлган жойларни тинтув қилиш ва топилган объектларни кўздан кечиришдир.

Сўроқ қилишнинг мақсади-шериклар ўртасидаги алоқани аниқлаш, контрабанда асосий даромад манбаи бўлган уюшган жиноий гуруҳни, контрабанда товарлари ёки қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш манбаларини, божхона ёки бошқа давлат структураларида жиноятчиларнинг ғаразли алоқаларини, жиноий фаолиятнинг ҳамма эпизодларини аниқлаш.

Антиквариат ёки санъат асарлари бўлган контрабанда қўлга киритиш манбаини аниқлаш жуда ҳам муҳимдир. Бундай вазиятларда музей, кўرғазма ва шахсий коллекциялардан ўғрилиқ қилишга ихтисослашган уюшган гуруҳлар изига чиқиш имконияти мавжуд.

Экспертизалар. Бу тоифа ишларда қуйидаги экспертизалар ўтказилади:

криминалистик контрабанда ашёларидаги қўл изларига мувофиқ шахсни аниқлаш; қалбакилаштирилган муҳр, штамп, идентификация белгилари ва ҳоказоларни текшираётган ҳужжатларни техник-криминалистик экспертизаси; сохта ҳужжатлардаги қўлёзма текстларни текширувчи ёзувга оид; тра-сологик, яширин жойлар ва уларнинг жиҳозланишига оид;

материаллар ва моддалар экспертизаси: наркотик, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар таркибини, объектларнинг ўзаро таъсири фактини, умумий келиб чиқиш манбаини белгилашга оид;

санъатшунослик: санъат асарлари ва унинг атрибуцияси, антиквариат предметлар, коллекциявий буюмларнинг ҳақиқийлиги

билан шуғулланувчи; шунингдек, контрабанда объекти кўкрак белгилари ва коллекциявий тангалар бўлса нумизматик экспертиза ўтказилиши мумкин; коллекциявий қурол-яроғни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, қуролга оид;

контрабанда ҳажмини белгилаш мақсадида ашёларнинг қийматини аниқлаш учун товаршуносликка оид. Агар контрабанда товарларининг қиймати юздан уч юзгача бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан ошса, ЖК 8-бўлимидаги изоҳга биноан у катта ҳажмда амалга оширилган деб ҳисобланади. Контрабанда қиймати ундан ортиқ бўлса – жуда кўп миқдорда амалга оширилган деб ҳисобланади ва ЖК 182-модда 2 қисми билан квалификация берилади.

Контрабанда эгаси аниқланмаган ҳоллардаги терговнинг ўзига хос хусусиятлари. Амалиётда контрабанда эгаси топилмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Бу нарса поезд, денгиз кемалари, баъзан самолётларни текширганда учраб туради. Бундай ҳолларда жиноятчини аниқлаш учун чоралар кўрилади: контрабанда беркитилган жой устидан яширин кузатув ўрнатилади, пистирма ташкил қилинади, контрабанда предметлари люминофор билан белгиланади ва ҳоказо.

Агар шу каби тезкор тадбирлар натижасида контрабандачи топилмаса, жиноят иши қўзғатилиб, биринчи навбатда поезд бригадаси, кема ва самолёт экипажлари сўроқ қилинади. Ораларида контрабандист бўлиши мумкин бўлган айнан шу шахсларнинг контрабандачига тегишлилиги тўғрисидаги тахмин синчиклаб текширилиши керак. Лекин контрабандачи пассажир бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун сўроқ жараёнида пассажирлардан бирортаси ўзининг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари билан ўзгалар эътиборини тортган-тортмаганлигини аниқлаш лозим.

Контрабанда юк ёки багаж аниқ бир шахсга тегишлилигини аниқлаш мақсадида синчиклаб кўздан кечирилиши лозим.

Маълум бир ҳолатларда контрабанда юкни ошкор этилганлиги сир сақланади ва ошкор этадиган ҳаракатлар бажарилмайди:

1) контрабандани фақат ташувчиси эмас, балки қабул қилувчиси ва сотиш йўллари аниқлаш лозим бўлганда. Бу ҳолат гиёҳванд моддалар ёки қурол-яроғ контрабандасида юзага келиши мумкин. Тезкор усул билан контрабанда ҳаракатининг тўлиқ «занжири»ни кузатиш имконияти туғилади: ташувчи-ю қабул қилувчидан, сотувчигача;

2) юк Ўзбекистон орқали транзит бўйича олиб ўтилаётганда бизнинг божхона органларимиз тегишли хабарнома юбориб, юкни қабул қилувчиларни манзилда жиноят устида қўлга олишни уюштирилиши лозим бўлганда;

3) чегара ёки божхона ходимларини контрабанда билан алоқалари борлиги тўғрисида асосли шубҳалар бўлса ва бу шубҳалар Ички хавфсизлик органлари томонидан текширилади.

Контрабанда ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов жараёнида қўшни чегара ўтиш бекатлари ва божхона структуралари хабардор қилинади. Контрабанда учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар томонидан контрабанда ҳолатлари содир этилганида уларнинг аввалги ҳаракатларининг моҳияти нимадан иборатлиги аниқланади. Шу билан бир қаторда маъмурий жавобгарликка оид ҳаракатлар жиний жавобгарликка оид кейинги ҳаракатлар билан таққосланиб аввалгиси синов тарзида қилинганми ёки йўқлиги аниқланади.

36-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ «ИЗЛАР БОСИЛМАЙ ТУРИБ» ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Жиноятларни «излар босилмай туриб» фош қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари

Жиноятни изидан, тезлик билан фош қилмоқ - мазкур масалани ўта қисқа муддатда - жиноят белгилари аниқланган ёки у тўғрида хабар олинган вақтдан бошлаб уч кун ичида ҳал қилмоқ демакдир. Ички ишлар ва прокуратура органлари амалиётида «излар босилмай туриб» ибораси кўчма маънода қўлланилади. Унга этимологик жиҳатдан «...шу заҳоти, дарҳол» деб таъриф берилади.

Кўп ҳолларда ўғрилик, босқинчилик, талончилик, зўрлаш, қотиллик, безорилик, фирибгарлик каби баъзи жиноятлар «излар босилмай туриб» тергов қилинади. Бу хил тергов ишлари ўзига хос шароитда олиб борилади:

зудлик билан чора кўришни талаб этган вазиятнинг тўсатдан юзага келиши;

терговчи ва дастлабки тергов органлари қарор қабул қилиши ва уни амалга ошириши учун вақт танқислиги;

тергов жараёнининг жадал ривожини, шарт-шароит, тергов вазиятининг тезкор ўзгариши;

зарур маълумотлар етишмаслиги ва янги маълумотлардан кечиктирмасдан фойдаланиш зарурати;

тергов ишларига қаршилик кўрсатиш, излар ва жиноят белгиларини йўқотиш ва ҳоказо.

Ушбу шарт-шароитлар «излар босилмай туриб» тергов қилишни ташкил этиш ва амалга оширишга бўлган қуйидаги асосий талабларни белгилаб беради:

1) тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса рўй берган жойга имкон борича тезроқ етиб келиши, жиноят иши қўзғаш ва дастлабки тергов ишларини бошлаш тўғрисида тезкорлик билан қарор қабул қилиш;

2) барча зарур куч ва воситаларни кечиктирмай ишга жалб этиш;

3) одатдаги ҳаракатлар дастурининг қабул қилинган йўллари билан бирга терговнинг ўзига хос усуллари билан ҳам фойдаланиш; ўрганилаётган масалалар доирасини жараёни олга силжитиш учун кўпроқ хизмат қиладиганлари билан вақтинча чеклаб қўйиш, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини қатъий танлаб олиш ва ҳар икковининг бирин-кетинлиги тартибига риоя қилиш;

4) тергов тадбирларининг, тезкорлиги(интенсивлиги), узлук-

сизлигига риюя қилиб, уларни барча тергов-тезкор гуруҳининг таркибидан фойдаланган ҳолда «кенг фронт» бўйлаб ўтказиш;

5) ўта кам вақт сарфлаган ҳолда имкон борича кўпроқ маълумот йиғиш ва уларни қайд этиш мақсадида техник воситаларни кенг қўллаш, бирга иш юритаётган органларга тезкорлик билан маълумот узатиш; муайян маълумотдан хабардорларни тезда тадқиқ этиш учун мутахассис ва экспертлар ёрдамидан ҳар томонлама фойдаланиш.

Мазкур талабларнинг бажарилиши марказлаштирилган бошқарув томонидан ички ишлар органларининг кучи ва воситалари билан иштирок этаётган ИИБ ва бошқа органлар бўлинмалари ўзаро ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаш, шу билан бирга юзага келаётган вазиятга мувофиқ равишда ҳаракатланиш имконини берадиган чоралар қўллаш мақсадида таъминланади. Ана шундай чоралар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган ерга етиб келишга ва техник воситаларнинг излар ва бошқа далилий ашёлар билан ишлашга доимо тайёр бўлиб туришини таъминлаш;

б) исталган вақтда тергов-тезкор гуруҳи таркибига вазият тақозо этган мутахассисларни жалб қилиш имкониятини таъминлаш. Мазкур мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ички ишларнинг навбатчи қисмида ёки прокуратура органларида бўлиши;

в) ҳодиса юз берган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳини тегишли вазиятлар учун мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг намунавий дастурлари билан таъминлаш. Ушбу ҳаракат дастурлари энг зарур ташкилий ҳамда тактик тусдаги кўрсатмаларни ўз ичига олган бўлиб, уларда изох, илмий жиҳатдан асослаш каби ортиқча маълумотларга ҳожат йўқ. Одатда, бундай дастурлар ҳамда тадбирлар рўйхатини уларнинг мақсади, бирор муаммога дуч келинганида имконий вариантлари билан бирга ўз ичига олган бўлиши шарт. Дастурлар тўплами ички ишлар навбатчи бўлимида бўлиши лозим;

г) ҳодиса жойини тергов-тезкор гуруҳ етиб келгунига қадар қўриқлашнинг пухта ишлаб чиқилган чоралари тизими.

Маълумки, ҳодиса жойини кўздан кечириш кўпинча жиноят иши қўзғатишдан аввал амалга оширилади. Бироқ баъзи ҳолларда жиноят содир этилганлигининг белгилари очиқ-ойдин бўлиб, биринчи навбатда жиноятчини қўлга тушириш чораларини қўриш талаб этилганда ёки жиноятчи жиноят устида далил билан қўлга олинганида жиноят иши кўздан кечиришдан аввал ҳам қўзғатилиши мумкин. Содир этилган жиноят факти бўйича жиноят иши қўзғатиш «излар босилмай туриб» амалга оширила-

диган барча кейинги ҳаракатлар учун зарур ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий вазифаси жиноят ва уни содир этган шахсга оид маълумотлар, у ҳодиса жойидан қайси тарафга қочганлиги, жиноятчи фойдаланган транспорт воситаларини аниқлашдан иборат. Бу маълумотлар жиноятчини, транспорт воситасини таъқиб этиш ва ушлаш, ўғирланган мол-мулкни излаб топишни ташкил этиш учун зарур. Маълумотларни зудлик билан тўплаш, йўлни тўсиш ҳамда қидирув тадбирлари режасини ишга тушириш мақсадида ички ишлар органи навбатчи қисмига етказилади. Қидирув тадбирларига, одатда, патрул - пост хизмати нарядлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ЙХХХ), транспорт милицияси бўлинмалари ва бошқалар жалб қилинадилар. Бу ишларнинг барчаси навбатчилик қисми ва ички ишлар органи бошлиғи раҳбарлигида ҳодиса жойини кўздан кечириш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Кўздан кечириш вақтида унинг ҳар бир иштирокчиси бўлиб ўтган ҳодисанинг умумий тасвирини тиклашга кўмаклашиши, тегишли суд экспертизаларини ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни аниқлаши лозим. Тезкор ходим бу вақтда жабрланувчи ва гувоҳларни аниқлаб олади ва айбдорларни излаш учун муҳим шарт-шароитлар бўйича савол-жавоб қилади ва бу тўғрида кўздан кечириш раҳбарини хабардор қилади.

«Излар босилмай туриб» экспертиза тайинлашда ҳам ўзига хос вазифалар ҳал этилади. Экспертиза ўтказиш йўли билан қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- ҳодиса хусусида, унинг жинойий таърифи, механизми тўғрисида бошланғич маълумотга эга бўлиш;

- муайян шахснинг мазкур жиноятга алоқадор ёки алоқадор эмаслиги хусусида маълумот олиш;

- зудлик билан махсус илмий дарслар ёрдамида пайдо бўлган гумонни текшириб кўриш, гумон остидаги шахсни излаб топиш ва тутиб келтириш учун талаб этилган маълумотларни олиш;

- жинойий ҳодисани кейинчалик тадқиқ этиш, шунингдек гумон остидаги шахслар ёки дастлабки кўздан кечиришда олинган далилий ашёларни қиёслаш талаб этилган янги излар пайдо бўлганида янгидан экспертизалар ўтказиш, «изларга оид маълумотлар базасини» мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

- гумон остидаги шахс томонидан (айнан шу йўл билан, ана шу қуроллардан фойдаланган ҳолда ва ҳоказо) содир этилган бошқа жиноятларни ҳам аниқлаб, бундан қатор ходимлар ва хатто турли тергов ва дастлабки тергов органларининг мазкур жиноятларни очиш йўлидаги ҳаракатларини бирлаштириш учун фойдаланиш.

Жиноятчининг шахси ва жиноят қуролларига оид маълумотларни ички ишлар органларидаги криминалистик ва тезкор рўйхатлар бўйича текшириш ҳодиса жойидаги изларга кўра, улар ҳақидаги маълумотлар бирор турдаги рўйхатда мавжуд бўлса, шахсини аниқлаш имконини беради; ўқлар гильзотекаси бўйича текширув ўқотар қуролнинг айнан шу нусхаси бошқа жиноятлар содир этишда қўлланилган-қўлланмаганлигини очишга кўмаклашади. Ҳисоб-рўйхатга олиш маълумотларидан шу билан бирга қидирув ишлари жараёнида ҳам тезкорлик билан фойдаланиш даркор.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш бу босқичда, бошқа тергов ҳаракатлари каби биринчи навбатда қидирув ишлари учун маълумот йиғиш мақсадига хизмат қилади. Сўроқ мазмуни қуйидагича бўлади:

жиноий тажовузкорлик қачон, қаерда ва қандай қилиб содир этилган, у нимадан иборат бўлган ва нима мақсадда амалга оширилган;

жиноятни ким амалга оширган, жиноятчилар қанча бўлган, уларнинг ташқи кўринишидаги белгилари, чизгилари; улар ўртасида роллар қандай тақсимланган, ким раҳбарлик қилган; жиноятчилар бир-бирига қай тарзда мурожаат қилишган, улардан бирортасида овоз ёки нутққа оид хусусиятлари (шевага хос сўзлаш, «с» ни айтолмаслик, дудуқланиш, жиноятчилар шевасида сўзлаш) бор-йўқлиги;

жиноятчиларнинг транспорт воситалари бўлганми, қандай, уларнинг белгилари, рақамли белгилари ёки бирор хусусияти, уларни ким бошқарган;

нима ўғирланган, ўғирланган буюмларнинг номи ва белгилари; қимматбаҳо буюмларнинг тавсифи ва уларнинг қиймати; ўғирланган пул миқдори ва номинали;

гумон остидагилардан бирортаси жиноят содир этилган жойда у содир этилгунга қадар бўлмаганми, нима сабабдан ё қандай баҳона билан, нималар билан қизиққан;

ким жиноят қилганликда гумон қилинади, нима асос бор, жиноятчилар ўғирланган буюмлардан қай тарзда фойдаланишлари мумкин; жабрланувчилар турар жойини сотиш, айирбошлаш, буюмлар сотилиши, хизматлар таклиф қилиб эълон бермаганмилар ва бошқа шу кабилар.

Жабрланувчи ёки гувоҳлар томонидан жиноятчиларнинг ташқи белгилари тасвирлаб берилганидан сўнг кўп ҳолларда уларнинг синтетик суратлари тайёрланиб, қидирув гуруҳлари жиноятчиларни улар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойлардан излаш ишларини ташкил этиб, бу ишга жабрланувчи ва гувоҳлар жалб этиладилар.

Жиноятчилар томонидан ўғирланган ёки улар фойдаланган автомобилни қидириш ЙХХХ ходимлари билан биргаликда амалга оширилади. Автокорхона гаражлари, пулли тўхташ жойлари текширилади, автомобил яширилиши ёки уни қайта бўяш, эҳтиёт қисмларга ажратиш мумкин бўлган ҳовли, боши берк кўчалар ва бошқа жойлар кўздан кечирилади.

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари

Гумон остидаги шахсни тутиш ва сўроқ қилиш. Гумон остидаги шахснинг аниқланиши ва қўлга олиниши «излар босилмай туриб» қидириш ишларининг ижобий натижасидир. Унинг шахсига оид ва қуролли қаршилиқ кўрсатиш имкониятига оид мавжуд маълумотларни ҳисобга олиб тезкор гуруҳ таркиби ва қўлга олиш тактикаси ҳал қилинади. Жиноят ҳозирча таркиби аниқланмаган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда қўлга олиш фактининг ўзини ҳам муайян вақт сир сақлаш керак бўлади. Бир неча одамни турли жойларда қўлга олиш талаб этилганида кераклича алоҳида тезкор гуруҳлар тузилади ва ҳаракат қилиш вақти ўзаро келишиб олинади. Қўлга олиш махсус ёки тезкор ҳаракат бўлинмаларига топширилиши мумкин ва улар бу ишни юксак маҳорат билан ва шароит тақозо этганда атрофдагиларга сездирмасдан амалга оширадилар.

Олинган маълумотлардан тезкорлик билан фойдаланиш мақсадида гумон остидаги шахс қўлга олиниши биланоқ сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ. У сўроқ қилинганда қуйидагилар аниқланади:

жиноят содир этиш нияти қандай қилиб ва нима сабабдан пайдо бўлди; тажовуз қилинган шахс (буюм) га оид, жиноятни содир этишнинг қулай вақти ва шароити хусусидаги маълумотлар кимдан олинди, аввалдан жиноятни яшириш тўғрисида келишилганмиди;

жиноятни содир этишда қўлга олинган шахсдан бошқа яна ким иштирок этган, мазкур шахслар қўлга туширилган шахс билан уюшган гуруҳ тузганмиди, унинг таркиби, бошлиғи ким, гуруҳ аъзолари ўртасида роллар қандай тақсимланган ва бошқа ушбу гуруҳга оид барча маълумотлар;

жиноят содир этилган шарт-шароит, ишлатилган қуроллар,

улар ҳозирги вақтда қаерда, улар қаердан олинган, агар транспорт воситаларидан фойдаланилган бўлса, у ҳолда қандай ва кимга тегишли, ҳайдовчининг жиноятдаги тутган ўрни;

жиноятда буюм ёки бошқа моддий бойликлар, пул ўғирланган бўлса, у ҳолда улар ҳозир кимда ва қаерда, қайси йўл билан, ким орқали пулланди ёки пуллаш кўзда тутилган, ана шу шахс илгари ҳам ўғирланган буюмларни сотиб олиш билан шуғулланганми?

Мазкур рўйхат тахминий эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Сўроқ ўтказилиши билан, баъзан эса у билан бир вақтда ҳибсга олинган шахснинг уйи ва у кириши мумкин бўлган бошқа бинолар тинтув қилинади. Тинтув у билан алоқадор шахслар, шунингдек аниқланган ҳамтовоқларининг уйида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга қўйиладиган асосий талаб - қўққисдан ва тезкор ҳаракат қилиш, бир вақтнинг ўзида бир неча ерда тинтув ўтказаетган гуруҳлар ўртасида қатъий ва аниқ ахборот алмашувини ташкил этиш. Бу эса олинган маълумотлардан ҳам қидирувда, ҳам далил тўплаш, исботлашда ҳамда ҳибсга олинганлар тергов ишига кўрсатиши мумкин бўлган қаршилиқни бартараф этиш учун зарур.

«Излар босилмай туриб» тергов ишлари юритиш жараёнида жабрланувчига ва гувоҳларга таниб олиш учун шахслар ва буюмларни кўрсатиш мумкин. Бундай зарурат шахсан жиноятни содир этмаган, лекин авваллари жабрланувчи ёки гувоҳга дуч келган жинойий гуруҳ раҳбарига нисбатан пайдо бўлиши мумкин.

«Излар босилмай туриб» тергов қилиш жараёни ташкилий нуқтаи назардан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

1) ҳодиса содир бўлган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳ, вазият тақозоси билан (мисол учун, зудлик билан яна бир ҳодиса жойини кўздан кечириш талаб этилса) ўзининг шу иш юзасидан фаолиятини якунлаб, терговни давом эттиришни эса бошқа терговчи ёки тергов-тезкор гуруҳига топширади;

2) ҳодиса рўй берган жойда иш бошлаган тергов-тезкор гуруҳи имкон борича тергов ишларини тўлиқ амалга оширади ва бошқа вазифаларни бажариш учун жалб этилмайди;

3) тергов-тезкор гуруҳи бошланғич bosқичдаги то айбдор ҳибсга олингунига қадар барча ҳаракатларни амалга оширади, сўнг иш материалларини бошқа терговчи ёки тергов-тезкор гуруҳига топширади.

«Излар босилмай туриб» жиноятни муваффақиятли очиш терговчи ҳамда тезкор ходимдан юксак маҳорат талаб қилиш билан бирга жамоатчилик орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари обрў-эътиборининг ҳам юксалишига сабаб бўлади.

37-бoб. ХОРИЖ ФУҚАРОЛАРИ ТОМОНИДАН ВА УЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИ

1-§. Хориж фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати

Хориж фуқаролари томонидан ва уларга қарши содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилиш услуги ўзига хосдир. Мазкур жиноятларни аниқлашга имконият берувчи хусусиятлари тажовуз субъекти ёки бевосита объектига қаратилган жиноий ҳаракатларда ифодаланади. Бу турдаги жиноят ишларини олиб бораётганда хорижлик фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеини, вужудга келиши мумкин бўлган таржима муаммолари, хорижликлар учун ғайритабиий шароит, турмуш тарзи, юриштириш қоидалари, мамлакатимизнинг урф-одат ва қонунлари, суд ишлари жараёнини яхши билмаслик каби айрим психологик омилларни ҳисобга олиш зарур. Психологик жиҳатдан яна бир ҳолатни кўзда тутиш керак: МДХнинг кўпчилик фуқаролари Ўзбекистонда бўлган пайтларида ўзларини бутунлай чет эллик деб ҳисобламайдилар, «ўзимизники» деган ички туйғу уларнинг юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларида акс этади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хатти-ҳаракатида ҳам намоён бўлиши мумкин: дастлабки тергов жараёнида хорижликлар ва уларнинг консулхоналари билан мулоқотда зарур қоидаларни эътиборга олмасликлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ хорижлик деб ушбу давлат ҳудудида бўла туриб бошқа давлат фуқаролигига мансуб бўлган ҳар қандай шахс тушунилади. Хорижлик ўз фуқаролигининг далили сифатида миллий паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга эга бўлиши шарт. Ўзбекистон фуқароси бўлмаган, лекин мамлакатимиз ҳудудида яшаётган, бирор хорижий давлат фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатсиз шахс фуқаролиги йўқ шахс (апатрид) деб тан олинади.

Хорижликлар мамлакатимизда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари билан, бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Бу ҳолат жавобгарлик тартибининг бир хиллигини ҳам англатади. Бундан мустасно ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖПК 11-модда 4-қисмида кўзда тутилган: хорижий давлат фуқароларининг жиноий жавобгарлик масаласи халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ҳал этилади».

Ўзбекистон ЖПКда (4-модда 2-қисм) «иммунитетга эга шахслар»нинг, яъни дипломатик (консуллик) вакилларининг ўз

шахси, уй-жойларини, архивларини, ўзаро хат ёзишувлари ва почтасини яшаётган давлатдаги маъмурий ёки бошқа органларининг мажбурий хатти-ҳаракатидан тўлиқ ҳимоя ҳуқуқи назарда тутилган. Дипломатик (консуллик) вакиллари ҳар қандай ҳолатда қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас; уларнинг иш ва яшаш жойлари, хизмат хоналари, шахсий ва хизмат автомобилларининг салони тинтув қилиниши, текширилиши, олиб қўйилиши, мусодара қилиниши мумкин эмас; архивлар, почта ва ўзаро ёзишувлар очилиши ёки ушлаб қолиниши мумкин эмас; улар судда гувоҳлик беришга мажбур эмаслар, гувоҳлик беришга рози бўлган ҳолатда тергов ёки суд органларига келишга мажбур эмаслар.

Қуйидаги хориж фуқаролари гуруҳи Ўзбекистон жиноят судлов жараёнидан дахлсиздир:

1. Дипломатик вакиллар ходимлари: а) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган дипломатик персонал ва улар билан яшаётган оила аъзолари; б) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган маъмурий-техник ходимлар ва улар билан яшаётган оила аъзолари; в) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган, лекин юртимизда муқим (доимий) яшайдиган, хизмат қилувчи ходимлар; г) дипломатик курьерлар; д) дипломатларнинг шахсий хизматидаги шахслар-уй хизматчилари;

2. Консуллик ходимлари: а) консуллик раҳбарлари; б) консулликнинг мансабдор шахслари; в) консулликнинг Ўзбекистон фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистонда муқим яшамайдиган маъмурий ва техник ходимлари;

3. Ўзбекистон орқали ўтиб кетаётган, бошқа давлат дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ва дипломатик курьерлари;

4. Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган ёки ҳудудимиз орқали ўтиб кетаётган хорижий парламент ва давлат делегацияларининг ходимлари;

5. Халқаро давлатлараро ташкилотларнинг ходимлари.

Дипломатик ва консуллик муассасаларида хизмат қилувчи ходимларининг имтиёзлари ва дахлсизлигининг ҳажми, қоида бўйича, ўзаро тарзда аниқланади. Масалан, консулликнинг мансабдор шахслари йўл транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни тўлаш давосидан озод этилмайдилар.

Юқорида кўрсатилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ЖПК шундай қоида ўрнатганки, бу қоидага мувофиқ «дипломатик дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан процессуал хатти-ҳаракатлар шу шахсларнигина илтимоси ёки уларнинг розилиги билан амалга оширилади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг амалга ошириш розилиги Ташқи ишлар вазирлиги орқали

сўралади» ЖПК қўшимча равишда ваколатхоналарда ва консуллик жойларида олиб қўйиш ва тинтув пайтида, албатта ТИВнинг вакили ва прокурор бўлиши шартлигини талаб қилади (ЖПК 165-моддаси).

Дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахс жиноят ҳақида арз қилса, бунининг иштирокида барча зарур тергов хатти-ҳаракатларини олиб бориш илтимоси ёки розилиги деб баҳолаш керак эмас, айниқса бундай арз оғзаки равишда ифодаланган бўлса. Бундай илтимос ёки розилик ёзма равишда ифодаланиши керак. Терговчи бу ҳақда ички ишлар органлари ёки прокуратура раҳбарияти орқали Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ)нинг тегишли муассасаларига маълум қилади. Бундай илтимос ёки розилик бўлмаганда, терговни кечиктириб бўлмаса, дипломатик дахлсизликка таъсир этмасдан хориж фуқаросининг иштирокисиз зарур тергов хатти-ҳаракатларини амалга ошириш зарур, баённомада сабаби кўрсатилган ҳолда эса қайд этиш шарт. Алоҳида ҳолларда хорижий дипломат томонидан оғир жиноят содир этилганда, тергов манфаати шошилинич хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши талаб этилганда (жиноят қуролини олиб қўйиш, айбдорни суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш ва бошқалар) ҳодиса жойига ТИВнинг вакилини, у орқали эса тегишли элчихона ёки консуллик вакилини чақириш тавсия этилади.

Кейинги тергов ҳаракатлари масаласи элчихона ёки консуллик ходимлари келганидан сўнг ҳал қилинади ва агар уларда бундай ҳаракатларни амалга оширишни илтимос қилиш ёки розилик билдиришга ҳақли бўлсалар, тегишли баённомада бу ҳақда қайд этилади, шахсларни мансабини ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда уларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, юқорида айтиб ўтилган хориж фуқароларининг баъзи тоифалари дахлсизликка ўз хизмат вазифасини бажараётгандагина эга бўладилар. Булар – дипломатик вакилликнинг хизмат кўрсатувчи, маъмурий-техник ва консулликда хизмат қилувчи ва баъзи бошқа ходимлар. Шунинг учун, жиний тажовуз ўз хизмат вазифасини ўтаётганда содир этилганлигини аниқлаш зарурияти туғилганда ТИВга хориж фуқароси ва жиноят тафсилотлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган ёзма сўров йўлланади. Ватанимизга турист сифатида ёки спорт мусобақалари, фестивалъ, конкурс ва бошқаларда иштирок этиш учун, шунингдек илмий конференция, симпозиум қатнашчилари, аспирантлар, талабалар, практикантлар, хорижий банк, фирма, корхоналарнинг ходимлари, мутахассис ва ишчилари ҳеч қандай имтиёзга эга

эмаслар ва суд қилиш дахлсизлигига эга эмаслар. Улар бизда содир этилган жиноятлари учун жиноий жавобгардирлар ва Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда жиноий-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

2-§. Хориж фуқаролари билан боғлиқ ишлар бўйича тергов олиб боришнинг хусусиятлари

Хорижлик фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ёки жабрланувчи хориж фуқароси бўлган ҳолларда, одатдаги масалалардан ташқари бир қанча ўзига хос масалалар ҳал қилинади: хорижлик фуқаронинг мавқеи, Ўзбекистонда бўлишининг қонунийлиги, қонуний яшашнинг белгиланган муддати.

Хориж фуқаросини ушлаб туриш ёки қамоққа олиш ҳақидаги хабарнома ТИВ орқали қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг элчихонаси ёки консуллигига жўнатилади. Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган хорижий давлат фуқаросини бориб кўришга рухсат элчихона хизматчиларига ёки консулликнинг мансабдор шахсларига улар ушлаб олинган ёки қамоққа олингандан сўнг имкон борица вақтли берилиши керак. Рухсат Ўзбекистон Бош прокурори ёки унинг муовини томонидан ТИВ билан келишилган ҳолда берилади ва зарурият туғилганда Ўзбекистон Республикаси МХХ, ИИБ ёки Олий суди билан келишилади. Агар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс бундай учрашувдан воз кечса ва бу ҳақда ёзма хабар бера рухсат берилмайди ва бу ҳақда ТИВга маълум қилинади. Жиноят иши қўзғатилганда хорижлик фуқаро ўзбек тилини билиши, қай даражада билиши ва таржимон кераклиги, тушунтириш, кўрсатмалар қайси тилда беришни афзал кўриши аниқланади. Агар ўзбек тилида кўрсатмалар бера олмаса, таржимон таклиф этилади ва барча процессуал ҳаракатлар унинг иштирокида олиб борилади. Бу ҳолда таржимонга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ва у ЖК 238-моддасига асосан қасддан нотўғри таржима қилиш учун жиноий жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади; хориж фуқаросига ўзи танлаган тилида кўрсатма бериш ва таржимонни рад қилиш ҳуқуқини тушунтирадилар.

Тилга оид тўсиқдан ташқари терговни қийинлаштирадиган муайян психологик омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бегона давлатда турган чет эллик шароитни тушунмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ишига ишончсизлик билан қараши, баъзан уларни умуман тушунмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси суд жараёнининг қоидаларини билмаслик,

терговчининг қарорлари ва ҳаракатлари гўёки ноқонунийлиги хорижлик фуқарода ҳаққоний янглиш фикрга олиб келиб, у томондан қаршилиқ кўрсатишга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолларда терговчи хорижлик фуқарога унинг янглишганини одоб ва сабр билан тушунтириб ёрдам бериши керак. Бу масалада ҳимоячи ҳам ёрдам бериши мумкин.

Хорижлик фуқаро мамлакатимиздаги мавжуд давлат тузуми хусусида янглиш фикрга, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ва уларни чеклаш қоидалари ҳақида нотўғри фикрларга эга бўлиши мумкин. Психологик алоқа ўрнатилаётганда, шу каби ҳолларда унга ишнинг ҳақиқий ҳолатини ётиги билан тушунтириш зарур.

Терговни ташкил этиш ва тактикасига хорижлик фуқаро иш бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашганда бизнинг ҳудудимизда қисқа муддат бўлиши жиддий таъсир этиши мумкин. Бу ҳолда тергов ҳаракатларини ўта тезкор равишда ва шунчалик сифатли ўтказиш керакки, уни қайта ўтказиш зарурияти туғилмаслиги лозим.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон суд қилиш ҳуқуқидан дахлсизликка эга хорижлик фуқарони тергов ҳаракатларига жалб этиш фақатгина уларнинг илтимоси ёки розилиги билан амалга оширилиши мумкин ва бу нарса ёзма равишда қайд қилинади. Уларни гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш қайси мамлакат вакили бўлса, фақатгина ўша мамлакат органлари томонидан дахлсизликдан маҳрум этилгандан сўнггина мумкин бўлиб, бу ҳолат амалиётда камдан-кам учрайди.

Хорижлик фуқароларга қарши содир этиладиган жиноятлар тизимида мулк ва тажовуз-зўрлик жиноятлари кўпчиликни ташкил этади: ўғрилик, талончилик ва қуролли босқинчилик.

Одатда ўғриликни хорижлик фуқаролар жойлашган ҳудудда яшовчи шахслар (меҳмонхона, кемпинг, курорт ва бошқалар), хорижлик фуқаролар билан алоқа қилишга «ихтисослашган» фоҳишалар ёки уларнинг шериклари амалга оширади; бу ҳолда қиз кўп ҳолларда хўрак вазифасини ўтайди ва хориж фуқаросини шериклари талайдиган ва қуролли босқинчиликни амалга оширадиган ерга олиб келади. Жинойий гуруҳ шериги бўлиб аэропорт ёки вокзалда унинг хизматидан фойдаланишни таклиф этувчи такси ёки бошқа транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлиши мумкин.

Хориж фуқароси иштирок этиши талаб қилинмайдиган тергов ҳаракатлари қабул қилинган расмий тартибда олиб борилади. Жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган хориж фуқароси Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетган бўлса, муайян

қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Бу биринчи навбатда одамлар ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатишга тегишли. Бу ҳолда иккита йўл мавжуд: агар бу давлат билан ҳуқуқий ёрдам ҳақида шартнома тузилган бўлса, фото ёки видео тасвирлардан фойдаланиб уларни тегишли идоралар орқали хориж фуқароси яшаётган ерга юбориш (бундай шартнома бўлмаса, бу ҳаракат Интерпол орқали амалга оширилиши мумкин); агар хориж фуқароси сўроқ қилинган бўлса, сўроқ баённомасидаги тавсифга кўра объектни идентификация қилиш. Айнан ўхшашлик ҳақидаги терговчининг хулосасини исботлаш учун тегишли экспертиза ўтказилиши талаб қилиниши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Жабрланган ёки гувоҳ хорижлик фуқарони сўроқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Унинг мамлакатимизда бўлиши қисқа муддатли бўлганда, сўроқ тезлик билан амалга оширилиши керак ва тергов ҳаракатлари зудлик билан ўтказилган бўлиши керак. Сўроқнинг вақти ва жойи шу ҳолларни ва хорижлик фуқаронинг турар жойини ҳисобга олган ҳолда аниқланади; уни сўроқ қилиш ҳақида алоҳида талабнома жўнатиш эҳтимоли бор.

Делегациялар, туристик гуруҳлар ва шу кабиларнинг таркибида мамлакатга келган хорижлик фуқароларни шу гуруҳлар, делегациялар раҳбарлари орқали сўроққа чақирилиши тавсия этилади. Ўқувчилар улар аъзо бўлган ўқув муассасалари, ҳамшаҳар ва бошқа ташкилотларнинг маъмурияти орқали чақирилишлари мумкин. Ўзбекистонга доимий асосда келаётган мутахассис ва ишчилар фирма ёки муассасаларнинг маъмурияти орқали чақирилишлари мумкин. Бу ҳолда терговчи тил ва шаҳарни билмайдиган хорижлик фуқарони қандай қилиб сўроқ жойини топиб келиш масаласини пухта ўйлаб кўрмоғи керак.

Сўроқда таржимондан ташқари сўроқ қилинувчининг илтимосига кўра, унинг мамлакатининг дипломатик ёки консуллик ваколатхонасининг ходими иштирок этиши мумкин. Бу шахслар иштирокида сўроқнинг жойи, вақти ҳақидаги барча музокаралар тергов бўлими раҳбари томонидан фақат ТИВ орқали олиб борилади.

Гумон остидаги хориж фуқаросининг сўроғи пайтида дипломатик ёки консуллик ходимининг иштироки ҳақидаги илтимоси кўриб чиқилиши шарт. Илтимосни қондириш рад этилганда, терговчи буни махсус қарор билан асослашга мажбур; илтимос қондирилганда вакилнинг иштироки ҳақидаги илтимос ТИВ органлари орқали жўнатилади. Қайта сўроқ ўтказиш заруриятида бундай чақирувчининг расмий тартиби қайтарилади.

Сўроққа тайёргарлик режа тузишни ўз ичига олади. Энг муҳим саволларни олдиндан маълумот бериладиган тилга таржима қилиш ва мумкин бўлганда таржиманинг айнан тўғри

эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар сўроқда хужжатларни тақдим қилиш кўзда тутилса, иш учун муҳим қисмини мазмуни ҳам олдиндан таржима қилиниши мумкин. Бу ҳолат ашъвий далилларга ҳам тааллуқли: уларнинг номлари ва улардаги белгилар, улар топилгандаги текшириш ёки тинтув баённомасининг қисмлари олдиндан таржима қилиниши керак. Олдиндан қилинган бундай таржима сўроқ қилинаётган шахсга бу буюмларни тўсатдан тақдим этгандагина зарур тактик таъсирни таъминлайди.

Хорижлик фуқарони сўроқ қилишни баённомадан ташқари магнитофон тасмаси ёки видеомагнитофон лентаси ёрдамида ёзиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу хорижлик фуқароларни ёки хорижлик фуқаролар иштирокидаги юзлаштиришда айниқса муҳимдир.

МДХ давлатларида яшовчи шахслар маълумотларни рус тилида беришни хоҳлайдилар ва бу нарса сўроқ баённомасида қайд қилинган бўлиши керак.

Шундай шароит вужудга келиши мумкинки, терговчи хорижлик фуқаро маълумот бермоқчи бўлган тилни биледи. Қонун бу тилда сўроқ олиб борилишига қарши эмас, агар терговчи унда бемалол гаплаша олса, бу албатта, сўроқ қилинаётган шахс билан мулоқотни анча енгиллаштиради, психологик алоқа, ишончли муносабатларнинг ўрнатилишига ёрдам беради. Лекин бунда шу тилда сўроқ баённомасини ҳам тузиш, кейинчалик таклиф этилган таржимон ёрдамида баённомани суд олиб борган тилга таржима қилиш ва мустақил таржимани ишга тикиб қўйиш тавсия этилади.

Дахлсизликка эга бўлмаган гувоҳ ёки жабрланувчи хорижлик фуқарони сўроқ қилаётганда, терговчи уни ўз кўрсатмаларидан бош тортгани ва ёлгон маълумотлар бериши учун жиноий жавобгарлиги ҳақида огоҳлантиради. Бу огоҳлантириш сўроқ баённомасида унинг имзоси билан тасдиқланади. Дахлсизликка эга бўлган шахс сўроқ қилинганда уни маълумот беришдан бош тортиши учун жавобгарлиги ҳақида огоҳлантириш аҳамияти йўқлиги шубҳасиз. Ёлгон маълумотларни берганлиги учун жавобгарликка келсак, бу ҳолат маълум даражада аҳамиятга эга, чунки бундай жавобгарлик ҳақидаги масала дипломатик йўл билан ҳал этилади, яъни, огоҳлантириш тактик маънога эга бўлади. Яна шуни кўзда тутиш керакки, бир қанча давлатларда кўрсатмаларнинг ҳаққонийлигини исботи сифатида қабул қилинган қасам Ўзбекистон қонунчилигида назарда тутилмаган, бу ҳол эса хориж фуқаросига тушунтирилиши керак.

Сўроқ қилинувчига эркин ҳикоядан сўнг бериладиган

саволлар ўз моҳиятига кўра ҳар хил шарҳларга йўл қўймаслиги керак. Сўроқ қилинаётган шахс тушунмайдиган ва аниқ таржима этилмайдиган иборалар, мақол ва маталларни ишлатишдан ўзини тутиши керак.

Юзлаштиришда маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Унинг иштирокчилари турли тилда гаплашувчи хорижлик фуқаролар бўлиши мумкин ва бу ҳолда таржимон ва қўшалок таржима керак бўлади. Бу ҳақда таржимонга айтиш ва унга юзлаштиришда иштирокчиларнинг бир-бири билан терговчини четлаб мулоқот қилишининг олдини олиш вазифасини юклаш керак.

Суд экспертизасини амалга ошириш жиноят иши бўйича ўтаётган шахслардан эксперт текшируви учун намуналар олишни талаб қилиши мумкин. Агар бундай шахслар дахлсизликка эга бўлмасалар, бу расмий процессуал тартибдан четга чиқмайди, лекин бунда қуйидаги муҳим ҳолни кўзда тутиш керак. Баъзи давлатларнинг урф-одатларига кўра, бегоналарга инсон аъзоларининг бирорта қисмини, шу жумладан сочлар, қон, сперма, тирноқ ва шу кабиларни беришга йўл қўйилмайди. Тарқалган ривоятларга кўра, буларнинг ҳаммаси инсонга сеҳргарлик тарзида зарар етказиши мумкин. Шунинг учун намуналар олишга уриниш терговчининг нуқтаи назаридан асоссиз қаршиликка учраши мумкин, мажбурий чоралар эса (қонунда кўзда тутилган ҳолларда) бутун тергов жараёнини анчагина мураккаблаштирадиган қаттиқ қарама-қаршиликка олиб келиши мумкин.

Шу сингари қаршиликка учраган терговчи унинг сабабларини аниқлаш ва агар сабаблар анъанавий ёки диний маросимларга оид бўлса, субъект эгаллаган нуқтаи назарни ўзгартиришга, ётиғи билан тушунтириш йўли орқали ҳаракат қилиб кўриши керак. Буни замонавий қарашдаги хорижлик фуқаро учун нуфузли бўлган диндошлар ёки юртдошларни таклиф этиб амалга ошириш мумкин.

Экспертиза тайинланганда гумон остига олинган ёки айбланаётган хорижлик фуқаро қарорларнинг таржимаси билан танишиш имкониятига эга бўлиши керак, унга албатта ҳуқуқлари тушунтирилиши керак, у ёзган илтимослар диққат билан кўриб чиқилиши керак. Худди шу тартибда эксперт (мутахассис)нинг хулосаси билан таништириш ва қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимоси ҳуқуқини унга тушунтириш керак.

Айбланадиган хорижлик фуқарони тугалланган ишнинг ҳужжатлари билан таништириш умумий қоидалар асосида таржимон иштирокида амалга оширилади.

38-боб КОМПЬЮТЕРДАН ФойДАЛАНИШ БИЛАН БОғЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ *Компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи*

90-йилларнинг биринчи ярмида бошланган ёппасига компьютерлаштириш (АҚШ ва Ғарбий Европадагидан кечроқ) компьютер ва дастурлар билан таъминлаш бозорини ривожлантиришга, фойдаланувчининг профессионал тайёргарлигини ўсишига, ташкилотларда маълумотларни технологик ишлаб чиқаришни такомиллашиши ва ўсишига олиб келди. Кенг фойдаланиш тармоқларига тобора кўпроқ уланаётган ЭХМ татбиқ қилиш соҳасини сезиларли кенгайтирди. Бухгалтерлик ва бошқа ишлаб чиқариш ҳужжатларидан, «қоғозсиз» автоматик фойдаланиш жорий этилмоқда. Компьютерда сақланаётган маълумотлар кўпинча қоғозда сақланмайди. Компьютер амалда нафақат раҳбарларнинг, ҳатто оддий ходимлар иш столининг таркибий қисмига айланмоқда.

Бу жараённинг натижаларидан бири компьютер маълумотларини ишлатиш соҳасида жиноий хатти-ҳаракатлар юз бера бошлади, бу эса мана шу соҳада содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликни қонун асосида қатъий белгилаб қўйишга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддасига биноан сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки шу каби ахборотларни рухсатсиз тўплаш ва ошкор қилиш, шунингдек бунинг орқасида кўп миқдорда зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ЖК 174-моддасига биноан компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шунингдек, рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш маълумотларининг бузилиши, олиб ташланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Компьютердаги маълумотларни кўпинча «анъанавий» бўлиб қолган ўзлаштириш, фирибгарлик, қалбаки пул ясаш, сохта ишбилармонлик ва бошқаларда қўллайдилар, масалан: тўлов ҳужжатларини сохталаштириш; ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан нақд ва нақд бўлмаган пул маблағларини ўғирлаш; пулларни ўзлаштириши (ошкоралаш); тегишли пулларни иккинчи маротаба олиш; қалбаки ёки ўғирланган электрон тўлов

воситалари ёрдамида (кредит карта) харидлар қилиш; махфий маълумотларни сотиш ва бошқалар учрамоқда.

Компьютерда шахслар, ашёлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тўпланadi ва тизимга солинади.

ЭХМдаги, ЭХМ тармоғидаги – компьютер маълумоти ҳам жиноят содир этилиши объекти (компьютернинг ўғирланиши, машина вақтидан ноқонуний фойдаланиш) ёки воситаси (ЭХМдан маълумот йиғиш учун, ҳужжатларини қалбакилаштириш учун) фойдаланиш бўлганда ҳам тергов қилиш жараёнида аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Программалаштирилган маҳсулотлар жиноят объекти сифатида ҳам (ноқонуний кўчириш, бузувчи программалар - вируслар ёрдамида зарар етказиш), жиноят содир этиш қуроли сифатида ҳам (тармоққа руҳсатсиз кириш, маълумотларни бузиш ва қалбакилаштириш) ишлатилиши учрайди.

Компьютер маълумоти бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: машинкада босиб чиқарилган; магнит, оптик ва бошқа омиллардаги тўплагичлар; ЭХМ хотирасидаги тезкор маълумотлар базаси. ЭХМга маълумот стандарт (клавиатура ва тўплагичлар), эластик ва қаттиқ магнит дисклари ҳамда ностандарт («сичқон», диджитайзер, сканер, ўхшашлик асосидаги рақамли ўзгартиргич) мосламалар орқали киритилади.

Маълумотни чиқариш мосламасининг блоки компьютер ишининг натижаларини истеъмолчи учун одатий мосламалари - монитор (дисплей), принтер, модем, плоттер (графоқурувчи) ва бошқалар қабул қилиш имконини яратади. Маълумотларни узоқ муддатли ва ишончли асраш учун кўпгина мосламалар ишлаб чиқилган: магнит ва магнитооптик диск тўплагичлар ва ҳоказо.

Компьютерда жиноят содир этиш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Ушлаб олиш усуллари Маълумотларни бевосита тутиб олиш бевосита телефон тармоғи орқали ёки компьютер тармоқларига уланиш орқали амалга оширилади. Барча маълумот ёзиб олинади. Яширинча эшитиш объекти бўлиб турли тармоқлар хизмат қилади - кабель ва ўтказувчи, ер усти микротўлқинлар, спутник ва ҳукумат алоқалари.

Маълумотларни электромагнит ёрдамида, бевосита алоқасиз ишлайдиган асбоблардан: марказий процессор, дисплей, телефон, принтер, микротўлқинлар алоқаси орқали ушлаб олиш мумкин. Жиноятчилар автомашинадан ёки портфелдаги приёмник билан бинодан узоқ бўлмаган жойдан, бировнинг эътиборини тортмасдан ЭХМ хотирасидаги ёки иш жараёнида ишлатувчилар

маълумотларни осонлик билан билиб олишлари мумкин. Экспериментлар пайтида бир бирига яқин жойлашган 25 дисплей терминалидан бир пайтда чиқарилаётган маълумотларни олиш ва ҳар бир экранга чиқарилган маълумотларни ажратишга муваффақ бўлинди. Агар телевизорга видеоманитофон уланса, маълумотларни нафақат тўплаш, кейинчалик бемалол таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Баъзан кичик микрофонлар компьютерларга ходимларнинг ўзаро гап-сўзини эшитиш мақсадида яширин ўрнатилади.

«Ахлатни йиғиб олиш» деб номланган усул компьютер билан ишлагандан сўнг истеъмолчи қолдирган маълумотларни ахтаришдан иборат. Ахлат соладиган саватларнинг ичидаги ёзишмаларни йиғиш каби электрон йўл билан сақланиб қолган маълумотларни излаш иш тугаллангандан сўнг ўчирилмаган маълумотларни танлаб аввалги ёзувларини ёзиб олишда ифодаланади.

Ёпиқ терминалларга кириш учун шахс ўзининг компьютер терминали ҳақиқий истеъмолчисининг йўлларига телефон каналлари орқали (интернет) боғланганда ёки истеъмолчи терминални фаол режимда қолдириб кетганда амалга оширади. Бундай йўллардан бири «думидан ушлаб» дейилади: рухсати йўқ истеъмолчи алоқа йўлларига уланади, сўнгра иш тугашини билдирувчи ишорани кутади, уни ушлаб олади ва истеъмолчи ишни тугатгач тармоққа кириб олади.

«Компьютерни исканжага олиш» усулида таваккалига бирин-кетин рақамларни териб, симнинг нариги учига бегона компьютерни жавоб бериши кутилади. Шундан сўнг телефон ЭХМдаги сигналлар қабул қилиш қурилмасига уланади ва алоқа ўрнатилади. Фақат кодни топиш қолади.

«Ниқобланиш» ёки «қаллоблик» - ўзини ҳақиқий истеъмолчи деб кўрсатиб компьютер тармоғига киришдан иборат. Уни амалга оширишнинг энг осон йўли ҳақиқий истеъмолчиларнинг код ва шифрларини қўлга киритишдир. Масалан, шахс компьютерларининг истеъмолчиларига унинг телефон рақами ўзгарганлигини билдириб, янги рақамни жўнатади. Сўровнома жўнатаётган истеъмолчи ўз шахсий коддини тиради ва ундан шахс ўз мақсадларида фойдалана олади.

Шунингдек, Мистификация деб номланган усул ҳам бор. Хусусан, қайси тармоқ билан уланмоқчи бўлса, ўша тармоқ билан боғланганига юз фоиз ишонган олисдаги терминал истеъмолчиси ногаҳон кимнингдир тармоғига уланади. Бу тармоқ эгаси, ҳаққонийга ўхшаш жавоблар бериб, бу янглишувни бирмунча вақт билдирмай туриши ва шу пайтнинг ўзида баъзи бир маълумотларни, хусусан кодларни билиб олиши мумкин.

«Халокат» усулида компьютер марказида ЭХМ ишида оғиш ёки бошқа четланишлар юз берган чоғда ишлатиладиган махсус программа мавжудлигидан фойдаланилади. Бундай программа ёвуз ниятли одамнинг қўлида қудратли ва хавфли қуролдир. Шу йўл билан Нью-Жерсидаги банкдан катта пул миқдори ўғирланган эди.

«Деворсиз омбор» усулида рухсатсиз кириш тармоқ бузилиши натижасида амалга оширилади. Масалан, истеъмолчининг баъзи файллари очиқ қолса маълумотлар банкининг унга тегишли бўлмаган қисмларига кириш имконияти вужудга келиши мумкин.

«Троян оти» усули программанинг иш қобилиятини ўзгартирмасдан муайян вазифаларни амалга оширувчи буйруқларни бегона программага киритишдан иборат. Бу усул билан жиноятчилар одатда ўз ҳисоб рақамларига ҳар бир операциядан муайян пул миқдорини чегиришади. Бу усуллардан бири «салями» деб аталади, бунда чегирмалар миқдори кичик бўлади ва уларнинг йўқотилиши амалда сезиларли эмас (масалан, ҳар бир операциядан 1 доллар)

«Бомба»-муайян бир шароитда ёки муайян бир вақтда ўз-ўзидан ишлаб кетиши керак бўлган (ёки ҳар сафар ишлаб кетадиган) буйруқлар тўпламини программага киритиш усулидир.

Жиноят усулининг энг қулай йўлини танлаш учун жиноятчилар аралашини хоҳлаган жараёнларининг моделини тузадилар ва тажовуз қилиш ва уни яшириш усулларини режалаштирадилар. Бунинг йўлларида бири - реверсив моделдир. Бунда аниқ тармоқ модели ясалади, унга ҳақиқий бошланғич маълумотлар киритилади ва режалаштирилган ҳаракатлар ҳисобга олинади. Олинган тўғри натижалардан ҳақиқатга ўхшашларининг кераклиси танлаб олинади. Сўнгра моделни қайтариш йўли билан натижаларни аниқлайдилар ва бошланғич маълумотлар билан қандай ўзгартiriшлар киритишни аниқлайдилар.

«Варрак» - кўпроқ қўлланиладиган усул. Бир нечта банкда кўп маблағ қўйилмаган ҳисоб рақами очилади ва пулни бир банкдан иккинчисига секин-аста кўпайиб борувчи пул миқдори ўтказилади. Фирибгарлик шундан иборатки, пул ўтказиш хабарномаси зарур маблағ билан таъминланмаганлиги банкда аниқлангунча биринчи пул ўтказиш ҳақидаги талабномадаги пул маблағини қоплайдиган умумий маблағини бу банкка ўтказиш ҳақида хабарнома келади. Бу кўп маротаба, ҳисоб рақамида дурустгина маблағ йигилгунча давом этади. Сўнгра пул тезда ҳисобдан олинади ва ҳисоб рақамининг эгаси ғойиб бўлади.

Қоида бўйича компьютер билан боғлиқ жиноятлар бир неча усулда олиб борилади.

Криминалистик тавсифнинг кейинги таркибий қисми бўлиб жиноятчининг шахси хизмат қилади. Компьютер соҳасида жиноят содир этувчиларни адабиётда уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган деса бўлади.

Компьютер соҳасида жиноятларнинг пайдо бўлиши «хакерлар» билан боғлиқ. Аввал уларнинг мақсади программалашган маҳсулотнинг муҳофазасини «бузиб» қўйишдек қийин масалани ечиш билан ёки ўз иззат-нафсини қондириш, ҳазиллашиш учун компьютер вирусларини яратиш билан боғлиқ фақатгина оддий қизиқиш сифатида рўй берган. Хакерларни ўзига хос компьютер ишқибозлиги билан биргаликда юқори даражадаги моҳирлик ажратиб туради. Гуруҳга кўпчилиги ўткир ақл-идроқка эга бўлган ва ностандарт тафаккури билан ажралиб турадиган профессионал программистлар киради. Ўз компьютер тармоқлари учун хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш ва бегона воситаларни «бузиш» улар учун ягона вазифани ўтайди ва бу жараён уларга ўзича завқлидир. Секин-аста улардан баъзилари ўз ишидан бир қанча моддий фойда олишга ўтадилар.

Профессионал жиноятчиларнинг қилаётган ишларида гаразли ниятлар яққол ифодаланган. Улар барқарор жинойи маҳоратга эга. Мазкур жиноятларни кўп маротаба содир этадилар ва уларни албатта яшириш ҳаракатлари билан бирга олиб боришади. Булар одатда техник жиҳатдан жуда яхши таъминланган, уюшган жинойи гуруҳ ва тўдага кирувчи, олий математик, муҳандис-техник ёки иқтисодий маълумотли юқори малакали мутахассислардир. Бу гуруҳ ҳиссасига мансаб, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш, ўта катта миқдордаги маблағларни ўғирлаш, фирибгарлик билан боғлиқ ўта хавфли жиноятлар тўғри келади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, бу соҳа жиноятчисининг тавсифини бериш мумкин. Уларнинг кўпчилигини эркалар ташкил этади (тахминан 80 фоиз), лекин компьютер техникасини эгаллаш билан боғлиқ жиноятларда аёллар ҳиссаси котибалар, иш юритувчилар, ҳисобчилар, газначилар ҳисобига жуда тез кўпаймоқда. Кўпчилик қонунбузарларнинг ёши 15-45 ёшни ташкил этади, 33 фоиз жиноятчиларнинг ёши 20дан ошмайди.

Тажовуз қилиш сабаблари ва мақсадлари орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: гаразли (мблағлар ва мол-мулкни ўзлаштириш), сиёсий (жосуслик, мамлакатнинг молиявий, пул-кредит ва валюта тизимини қўпоришга қаратилган), тадқиқотчилик эҳтиёжи, безорилик ва шўхлик, қасос ва бошқа истаклар.

Криминал тавсиф тизимида жабрланган томон ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Жабрлан-

ган томон ҳақидаги маълумотлар криминалистик жиҳатдан шубҳасиз муҳимдир, чунки жиноятчининг шахсини, уни қидириш керак бўлган шахслар даврасини тўлиқроқ тавсифлашга имкон беради. Одатда жиноятчи жабрланувчи томонини ўз тажовуз объекти сифатида танлаши тасодифий эмас.

Компьютер соҳасидаги жиноятчилик бўйича халқаро қўмитанинг маълумотлари бўйича бу турдаги ҳаракатлар жиддий хавф туғдиради. Масалан, техник-ҳисоблаш тизими кўзда тутмаган техник ҳолатнинг ёки жиноятнинг вужудга келиши энг катта банкни ҳам бир неча кун ичида молиявий инқирозга олиб келиши мумкин.

Жабрланганларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин: компьютер тизимининг эгалари, улар хизматидан фойдаланаётган mijozлар ва бошқа шахслар. Айниқса биринчи гуруҳга тегишли бўлган жабрланувчилар компьютер маълумотлари ҳаракатлари соҳасидаги жиной ҳодисалар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўп ҳолларда қуйидаги сабабларга кўра ноиложликдан хабар берадилар ёки хабар бермайдилар: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг бу масалада тажрибасизлиги; тергов оқибатида келтириладиган зиён етказилган зарардан ортиб кетишидан хавфсираш ва шу билан бирга фирманинг обрўсига путур етиши; суд жараёни вақтида ташкилот хавфсизлиги тузилишининг ошкор этилишидан ҳадиксираш; ўзининг ноқонуний ҳаракатларини аниқланишидан қўрқиш, мансабдор шахсларни тергов натижаларининг бири уларнинг профессионал яроқсизлиги (тажрибасизлиги) ҳақидаги хулоса бўлишидан ҳадиксираш; мавжуд маълумотларнинг ҳақиқий қийматини тушунмаслик. Бу ҳолатлар шубҳасиз шу турдаги жиной ҳаракатларни содир этиш имконини яратади.

2-§. Тергов тактикасининг хусусиятлари

Ушбу соҳадаги жиноятларни тергов қилишда уч хил вазиятни учратиш мумкин:

1) ҳамма нарса аниқ – жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари маълум (масалан: қандай вирус ва қай йўл билан компьютер тармоғига киритилган) ва жиноят жабрланувчининг ўз кучи билан аниқланган, жиноятчи маълум ва қўлга олинган, ўз айбига иқрор бўлган вазият;

2) Жиноятни содир этиш усули маълум, аммо жиноят механизми қисман ноаниқ, масалан компьютер тармоғи ҳимоясининг заиф жойлари орқали фойдаланувчиларни интернет файлларига ноқонуний кирганларида жиноятчининг шахси аниқ бўлиб, аммо у яширинган;

3) фақат жиноий натижа аниқ, масалан, банк компьютер тармоғини ишдан чиқариш; жиноятчининг шахси ва жиноят механизми ноаниқ.

Биринчи ҳолатда компьютер тизимига ноқонуний кириш ва юзага келган натижалар ўртасида алоқа борлиги (ишдан чиқиш, компьютерга вирус тушириш ва бошқалар), келтирилган зарарнинг ҳажмини аниқлаш зарур. Иккинчи ҳолатда – юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари, жиноятчини қидириш ва қўлга олиш зарур. Ниҳоят, энг ноқулай (учинчи) ҳолатда жиноят механизмини аниқлаш зарур.

Тергов тактикасининг бир қисми бўлган компьютер информациясини ошкор қилиш, фиксациялаш ва олиб қўйиш тўғрисида тўхталиб ўтсак, аниқроғи: жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни кўздан кечириш, тинтув қилиш (шунингдек ўша жойдаги ва бинодаги шахсий тинтув), олиб қўйиш (буюмларни, ҳужжатларни, почта-телеграф корреспонденциясини, давлат сирини ўз ичига олган ҳужжатларни), телефон ва бошқа сўзлашувларни яширин эшитиш тўғрисида. Бу тергов ҳаракатларини амалга оширганда компьютердаги маълумотни йўқ қилиш ёки унга зарар етказишга йўл қўймайдиган компьютер маълумотини қидиришни тактик тўғри бажариш, керакли маълумотни топиш; қайд этиш ва процессуал меъёрга мувофиқ олиб қўйиш керак.

Тергов, тафтиш ёки олиб қўйишга тайёргарлик кўришда терговчи қарор қабул қилади. Бу эҳтиёж компьютер ҳаракати соҳасидаги жиноят таркиби белгиларидан ташқари қуйидагиларга асосланган бўлиши мумкин:

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчилар, баъзи гувоҳлар ҳисоблаш техникаси ва информатика соҳасида махсус маълумотга, шунингдек, шахсий компьютер техникасига эга бўлса;

иш материаллари ҳужжатларида ЭҲМ орқали ёзилган ҳужжатларнинг борлиги (сўровномаларга жавоб, айбланувчи ёки жабрланувчи тарафидан олинган маълумотномалар);

компьютер маълумотини тарқатувчи буюмларни ўғирлаш;

юқорида кўрсатилган шахсларни ҳисоблаш техникаси, программалаштириш билан қизиқиши ёки уларнинг шундай қизиқишга эга бўлган шахслар билан алоқаси борлиги.

Кўздан кечириш ёки тинтувга тайёргарлик кўриш чоғида ишлатилаётган ЭҲМнинг тури ва конфигурацияси тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотга эга бўлиш зарур; маҳаллий ёки глобал тармоққа (интернетга) уланганлиги; информациявий хавфсизлик ва ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя хизмати мавжудлиги; ҳисоблаш техникаси ўрнатилган жойдаги электр

таъминлаш тизими; фойдаланувчилар малакаси; ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатувчи ходимлар тўғрисида маълумот тўплаш зарур. Бундай маълумотга эга бўлиш терговчига компьютерда сақланаётган маълумотга эга бўлишни енгиллаштиради ва унинг далилий кучини максималлаштиради.

Компьютер маълумотини тезда йўқ қилиш мумкин бўлганлиги учун кўққисдан қилинган тинтув ёки тезкорлик билан ўтказилган кўздан кечириш кўпинчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар компьютерларда маҳаллий компьютер тармоғи ҳосил қилганлиги тўғрисида маълумот олинса, бу тармоққа уланган барча компьютер техникаси жойлашган жойни аниқлаш ва ЭХМ ўрнатилган барча жойларда бир вақтнинг ўзида тинтув ташкил қилиш зарур. Тинтувдан (кўздан кечириш)дан аввал компьютер информациясини йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш имкониятини олдини олувчи чоралар кўриш лозим. Бунинг учун кўздан кечириш пайтида ЭХМни электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш, кўздан кечириш ёки тинтув ўтказилаётган жойдан бегоналарни чиқариб юбориш ва ҳеч кимни қўймаслик; қолган шахсларни ҳисоблаш техникаси ва электр токи таъминоти мосламаларига тегиш имкониятидан маҳрум қилиш учун чоралар кўриш зарур. Агар объектда портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли моддалар, электромагнит нур тарқатувчи буюм ва аппаратлар бўлса, уларни бартараф қилиш керак. Кўздан кечириш ёки тинтувни информатика ва ҳисоблаш техникаси мутахассиси билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Холислар сифатида ҳам ЭХМда ишлаш билан таниш бўлганларни таклиф қилиш фойдадан холи эмас.

Маълумотни фақат компьютердагина қидириб қолмасдан, ҳамма ҳужжатларни, (қоғоз парчаларигача), синчиклаб кўздан кечириш зарур, чунки программистлар кўпинча, ўз хотираларига ишонмасдан қоғозда пароллар, конфигурация тизимлари ҳақидаги ўзгаришлар, компьютер маълумот базаси тузилиши хусусиятлари тўғрисида ёзувлар қолдиришади. Кўпгина фойдаланувчилар компьютер ишдан чиққанда маълумотларни йўқотмаслик учун файллар нусхаларини дискетларда сақлашади. Шунинг учун, топилган барча маълумот тарқатувчи буюмлар олиниб текширилиши керак.

Фақат санаб ўтилган тайёргарлик чораларидан сўнггина терговнинг кейинги босқичига ўтиш керак. Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, оддий қоидаларга амал қилмаслик оқибатида терговчининг компьютер маълумотини йиғиш борасидаги фаолияти ўз мақсадига эришмайди. Тинтув пайтида, гумон қилинувчи тезкор тергов гуруҳи аъзоларига сездирмасдан ЭХМ кучланиши тумблерини муруватини 220 дан 115 га ўзгартириб

қўяди. Таъминот блоки ёқилгандан бироз ўтгач сўнг ишдан чиқади ва компьютер умуман ишламаслигига сабаб бўлади.

Компьютер маълумотини қидириш тактикаси, биринчидан, маълумотнинг химояланиш даражаси, иккинчидан, тергов ҳаракатлари даврида компьютернинг ва периферия мосламаларининг функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танланиши зарур.

Компьютерни юқори даражада химояланганлигига ноқонуний маълумотдан фойдаланишга қарши ва ёки сертификатланган махсус химоя воситаларининг мавжудлиги; компьютер тизими жойлашган ҳудуд ва биноларни (техник воситалар ва махсус персонал ёрдамида), узлуксиз қўриқлаш, жиддий кириб-чиқиш режимларини қўллаш, биноларни махсус жиҳозлаш; маълумот муҳофазаси маъмурияти мавжудлиги, нормал ишлаши ва иш назорати гувоҳ бўлади.

Химояланишнинг паст даражаси компьютердан фойдаланишнинг оддий алгоритми (масалан, маълумотлар фақат пароль билан химояланган), уни енгиб ўтиш тўғрисидаги ишончли маълумотлар олиш билан ифодаланади, бунда маълумотга етишиш учун махсус воситалар ишлатилмайди.

Компьютер маълумотларига ноқонуний эришишга қарши химояни енгиб ўтиш терговчи фаолиятида энг масъулиятли ишларидан биридир. Айнан нотўғри муомала натижасида маълумотлар (махсус программалар ёрдамида) йўқ қилиниши, шу жумладан ўз-ўзидан, ўзгартирилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш чоғида компьютернинг химоя даражасини (химоя воситалари, пароллар, муҳим сўзлар ва ҳоказо) иложи борича аниқ ва тўлиқ аниқлаш зарур.

Бир тарафдан, программалаштириш ва ҳисоблаш техникаси мутахассисларининг умумий фикрларига кўра, химояни тўла кафолатлайдиган техника ва программа воситалари бугунги кунда мавжуд эмас. Шу боис, умуман олганда, маълумот излашда ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш мумкин. Бошқа тарафдан, мавжуд химоя воситалари шунчалар хилма-хил ва улар ҳар-хил алгоритмлар ва химояланиш кўринишига эгаки, уларни енгиб ўтиш учун кўп вақт талаб қилинади. «Хакерлар» орасида бирор мақсадга эришиш химоясини енгиб ўтиш юқори маҳорат саналади.

Компьютер маълумотларини химоялашнинг сабаблари тур-лича. Жиноятни тергов қилиш ва очишга тўсқинлик қилиш мақсадидан ташқари истеъмолчилар маълумотларини ЭҲМда ишловчининг етарли билим ва маҳоратга эга эмаслиги ва бетар-тиблигидан химоялашади. Компьютер маълумотларини химоялаш

идентификация (истеъмолчини аниқлаш) ва аутентификация (аслига тўғрилигини текшириш) йўли билан амалга оширилади. Иккинчи тараф субъект ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилади. Аслига тўғрилиқ паролни билиш, шахсий идентификация номери, криптографик калит; шахсий карточка ёки шу каби мослама; овоз, бармоқ излари ва бошқа биометрик хусусиятлар билан тасдиқланади.

Пароллар аввалдан операциявий тизим ва бошқа сервис программаларга ўрнатилади. Тўғри ишлатилганда, улар кўпгина ташкилотларга хавфсизликнинг мақбул даражасини таъминлай олади. Шундай бўлса-да, хусусиятлар мажмуи бўйича улар аслига тўғрилиқни тасдиқловчи энг заиф воситадир. Паролларнинг ишончлилиги уларни эсда сақлаш ва сир тутиш қобилиятига асосланган. Пароль эсда қоладиган бўлиши учун уни оддий тузишади, бироқ қонуний истеъмолчиларнинг қизиқишлари, танишлари доираси аввалдан ўрганиб чиқилса, паролни топиш қийинчилик туғдирмайди. Баъзи пароллар бошидан сир тутилмайди, чунки улар ҳужжатларда кўрсатилган стандарт маънога эга бўлади ва тизим ўрнатиладиганда ҳар доим ҳам ўзгартирилмайди. Паролни киритишни оптик воситалар ва процессор ва монитор тарқатувчи электромагнит нурни қўлга олиш мобайнида аниқлаш мумкин.

Компьютер техникасини кўздан кечириш ёки тинтув пайтида пароль ёрдамида ҳимоя қилишнинг анализи компьютерда топилган криминалистик маълумотнинг ҳақиқий эгасини аниқлашда терговчига ёрдам бериши эҳтимоли каттадир. Бошқача қилиб айтганда, пароль тизими ишончлилиги қанча катта бўлса, унинг ҳақиқий эгаси кимлигини ишонч билан аниқлаш мумкин бўлади ва топилган маълумотнинг далилий кучи шунча юқори бўлади.

Қоғозсиз технология машинавий тарқатувчилар ёки алоқа тармоқлари орқали ҳужжатлар алмашинувида бир қатор афзалликларга эга. Аммо бунда ҳужжат муаллифи ва ҳужжатни идентификациялаш муаммоси туради. Одатий (қоғозли) технологияда бу нарса ҳужжатдаги маълумот жисмоний тарқатувчи (қоғозли) билан узвий боғлиқ. Бу муаммо қисман «рақамли имзо» ишлатиш орқали ҳал этилади. Технология шундан иборатки, ҳужжатни тузган шахс, уни махсус программа – электрон калит ёрдамида кодлаштиради. Бунда иккита калит қўлланилади. Биринчиси, сир тутилмагани, шифровка учун ишлатилиб, истеъмолчининг адреси билан бирга эълон қилиниши мумкин, иккинчиси, махфий расшифровка қилиш учун ишлатилиб, фақатгина бир шахсга маълумдир. Бу программа одатда, ҳужжатнинг муаллифи ёки жўнатилган тарафга маълум бўлиб махсус дискетада сақланади. Рақамли имзо иккита функцияни бажаради-маълумотнинг дах-

лсизлигини таъминлайди ва ҳужжат муаллифининг шахсини тасдиқлайди. Криптографик ҳимоя компьютер ёки магнит тарқатувчидаги маълумотнинг махфийлигини таъминловчи энг ишончли воситалардан саналади. Шуни ёдда тутиш керакки, тасарруфда компьютер ёки магнит тарқатувчи бўлса-да, электрон калит топилмаган бўлса, маълумотни «ўқиш» ва муаллифни идентификациялашнинг иложи бўлмайди.

Криптоалгоритмларни ишлатишдан ташқари яна бир қатор шифротекст анализи ва уни очишга уринишнинг турли шароитларини инobatга олувчи программалаш воситалари мавжуд. Уларга қисман, маълумотни магнит тарқатувчиларни шифрлашдан ташқари клавиатура ва ЭҲМ экрани фаолиятини вақтинча тўхтатувчи (қимматли маълумотни йўқ бўлиб қолиши), шунингдек, винчестер виртуал дисклари ёки файллар даражасида маълумот объектларини ҳимоясини кўзда тутувчи Norton Utilities пакетидаги Diskreet программасини мисол қилиш мумкин. ЭҲМнинг нормал иш фаолиятини давом эттириш учун пароль киритиш керак бўлади.

Машинавий маълумотга етишишни бошқарувчи барча ҳимоя программалари саволга жавоб бериш принципи бўйича ишлайди: ким, қандай операциялар ва қандай маълумотлар билан ишлай олади. Маълумотдан фойдаланиш қуйидагича белгиланиши мумкин:

- умумий (албатта ҳар бир истеъмоличига тақдим этилган имконият);
- рад (қатъий рад, масалан, маълумотнинг бир қисмини йўқ қилишга рухсатни);
- ҳодисага боғлиқ (ҳодиса томонидан бошқарилувчи);
- истеъмолчи мурожаатини блокировка қилиш, масалан, маълум вақт оралиқларида ёки маълум бир терминал компьютер тизимларига мурожаат қилганда;
- маълумотлар мазмунига боғлиқ (бу ҳолатда маълумотдан фойдаланиш маълумотларнинг жорий моҳиятига асосланади, масалан, баъзи бир истемолчиларга у ёки бу маълумотларни ўқиш тақиқланади);
- ҳолатга боғлиқ (компьютер тизимини динамик ҳолатидан), ҳимоя тизими ва программаларни бошқарувчи компьютер тизимининг жорий ҳолатига боғлиқ ҳолда амалга оширилади;
- такрорлашга боғлиқ (масалан, истеъмолчига фақат бир ёки муайян маротаба маълумотдан фойдаланишга рухсат берилади);
- истеъмолчининг исми ёки бошқа белгилари бўйича (масалан, истеъмолчи 18 ёшга тўлган бўлиши керак);
- ваколатларга боғлиқ, яъни тақдим этилган режимга биноан мослама, маълумот, программаларга мурожаат этиш, масалан,

«фақат ўқиш», «ўқиш ва ёзиш», «фақат бажариш»га рухсат берилиши мумкин.

Аввалги мурожаат ва маълумотлардан фойдаланишни бошқариш билан аввалги мурожаатлар ва маълумотлар орасидаги семантик алоқани инobatга олувчи ваколатларга боғлиқ (программа аввалги сўровномаларни ўз ичига олувчи контекст таҳлилини, жорий сўровнома муҳитини ва маълумотлар ўртасидаги семантик алоқаларни анализ қилади);

Рухсатнома бўйича (пароль ёки бошқа идентификатор: карточка, нишон ва ҳоказо бўйича) идентификация остида компьютер тизимига кираётган истеъмолчининг ҳаққонийлигини аниқлаш тушунилади;

Таомил бўйича (бу ҳолатда тизим ўз тартибига эга: маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи ўз қоидаларини автоматик равишда жамлайди).

Янги электрон технологияларга электрон калитларни ишлатиш киради. Электрон калит катталиги гугурт қутисидан катта бўлмаган микросхемада ишланган хотирали мосламадир. Компьютерни кўздан кечириш пайтида ҳимояланган программа ишлатилса, у ўз калити мавжудлигини текширади. Калит топилса, программа бажарилади; акс ҳолда хато тўғрисида маълумот пайдо бўлади ва иш жараёни тўхтатилади. Калитнинг ўзи принтер уланадиган портга киргизилади ва осонликча чиқарилади.

Шундай қилиб, тезкор маълумотнинг мавжудлиги ва қўлланилиши, кўпинча ЭХМдаги қидирувда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, ҳимояни муваффақиятли енгиб ўтиш компьютердаги далилларни йиғиш муаммоларини ҳал қилмайди. Компьютер маълумотини қидириш, кўздан кечириш ёки тинтув пайтида ЭХМ ва унинг периферия мосламаларининг функционал ҳолатига боғлиқ бўлади. Маълумот доимий тарқатувчида ёки ЭХМнинг фақат иш даврида сақланиши мумкин, шунинг учун терговчи тергов ҳаракатлари бошида компьютер ёқилган ёки ўчирилганлигидан келиб чиққан ҳолда турли тактик усуллар қўллаши лозим.

Компьютер ёқилганда электрон мосламалар маълумот ва программалар учун мўлжалланган «жорий хотира» ҳажмини ташкил этади ва уларнинг иш жараёнида хотирада сақлаб туради. Компьютер ёқилганда бирор программа билан ишлашни тугатганда ОЗУ тозаланади ва янги маълумотларни киритишга тайёрланади. Компьютернинг иш жараёнида ОЗУ махсус программалар воситаларида программа ва маълумотларни алоҳида сақлайдиган махсус қисмларга бўлинади. Бундай қисмларнинг ичида, истеъмолчининг хоҳишига кўра ташқи мослама - маълумот тўпловчига ўхшаш махсус қисм ажратилиши мумкин. Бу

тўпловчи қисм («виртуал диск» ёки «псевдодиск») маълумотга етишишни катта тезлиги ва ЭХМ мосламалари билан программа алмашиш борасидаги махсус операцияларни тез бажариш билан ажралиб туради. Компьютер ишлаётганлигига система блоки панелидаги индикаторларни ёниши, липиллаши, тумблерларнинг ҳолати, дисплейдаги тасвир, кичик вибрация ва вентиляторларнинг ичидаги паст овоз гувоҳлик беради.

Агарда компьютер кўздан кечиришдан аввал ёқилган бўлса, у ҳолда дисплейда тасвирланган маълумотни тўғри баҳолай олиш керак. Биринчи навбатда қандай программа бажарилаётганлигини аниқлаш керак. Стандарт программа ишлаётганда (масалан, экранда Norton Commander ёки Windows программалари тасвирланган бўлса), техник воситаларни кўздан кечирмай туриб ҳар хил манипуляцияларни бажармаслик керак. Дисплей экранини суратга олиш лозим. Компьютерга уланган барча телефон линияларни ўчириб қўйиш зарур. Керак бўлса, система блоки қопламасини очиб, ЭХМ конфигурациясини визуал усулда аниқлаш, электрон платаларни жойлашиш тартибини ёзиб олиш керак. Бу қоидаларга амал қилиш маълумот базаси ва аппарат воситаларини ишдан чиқиши ва уларга зарар етказишдан сақлайди. Бундай воситаларга электрон калитлар, «радиозакладка», товуш ўчиргичлар ва бошқалар кириши мумкин. Аппарат воситаларини кўздан кечирганда ушбу тергов ҳаракати, (тинтув) қатнашчиларига номаълум воситалар (кенгайтириш платалари, ностандарт боғлама ва бошқалар) учраса, компьютер дарҳол ўчирилиши керак. Бу ҳолатда таъминот блоки тумблерини ўчирмай туриб вилкани розеткадан чиқариш керак. Сўнгра симларни узишдан аввал барча портлар, уланиш тизими ва қисмларини кейинчалик кабель, кенгайтириш платаларини ва бошқа мосламаларини аниқ ўз ҳолига келтира олиш учун белгилаб қўйиш зарур.

Агар процессорнинг конфигурацияси стандарт бўлса, жорий пайтда бажарилаётган программа билан ишлашни тўғри яқунлаш ёки у билан ишлашни кўшимча, балки қидирилаётган маълумотлар чиққунча давом эттириш зарур. Кўздан кечиришда (тинтувда) ҳозир бўлганларга терговчи мутахассисларнинг ЭХМ манипуляцияси давридаги барча хатти-ҳаракатларини тушунтириб бериши керак. Маълумот базасига яққол ва енгил изоҳларсиз киришга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай клавишани босилиши ёки «сичқон»нинг ҳаракати изоҳланган бўлиши керак.

Агар маълумот қидируви учун терговчи ишлатаётган, лекин компьютерда бўлмаган программа маҳсулотлари ишлатилса, бу нарса текширув ёки тинтув баённомасида қайд этилиши керак. Бундай программалар стандарт бўлиши керак. Назорат

яққоллиги, яъни, программа ишининг асосий этапларини дисплей экранида кўриниши, терговчи ва мутахассиснинг изоҳ бериши зарурдир. Холисларнинг максимал фаоллиги қидирилаётган программа, текст ёки график ҳужжат эмас, балки аудио ёки видеоролик (вербал ёки визуал маълумот) бўлиши мумкинлиги учун жуда муҳимдир. Программа ишининг бундай натижаси бетакрор бўлиб, баённома ёрдамида қайд этилади.

Қидирилаётган маълумот топилганда дисплейнинг жорий тасвири суратга туширилиши ва стандарт воситалар ёрдамида маълумотни доимий тарқатувчига (одатда - магнит диск) ёзиб олиш ёки принтер орқали қоғозга чиқариш зарур.

Компьютерни ёқиб ўчириш ва улар билан манипуляция қилиш фақат ҳисоблаш техникаси мутахассиси иштирокида бажарилиши мумкин. Агар объектда электр таъминоти ўчириб қўйилган бўлса, ёнғин ёки портлаш билан боғлиқ ҳолда, уни ёқишдан аввал компьютер ва ҳамма периферия мосламалари ўчирилганлигини текшириш керак. Объектда мавжуд барча компьютерлар (ёки хотира блоклари) ва магнит тарқатувчилар олиб қўйилиши керак. Уларни объектда ёки бегоналар кириши мумкин бўлган ерларда сақлаш мумкин эмас. Магнит тарқатувчилардаги маълумот жиноятчи томонидан осонгина йўқ қилиниши мумкин. Бу ҳолатни визуал йўл билан аниқлаб бўлмайди.

Компьютер ва унинг мосламалари муҳрланади: разъемларга қоғоз қўйиб, эгаси ёки эксперт йўқлигида фойдаланишнинг олдини олиш учун унинг четларини компьютернинг ён деворига қуюқ клей ёки ёпишқоқ лента ёрдамида маҳкамланади. Магнит тарқатувчилар турли хил электромагнит ва магнит майдонларнинг таъсири ва йўналтирилган нур тарқатишнинг салбий таъсири олдини олиш учун махсус экранлаштирилган контейнер ёки футлярларда сақланади. Фақат контейнер ва футлярларгина муҳрланади. Изоҳловчи ёзувлар дискетага ёпиштирилувчи махсус этикеткаларга ёзилади. Бунда аввал этикеткага ёзув туширилади ва сўнгра дискетанинг махсус мўлжалланган ерига ёпиштирилади. Агар дискетада ёзувли этикетка мавжуд бўлса, у ҳолда фақат тартиб рақами қўйилади, изоҳловчи ёзувлар эса шу рақам остида алоҳида вараққа ёзилиб, коробкада сақланади. Магнит тарқатувчиларни бевосита каноп билан ўраш, уларни тешиш ва уларга имзо, белги ва муҳр қўйиш мумкин эмас.

Тергов ҳаракати баённомасида магнит ва бошқа доимий магнит тарқатувчиларнинг жисмоний хусусиятлари, аппаратуранинг серия номерлари ва уларнинг индивидуал белгилари қайд этилади. Машинада ёзилган текстлар баённомага илова сифатида расмийлаштирилади.

Кўпинча аппарат воситаларида маълумот изларидан

ташқари криминалистика учун одатий излар ҳам учраб туриши сабабли, кўздан кечиришга мутахассис-криминалистни таклиф қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Тергов амалиётида компьютер воситаларининг ички элементларида бармоқ излари, металлни қайта ишлаш асбоблари, қўлда улаш излари қолганлиги ҳолатлари маълум.

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни бошланғич сўроқ қилишда компьютер тизимининг функцияси ва мақсади, компьютер техникаси ва у жойлашган ерга ким бемалол кириши мумкинлиги, у ерда бегоналарни пайдо бўлиши ва қандай ҳимоя воситалари ишлатилганлигини аниқлаш зарур. Агар маълумотнинг бир қисми махфий бўлса, ким ундан фойдаланишга рухсат берган ва аслида ким фойдаланган: Жиноят натижасида қандай зарар (мулк, номулк шаклида) етказилган ва уни камайтириш йўли борми?

3-§. Экспертиза тадқиқотининг имкониятлари

Юқорида мазкур тоифа ишлари юзасидан ашёвий далил йиғиш бўйича мутахассиснинг иштирок этиши нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтгандик. Лекин унинг бўлғуси таҳлили, эксперт тадқиқотлари жараёнида далилларни текшириш янада муҳимдир.

Мазкур ишларда ўтказиладиган экспертизаларнинг асосий тури - компьютер-техник экспертизасидир. Бу турдаги экспертизалар ичида уларнинг вазифаларига ва тадқиқ этиш объектларига боғлиқ равишда яна икки кўринишини ажратиш мумкин:

- компьютерлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларининг техник экспертизаси, компьютернинг конструктив хусусиятлари ва унинг ҳолатини, унинг периферия мосламалари, магнит ташувчилари ва ҳоказолар, компьютер тармоқлари ҳолатини, шунингдек ишда нуқсонлар пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш мақсадида ўтказилади;

- маълумотлар ва дастурий таъминот экспертизаси, компьютерда ва магнит ташувчилардаги ахборотни ўрганиш мақсадида амалга оширилади.

Компьютер-техник экспертиза ҳал қилиши зарур бўлган масалаларни ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин. Компьютерлар ва уларнинг бутловчи қисмларининг техник экспертизаси томонидан ҳал қилинадиган (диагностик) саволлар:

1) тадқиқ этишга компьютернинг қайси модели тақдим этилган; унинг тизим блоки ва периферия мосламаларининг техник тавсифи; мазкур ҳисоб тармоғининг техник тавсифи;

2) мазкур компьютер ва унинг бутловчи қисмлари қачон ва

қаерда тайёрланган ва йигилган; компьютер завод шароитида йигилганми ё хонаки шароитдами;

3) компьютер ва перифериясининг ички тузилиши илова қилинган техник хужжатларга мувофиқми; компьютер конструкциясига ўзгаришлар киритилмаганми (масалан, қўшимча ўрнатилган мосламалар, қаттиқ дисклар, тезкор хотирани кенгайтириш, оптик дискларни кўчириб олиш мосламалари ва конфигурациянинг ўзгаришлари);

4) компьютер ва унинг бутловчи қисмлари созми; уларнинг ишлатилганлик даражаси; компьютер ва периферия мосламалари носозлигининг сабаблари; магнит ахборот ташувчиларнинг жисмоний нуқсонлари йўқми;

5) компьютер ўзига хос фойдаланувчилар (чапақай, кўзи ожиз ва бошқа) ишлаши учун мосланганми;

6) ахборотни қабул қилиш, йиғиш ва узатишга мослашган бошқа электрон воситаларининг (пейджер, электрон ён дафтарча, телефон сервери) техник тавсифи; бу воситалар созми; носозлигининг сабаблари.

Маълумотлар ва дастурий таъминот экспертизасига ҳал этиш учун тақдим этиладиган диагностик масалалар:

1) компьютерда қандай операция тизимидан фойдаланилган;

2) ички ва ташқи магнит ташувчилардаги ахборот мазмуни нимадан иборат, шу жумладан у ерда қандай дастурий маҳсулотлар жойлашган; дастурий маҳсулотлари нимани кўзлаган; уларнинг ишлаш алгоритми, ахборотни киритиш ва чиқариш услуги қанақа; мазкур компьютер дастури, маълумотлар базаси ишлаганида маълумотлар киритилиб, натижалар نامойиш этилгунига қадар қанча вақт ўтади;

3) мазкур дастурий маҳсулотлар стандарт тизимларнинг лицензияли (ёки рухсат этилмаган) нусхасими ё ўзига хос (оригинал) ишланмами;

4) ушбу тизим маҳсулоти дастурларига баъзи операцияларнинг (қайси) бажарилишини ўзгартирадиган бирон ўзгаришлар (қандай) киритилмаганми;

5) мазкур ўзига хос компьютер маҳсулоти техник вазифага мувофиқ келадими; уни ишлатишда барча кўзда тутилган функцияларининг бажарилиши таъминландими;

6) ахборотдан фойдаланишни чеклаш учун пароллар, яширин файллар, ҳимоя дастурлари ва бошқалар қўлланганми; яширин ахборотнинг мазмуни нимадан иборат; пароль танлаб кириш, ҳимоя воситаларини бузиш ва бошқа рухсат этилмаган йўллар билан ахборотга эга бўлиш ҳаракат қилинганми;

7) ўчирилган файлларни, нуқсонли магнитли ахборот ташувчиларни тиклашнинг имконияти борми; тикланган файлларнинг

мазмуни қандай;

8) корхона ички (локал) ҳисоблаш тармоқлари, глобал тармоқлар ва маълумотларнинг тақсимланган базаларидан ахборот кетиб қолишининг сабаблари, механизми;

9) компьютер, алоҳида дастурлар фаолиятида нуқсонлар мавжудми; ушбу нуқсонларнинг сабаби нимада; компьютер фаолиятидаги нуқсонлар қандай вируснинг таъсири туфайли юз берган; вируснинг салбий таъсири кўпчилик дастурларга тарқаладими ё фақат айрим дастурлар билан чекланадими; вирус шикастлаган мазкур дастур (матн файли) фаолиятини тўлиқ ҳажмда тиклаш имкони борми;

10) пейжер, электрон ён дафтарчадаги маълумотларнинг мазмуни нималардан иборат; дафтарчада яширин маълумот борми ва унинг мазмуни;

11) мазкур файлга қачон сўнгги бор тузатиш киритилган ёки дастурий маҳсулот қачон амалга оширилган;

12) мазкур ҳаракатларни амалга оширган шахснинг дастурлаштириш ва компьютер техникаси билан ишлаш соҳасида маҳорати қай даражада бўлган.

Компьютер-техника экспертисалари ёрдамида баъзи қиёслашга оид масалалар ҳам ҳал қилиниши мумкин:

1) компьютернинг бутловчи қисмлари (печат платалари, магнит ташувчилари, дисководлар ва ҳоказо) бир жойда ишлаб чиқарилганми;

2) мазкур компьютер дастури муайян шахс томонидан ёзилмаганми (компьютер-техника ва муаллифлик экспертисаларини ўтказишда биргаликда ҳал қилинади).

Компьютер-техника экспертисаси объектлари
қуйидагилардир:

йиғилган ҳолдаги компьютерлар, уларнинг тизим блоклари; периферия мосламалари (дисплейлар, принтерлар, дисководлар, модемлар, клавиатуралар, сканерлар, «сичқон» типидagi манипуляторлар, жойстиклар ва ҳоказо), компьютер ва ҳисоблаш тармоқларининг коммуникацион мосламалари;

магнит ахборот ташувчилар (қаттиқ ва флорпи-дисклар, оптик дисклар, тасмалар);

дастурий ва матн файлларининг ёзма баёнлари;

тизимлар қидирув белгиларининг луғатлари (тезауруслар), таснифлагичлар ва бошқа техник ҳужжатлар, масалан техник ва-зифа ва ҳисоботлар;

электрон ён дафтарчалар, пейжерлар, ҳарфли ёки рақамли матнлар ахборотларининг электрон ташувчилари, уларнинг техник ҳужжатлари.

Мазкур тоифа ишлари юзасидан бошқа синфларга оид ва

кўринишдаги: трасологик - бузиб кириш изларини, дактилоскопик - компьютерларнинг ҳам ташқи, ҳам ички юзасидаги қўл изларини таҳлил қилиш учун экспертизалар тайинланиши ҳам мумкин. Суд-иқтисодий, хусусан, молия-иқтисодий ва бухгалтерия экспертизалари, мисол учун, компьютер ахборотлари ҳаракати соҳасидаги жиноятлар кредит-молия соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ бўлганда тайинланади. Компьютердан қалбаки ҳужжат, қалбаки пул билетлари тайёрлаш мақсадида техник-криминалистик экспертизалардан фойдаланиш кенг тарқалган. Овоз (суҳбат)ни яширин эшитиш воситаларидан фойдаланилганида фоноскопик экспертиза ўтказилади.

39-боб. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг криминалистик таснифи

Маълумки, жиноят содир этилиш вақтида ҳали 18 га тўлмаган шахслар вояга етмаган деб эътироф этилади. Мазкур тергов методикасининг яратилиши ана шу ёшдаги шахсларнинг объектив ва субъектив ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқдир. Унинг объектив қисмини ушбу ёшдаги шахслар организида кечаётган руҳий-физиологик жараёнлар ташкил этса, субъектив қисми муайян шахснинг шаклланиш хусусиятларидан иборат. Ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар вояга етмаган шахснинг ижтимоий ва ҳуқуқий онги, қонун талабларини қабул қилиши, хулқ-атвори, ўзга инсонларга бўлган муносабати каби шахсий хусусиятларига анча жиддий таъсир кўрсатади.

Жиноий-ҳуқуқий ҳамда жиноий-процессуал қонунлар вояга етмаганларга алоҳида ёндашади. Мисол учун, ЖКда вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига бағишланган алоҳида VI бўлим мавжуд. Ушбу бўлимнинг 81-90-моддаларида унинг ўзига хос томонлари акс эттирилган. Хусусан, жиноий жазо билан бир қаторда мажбурлов чоралари (88), жиноий жавобгарликдан ёки жазодан (87, 89-модда) озод этиш имкониятлари кўзда тутилади.

ЖПКда вояга етмаганларнинг ишлари бўйича жиноий ишларни юритиш махсус 60-боб сифатида ажратилган. Унинг хусусиятлари ана шундай шахсларни айблаш бўйича жиноят ишларини юритиш тартиби, умум қабул қилинган исботланиши талаб этилган ҳолатлардан ташқари аниқланиши керак бўлган қўшимча шарт-шароитлар, вояга етмаганлар ишларининг алоҳида кўрилиши, сўроқда педагог иштирок этиши, судда жиноят ишини кўриб чиқишнинг ўзига хослиги ва бошқа масалаларга оиддир.

Қонунларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга алоҳида эътибор берилганлиги болаликни ҳимоя қилиш ҳақидаги конституциявий қоидаларни, шу билан бирга халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга молик, хусусан БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 20 ноябрида қабул қилган Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциянинг тегишли низомларини акс эттиради.

Вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш методикаси дастлабки терговнинг умумий мақсадлари ва тамойилларига таянади ва айни вақтда вояга етмаганлар шахсига боғлиқ қатор хусусиятларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу хусусиятлар улар томонидан ҳуқуққа қарши ҳаракат содир этилганда ва дастлабки

тергов вақтида шаклланган тушунча ва мулоҳазаларга асосланган ўсмир хулқида намоён бўлади.

Руҳий-педагогик адабиётларда 14-17 ёшлар ўсмирлик ёки йигитликнинг бошланғич даври деб аталади. Биологик жиҳатдан ўсмирлик жисмоний ривожланишнинг якуний даври бўлади. Мазкур тоифага оид шахсларнинг ижтимоий аҳволи турлича бўлиб, улар орасида талабалар, ишчилар ва ишламайдиганлар бор. Шу билан бирга улар хулқи ва ҳаракатлари онгли-иродали кўринишга эга ва бу ўз ўрнида 16 ёшдан умумий жинойат жавобгарлик, 14 ёшдан бошлаб эса қасддан одам ўлдириш, ўғрилаш, зўрлаш, жинсий кўринишдаги зўрлик ишлатиш, ўғрилик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, транспорт воситасини олиб қочиш, мол-мулкни қасддан йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш, ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш мосламаларини, шунингдек, наркотик моддалар ёки психотроп воситаларни, радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, темир йўл, ҳаво, денгиз, дарё транспорт воситалари ёки алоқа йўллари яроксиз ҳолга келтириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги айрим жиноятлар учун, 13 ёшдан эса айбини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик даври бошланишини белгилаб беради (ЖК 17-моддаси).

Криминалистикага оид адабиётларда вояга етмаган қонунбузарларни, улар орасидаги фарқ бирмунча нисбийлигини қайд этган ҳолда, тўрт гуруҳга ажратиб таснифлаш қабул қилинган.

Биринчи гуруҳга илк бор жиноятга қўл урган шахслар киритилади. Уларнинг жиноят қилишдан аввалги хулқи ва маънавий қиёфаси бирмунча ижобий. Одатда бундай ўсмирлар у қадар жиддий бўлмаган жиноятларни мураккаб ёки фавқулодда вазият таъсирида содир этадилар.

Иккинчи гуруҳга киритилган илк марта жиноятга қўл урганларнинг аввалги хулқ-атворини бенуқсон деб бўлмади. Улар спиртли ичимликлар, наркотиклар истеъмол қиладилар, чекадилар ва уйдан қочиш кетиш каби одатларга эгадирлар.

Учинчи гуруҳ - маънавий қарашлари бузуқ ўсмирлар. Улар аввал ҳам турли қонунбузарликлар содир этиб, маъмурий жазога тортилган, махсус мактаб ва касб-ҳунар билим юртларидан йўлланганлардир. Жиноятнинг сабаби ва мақсади уларда онгли равишда, катта ёшли шахс ёки ўзига нисбатан бузуқ тенгдошининг таъсирида шаклланади. Муштлашишларда қатнашиш, безорилик, ожизроқларни тунаш каби кўпгина жиноятларни улар дабдурустдан содир этишади.

Маънавий бузуқлиги билан жамиятга жиддий хавф

туғдириб, хулқ-атвори ҳар қандай меъёрлардан буткул чиқиб кетган шахслар тўртинчи гуруҳга киритилади. Бу тоифага муқаддам судланганлар (шартли ҳукм қилинган, муддатидан аввал озод қилинган ва ҳ.) ҳам киради. Одатда, булар ишлаш ёки ўқишдан бўйин товлаб, жиноий гуруҳларга уюшган ёки катталарнинг жиноий гуруҳи таркибига кирган шахслардир. Улар қўрс ва бераҳм, уят ҳисси нималигини унутганлар. Асосий мақсади - таъмагирлик ва бойиш. Манфаати - вақтни бекорчилик билан ўтказиш, қимор ўйнаш, спиртли ичимликликлар истеъмол қилиш ва жинсий алоқа.

Жонсарақлик ва таъсирчанлик туфайли ўсмир одам танлай олмайди, жанжалга мойил бўлади. Мустақилликка бўлган табиий интилиш атроф муҳит, жамиятга қарши бўлган катталар таъсири туфайли салбий ривож топиши мумкин. Тортинчок, журъатсиз болаларга беҳурмат муносабатда бўлиб, улар нафсонияти поймол қилинган оилада ўсган ўсмирлар ҳам шундай таъсирга берилиши мумкин. Ўсмир хулқ-атворидаги кўп нарсани унинг ўз мавқеини кўтариши, тенгдошлари орасида обрў-эътибор қозониши, довурак, қатъий деб ном олишга интилиши белгилайди.

Кўпгина ўсмирларга яхши тарбия олмаслик оқибатида дағаллик, ўжарлик, беҳаёлик, жиззакилик хосдир. Улар билан муомалага киришганда ушбу омилларни эътиборга олиш талаб этилади. Вояга етмаганларга ёлғончилик ҳам хос эканлигини ёдда тутмоқ зарур. Мардлик ва дўстлик тушунчаларини нотўғри англаш, ўзини кўрсатиш, эътибор қозонишга интилиш ҳам уларга хос бўлиши мумкин.

Дўстликка интилиш кўп ҳолларда биргаликда кўнгилхушлик қилиш, кейин эса жиноий гуруҳга кириш, катталар ёки вояга етмаган ўта хавфли қонунбузарлар таъсирида назоратсиз қолишга олиб келади.

Ҳаётий тажриба етишмаслиги ўзига ва атрофдагиларга баҳо бериш мезонларининг шаклланиб улгурмаганлиги натижасида уларда бўлиб ўтаётган воқеликларнинг асл моҳиятини англаб ета олмаслик; ишонувчанлик, тез ҳис-ҳаяжонга берилиш, асабийлик, дўқ-пўписага кўнувчанлик, бетайинлик хислатлари ўрнашиб қолади.

Ушбу омиллар кўп жиҳатдан тергов услугиёти хусусиятларини белгилаб беради. Вояга етмаганлар билан муносабатларда терговчи процессуал меъёрларга риоя қилишидан ташқари кенг миқёсдаги маънавий ва руҳий билимларга таяниши лозим. Вояга етмаганлар билан ишлайдиган терговчи касбига хос фазилатлар билан бирга инсонпарварлик, ўсмирни қайта тарбиялаш ва камол топиши имкониятига ишонч каби хусусиятларни намоён этиши шарт. Ўсмирлар ўзларига нисбатан адолатли муносабатни ай-

ниқса қадрлайдилар. Терговчи вояга етмаган қонунбузарни мунтазам ўрганиб, унинг руҳиятидаги ўзига хос томонларини аниқлаши, ички дунёсини тушуниб етишга интилиши керак. Бунда ўсмирлар гуруҳларига хос қизиқишлар; спорт, мусиқа, техника, компьютер ўйинлари ва бошқа нарсаларни билиш ҳам катта ёрдам бериши мумкин. Терговчи ўсмир назарида обрў-эътибор қозониб, тақлид учун намуна бўлиб қолиши ўта муҳим. Ўсмирга айб шундай қўйилиши керакки, у йиғилган маълумотлар етарли эканлигига амин бўлсин. Шу билан бирга ўсмирга қўйилаётган айб моҳияти ҳамда у қилган ҳаракатларнинг ижтимоий зарарини, ўзи, қариндошлари, яқинлари ва жабрланувчиларга қандай зарар етказганлигини очиб бериш зарур.

Ҳам тактик, ҳам тарбиявий нуқтаи назардан руҳий мулоқот руҳини ўрнатиш терговнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бунинг учун ўсмирга терговчининг сўзлари ва ҳаракатларигина эмас, балки унинг ташқи кўриниши, эътиборлилиги, иш материалларини бекаму-кўст билиши ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзаро сўзлашув, баҳс юритиш, гап оҳанги ишга муносабатни англатишини ёддан чиқармаслик керак, чунки ўсмирлар бу хил хусусиятларга нисбатан ўта сезгир бўладилар. Вояга етмаганлар ишини тергов қилишда уларнинг тез толиқиб қолишини ҳам эътиборга олиш шарт. Жумладан, улар иштирокидаги сўроқ ва тергов амаллари бир соатдан кўп давом этмаслиги лозим (ЖПК 553-моддаси).

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича исботланиши талаб этиладиган умум қабул қилинган ҳолатлар билан бирга қўшимча равишда қуйидаги шарт-шароитлар аниқланиши шарт:

вояга етмаган айбланувчининг ёши (туғилган куни, оyi, йили);

турмуш ва тарбияланиш шароити;

вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароит;

катта ёшли далолатчилар ва бошқа ҳамтовоқларининг бор-йўқлиги (ЖПК 548-моддаси).

Вояга етмаганнинг ақлан заифлиги маълум бўлса, у ўз ҳаракатлари оқибатини тўлиқ англай олган-олмаганлиги аниқланиши керак. Мазкур жиҳатларни аниқлаш мақсадида вояга етмаганнинг ота-онаси, ўқитувчилари ва тарбиячилари сўроқ қилиниши шарт.

Вояга етмаганларни катталарга нисбатан жиноятга етакловчи сабаблар кўпроқ, чунки улар ўртоқларига кўмаклашишга интилиш, шўхлик, улфатлари ўртасида эътибор қозониб, дадиллиги, кучи ва чаққонлигини намоиш этишга интиладилар.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича участка инспекторлари билан жипс алоқа ўрнатиш лозим. Бу ўсмирнинг турмуш, ўқиш, меҳнат шароитига оид, унинг атрофидаги одамлар, унинг хулқи ва авваллари содир этган ҳаракатлари хусусида зарур маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Худди ана шу мақсадларда таълим-тарбия муассасалари, корхоналар, ҳаваскорлик тўғараклари (спорт-соғломлаштириш, маданият ва бошқ.) билан ҳам алоқа боғлаш фойдали.

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки версиялар

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича тергов ишининг сифати ва самарадорлиғи кўп жиҳатдан ўз вақтида жиноят иши қўзғатилишига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишдаги оз бўлса ҳам кечикиш, ўсмирлар томонидан янги, баъзида янада оғирроқ жиноятларни содир этилишига, шунингдек далил-исботлар йўқотилишига олиб келади. Бу бўлгуси тергов ишини анча оғирлаштиради.

Шу билан бирга ўз вақтида жиноят иши қўзғатиш катта ёшли далолатчиларнинг жиноят изини яшириш мақсадида ўсмирга салбий таъсир ўтказишларига чек қўяди.

Вояга етмаганлар жинояти тўғрисидаги хабар келиб тушган ҳамоно терговчи жиноят иши қўзғатиши ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши, жумладан жиноятнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чораларини кўриши, гумон остидаги шахсни ЖПК 220-моддасига биноан ушлаб олиши, жиноят жойини кўздан кечириши ва гувоҳлар, жабрланувчиларни аниқлаши лозим.

Жиноят белгиларини аниқлаш жараёнида тушунтиришлар олинади, зарур материаллар тўпланadi. Ўсмирнинг ёшини аниқлаш учун унинг паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаганида бу нарса ёшига тегишли ҳужжатлар - тиббиёт картаси, таълим муассасаларидаги иш қоғозлари, кадрлар бўлимидаги шахсий варақаси орқали аниқланади. Ана шу мақсадда гувоҳлар (ота-она, васийлар, қариндош-уруғлари ва ҳ.) ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Бошқа имконият бўлмаган тақдирда суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилади.

Вояга етмаган шахс ўқийдими ёки ишлайдими, қаерда, ким бўлиб, унинг ўқишга ва ишга муносабати, кундалик хулқи, ўртоқлари билан муносабатларини ҳам аниқлаб олиш зарур. Вояга етмаган шахс ишламайдиган ва ўқимайдиган бўлса, бунинг сабаби ва ўқишни қачон ташлаб кетгани, қачон ва ким томонидан қандай чоралар кўрилганлиги аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотларни йиғиш жараёнида

терговчи ўсмирнинг асосий феъл-атвор белгилари, унинг орзу-хаваслари, одатлари, унинг қизиқишлари, вақтни қандай ўтказиши, ёшига ва хусусиятларига оид маълумот олиш заруратини доимо назарда тутиши шарт. Терговнинг бошланишидаёқ, ҳар бир иш бўйича қуйидаги версиялар илгари сурилиши шарт:

- катта ёшдаги далолатни, жиноятга ундовчи шахс ва бошқа иштирокчиларнинг бор-йўқлиги;

- жиноятга қўл урган ўсмирлар ёхуд катталар гуруҳи мавжудлиги;

- ўсмир ўғирлаган буюмларни сақлаш учун қолдирган, уларни совға қилган шахслар ва хабар бермаслик ёки аввалдан ваъдалашилмаган яшириш фактларининг бор-йўқлиги;

- вояга етмаганларни тиланчилик, ичкиликбозлик, қиморга ўргатиш, наркотиклар истеъмол қилиш, дайдилик каби ишларга жалб қилиш ҳоллари.

Ўсмирнинг тергов вақтида айбини тан олмаслиги ёки аксинча, содир этилган жиноятни тўлалигича ўз зиммасига олиш истаги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Ўсмирлар гуруҳи томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ушбу гуруҳ қачон ва қай тарзда уюшганлиги, у қандай жинойий ниятларни амалга ошириш мақсадида тузилган эканлигини белгилаб олиш зарур. Гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бирининг ролини аниқлаб олиш вазифаси ҳам муҳим. Бу уларнинг айбдорлиги даражасини аниқлаш, шу билан бирга алоҳида тергов ҳаракатларини режалаштириш учун зарур. Хусусан, жинойий тузилмалар фаолияти тергов қилинганида сўроқ қилиш гуруҳининг оддий иштирокчиларидан бошланади. Ташкилотчи, раҳбар, уларнинг ёрдамчилари кейинроқ, уларнинг етакчилик ўрнига оид етарлича маълумот йиғилганидан сўнг сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Гуруҳ таркибида муқаддам судланган ўсмирлар бўлса, такрорий жиноят сабабларини тадқиқ этиш шарт ҳамда илгариги жиноят ишлари, жазони ижро қилиш муассасалари, махсус таълим муассасаларидан тавсифномалар талаб қилиб олинади.

Муайян тергов ҳаракатларининг режага киритилиши ва улар муддати ҳамда кетма-кетлигини аниқлаб олиш жиноят тури ва жинойий иш қўзғатилган вақтга келиб йиғилган ёки тергов вазиятининг ушбу вақтига келиб мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга боғлиқ. Тергов ишида катта танаффусларга йўл қўймаслик, сўроқлар учун катталар ёки ёши катта ўртоқлари таъсир кўрсатишининг олдини олишни унутмаслик керак.

3-§. Алоҳида тергов ҳаракатлари тактикасининг ўзига хос жиҳатлари

Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар шундай хусусиятга эгаки, бунда ҳодиса жойини кўздан кечириш - дастлабки тергов ҳаракатидан бири ҳисобланади. Жойни синчиклаб кўздан кечириш жиноят ўсмирлар томонидан содир этилганидан далолат берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва қайд этиш имконини беради.

Ҳодиса аниқланган қуйидаги белгилар жиноятни ўсмирлар содир этганидан далолат беради:

- аввалдан пухта ўйланган ва амалга оширилган ҳаракатларнинг йўқлиги, бинога бир неча усуллар ва йўллар билан киришга интилганликларидан далолат берувчи излар;

- жиноят изларини йўқотиш чораларининг кўрилмаганлиги;

- жиноят жойида беадаб, безориларга хос қилиқлар қилинганлиги, товарлар шикастланган, буюмлар бесабаб синдирилган, беҳаё ёзув ва суратлар чизилганлиги;

- жиноят учун танланган жой ҳам уни ўсмирлар содир этганидан далолат бериши мумкин; масалан, мактаб ошхонасидан ёки интернат олдидаги дўкончадан қилинган ўғирлик.

- ўсмирлар томонидан ўғирланиши мумкин бўлган буюмлар ҳам ўзига хос бўлади: а) мусиқа асбоблари, видео ва фототехника, спорт буюмлари, замонавий русумдаги кийим, ширинликлар, спиртли ичкиликлар. Шу билан бирга анча қиммат, осори атиқа, қадимги буюмларга тегилмаган бўлиши мумкин.

Қуйидаги фактлар жиноят ўсмирлар томонидан содир этилганлиги ёки жинойи гуруҳ таркибида ўсмирлар борлигидан далолат бериши мумкин: кичик ҳажмдаги оёқ, қўл излари; одатда ўсмирлар киядиган пойабзал тагчармининг излари; ташлаб кетилган, йўқотилган кўпинча ўсмирлар олиб юрадиган буюмлар (қўлбола совуқ қурол, занжирлар, безаклар, қолдирилган из ва ёзув кабилар.

Жиноят жойида қолдирилган баъзи объектлар, сигарета қолдиқлари, шишалар ва бошқа нарсалар бўйича ёки ўғирланган буюм турига қараб унинг одатлари, чекиши, наркотиклар, токсик моддалар истеъмол қилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Вояга етмаган шахснинг кўникмалари, маҳорати ва қизиқишлари хусусида радиотехника, электроника, компьютер билан ишлаган изларига қараб фикр юритиш мумкин.

Олиб қочилган, сўнг ташлаб кетилган транспорт воситасини кўздан кечиришда автомобил кулфларини очиш усуллари мазкур турдаги автомашина электр схемаси билан танишми,

сигнализацияни ўчира олиш-олмаслиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Вояга етмаган шахсни қўлга тушириш ва уни ҳибсга олиш алоҳида ҳолларда, хусусан ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина қўлланади. Мазкур масалани тўғри ҳал қилиш учун содир этилган жиноятнинг оғирлигига ҳамда ўсмирнинг шахсий хусусиятларига баҳо бериш талаб этилади. Бунда унинг содир этилган жиноятдан кейинги ҳаракатлари, жиноятнинг такроран содир этилиш эҳтимоли, терговдан қочиб қутилиш имконияти ҳисобга олинади.

Вояга етмаганларни ҳибсга олиш имкон борича унга ортиқча эътибор жалб этмайдиган тарзда тайёрланиб ўтказилиши: ўсмир мактабда, иш жойида, ўртоқлари даврасида ва бошқа шу каби жойларда қўлга олинмаслиги мақсадга мувофиқ. Қаршилиқ кўрсатиш имкониятини, шунинг ўзида ўқотар ёки совуқ қурол, махсус восита ва бошқа нарсалардан фойдаланиш имкониятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Ўсмир ҳибсга олингани ва ушлаб турилган жойи хусусида унинг ота-онасига хабар берилиши шарт.

Вояга етмаганларнинг ишлари юзасидан тинтув ўтказиш ўғирланган мол-мулк, жиноят қуроллари ва воситалари, ўсмир жиноятни содир этганда кийган пойабзални излаб топишга, таниш-билишларини, аниқлашга, ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароити тўғрисида маълумот тўплашга имкон беради.

Тинтув вақтида, одатда, айбланувчининг қонуний вакили ҳозир бўлиши лозим. Бунинг иложи бўлмаганда турар жой бошқармаси ёки маҳалла вакили таклиф этилади. Ётоқхона ёки иш жойида тинтув ўтказилганида тарбиячи ё маъмурият вакили ҳозир бўлади. Тинтувни бошлашдан аввал ўсмирга ва у билан бирга яшайдиган шахсларга изланаётган буюмни ўз ихтиёри билан топшириш таклиф этилади. Ўсмирлар тез-тез майда ўғрилиқларга қўл уришини эътиборда тутиб, уларда ўзларига тегишли бўлмаган буюмлар бөр-йўқлигини суриштириб аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Тинтувга тайёргарлик кўришда ўсмирнинг ота-онаси ва оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, тинтувга тайёргарлик пайтида умумий тусдаги ҳаракатлар ҳам амалга оширилади: тинтув жойи билан танишув, тезкор-тергов гуруҳи таркибини белгилаш, мутахассисларни жалб қилиш, ҳолислар бўлишини таъминлаш ва ҳоказо.

Босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этишда ўсмирлар ўзларини кўпроқ қизиқтирган майда-чуйда буюмлар: сақич, занжир, пичоқ, соат ва бошқа буюмларни тортиб оладилар.

Бу буюмлар ўсмир хонасида ёки унинг ёнида бўлиши мумкин.

Келиб чиқиши шубҳали бўлган объектлар аниқланганида улар уйда қандай сабабдан сақланаётганлигини шу заҳоти суриштира бошлаш мақсадга мувофиқ.

Тинтув вақтида ўсмир спиртли ичимликлар, наркотиклар истеъмол қилишидан далолат берадиган ҳолатлар аниқланиши, беҳаё кўринишдаги буюмлар, уятсиз ёзув ва асарлар топилиши мумкин.

Табиийки, тинтув вақтида ҳозир бўлган оила аъзолари кузатиб борилади. Тинтув вақтида ўсмирни кузатиб бориш айниқса муҳимдир. Ёшига хос бўлган таъсирчанлик, ўзини бошқара олмаслик туфайли у тажрибали катта ёшдаги шахсга нисбатан терговчининг сўзлари ва ҳаракатларига асабийроқ муносабатда бўлади.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мавқеи, шунингдек, унинг шахсини таърифлайдиган маълумотлар эътиборга олинади. Бу икки жиҳат ҳам сўроқ иштирокчилари доирасини, сўроқни қаерда, қачон ўтказишни ва унга оид, мақсадга мувофиқ тактик услубларни, сўроққа чақиртириш услубини белгилаб олиш учун аҳамиятлидир.

ЖПК 121-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш қонуний вакили, катта ёшдаги яқин қариндоши ёки педагог иштирокида ўтказилади. Мазкур қоида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишга ҳам тааллуқлидир. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурор ихтиёрига кўра педагог иштирок этиши мумкин (ЖПК 554-моддаси). Шу билан бирга вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокидагина сўроқ қилинади (ЖПК 553-моддаси).

Вояга етмаганлар сўроққа, одатда, уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари орқали чақиртириладилар. Терговчи ўсмирни ўз хизмат хонасига чақирishi мумкин. Шу билан бирга уни сўроқ қилиш учун мактабга келиш ва у кўниккан шароитда сўроқ қилиш самаралидир. Кенг овоза бўлиш эҳтимоли туфайли телефонограмма орқали чақирishi мақсадга мувофиқ эмас. Ўсмирнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши ва руҳий алоқа ўрнатишни мураккаблаштириши сабабли куч ишлатиб олиб келиш ҳам маъқул эмас.

Одобсиз, безори вояга етмаган шахслар расмий шароитда сўроқ қилингани мақсадга мувофиқ. Бу ўсмирнинг интизомни сақлаши ва ахлоқига масъул бўлиб туришига кўмаклашади.

Сўроқ тактикасидаги кўпгина ҳолатлар вояга етмаган шахснинг процессуал мавқеидан келиб чиқади. Гумон остидаги

шахс, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос томонларига эътибор бериш лозим. Вояга етмаган гумон остидаги шахсни сўроқ қилишга тайёрланишнинг ўзига хос томони шундаки, терговчи ушбу босқичда кўпинча ҳали унинг жиноят содир этишдаги иштирокига оид етарлича далил-исботга, ўсмир шахси ҳақида керакли тасаввурга эга эмас, сўроққа тайёрланиш учун ҳам вақти чекланган. Бироқ, ана шундай шароитда ҳам ўсмир хусусида ҳеч бўлмаса унинг ота-онаси, ўқитувчилари, қўшниларидан суриштириш орқали дастлабки маълумот тўплаши зарур. Вояга етмаганлар ишлари бўйича участка инспекторида керакли маълумот бор-йўқлигини суриштириб қўриш лозим.

Зудлик билан ўтказишнинг иложи бўлмаганда, сўроқ ўсмир ҳибсга олинганидан сўнг 24 соат ичида ўтказилиши шарт. Бундай тарзда ўтказилган сўроқ қонун талабларини бажариш билан ўсмирнинг муайян кўрсатув беришини ўргатиш эҳтимоли бўлган катталар билан алоқада бўлишидан сақлайди.

Сўроқ вақти ва тактикасини танлашда ўсмирларнинг руҳий ҳолатини эътиборга олиш зарур. Одатда улар ҳаяжонланган ва янгича шароитдан руҳан эзилган ҳолатда бўладилар. Бунинг устига жазо олдидаги фош бўлиш, ота-онасидан қўрқиш ҳисси қўшилади. Ана шу вақтда ўсмирга унинг аҳволи жиддийлигини тушунтириш сўроқ унинг учун муҳимлигига ишонтира билиш керак. Терговга ёрдам бериш унинг манфаати учун эканлигини англата олиш ўта муҳимдир. Бу мақсадда унинг асабий ҳолатини бироз бўлсада енгиллатиш, тинчлантириш, руҳий алоқа ўрнатиш чораларини кўриш керак.

Объектив ва тўлиқ маълумот олишга эришишда биринчи сўроқнинг ўрни беқиёсдир. Гапни ўсмирнинг турмуш, ўқиш ва тарбия шароити ҳақидаги суҳбатдан, унинг қизиқишларидан бошлаган маъқул. Ўсмир бу саволлар содир этилган жиноятга алоқаси йўқ деб ўйлаб, ўзи ва дўстлари ҳақида ишгиёқ билан ҳикоя қилиб бериши мумкин. Таржимаи ҳоли тўғрисидаги батафсил суҳбатдан сўнг у қайси жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлиги хусусида унга батафсил ва содда қилиб тушунтириб берилади.

Саволларни тўғри тузиш муҳим ўрин тутати. Улар аниқ, лўнда бўлиб, ўз ичига ўсмирга бирор нимани шама қилиши мумкин эмас. Ўсмирга оид ишонувчанлик хусусиятини ҳам унутмаслик керак. Гумон остидаги вояга етмаган шахс ишонувчанлиги ва мантикий фикрлаш қобилияти ҳали ривож топмаганлиги туфайли терговчи саволларидан олган маълумотларга таяниб ўзини ноҳақ айблаши, айбдор деб тан олиши мумкин.

Гумон остидаги шахс жиноят содир этганлигини тан олиб, бу

ҳақида сўзлаб беришга тайёр бўлса, унинг кўрсатувларини мунтазам таҳлил қила бориб, ҳар бир жиҳати юзасидан сўроқ қилиш зарур. Шу билан бирга у келтираётган фактларни икир-чикиригача сўзма-сўз баённомага киритиш лозим. Шу тарзда олинган маълумотлар келажакда уларнинг нақадар тўғри эканлигини, ўсмир ҳақиқатда ҳам жиноят содир этганми ё маълумотларни бошқа манбалардан олганлигини аниқлаш имконини беради.

Терговчининг содир этилган жиноят жиҳатларидан хабардорлигини намоиш этиши ҳам иш ҳолатларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Бироқ бу фактлар аниқ маълумотларга асосланган бўлиши шарт. Гумон остидаги шахсга у қадар жиддий бўлмаган, бироқ ишонарли далилни дабдурустдан намоиш этиш уни ҳақиқатни сўзлашга мажбур этиши мумкин. Шу билан бирга, у ёки бу далилларни намоиш қилишда ўсмир ёши ва ривожига боғлиқ равишда уларни ҳамма вақт ҳам мос равишда баҳолай олмайди. Шу сабабли намоиш этилаётган маълумотларнинг асл моҳиятини унга тушунтириб бериш маъқул.

Аниқлик киритувчи саволлар, гумон остидагининг жой, вақт, гувоҳларга оид, биргаликдаги ҳаракатлар хусусидаги жавоблари ва сўроқ баённомасида қайд этилган шу каби маълумотлар кейинчалик унинг важлари асоссиз эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Гумон остидаги шахсни сўроқ қилишда қайси педагог иштирок этиши маъқуллигини ўсмирнинг шахсий хусусиятлари ва бошқа кўпгина омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозим. Баъзи ҳолларда ўсмир таниган ва ҳурмат қилган педагогнинг иштироки гумон остидаги ўсмирнинг асабини тинчлантиришга кўмаклашади. Бошқа ҳолларда, мисол учун жинсий жиноятларни тергов қилишда яхшиси, бошқа мактабдан педагогни таклиф қилган маъқул. Бу босқичда ота-она иштироки ҳам ножоиз. Амалиётдан маълумки, ота-онаси иштирокида сўроқ қилинаётган вояга етмаган гумон остидаги шахс кўпинча уялади, доводирав, жавоб беришдан ўзини олиб қочади. Бунинг устига ҳамма ота-оналар ҳам ана шундай сўроқ жараёнида ўзини тўғри тута билмайди.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш учун терговчи унинг шахсига оид барча зарур маълумотларга эга бўлиши шарт. Сўроққа тайёрланишда терговчи ўсмирнинг маънавий-руҳий тавсифига суянади. Сўроқдан олдин терговчи педагог ва ҳимоячини ўсмирнинг руҳий тавсифи билан таништириши тавсия этилади.

Терговчи сўроқда қатнашаётган шахслар эътиборини улар бераётган саволларнинг қандай қўйилишига, ўсмир қайта тарбияланиши самарасини камайтирадиган тортишув ва гап ташлаш-

ларга йўл қўйилмаслигига қаратади.

Терговчи вояга етмаган шахсга унинг айбланувчи сифатида жалб этилиши тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиргач, даставвал айбланувчи ўзини айбдор деб тан олиши ё олмаслигини аниқлайди.

Ўсмир айбини тан олганда ҳам, сўроқ синчиклаб, шошилмай, батафсил ўтказилиши лозим. Жиноят шарт-шароитини ва ҳар бир иштирокчи ролини муфассал аниқлаш бу каби сўроқнинг тактик услубларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга тайёр-гарлик босқичида ўсмир жиноий фаолият, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари кабиларга жалб қилинган қилинмаганлигига эътибор қаратиш зарур.

Жиноят сабаблари ва мақсадларини келиб чиққан оқибат билан қиёслаш орқали айбланувчи шундай оқибатларга интилган-интилмаганлигини, уларнинг келиб чиқиш эҳтимолига йўл қўйган-қўймаганлигини аниқлаш зарур.

Агар ўсмир, ўз айбини тан олиб, чалкаш тафсилотлар берса, бундай ҳолда бу унинг қаттиқ ҳаяжонланиш ҳисобига рўй бердим-и ёки у бошқа манбалар орқали олган нотўғри маълумотларга суяндими, аниқлаш лозим. Бунинг учун хотирани фаоллаштириш услубларини қўллаш ёхуд унинг ёлғон сўзлаганлигини фош этиш лозим.

Сўроқ жараёнида ўсмир ва унинг шериклари жиноят ишидан сўнг ўзларини қандай тутганлари, нима ҳаракатлар содир этганлари, катталардан қайси бири билан, нима мақсадда мулоқотда бўлганларини аниқ белгилаб олиш муҳим.

Буткул сўроқ давомида катта ёшли далолатни ёки бошқа иштирокчилар ролига аниқлик киритиш вазифасини ёддан чиқармаслик лозим. Бунинг учун ўсмир эркин ҳикоя қилаётганида турли шартларга эътибор қаратиш, аввалдан тайёрланган, шу билан бирга сўроқ жараёнида пайдо бўлган, катта ёшдагилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ва ўсмир билан биргаликда ҳаракатлари хусусида саволлар берилади.

Вояга етмаган шахс ўзини айбдор деб тан олмаса, сўроқ қилишда қўлланадиган тактик услублардан ташқари бошқаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Биринчи навбатда ўсмирга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфли томонини, одамларнинг бунга муносабати, у оиласига, яқинларига етказган зарарни содда, тушунарли тарзда баён этиб бериш шарт. Шу билан бирга айбини тан олмаслик нималарга олиб келиши мумкинлиги ва юзага келган вазиятни тўғри баҳолаб, чин дилдан тавба қилиш ва тергов билан фаол ҳамкорлик қилиш унинг учун нақадар муҳимлигини очиб бериш керак; бу унинг учун айбини енгиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Далиллар келтириш тактикаси ўзининг жинойтдаги иштирокини тан олмаётган вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда айниқса қўл келади. Далилларни тобора жиддий турларини намойиш этиш, мантиқий тартибга риоя қилган ҳолда ва орада катта танаффусларга йўл қўймай келтириш ижобий натижалар беради. Шу билан бирга ҳар бир далилнинг моҳияти изоҳлаб борилиши зарур. Бунда фақат бевосита ўсмирнинг ўзини фош қиладиганларини мисол келтириш мақсадга мувофиқ. Ишонувчанлиги сабабли ёки айбни ўз бўйнига олиб, катталардан ёки бошқа иштирокчилардан айбни соқит қилиш мақсадида у содир этмаган айбларни ҳам зиммасига олиши мумкин.

Айбини тан олмаётган вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда ёлгонни фош қилиш услубидан фойдаланиш ҳам табиий ҳол. Шу мақсадда терговчи, аввал тўла-тўқис аниқланган иккинчи даражали жиҳатлар тўғрисида сўзлайди. Хабардорликни намойиш этиш ўсмирга таъсир қилиб, уни тўғри сўзлашга мажбур қилиши мумкин. Шу қаторда қўққисдан кутилмаган савол билан мурожаат қилиш ҳам, айниқса ўсмир терговчига ҳақиқатни сўзлаётгани ва содир этган жинойтидан афсус эканини уқтираётган бўлса, руҳий самара беради. Берилаётган кўрсатувлар ёлгонлигини маҳорат билан исботлаш ўсмирнинг бундан кейин ҳам ёлгон кўрсатув бериш мумкинлигига бўлган ишончини пучга чиқаради.

Сўроқ жараёнида вояга етмаган шахс кўрсатмаларини шу заҳоти баённомага киритиш тавсия этилмайди. Бу уни чалғитади, сергаклантиради, терговчининг фикрини бир ерда жамлашига ҳалал беради ва улар орасида юзага келган руҳий алоқа узилади. Сўроққа ҳалал бермайдиган тарзда қисқача ёзиб бориш ва у туганидан сўнг баённома тўлдириш мақсадга мувофиқ. Имконият даражасида баённомада айбланувчи ишлатган ибораларни айнан сақлаб қолиш зарур. Унинг кўрсатмаларини ўсмирларга хос бўлмаган тил билан баён этиш мумкин эмас.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда фоноёзув қўлланиши ҳам мумкин, чунончи:

- сўроқ олиб борилган шароитни қайд этиш учун;
- ўсмир ўз кўрсатувларини ўзгартирганда ёки ўзгартириши мумкин бўлганда, аввалгиларидан бош тортганда;
- терговчи, катта ёшдаги бошқа иштирокчи билан юзлаштириш ўтказишдан хавфсираб, унинг сўроқ жараёнини ушбу шахсга эшиттирмоқчи бўлганда.

Вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчига сўроқ қилиш чоғида таъсир кўрсатиш, шунингдек ўсмирга бевосита қандай кўрсатув беришни ўргатиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда улар имкон борича тезроқ сўроқ қилиниши ва сўроқ батафсил бўлиши шарт.

16 ёшга тўлмаган шахсга сўроқ бошланишидан аввал ҳақиқатни одилона сўзлаб бериш зарурлиги тушунтирилади, бироқ улар ёлгон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

Вояга етмаган гувоҳлар уларнинг ёши, шахсий хусусиятлари ва тергов қилинаётган жиноятга муносабатидан келиб чиқиб тоифаларга бўлинади:

1) жиноят ёки у билан боғлиқ бошқа ҳодисани кузатган шохидлар;

2) жиноят иши тугатилган ёки жиноий жазодан мажбурий тарбия чораларини тайинлаш туфайли озод этилган иштирокчи-ўсмирлар;

3) вояга етмаган айбланувчининг яқин қариндош ва танишлари.

Гувоҳнинг мазкур тоифалардан қай бирига оидлигидан қатъи назар, уни сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда имконият борица унинг баъзи шахсий хусусиятларини: тенгдошларига муносабати (дўстлик, алдамчилик, кўнгилчанлик, жоҳиллик ва ҳ.), шахсга оид хоссаларини (ёлгончилик, ўжарлик, яширинлик), қизиқишлари, ҳаваслари ва ҳодиса иштирокчилари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Жиноятни кузатган ёки у билан боғлиқ бирор ҳодисага гувоҳ шохид бўлган шахслар одатда тўғри сўзлайдилар. Аммо унутувчанликлари ёки бирор кимса таъсирида кўрсатувларини ўзгартирмасликлари учун улар имкон борица эртaroқ сўроқ қилингани маъқул. Уларнинг кўрсатувларига баҳо беришда ҳодисани қабул қилишнинг ҳам объектив (узoқдан туриб, ёритилган жойни, анча вақт давомида кузатиш), ҳам субъектив (сезги органларининг ҳолати, ҳис-ҳаяжон) омилларини ҳисобга олиш шарт. Ўсмир кўрган-эшитганларини баён этганида ҳам ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Буларнинг бари унинг рухий хусусиятлари, сўз бойлиги етарли эмаслиги, бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур қийинчиликлар хотиранинг ўзаро боғлиқ ҳолатлар ёрдамида фаоллаштириш, хотирани далиллар намоиш этиш йўли билан жонлантириш, сўроқни ҳодиса содир этилган жойда ўтказиш ёки кўрсатувларни текшириш услублари ёрдамида баргараф этилади.

Гувоҳларнинг мазкур тоифаси одатда терговчига ишонади ва баъзида, ҳатто онгсиз равишда бўлса ҳам, ҳақиқатни аниқлашда кўмак беришга тайёр бўлади. Шу билан бирга бундай ишонч ва тайёрлик ҳисси ортида барча сўралган нарсани тасдиқлайвериш эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли, вояга етмаган гувоҳга бериладиган саволлар жуда пухта ўйланган, лўнда ҳар қандай

шама ва уқтиришдан фориг бўлиши шарт.

Ижтимоий хавфли ҳаракатларда иштирок этиб, жиноят иши тутатилган вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда ҳам ўхшаш қилмишни содир этган вояга етмаган айбланувчидаги каби сўроқ тактикасини қўллаш мумкин. Бундай гувоҳлар, одатда, содир этилган жиноятда ўзларининг иштирокларини инкор этмайдилар, ўзга шахслар, айниқса катталар ва ўзидан катта ўсмирлар тўғрисида истар-истамас кўрсатув берадилар. Бундай ҳолатни тавба қилиш ва терговга фаол ёрдам бериш зарурлиги, бу эса гувоҳнинг бўлгуси тақдири учун, шунингдек унинг дўстларини қайта тарбиялаш учун муҳим аҳамиятга эгаллигини тушунтириш билан бартараф этиш мумкин. Сўроқ жараёнида терговчининг бўлиб ўтган ҳодисадан хабардорлигидан далолат берадиган далил-исботлар намоиш этиши мақсадга мувофиқ. Ушбу жиноят иши бўйича сўроқ қилинган бошқа вояга етмаганлар томонидан тилга олинган, бироқ батафсил баён этилмаган фактларнинг икир-чикирларига аниқлик киритувчи саволлар бериш ҳам тавсия этилади.

Жиноий жавобгарлик ёшига етмаган гувоҳларни сўроқ қилишни тайёрлаш ва ўтказишда уларни икки гуруҳга ажратган маъқул. Биринчиси - илк маротаба, одатда, бирон кимса таъсирида жиноятга қўл урган ўсмирлар. Улар кўп ҳолларда тўғри кўрсатув берадилар ва терговчининг вазифаси ана шу «тарбияси оғир» ўсмирнинг ишончини қозониш, аниқланиши керак бўлган жиҳатлар, шарт-шароитлар доирасини тўғри белгилаб олиш, саволларни талаб даражасида тузиш, кўрсатув тафсилотларини белгилашдан иборат бўлиб қолади.

Иккинчи гуруҳга бир неча маротаба ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ўсмирлар кирадилар. Улар деярли самимий бўлмайдилар, содир этган қилмишларидан камроқ афсусланадилар, чўрткесар, ашаддий ва тарбиясиз эканликлари билан фахрланадилар. Уларни фош қилишда обрўга эга бўлган педагог, шу жумладан спорт мактабининг тренери катта ёрдам бериши мумкин.

Вояга етмаган айбланувчининг яқин танишларини сўроқ қилишда улар ўртасидаги дўстона муносабатларни эътиборда тутиш лозим. Кўпинча улар яшаш, ўқиш, ишлаш жойига кўра шаклланган, бирга дам оладиган турғун гуруҳларга уюшадилар.

Бу хил гувоҳлар тоифасида оила, мактаб, меҳнат жамоаси билан нормал алоқасини узган шахслар бир талай. Улар ижтимоий назоратдан чиқиб кетган бўлиб, ўз қарашларига кўра айбланувчининг маслакдошлари ҳисобланадилар. Уларни сўроқ қилишда ўзлари ёки бошқа ўсмирлар томонидан содир этилган, тергов томонидан ҳали аниқланмаган ҳуқуқбузарликлар хусусида кўпгина қимматли маълумот олиш мумкин.

Гувоҳнинг камсўзлиги унинг айбланувчи ёки гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан қўрқитилиши оқибати бўлиши ҳам мумкин. Гувоҳ ҳали терговга маълум бўлмаган айблари учун жазо олишдан қўрқиб индамаётган бўлиши ҳам эҳтимол. Мазкур ҳолатни сўроқ вақтида эътиборда тутиш, унга боғлиқ версияларнинг асосли эканини текшириб қўрмоқ лозим.

Юқорида қайд этилган гуруҳларда кичик ёшдаги гувоҳлар бўлса, бунда қуйидагилар эътиборга олинishi шарт. Баъзи ёш болалар ўта кузатувчан бўладилар. Улар кўпинча катталар сезмаган ҳолатларни кўриб, эслаб қоладилар. Ушбу фазилатдан сўроқ қилинаётган шахснинг эътиборини тафсилотларга қаратиш ва уларни кейинчалик текшириш мақсадида баённомада икир-чикиригача қайд этиш орқали фойдаланса бўлади.

Вояга етмаган жабрланувчилар, одатда, ростгўй бўлсаларда, маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрганликлари туфайли иш натижасидан манфаатдор шахс эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг билан бирга кўрсатувлар ҳаққонийлигига улар жиноий тажовуз вақтида ҳаяжон, қўрқув ҳолатида бўлиб, содир бўлаётган ҳодисаларни тўлиқ англай олмаганликлари ҳам таъсир қилиши мумкин.

Жинсий жиноят содир этилганида, жабрланувчи баъзи тафсилотларни айтмаслиги, ҳаттоки уларни рад этиши ҳам мумкин. Жабрланувчига айбланувчининг қариндошлари, яқинлари, дўстлари таъсир кўрсатаётганлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Буларнинг бари унга саволларнинг қай тарзда берилишини белгилайди ва кейинчалик кўрсатувларини текшириш йўллари танлаш имконини беради.

Вояга етмаганлар тарбияси учун масъул шахсларни сўроқ қилиш орқали ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароитлари, шахсига оид хусусиятлари аниқланади. Сўроқ жараёнида жиноят содир этилишига олиб келган, жиноий ахлоқ сабабларини келтириб чиқарган, ўсмир онгига унинг жазо олмаслиги тўғрисидаги тушунчани киритган сабаб ва шарт-шароитга ойдинлик киритилади.

Терговчи вояга етмаган, гумон остидаги шахс тутиб келтирилган ва ҳибсга олинган бўлса, унинг ота-онаси билан учрашади. Ота-онасига барча масалалар юзасидан тўлиқ ахборот беришнинг иложи бўлмаганда, имкон борича уларга ўсмир қайси ҳаракатларни содир этганлик учун ҳибсга олингани, ўтказилаётган терговнинг холислиги, уларнинг ростгўй кўрсатувлари содир этилган жиноятнинг сабабларини аниқлаб олиш ва бўлғуси тарбия чораларини белгилаб олишда нақадар муҳимлигини тушунтиришлари шарт.

Ота-онасининг ҳар икковини сўроқ қилиш талаб этилади,

чунки улар бола тарбияси муаммосига ҳар хил ёндашиши, унинг ҳаёти тўғрисида турлича маълумотга эга бўлиши мумкин.

Вояга етмаганнинг тарбияси учун масъул шахсларни сўроқ қилганда навбатма-навбат оиласининг таркиби, ўсмирнинг ўқиш ва дам олиш шароитлари, унинг ўртоқлар давраси, бўш вақтини қай тарзда ва ким билан ўтказиши; ота-онаси ўсмирнинг бўш вақтини қандай назорат қилгани; спиртли ичимликлар истеъмол қиладими ва қачондан бери, уни ичишга ким ўргатган; бошқа эҳтиёж ва қизиқишлари, аввал йўл қўйган айблари ва мактаб, бошқа билим юрти, уйда кўрилган чоралар; уйдан қочиб кетмаганми, кечаси кетиб қолиш одати йўқми, бунга ота-онасининг муносабати; ўсмирнинг мактаб, ишхонадаги жамоаси билан муносабатлари; ота-онасининг бир-бирига ва ўсмирга бўлган муносабати; улар содир этилган жиноятга оид қандай маълумотга эгаллиги; ўсмир билан шу тўғрида ўтказган суҳбатлари мазмуни; жиноят содир этилган куни у вақтини қандай ўтказган, ўзини шундан кейин қандай тутганлиги аниқланади.

Мактаб, хунар-техника билим юрти педагоглари, тарбиячиларини сўроқ қилиш ўсмирнинг руҳий-жисмоний ривожига оид хусусиятлар, унинг феъл-атвори, эҳтиёжлари, қизиқишлари, алоқалари, ёш хусусиятларининг намоён бўлиши хусусида маълумот олиш имконини беради. Бу шахслар оиладаги маънавий иқлим, ота-онасининг ўзаро муносабатлари, ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароити, одатлари, мойилликларининг пайдо бўлиш сабабларидан хабардор бўлишлари мумкин. Ўқитувчи ва тарбиячилар одатда, ота-оналарга нисбатан холисроқ бўлади.

Вояга етмаганлар содир этган жиноятларни тергов қилишда юзлаштиришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш ва уни фавқулодда ҳоллардагина ўтказиш керак. Ўсмирлар юзлаштиришга истаристамас розилик берадилар, чунки сотқин деб ном олиш ва жазоланишдан қўрқадилар. Юзлаштириш одатда терговчи ва ўсмир ўртасидаги бўлган руҳий алоқани чигаллаштиради. Асосий хавф эса у бошқа иштирокчи таъсирида, айниқса у жиноятнинг катта ёшли қатнашчиси бўлса, ўз кўрсатувларини ўзгартириши мумкинлигидадир. Ўсмир баъзан мураккаб вазиятни англаб олишда қийналади ва ёши катта шахс билан юзлаштирилгандан сўнг ўз айбини тан олмаган катта ёшли шахс дўқ-пўписа қилмаган ҳолда ҳам ўз кўрсатувларини ўзгартиришга мойил бўлади. Вояга етмаганларни ўзаро юзлаштириш ҳам ўта мураккаб. Ўсмирнинг фош қилувчи кўрсатувларини бошқа иштирокчи одатда, улар ўртасидаги ёмон муносабатларга йўяди.

Вояга етмаган айбланувчи кўрсатувларидаги қарама-қаршилиқларга юзлаштиришдан бошқа йўл билан барҳам бериш

имконияти мавжуд бўлса, терговчи ушбу имкониятдан фойдаланиши шарт.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш жараёни, юқорида айтилганидек, фонограммага туширилиши ва сўнг у кўрсатувлари мувофиқ келмаган шахсга намойиш этилиши мумкин.

Содир этилган жиноят турига қараб суд-баллистик, трасологик ва ўзгача экспертизалар тайинланиши мумкин. Бироқ ишларнинг мазкур тоифасига кўпроқ суд-тиббиёт, суд-психиатрик, суд-руҳий ва психиатрик-руҳий экспертизалар хосдир.

Суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш ўсмирнинг ёшени тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаганида, ёш қасддан яширилганида ва мавжуд ҳужжатлар шубҳа туғдирган ҳолларда мажбурийдир. Суд-тиббиёт экспертизаси организмнинг ёшга хос бўлган ўзгаришларига оид илмий маълумотлар: умумий анатом-физиологик ривожланиш, скелет суякларининг қотиши, тиш аппаратининг ривожини кабиларга таянади. Ёш муайян даражада тахминий аниқланади.

Суд-психиатрик экспертизаси вояга етмаган шахснинг психик ҳолатини ўрганиш мақсадида тайинланади. Ўсмир психикасидаги камчиликлар сурункали касаллик, руҳий фаолиятнинг вақтинчалик издан чиқиши, ақли заифлик ёки бошқа касаллик оқибати бўлиши мумкин. Шу каби нуқсонлардан ўсмирларда шахснинг ҳаяжон-ирода хусусиятларида намоён бўладиганларидан: бирдан асабийлашув, жиззакилик, урушқоқлик, ишонувчанлик, ўжарлик кабилар тез-тез учрайди. Қизиқишлари ҳам психопатик ўзгаришларга мойил бўлиб: дайдилик (дромомания), ёндириш (пиромания), ўғрилиқ қилиш (клептомания) кабиларга интилиш пайдо бўлади.

Вояга етмаган қонунбузарлар орасида олигофрения кўринишларидан бири – ақли заифликка (дебилизм) дучор бўлган шахслар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай ўсмирлар ақлан заифлиги ва ҳис-ҳаяжон, ирода функцияси издан чиққанлиги билан тавсифланадилар. Ақлан заифликни аниқлаш мақсадида суд-руҳий экспертизаси тайинланади. Ақлан заифлик руҳий касаллик оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, аввал руҳий-психиатрик экспертиза тайинлаган маъқул.

Суд-руҳий ва руҳий-психиатрик экспертизалари олдига ҳал қилиш учун одатда қуйидаги масалалар қўйилади: вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланиш даражаси, ўсмирнинг ақлий ривожидан шу ёш учун хос бўлган меъёрий даражадан оғиш мавжудми, вояга етмаган шахс унинг жисмоний ва руҳий

қолатини ҳисобга олган ҳолда шарт-шароитларни тўғри қабул қилиши ва улар тўғрисида тегишли, кўрсатма бериши мумкинми, вояга етмаган шахс ўз ҳаракатлари ва ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатлар моҳиятини тўлиқ англаб етиши мумкинми, ўсмир ўз ҳаракатларини бошқариши мумкинми ва мумкин бўлса, қай даражада кабилар.

Ҳар қандай экспертизани тайинлашда вояга етмаган шахс экспертиза ўтказиш ва унга материаллар тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириши учун ҳимоячи ёрдамидан фойдаланишини таъминлаш зарур.

4-§. Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича терговчининг профилактик фаолияти

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича терговчи профилактик ишининг асосий мақсади - муайян жиноятнинг содир этилиши ёки такрорланишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Ўсмирларда жиний ахлоқни шакллантириб, юзага чиқишига сабаб бўладиган энг типик шарт-шароитлар: вояга етмаган шахсни тарбиялашга масъулиятсиз ёндашув, мактабда, ишхонада зарур тарбиявий ишларнинг олиб борилмаслиги; ўсмир атрофидаги муҳитнинг салбий таъсири; катталар ёки ёши каттароқ ўсмирларнинг жиноят содир этишга бевосита гиж-гижлаши; вояга етмаганлар билан профилактик ишларини олиб бораётган органлар фаолиятидаги нуқсонлар чуқур таҳлил қилишини тақозо қилади.

Терговчи жиноятнинг олдини олиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш учун нобоп тарбия берган ва ўсмирга салбий таъсир кўрсатган шахсларни аниқлаб, уни жиноятни содир этишдан сақлаб қолишга ҳалал берган шарт-шароитни аниқ белгилаб олиши шарт. Мазкур иш вояга етмаган шахсни тарбиялаш ва уни салбий таъсирлардан сақлаш бўйича кимга ва қандай мажбуриятлар юкланганлигини белгилайдиган меъёрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўсмирни ишга жойлаштириш, умумтаълим муассасасига қайтариш ёки махсус ўқув юртига йўллаш ҳам жиноятнинг олдини олиш чораларидан биридир.

Вояга етмаган фарзандига салбий таъсир кўрсатаётган шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, уларни кўчириб юбориш чораларини кўриш, васий тайинлаш ҳам жиноятнинг олдини олишда муҳим ўрин тутиши мумкин.

Жиноят ўсмирга атроф муҳитнинг салбий таъсир қилиши натижасида юз берган бўлса, чоралар ушбу таъсирни бартараф қилиш ёки ўзгартиришга қаратилади.

Шу мақсадда терговчи расмий ташкилотга тақдимнома йўллайди, яшовчилар, меҳнат жамоалари олдида фикр билдириши мумкин. Одатда, тергов ишидан сўнг бўлган ана шундай чиқишларда у жиноят содир этилишига олиб келадиган шарт-шароитларни қайд этиб ўтиши, ўсмирларни тарбиялашга оид қайси ҳуқуқий меъёрлар бузилганлигини намойиш этиши, ушбу қонунбузарликка йўл қўйган шахсларнинг масъуллигини асослаб, шу каби қонунбузарликларга келажакда йўл қўймаслик йўлларини кўрсатиб бериши лозим.

Вояга етмаганларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва жиноятларининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланиш зарур.

40-боб. ГИЁХВАНД ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕРГОВИ

1-§. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар ЖКнинг XIX-бобидаги 270-271, 273-278-моддаларда назарда тутилган.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прокурсорлар билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи уларни ЖК моддаларида берилган тушунчаларига асосланади ва умуман қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.

1. Кўкнор ёки таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган тақиқланган ўсимликларни экиш, парваришлаб етиштириш (ЖК 270-м.) ҳолларида экин майдони ва бу иш билан шуғулланган шахснинг кимлиги, у ўзи истеъмол қилиши ёхуд бошқаларга ўтказиш ниятида эканлиги аниқланмоғи лозим. Экин майдони 250 квадрат метрдан кўп бўлса, ўртача, 1000 квадрат метрдан ошса катта майдон ҳисобланиб, жазо чораси тегишлича кучайтирилади. Амалиётда бундай хатти-ҳаракат катта миқдорда даромад олиш учун содир этилса-да, гуё экинларни кексайган шахс ўзи учун парвариш этгани ҳақида ёлгон тушинтириш бериш кўп учрайди. Экинлар агроном-селекционер, химиклар ёрдамида экспертиза қилиниши лозим бўлади.

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.). Уларни қўлга киритиш усули қонунга хилоф эканлиги, чунончи ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, босқинчилик тарзида бўлганлиги, шахс илгари ҳам бундай қилмиш билан шуғулланган, таъмагарчилик, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол этган, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, кўп миқдорда, уюшган гуруҳ таркибида тажовуз қилган, ҳатто ўта хавфли рецидивист экани албатта синчковлик билан аниқланмоғи лозим. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари қайси жойдан қонунсиз эгалланган ва уларни кимлар орқали сотиш, тарқатиш мўлжалланганига алоҳида эътибор берилиши зарур. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-м.).

3. Гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш ва шу мақсадда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш каби хатти-ҳаракатлар (ЖК 273-м.) мазкур жиноятларнинг энг жиддий тури ҳисобланади. Жиноятнинг предмети бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори кўп бўлмаса, озгинадан кўпроқ ёхуд кўп

бўлса, жазо меъёри ҳам кескин ўзгаради. Шу боис жиноят предметининг нимадан иборат экани ва қанча эканлиги албатта экспертиза йўли билан ишотланмоғи шарт. Тергов жараёнида айбланувчининг шахси, айниқса илгари ҳам шундай жиноятлар учун маҳкум этилгани, унинг уюшган гуруҳ аъзоси эканлиги аниқланиши зарур. Жиноятни ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув, спорт ёки турли жамоат тадбирларини ўтказаетган жойларда, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жазоси ўталадиган жойда содир этилиши айниқса хавфли ҳисобланади. Бу хил жиноятларда гиёҳвандлик воситаларининг манбалари ва уларни олган, сотган, истеъмол қилганлар доирасини тўла аниқлаш жуда зарур. Агар бундай шахсларда сотиш, даромад олиш мақсади аниқланмаса, улар фақат гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилгани ёки бошқа мақсадларда тайёрлагани, сақлагани учун жавобгарликка тортилади (ЖК 276-м.). Бошқаларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бепул истеъмол қилишга алдаб чорлаш, ўргатиш, далолат қилиш, мажбурлаш ҳам жинойий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖК 274-м.). Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш учун жиддий жазолар белгиланган (ЖК 127-м. 2 ва 3-қисми). Бу қилмишни бангхоналар очиш тарзида содир этиш оғир жиноят ҳисобланади (ЖК 273-м., 4-қисми). Жиноят таркибига баҳо беришда яна бир ҳолатни эътиборга олиш лозим: кўп бўлмаган миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш мақсадида ёхуд бундай мақсадсиз қонунга хилоф равишда тайёрлаган, сотиб олган, сақлаган, ташиган ёки жўнатган шахс ўз ихтиёри билан айбига иқрор бўлиб, ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади (ЖК 273-м. 6-қисми ва 276-м. 3-қисми).

4. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 275-м.) Бу қоидалар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосланган. Жумладан, унга кўра гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат давлат эҳтиёжлари учун, буюртмага мувофиқ махсус лицензияга эга бўлган муассаса, корхона, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Уларни тайёрлаш, аниқлаш, фойдаланиш, бошқаларга бериш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар қатъий тартибга солинган. Уларга

риоя қилмасликнинг нимада ифодалангани, сабаби, оқибатлари иш бўйича батафсил аниқланмоғи лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги қарори билан тасдиқланган. Унда 67 турдаги гиёҳвандлик воситалари ва 22 турдаги психотроп моддаларнинг ўлчами – оз, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга мансублиги ҳам белгиланган. Мазкур масала БМТнинг Қонунга хилоф муомаладаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши кураш тўғрисида Конвенциясига (1988 йил) асосланиб ҳал этилган. Конвенцияда ана шу восита ва моддаларни тайёрлашда фойдаланиладиган 22 хил кимёвий моддалар-прекурсорлар ҳам назарда тутилган.

Бу тоифа жиноят ишини тергов қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрда қабул қилган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида қарори талабларига риоя қилиниши шарт.

Ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситаларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар жиноятчининг хатти-ҳаракатларига қараб бири иккинчисидан кескин фарқ қилади. Аммо соғлом аҳолини фалаж қилиш, бу воситаларнинг истеъмоли натижасида одам организмда турли хил муддатда бетакрор ўзгаришларга олиб келиши, кейинчалик эса унга батамом руҳий ногиронликка мубтало бўлиб қолишлари билан боғлиқ оқибатлари уларни бирлаштириб туради. Тиббиёт нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситалари деганда, бир ёки бир неча хил ўсимликлардан ёхуд сунъий моддаларда тайёрланган, дастлаб истеъмол қилиш натижасида одам марказий нерв системасига таъсир кўрсатиб, руҳан таскинлик берадиган, кўпроқ истеъмол қилиш натижасида кайфиятни ҳаддан ташқари кўтариб юборадиган, охир оқибат гангитиб гўнг ҳолатга соладиган восита назарда тutilади.

Гиёҳвандлик воситаларини мунтазам истеъмол қилиш одам саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, унинг фаолияти ва асабини издан чиқаради, руҳий касалликка учратади. Бундай одамнинг меҳнат қобилияти пасаяди, қисқаси шахсни таназзулга дучор қилади, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этишга олиб келади.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга ва махсус гиёҳвандлик воситалар рўйхатига киритилган, халқаро ягона конвенция назоратида бўлган ўсимликлардан саноат асосида ёки хонаки тайёрланган воситалар ғариқонуний ҳисобланади. Назоратда бўлган бундай воситалар рўйхати психотропик хусусиятига эга бўлган (руҳиятга таъсир этувчи) янги доривор воситалар ҳисобига муттасил кўпайиб бормоқда. Уларни даволашдан бошқа мақсадларида ишлатиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли бундай

моддалардан фойдаланиш қатъий равишда ҳуқуқий тартибга солинди. Бундай моддаларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар наркотик моддаларга нисбатан бошқача жавобгарлик ҳолатлари белгилаб қўйилган.

Гиёҳвандлик воситалар билан ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги ишни тергов қилишда жиноят субъектининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак: кўп ҳолатларда айбдор шахс гиёҳвандлик воситаларига муккасидан кетган бўлади, яъни усиз тура олмайди. Гиёҳвандлик мушкул оқибатларга олиб келишини тергов жараёнида эътиборга олиш керак (гиёҳвандларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тергов экспериментлари ўтказиш кабилар). Гиёҳвандларнинг типик белгилари ёлгон сўзлаш, ахлоқий таназзулга юз тутиш ва ақлан заифлашиб қолишдир. Наркотик очиқиш шароитида шахснинг қулоғига гап кирмайди, у атроф-муҳитни реал тасаввур қила олмайди.

2-§. Жиноят иши қўзғатиш

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, шунингдек текшириш ва тафтиш жараёнида ўғирлик, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари, гиёҳвандлик восита ва психотропик моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, бериш қоидаларининг бузилиши ёки гиёҳванднинг шифохонага тушиши билан боғлиқ тергов органлари томонидан текшириш натижасида аниқланган жиноятлар бўйича иш қўзғатиш - булар энг кўп учрайдиган сабаблар ҳисобланади.

Бундай тоифадаги жиноятнинг ўзига хос томони шундаки, жиноятчини жиноят устида қўлга олиш кўпгина ҳолларда уларни фош қиладиган ашъвий далилларга эга бўлишга имконият яратади ва у тергов қилишнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб беради. Агар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларнинг изларини топиш имкони бўлмаса, амалда уларни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилганлигини исботлаш жуда қийин кечади.

Гиёҳвандларни жиноят устида (олиб кетаётганда, келишув содир этаётганда, кўкнори ширасини тайёрлашганда) қўлга тушириш учун гиёҳванд модда гумон қилинган шахс билан бирга бўлиши, бу ҳолатни кузатувчи олдиндан билиши керак. Жиноятчиларни қўлга олиш навбати тўғрисидаги масала ҳар бирини ушлаганда қандай натижаларга эришиш мумкинлигига қараб ҳал қилинади. Уларнинг ҳар бирини ушбу жиноятдаги роли ва иштироки даражаси, жиноятчилар гуруҳи билан алоқалари ҳисобга олиниши керак. Бу тўғри кўрсатув бериши мумкин бўлган шахсни аниқлаб олиш имконини беради.

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИНИНГ АСОСЛАРИ

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ УНИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР ЮЗАСИДАН АНИҚЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Жиноят содир этилганми? Агар содир этилган бўлса уни қандай квалификация қилиш

Жиноят қаерда, қачон, қандай усулда содир этилган?

Жиноятни ким содир этган? Гуруҳ содир этган бўлса, унинг таркиби ва ҳар бир иштирокчининг бажарган роли қандай?

Гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш манбалари, уларни тарқатиш йўли ва усули қандай? Қандай нархда сотиб олинган ёки сотилган?

Мазкур тоифадаги жиноят бошқа жиноятлар билан бирга содир этилмаганми? Агар содир этилган бўлса, айнан қандай жиноятлар билан?

Қандай шароитлар жиноятнинг содир этилишига олиб келган?

Гиёҳвандларни қўлга олишнинг энг самарали усули тўсатдан ҳаракат қилиш ҳисобланади. Жиноятни содир этиш усуллари ва ниқобланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб, қўлга тушириладиган жой белгиланади. Қўлга тушириш гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларни олиб кетаётган транспортда, турар жойда олди-сотди битими амалга оширилаётганда, кўкнори ва нашадан гиёҳванд тайёрлаётганда, гиёҳвандлик моддалари қабул қилаётганда маълум жойда сақлаётганда; истеъмол қилаётганда, жўнатаётганда, сотаётганда амалга оширилади. Шунингдек гиёҳвандлик восита олинадиган ўсимликларни етиштиришда, экишда, ишлов бераётганда, ҳосилини йиғиштириб ола-

ётганда ҳам қўлга тушириш мумкин. Фармацевтика корхонасида ўғирланган гиёҳвандлик воситаларни олиб чиқаётганда; дорихона ёки даволаш муассасасида уларни сохта рецепт бўйича олиб кетаётганда ҳам қўлга тушириш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларни фармацевтика корхоналари, даволаш муассасалари, дорихоналардан ўғирлик йўли билан олганларни тергов қилишда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш керак: 1) ўғирлик содир этилганми? 2) ким содир этган? 3) қандай усулда амалга оширилган? 4) мунтазам содир этиб турилганми? 5) ўғирланган гиёҳванд моддалар миқдори? 6) ўғирланган модда қаерга яширилган? 7) ўғирликдан мақсад истеъмол қилишми ёки сотишми? 8) олиб-сотарлар билан олдиндан келишиб олинганми? 9) ўғирланган моддалар қайси йўллар билан тарқатилган? 10) ўғирликка қандай шароит имкон берган?

Гиёҳвандлик воситаларни сотиш билан боғлиқ ишни тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши даркор? 1) гиёҳвандлик воситасининг манбаи қаерда? 2) у кимдан харид қилинган? 3) олди-сотди ҳақида олдиндан келишиб олинганми? 4) муҳсулот қандай баҳоларда сотиб олинган? 5) муҳсулотни ўтказиш йўллари? 6) жавобгарликни оғирлаштирадиган ва, аксинча, енгиллаштирадиган ҳолатлар, чунончи гуруҳнинг мавжуд бўлганлиги, мунтазамлиги ва ҳ.к. 7) жиноят содир этишга қандай шароитлар имкон берган?

Муайян шахсда гиёҳвандлик воситаларнинг мавжудлиги тугал жиноят таркибини ташкил этади, чунки қонунга кўра, бу воситаларни ўзи истеъмол қилиш учун олганлар ҳам жавобгарликка тортиладилар; шу билан бирга тажриба кўрсатадики, гиёҳвандлик воситаларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилади. Шу сабабли жиноят билан алоқадор барча шахсларни аниқлаб олиш зарур.

**МУАЙЯН ШАХСДА ГИЁҲВАНДЛИК
ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП
МОДДАЛАР ТОПИЛГАНДА
РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН
ҲУЖЖАТЛАР**

*(жисноят ишини кўзгатиш ҳақидаги масалани
ҳал қилишда)*

*Милиция ходимининг рапорти, фуқаронинг
аризаси ёки хабари*

*Гувоҳнинг тушунтириши
Ушланган шахснинг тушунтириши*

*Ушланган кишининг ва унинг буюмларини шахсий
кўздан кечириш баённомаси*

*Мазкур шахс тиббий гувоҳлантиришга юборилгани
ҳақидаги ҳужжат*

Тиббий гувоҳлантириш хулосаси (баённомаси).

*Шахснинг гиёҳванд сифатида ҳисобда туриши
ҳақида нарколог маълумотномаси*

*Олиб қўйилган буюмларни текшириш натижалари
ҳақида маълумотнома*

Гумон қилинувчининг шахси ҳақида маълумотнома

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Жиноят устида қўлга олиш ва тинтув ўтказиш баённомалари дастлабки далил тарзида бўлиб, муайян бир шахсда гиёҳвандлик воситалари топилганлигини билдиради, холос. Бундай вазият версия тузишда содир этилган жиноят усули ва тезкор-қидирув ишлари натижаларига оид маълумотларга алоҳида аҳамият беришни талаб этади.

Гумон қилинган шахснинг турмуш тарзи, жиноят содир этиш усуллари, унинг кимлар билан учрашганлиги ва қайси маршрут бўйича сафар қилганлиги версия тузиш учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилади.

Энг типик версияни қуйидаги кўринишда таклиф этиш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларни қўлга олишда: а) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситаси ёки психотропик моддаларни олиб-сотарга улгуржи пуллайди, савдогар эса уни чакана нархда сотади; б) қўлга олинган шахс фақат олиб-сотар томонидан ёлланган шахс; в) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситалар ўғриси; г) қўлга олинган тасодифий унга юкни элтиб бериш топиширилган, у нимани олиб кетаётганлигини билмайди; д) қўлга олинган шахс – гиёҳванд, у гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун ўғирлаб олган ёки тайёрлаган; е) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситасини дорихонадан ёки даволаш муассасасидан ўғирлаб олган.

Гиёҳвандлик воситасини сотаётганда қўлга олинганда: а) сотувчи иккинчи даражали шахс бўлиб, унга гиёҳвандлик воситасини сотиш вазифаси юклатилган; б) сотувчи гиёҳвандлик воситаларини ўғирлаб олган; в) сотувчи афюн ва наша билан савдо қилади, бу хил моддаларни кўтарасига сотади, ундан чакана савдо билан шугулланувчилар харид қилади; г) сотувчи гиёҳвандлик воситаларни уни етиштирадиган ёки тайёрлайдиган жойдан олади; д) сотувчи ўзига ўхшаш олиб-сотар ва элтиб берувчи билан ҳамкорлик қилади; е) харидор наркотик моддани ўзи истеъмол қилади; ж) харидор наркотик моддалар билан савдо қилади, кўтарасига сотиб олади ва жойларга олиб бориб майдалаб пуллайди; з) харидор бангхона эгаси, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни бангилар истеъмол қилиши учун олади; и) харидор гиёҳвандлик воситаларни майдалаб сотиш учун олади; к) харидор- гиёҳванд шахс, айтилган вақтда ўз харажатларини қоплаш учун гиёҳвандлик воситани майдалаб сотади.

Олга сурилган версияларни текшириш турли тергов ҳаракатлари, айниқса тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш орқали амалга оширилади.

Тергов версияларни мақсадга мувофиқ текшириш учун тергов ишларини яхши режалаштириш зарур. У мураккаб гуруҳли ишларни тергов қилишда жуда муҳим ҳисобланади, бунда турли шаҳар ва туманларда тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Гуруҳлар томонидан содир этилган кўп эпизодли жиноят ишларини тергов қилишда янгидан-янги ҳолатлар очилади. Шунга мувофиқ янги версиялар вужудга келади, натижада тергов режаси ўзгаради, янги ҳаракатлар билан тўлдирилади.

Ниқобланган гуруҳли гиёҳвандфурушлар томонидан содир этилган жиноятни тергов қилишда милициянинг тезкор ходимлари билан ҳамкорликда иш юритиш лозим. Шунинг учун алоҳида қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисида суриштирув органларига топшириқ бериш назарда тутилиши керак. Қоидага кўра бирор жойга боришни ҳам режалаштириш лозим, чунки кўрилаётган жиноят ишлари бошқа шаҳар, туман ва мамлакатларда юрган жиноят гуруҳи аъзолари аниқланишини талаб этади.

Мазкур тоифага оид ишлар юзасидан тинтув ўтказишнинг ўзига хос томонлари муайян вазиятларга кўра амалга оширилади. Гиёҳвандлик восита, психотроп модда ёки прокурсорни тегишли рухсатномасиз оз миқдорда бўлса ҳам сақлаш жиноят ҳисобланади. Бу ҳақда жиноятчи билгани учун уни сақлаш усуллари ўйлаб топади, аниқлаш қийин жойларни танлайди. Жиноят иштирокчилари кўп ҳолларда қариндош ва яқин муносабатдаги шахслар бўлиб чиқади. Улар гиёҳвандлик воситаларни турли вақтларда турли хонадонларда сақлайдилар. Қишлоқ жойларда кўкнори ўсимликлари етиштирадиганлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни яшириш имкониятлари катта бўлади. Жиноятчилар жавобгарликдан қочиш мақсадида қўлланиладиган усуллардан бири – уларнинг транспортда жўнатаётган буюмлари ичидан, ҳовлидаги қурилмалардан ва томорқа участкаларидан топилган гиёҳвандлик моддалари ҳақида ҳеч нарса билмасликлари ҳақида важ қилишдир. Бундай ҳолатни гумон қилинган шахс бўйнига қўйиш анча қийин қечади. Гиёҳвандлик моддаларни сақлаб қўядиган, элтиб берадиган, олиб-сотадиган, воситачилик қиладиганлар тўғрисидаги маълумотларни тезкор-қидирув йўли билан билса бўлади.

Тинтув ўтказишга тайёргарлик кўришда гуруҳ иштирокчилари тўғрисида тегишли маълумотларга эга бўлиш керак, шунда тинтув натижалари белгиланган версияни текшириш имкониятини беради. Янги версиялар пайдо бўлади, олдингисига тузатишлар киритилади. Гумон қилинганлар уйдан гиёҳвандлик восита ёки унинг излари топилган тақдирда фараз қилиш мумкинки,

мазкур шахс жиноятдан тушган даромаднинг жуда оз қисминигина олади.

Тинтув вақтида турли ўрамдаги тарозилар, гиёҳванд воситалар излари, қолдиқлари топилган бўлса, бу шахс гиёҳвандлик воситалари тайёрловчи ёки воситачи бўлиши эҳтимол. Жиноятнинг ташкилотчиси қилинганда унинг бошқалар билан алоқасини кўрсатадиган ҳужжатларга кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Тинтув ўтказишнинг асосий вазифаси гиёҳвандлик воситалари ва бошқа ашёвий далилларни топишдан иборат. Гиёҳвандлик воситаларини ўлчаш, қадоқлаш учун ишлатиладиган тарозилар; гиёҳванд восита олинадиган ўсимлик қолдиқлари; наша тайёрлашда фойдаланиладиган элак, халтачалар, пресслар, шприц, махсус найчалар; жиноят йўли билан топилган пуллар ва қимматли буюмлар; қалбаки рецептлар ва ҳ.к. Жиноят иштирокчиларининг ёзишмаларини, почта воситасида ўтказилган пул ҳисоб-китобларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун почта-телеграф муассасаларида корреспонденцияларни кузатиш зарурати пайдо бўлади.

Тинтув вақтида топилган ҳужжатлар жиноятчиларнинг ниқобланган алоқаларини аниқлаш имкониятини беради. Бундай ҳужжатларга хат, телеграмма, пул переводлари, посилкаларга тегишли маълумотнома, ёдномалар, блокнотдаги турли ёзувлар, сақлаш камераси квитанцияси, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар тўғрисида квитанциялар, меҳмонхона ҳисоб-китоб қоғозлари, самалёт, темир йўл, автобус, трамвай билетлари каби-лар киради.

Топилган ёзишмалар синчковлик билан ўрганилиши лозим. Тажриба кўрсатадики, бундай ёзишмалар сирли маъноларга эга бўлади, уларда жиноятни ниқоблаш мақсадида шифрланган усулдан фойдаланадилар, жаргон сўзларни ишлатадилар. Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган яширин жойни аниқлаш алоҳида маҳорат ва синчковлик талаб қилади. Уларни баъзан турли озиқ-овқат маҳсулотлари солинган идишларда сақлайдилар, устига ёғ, сметана, мой қуядилар, крупа, ун кабилар соладилар. Деворларда, дераза тагида, мебелларда, болалар қўғирчқларида яширадилар, шунингдек хўжалик қурилишлари, томорқа участкалари, хавлиларда, учоқ атрофида, молхоналарда яширин жой тайёрлайдилар. Тинтувда ўргатилган итлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тинтув натижалари баённомада ўз ифодасини топиши керак. Яширин жой топилганда уни тасвирлаб кўрсатиш ва суратини олиш лозим. Турли жойдан топилган гиёҳвандлик воситалари алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши ва экспертизага

топширилиши лозим. Экспертиза уларнинг таркиби, тозалик ва намлик даражасини аниқ белгилаб беради.

Ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш, одатда, гиёҳванд воситаларини дорихона, даволаш муассасалари, фармацевтика корхоналарида ўғирлик содир этилганда ва бундай объектларда босқинчилик юз берганда амалга оширилади.

Гиёҳванд воситалар сақланган жойни синчиклаб кўздан кечириш, жинойтчининг қўл, оёқ изларини аниқлашга эътиборни қаратиш лозим. Гиёҳванд воситалар жойланган идиш ва у сақланадиган жойни очишда ишлатилган қурулларни ҳам текшириш талаб этилади. Ҳодиса рўй берган жойдаги изларни фото суратга олиниши ва баённомада аниқ-равшан кўрсатилиши лозим.

Кўкнори етиштирадиган жой аниқланганда, уларда қанча маҳсулот етиштирилиши, қанча ҳосил олиниши мумкинлиги, майдоннинг схемаси, ҳажми ва экинларнинг барчаси йўқотилганлиги, бир неча тун намуна олингани баённомада кўрсатилиши лозим.

Кўкнори қайси экинлар орасида экилганлиги, текшириш вақтида экинлар қандай ҳолатда бўлганлиги, пишган, пишмаган, йиғиштириб олинган, бир қисми йиғиштириб олинган, одам изи, ҳайвон ва транспорт воситаси излари ҳисобга олинади. Бундай тадбирларда агроном мутахассисларни жалб этиш лозим.

Гиёҳванд воситалар тайёрланадиган, қайта ишланадиган ёхуд истеъмол қилинадиган хонани кўздан кечиришда турли мосламаларга, хом ашёларга ҳамда идишдаги изларга эътибор бериш зарур. Шиша ва металл идишларда аниқланган гиёҳванд восита ва қўл излари энг асосли ашёвий далил ҳисобланади.

Гумон қилинганларни жинойт устида қўлга олишда гувоҳ бўлганлар асосан ушбу вазият билан боғлиқ шахс ҳисобланадилар. Бу гувоҳларни сўроқ қилиш зарур, чунки қўлга олинган жинойтчи уни фош қиладиган предметлар меники эмас, деб тониши ҳеч гап эмас.

Агар жинойтчи гиёҳванд воситаларни олиб кетаётганда қўлга олинса, автобус ва троллейбус ёки бошқа транспорт воситаларига қаерда ўтиргани, қандай одамлар уни кузатгани, унинг қўлида нима бор эканлигини аниқлаш зарур. Бу саволларга йўлда ҳамроҳ бўлганлар, автотранспорт ҳайдовчилари, автобус кондукторлари ва кассирлари жавоб беришлари мумкин.

Юк сақланадиган жой ходими сўроқ қилинганда сақлашга қўйилган юкнинг ҳидига урғу берилади. Аммо жинойтчилар бу ҳолатни олдиндан билиб, ҳидини ниқоблаши мумкин (қалампир, атир кабилардан фойдаланадилар).

Олиб-сотарлар кўп ҳолларда транспортнинг такси туридан фойдаланадилар. Такси ҳайдовчилар мижозини қайси манзилга етказиб қўйгани ва кимлар билан учрашгани тўғрисида маълумот бериши мумкин.

Қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, қўғи-қўшниларидан айбланувчининг ҳаёт тарзи, ҳамтавоқлари, учрашувлари ва сафарлари тўғрисида сўраш керак. Гувоҳларни сўроқ қилиш жиноятчи қўлга олингандан кейин дарҳол ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда улар ўзаро тил бириктириб, ёлгон кўрсатув беришга келишиб олишлари мумкин.

Гиёҳвандлар орасидан гувоҳ қидириш лозим, улар мазкур иш юзасидан кўрсатув беришлари мумкин. Ўзининг ёмон ҳолатга тушиб қолганлигини англаб етган ва даволанишга интилаётган шахслар одатда гиёҳванд воситаларни тарқатаётганларни айблайдилар ва тўғри кўрсатув беришга мойил бўладилар.

Ҳали гиёҳванд даражасига етиб улгирмаган ва уни қабул қилавериш нималарга олиб боришини яхши тушуниб етмаган шахсларга бу қилмиш яхши оқибатга олиб бормаслигини, агар бу захри-қотилни истеъмол қилишни тўхтатмаса, нималарга дучор бўлишини тушунтириш фойдадан холи эмас. Бу суҳбатга шифокор ва руҳшуносларни ҳам жалб этиш керак.

Сурункали гиёҳванд шахслар даволанишни ҳаёлига ҳам келтирмайди, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий кўз билан кўрмайди, улар таназзулга юз тутган шахслардир. Бундай шахслардан ҳақиқий маълумотларни олиш анча қийин кечади.

Гиёҳванд гувоҳ абстиненцияга тушган вақтда олинган маълумотларга баҳо беришда эҳтиёт бўлиш керак. Гиёҳванд айбланувчи манфаатини ёқлаб, шантаж қилишгача бориши, хатто жиноятга қўл уруши, ўзи берган кўрсатувлардан тониши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам у кўрсатувларни қайта-қайта текшириб кўриш, бошқа манбалар билан солиштириш мақсадга мувофиқ.

Гиёҳванд воситаларни сақловчиларга бу хилдаги хатти-ҳаракатнинг ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтирганда гуруҳ ташкилотчисини қўлга олиш муҳимлигини уқтириш самарали натижалар беради. Агар гумон қилинган унга сақлаш учун берилган нарса нима эканлигини билмаган эдим, деб кўрсатув берса, унинг бу кўрсатувларини йиғилган маълумотлар билан солиштириб кўриш зарур.

Жиноятнинг ташкилотчилари ва асосий иштирокчиларини сўроқ қилишда тинтув вақтида топилган далиллар, гувоҳлар кўрсатувлари, эксперт хулосаларидан моҳирона фойдаланилмаса, сўроқ яхши натижа бермайди.

Топилган нарса гиёҳвандлик хусусиятга эга эканлиги фақат экспертиза воситасида аниқланади. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича комплекс суд-тиббиёт ва суд-психологик экспертиза ўтказиш ва экспертлар ҳал қилиши учун кўпинча қуйидаги саволларни қўйиш керак: текширилаётган шахс яқинда гиёҳванд восита қабул қилганми; унда сурункали норкоманлик белгиси мавжудми; у наркотик моддаларга қарши ўтказиладиган мажбурий даволатишга мажбурми; у жиноят содир этилган вақтда гиёҳвандлик таъсирида бўлганми ва бошқалар.

Ниҳоят, гиёҳвандлик воситалари ва психотропик моддалар билан боғлиқ ҳар бир жиноят иши бўйича бу хил жиноятларнинг олдини олиш энг зарур вазифадир.

1-§. Уюшган жиноятчилик ва гуруҳлар тавсифи

Жиноятчилик билан курашишнинг 70-йиллардаги амалиёти ва назариясида профессионал (касбий) жиноятчилик бизда йўқ қилинган, бу нарса бизнинг жамиятга хос эмас деган фикрлар ҳукмрон эди. Олимлар ва амалиётчилар кўплаб жиноятларни бир гуруҳ томонидан, бир хил усулда юқори «технологик» савияда содир этилган ҳолатларига дуч келганда, жиноятчиларнинг ҳаракатларида баъзи бир «профессионаллик элементлари» борлиги ҳақидаги юзаки изоҳлар берардилар, холос. Жиноий фаолият билан касб сифатида шуғулланиш ҳақида ҳеч нима дейилмасди. Собиқ Иттифоқда профессионал жиноятчиликнинг, айниқса уюшган жиноятчиликнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқ фанининг ақидаларидан бири бўлиб келди.

Аммо вақти келиб, нафақат профессионал, балки профессионал уюшган жиноятчиликнинг мавжудлигини тан олиш муқаррар эди. Унинг жиноий-сиёсий жиҳатини тан олишнинг ўзи кифоя қилмади: зудлик билан ўз ечимини талаб қиладиган илмий ва амалий тусдаги бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Ташкилий жиҳатдан биринчи ёндашувда Ички ишлар вазирлиги тизимида махсус бўлинма тузилди ва бу ишга муҳим маълумотларни аниқлашга қодир кучли техника воситаларига эга бўлган Давлат хавфсизлик қўмитаси жалб этилди. Илмий жиҳатдан биринчи навбатда уюшган жиноятчилик нима эканлигини ҳамда унинг гуруҳ жиноятчилигидан фарқи нимадалигини аниқлашга тўғри келди.

Адабиётда жиноий гуруҳнинг бир қанча таърифлари берилган. Масалан, баъзи муаллифлар уни умумий мақсадга интилувчи, маълум бир тарзда уюшган, жамият учун хавфли, инсон ҳуқуқларини поймол этувчи ҳаракатлар асосида бирлашган кичик норасмий гуруҳ деб эътироф этишади. Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, бундай жиноятчиларни ўзаро шахсий муносабатлар эмас, юқори даражада ривожланган жиноий фаолият бирлаштиради. Жиноий фаолият асосидаги жамиятга қарши шахслар кичик норасмий гуруҳ тусидаги маълум бир тарзда ташкиллаштирилган уюшма ва бирлашган ҳолатда ҳаракат қилувчи фаолият субъектидир. Ана шу субъектларнинг ҳамжиҳатлилиги даражасига қараб, жиноий гуруҳнинг қуйидаги криминалистик турлари мавжуд: тасодифий, уюшган, жиноий ташкилотлар.

Биринчи гуруҳга гуруҳий жиноятни содир этиш учун *тасодифий* шароитлар тақозосида бирлашган шахслар киради.

Уларнинг асосий мақсади жиноят содир этиш эмас, балки мулоқотга бўлган эҳтиёжни қондиришдир. Гуруҳнинг кўпгина аъзолари дастлаб жиноятни бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун, тасодифан, ҳамма билан ўша ерда бўлгани учун ёки тўсатдан рўй берган вазият натижасида амалга оширадilar. Тасодифий гуруҳда роллар одатда тақсимланмайди ва гуруҳ аъзоларининг уюшқоқлиги ҳам анча паст бўлади. Агар тасодифий жиноий гуруҳ фош этилмай қолса ва у криминалистик фаолиятни давом эттирса, аста-секин, уюшган жиноий гуруҳга айланади. Бу гуруҳлар етакчиси бўлмаса-да, анча уюшқоқ бўлиб, энг фаол ва обрўли аъзоларидан иборат ўзакка эгадир. Жиноий фаолиятда бир ёки бир неча шахс тобора етакчи роль ўйнай бошлайди. Улар бошқалардан кўра фаол ва ҳамжиҳатроқ бўладilar.

Уюшган жиноий гуруҳ шахсий таркибнинг барқарорлиги билан ажралиб туради, ҳатто махсус хулқ-атвор нормалари ишлаб чиқилади, етакчи ва етакчилик учун курашаётган гуруҳ аъзоси «оппозиционер» бўлиши мумкин. Бундай гуруҳда ролларнинг аниқ тақсимланганлиги, метин интизом ва ҳаракатларнинг пинҳонийлиги кузатилади. Гуруҳнинг барча фаолияти жиноий тажовуз қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг жиддийлиги борган сари ошаверади. Гуруҳ жиноят содир этишнинг мураккаброқ усулларини амалга оширишга, бир неча жойда бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилишга қодир. Бундай гуруҳ аъзолари одатда жиноий тажрибага, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг тезкор гуруҳлари билан мулоқот қилиш тажрибасига эга, шунингдек, тергов ва тезкор иш усуллари билан танишдирлар.

Жиноий ташкилотлар - бу айнан жиноий гуруҳларнинг юқори тури бўлиб, уларда интизом ва ҳаракат координацияси янада кўпроқ. Иштирокчиларнинг ташкилий алоқаларини шакллантиришга, жиноятни амалга ошириш ва яшириш усулларини ишлаб чиқиш ва кўникма ҳосил қилишга, пинҳонийликни сақлаш мақсадида аъзолар ўртасидаги бевосита мулоқот ўрнига инфор-мацион алоқалар ўрнатиш уюштирилади. Жиноий ташкилотлар учун мураккаб структура, махсус муҳофаза ва паналаш блокларининг мавжудлиги хосдир. Уларга ҳатто муассаса ёки корхона маъмурияти ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат орган ходимлари киритилади.

Уюшган жиноятчилик деганда таниш-билиш ва порага асосланган алоқалар ёрдамида ўзининг хавфсизлик тизимини таъминловчи ва жиноят билан касб (бизнес) сифатида шуғулланувчи жиноятчилар ҳамжамиятининг нисбатан кенг кўламга ёйилиши тушунилади. Амалиётда уюшган жиноятчиликнинг уч даражаси учрайди. Биринчиси иқтисодиёт соҳасида

мулкни ўмарувчи, товламачилик, таъмагирлик, босқинчилик ва ўғрилик билан шуғулланувчи жинойи гуруҳларни ўз ичига олади; иккинчи даража хўжалик ёки маъмурият органлари билан таниш-билиш ва порага асосланган алоқаларга эга бўлади; учинчи даража ўзига хос бўлиб, мафия кўринишига эгадир. Гап бу ерда бир қатор жинойи гуруҳларни функционал-иерархик бошқарув тизимига, ягона жинойи ташкилотга бирлашиши ҳақида бораяпти. Фарбий адабиётда бу нарса уюшган жиноятчиликнинг тармоқ структураси деб номланган. Одатда, бундай ташкилотни кенгашга ўхшаш бир неча киши бошқаради. Бу каби структуравий уюшмалар минтақалараро алоқаларга эга бўлиб, ҳам профессионал жиноятчиларни, ҳам «оқ ёқалик»ларни (давлат аппарати ва маъмурият ходимлари) бирлаштиради, ўз пул жамғармалари ва хавфсизлик тизимларини тузишади. Профессинал жиноятнинг икки тури мавжуд: коррупция билан ва коррупция иштирокисиз тузилган ташкилот.

«Уюшган гуруҳлар (бандалар), ҳамжамиятлар – уюшган жиноятчиликнинг биринчи ячейкаси» деб ҳисобланади. Уюшган жиноятчиликнинг алоҳида турларида концентрациялаш ва уларни монополиялаштириш, пинҳоний ва ҳаққоний хўжалик фаолияти ва ичкиликбозлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, фоҳишабозлик ва бошқа тарздаги жинойи бизнес соҳаларида майдонни қўлга киритишга қаратилган гуруҳларнинг ўзаро ҳаракатдаги (бевосита ва билвосита) тизимидир. Уюшган жиноятчилик деб таърифланадиган жинойи фаолият минтақавий, ҳатто мамлакат даражасига эга бўлади ёки халқ хўжалигининг бирор-бир тармоғини эгаллайди.

Уюшган жиноятчиликнинг икки хил даражаси бор. Биринчиси – фаолият доираси чегараланган жинойи ташкилот. Масалан, автомобиль ўғирлаш билан шуғулланувчи жинойи уюшмалар кенг тарқалган. Бундай уюшмада роллар аниқ тақсимланган бўлиб, ҳужжатларни қалбакилаштирувчи, муҳрлар тайёрловчи, автоэҳтиёт қисмлардаги номерларни алмаштирувчи каби мутахассислар мавжуд. Бу даражада жиноятчиларнинг коррупциявий алоқалари бўлиши шарт эмас. Кўп ҳолларда корхона ёки муассасалар маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жинойи фаолиятдаги бевосита иштироки кузатилади.

Иккинчи даража – жинойи ташкилотлар тизими ҳам жинойи фаолиятнинг фақат бир турига, масалан, наркобизнесга ихтисослашган бўлиши мумкин, лекин одатда у турли-туман кўринишга ва кенг коррупциявий алоқаларга эга.

Юқорида баён этилган тушунчаларнинг криминологик таҳлили исботлов жараёни учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, терговнинг вазифаси фақатгина жинойтнинг барча иштирокчиларини аниқлаб, уларнинг роллари ва айбини белгилаб бериш эмас, балки жинойй фаолиятнинг вақтга, жойга доир барча кўринишларини, жинойтни амалга ошириш ва яшириш усуллари, келтирилган моддий зарар миқдорини ва жинойтни содир этишга алоқадор барча ҳолатларни аниқлаш ҳамдир. Кўришиб турибдики, исботлашнинг барча элементлари жинойт уюшган ҳамжамият томонидан амалга оширилганида ўзига хос хусусиятларга эга.

Бу хил жинойтларни аниқлаш криминалистик аспектда икки босқичдан иборат:

1) Жинойтни гуруҳ томонидан содир этилганлиги фактини аниқлаш;

2) Жинойтни уюшган жинойй ташкилот томонидан содир этилганлиги белгиларини аниқлаш;

Бу саволларга оид маълумотларни, жинойй иш қўзғатилганда тергов органларига келган бошланғич маълумотлардан олса бўлади, лекин улар асосан тергов ҳаракатини ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирлар жараёнида аниқланади.

Жинойй иш қўзғатишга асос бўлувчи бошланғич маълумот тергов органларига бир неча каналлар орқали келиши мумкин.

1) Жабрланувчиларнинг аризасини қабул қилган ички ишлар органи навбатчи қисмидан, патруль хизмати ходимлари, ташкилот ва корхоналар ходимлари ёки бошқалардан;

2) Ички ишлар органлари тезкор аппаратларидан;

3) Криминал тусга эга бўлиши эҳтимол бўлган жиддий жароҳат олган инсонлар мурожаат қилганда тиббиёт муассасаларидан;

4) Жинойй иш қўзғатишдан аввал ҳодиса жойини кўздан кечирганда ва у билан боғлиқ қидирув тадбирларини ўтказиш давомида.

Жинойт ҳақидаги маълумот оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Содир этган жинойти ҳақида жинойтчининг ўзи ҳам арз бериши учрайди.

Криминалистик аспектда бу маълумот, кўп ҳолларда, жинойй гуруҳ томонидан содир этилганлиги, гуруҳнинг ҳамжиҳатлиги, вазифаларнинг тақсимланиши ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Бошланғич маълумотга асосланиб гуруҳнинг ташкилий даражаси, унинг юқорироқ даражадаги жинойй гуруҳга тегишлилигини аниқлаш одатда қийин.

Маълумки, бошланғич маълумотни текшириш учун тушунтириш олиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ревизия, бошланғич текширувлар белгилаш, жинойт иши қўзғатишдан

аввал ўтказилган экспертиза хулосалари кенг тарқалган воситалардан саналади.

Жиноят иши тезкор йўл билан олинган маълумотлар асосида қўзғатилганда жиноят белгилари ҳақидаги маълумотлар шахсий қидирув, тезкор кузатув, назорат текшируви, иқтисодий таҳлил ва бошқа тезкор-қидирув тадбирлари орқали олиниши мумкин.

Шахсий қидирув тезкор ходимнинг жиноятчини қидириш, топиш ва қўлга олиш ҳаракатларидан иборат. Қидирув объекти бўлиб, жинойий тил бириктирган гуруҳ аъзолари бўлиши мумкин.

Тезкор кузатув жараёнида шахснинг алоқалари, жойи, турли хил буюмларни ташиш фактлари ва жинойий гуруҳ мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа маълумотлар аниқланади. Назорат текшируви шахс ёки гуруҳ учун кутилмаганда фуқаролик битими ёки хўжалик муносабатининг тўғрилигини текшириш учун қўққисдан амалга оширилади. Назорат текширувининг технологик жараённинг бир неча бўлинмаларида бир йўла ўтказилиши неча шахсларнинг ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Жиноят иши қўзғатишдан аввалги тезкор ҳаракатлар жинойий ташкилотнинг хусусиятлари ва унинг уюшган жиноятчиликка тегишлилиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Тезкор маълумотлар бўйича жиноят иши қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Тезкор маълумотлар кўлами терговчи ва тезкор ходимнинг чуқур ўйланган ва ташкиллаштирилган ҳаракатларига боғлиқ.

2-§. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш чоғида жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигини аниқлаш

Жинойий ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилганлиги ҳақидаги версия ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш вақтида топилган излар, тажовуз предметининг хусусиятлари, жиноятни амалга ошириш усули ва қуроли ҳақида маълумотларга асосланиб олға сурилиши мумкин.

Жиноятчиларнинг излари. Содир этилган жиноятнинг гуруҳий тусга эга бўлиши тўғрисида биринчи навбатда папилляр чизиқлар турига кўра турли шахслар томонидан қолдирилган қўл бармоқлари излари гувоҳлик бериши мумкин.

Бармоқ изларига қараб жиноятчилар бир неча бўлганликлари тўғрисидаги хулоса излар жабрланувчи ёки унинг атрофидагиларга тегишли эмаслиги аниқлангандан сўнггина чиқарилади. Худди шу талаблар асосида оёқ (пойабзал) излари

ҳам баҳоланади. Фарқлар пойапзалнинг тури ва размери, юриш усулига қараб аниқланади.

Чекиш излари ҳам фойдали маълумотлар бериши мумкин. Жиноятчи бир киши эмаслигини ҳар хил маркали сигарет ва папирос қолдиқлари, ўчириш усулидаги фарқ, уларни охиригача чекиш ёки турли катталиқдаги қолдиқлар қолдириш, папирос гильзасини ўзига хос усулда эзгилаш, мундштук ишлатиш, лаб помадаси излари орқали билиб олиш мумкин. Фарқларни сигарет қолдиқларидаги сўлакни ўрганиш орқали ҳам аниқланса бўлади. Бир хил маркали сигарет ёки папирос қолдиқлари топилганда уларнинг товар белгисига эътибор бериш зарур, чунки улар ҳар хил фабрикада тайёрланган бўлиши мумкин, бу эса қолдиқлар турли шахсларга тегишли эканлигидан далолатдир.

Жиноий тажовуз предметининг хусусиятлари. Катта ёки оғир предметларнинг сурилиш ва ташилиш излари, ўғирланган нарсанинг катта ҳажми ва оғирлиги жиноятни гуруҳ томонидан содир этилганлигига ишора бўлиши мумкин.

Мурда топилганда жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлигини қуйидагилар орқали аниқласа бўлади: шикаст етказилган қуролларда; мурдани боғлаш ёки уни ўрашда қўлланилган тугун турларида; жабрланувчи ҳаётлигидаги қийноқ изларида. Гуруҳ билан амалга оширилган жиноятнинг хусусиятларидан бири бўлиб қотилликни яширишнинг тури ҳам хизмат қилиши мумкин (қўмиш жойи, мурдани бўлақларга бўлиш усули, бахтсиз воқеани инсценировка қилиш ва ҳоказо).

Жиноятни содир этиш усули ўта мураккаблиги ёки нозиклиги билан ажралиб турса, жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлигига исбот бўла олади. Масалан, ўғирликни бино тагидан ер ости йўли қазиб амалга ошириш. Жиноят қуроли ва воситаси ҳам катта аҳамиятга эга: сейф ёки бошқа металл идишлардан ўғирлик содир этилганда металл кесувчи оғир усқуналар ишлатиш, ҳодиса, жойида турли ўқотар қуроллардан отилган гильзаларни топиш, бузиб киришнинг турли қуроллари излари, бир неча транспорт воситаларининг излари ва бошқалар.

Барча топилган излар, предметлар, ҳодиса жойидаги шароитнинг ўзгариши тергов қилинаётган ҳодисага ва гуруҳ жинояти версиясига нисбатан баҳоланиши зарур. Гуруҳнинг белгилари бўлмаса ҳам бундай жиноятни инкор этиб бўлмайди. Жиноий гуруҳнинг баъзи бир аъзолари жиноят содир этишда бевосита иштирок этмасаларда, келишувга кўра бошқа жиноий вазифаларни бажаришлари мумкин. Жиноий гуруҳнинг барчаси ҳодиса жойида бўлганлиги, лекин баъзи иштирокчилар из қолдирмаган бўлиши ҳам эҳтимол. Жиноий ташкилотнинг етакчиси одатда жиноий

ҳаракатларда шахсан иштирок этмайди, шунинг учун, табиийки, ҳеч қандай из қолдирмайди.

Жинойят ва жиноятчиларнинг изларини баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) из пайдо бўлишининг сабаблари ва усулларини, улар пайдо бўлишининг вақт ва жой ҳолатларини аниқлаш, яъни жиноятни «хаёлан тиклаш»;

2) топилган изларнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш, ишга алоқаси бўлмаган изларни чиқариб ташлаш, янги изларни топиш учун маълумот олиш;

3) жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва жиноятга алоқадор бўлмаган шахсларни чиқариб ташлаш;

4) терговни режалаштириш учун зарур версияларни олға суриш.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида бошланғич маълумот сифатида ҳодиса жойини қўздан кечиришдан ташқари у билан параллел равишда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида олинган маълумотлардан фойдаланилади: уйма-уй айланиб чиқиш; жабрланувчи ва бошқалар фикрини ўрганиш; хизмат-қидирув итидан фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳодиса жойини қўздан кечириш натижасида олинган бошланғич маълумот, одатда тўлиқ бўлмайди. У жиноят шубҳасиз гуруҳ томонидан содир этилганлиги ва гуруҳнинг уюшқоқлиги тўғрисидаги баъзи-бир маълумотларнигина ўз ичига олади.

3-§. Жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида версияни илгари суриш ва терговни режалаштириш

Бошланғич маълумотлар тергов ва тезкор-қидирув версияларини илгари суриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Агар бошланғич маълумот фақат ҳодиса жойини қўздан кечириш орқали олинган бўлса, тергов қилинаётган ишга алоқадор ёки у ҳақида бирор-бир маълумотга эга шахслар бўлмаса, бундай энг мураккаб вазиятда версия мазкур жойнинг маълум ориентирларга нисбатан жойлашиши; ушбу ерда бўлган шахсларнинг сони, уларнинг жисмоний ва бошқа хусусиятлари; улар ҳаракатларининг йўналиши ва хусусиятлари; қолдирилган излар хусусиятлари ва иштирокчилар томонидан келтирилган предметлар ва уларнинг излари; бу ерда бўлган шахслар ҳаракатларининг натижаларига асосланади: қолдирилган излар, мурдалар ва уларнинг жойлашиши, предмет ва буюмлар қисмлари, сачраган нарсалар, қўлмақлар, шикастланган, жойи ўзгартирилган ва ёйилган предметларнинг мавжудлиги.

Ходисанинг юз бериш модели ҳодиса жойида рўй берган ҳодисадан аввалги вазият ва ҳодисадан сўнги вазият ҳақида та-саввур ҳосил қилиши мумкин. Шу асосда ҳодиса жойини кўздан кечириш орқали олинган бошланғич маълумот, кўпинча жинойтчиларнинг биологик хусусиятларига тегишли бўлиб, антропологик хусусиятлар (ирқий, жинсий, ёш хусусиятлари); анатомик жисмоний хусусиятлари (юз тузилиши, тери морфологияси, гавдаси, ва бошқалар); функционал-анатомик хусусиятлар; биохимик хусусиятлар (сўлак, қон, тер, сперма, тана тўқимаси, ҳид таркибининг спецификаси)дан иборат бўлади.

Ушбу маълумот жинойтчиларнинг тажрибаси, билимлари, маҳоратлари ва одатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Жинойт гуруҳ томонидан содир этилганлиги тўғрисидаги версияни илгари суришда терговчининг вазифаси жинойтчилар ҳақида тўпланган маълумотларни ҳар бир шахснинг белги ва хусусиятларига қараб фарқламоқдир. Агарда қўл, оёқ, тиш, ҳид изларига нисбатан бу анча енгил бўлса, билим ва маҳорат борасида бир талай қийинчиликларга дуч келиш мумкин.

Одатда гуруҳ фаолияти кўп эпизодли бўлгани учун, унинг қайси эпизоди ёки қайси тергов ҳаракатидан бошлаш кераклигини аниқлаш жуда муҳимдир. Шунинг учун, амалиёт терговчига режани тезкор-қидирув тадбирларини олиб борган ходим билан бирга тузишни тавсия қилади. Агар тезкор материалларни амалга ошириш шубҳа остидагиларни жинойт устида қўлга олишдан бошланса, унинг тавсиялари қуйидаги ҳолларни аниқлашда катта ёрдам беради: кимни, қаерда ва қандай вазиятда қўлга олиш зарур, ушланганларни қандай кетма-кетликда тинтув қилиш керак, терговнинг жорий босқичида қўлга олиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган гуруҳ иштирокчиларини чалғитиш учун, шунингдек, жинойт йўл билан топилган пул ва бойликни олиб қўйиш ёки ҳибсга олгунга қадар уларни сақлаш учун қандай ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиши зарур.

Тезкор материалларга асосан қўзғатилган иш терговини режалаштиришда тезкор маълумот манбаини сир сақлаш чораларини кўриш лозим, бу эса ҳам алоҳида тергов ҳаракатларининг тактикасини, ҳам уларнинг кетма-кетлигини чуқур ўйлаб амалга ошириш лозимлигини талаб қилади.

4-§. Сўроқ қилиш - жиноятни уюшган гуруҳ; содир этганлиги тўғрисида маълумот олишнинг воситаси сифатида

Жиноятни уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилганлиги тўғрисида маълумот олишнинг воситаси сифатида сўроқ қилиш алоҳида ўринга эга. Уни бу қадар аҳамият касб этишининг сабаби, биринчидан, сўроқ қилиш энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, ҳеч бир жиноятни тергов қилиш усиз ўтмайди, иккинчидан, у терговчи ва судга жиноят ҳодисаси, унинг таркибидаги барча элементлар, шунингдек жиноятни амалга ошириш мақсади, сабаби ва мотиви сингари мураккаб элементлар ҳақида тўлиқ маълумот бера оладиган воситадир.

Сўроқ қилиш предмети, яъни, аниқланиши керак бўлган ҳолатлар доираси, умумий кўринишда исботлаш предметига киради. Жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ишларда сўроқ қилишнинг хусусиятларига фақат гуруҳ томонидан содир этилган жиноят фактини тасдиқлайдиган маълумотларнигина олиш эмас, балки гуруҳ ҳақида, ҳар бир иштирокчининг роли ва айби ҳақида иложи борича тўлиқ маълумот олиш киради.

Сўроқни тактик таъминлаш уни амалга ошириш ва тузиш усуллари, керак бўлганда, сўроқ режасини тузишдан иборат.

Бундай режа қуйидаги шартларни ҳисобга олиб тузилиши зарур:

а) тезкор маълумотлардан фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, сўроқ қилинувчига маълумот манбаини айтиб қўйишнинг олдини олиш зарур;

б) жиноий ташкилот иштирокчиларини, уларнинг ҳамжамиятидаги ролидан қатъи назар, сўроқ қилишнинг мураккаблиги боис сўроқнинг тактик усуллари чуқур ўйлаб кўриш, уларни қатъий кетма-кетликда ўтказиш, саволни тўғри қўйиш, сўроқ қилинувчининг жавобини олдиндан башорат қила олиш лозим. Сўроқ қилишдан айбланувчиларнинг бир-бирларини қўллашнинг фош қилиш усули сифатида фойдаланмоқ даркор.

Сўроқ вақтини аниқлаш сўроқ қилинувчи эга бўлган маълумотларнинг муҳимлиги, унинг процессуал мавқеи, жиноий ташкилотдаги ва тергов қилинаётган вазиятдаги роли ҳамда иш бўйича сўроқ қилинувчи шахслар билан алоқасига боғлиқ. Сўроқ вақтини аниқлашга гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш кетма-кетлигини танлаш ҳам таъсир қилади. Агар тезкор манбалардан ташкилотнинг бирор-бир аъзосининг айби камроқлиги ёки бардошсизроқлиги маълум бўлса, у ҳолда сўроқни айнан шу шахсдан бошлаган маъқул. Ваъзан бунинг тескариси рўй беради

– аввал гуруҳ раҳбари сўроқ қилинади, ундан ҳаққоний кўрсатувлар олишга эришилса, қолган шерикларни сўроқ қилиш осон кечади.

Сўроқ вақтини аниқлашга тергов сирини сақлаш эҳтиёжи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифалари каби бир қатор омиллар ҳам таъсир қилади.

Сўроққа чақириш усули ҳам тактик аҳамиятга эга. Бу ерда овоза бўлишнинг, сўроқ қилинувчини сўроққа келишига тўсқинлик қилинишининг ва ҳаттоки у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътибори доирасига тушгани маълум бўлганидан сўнг сўроқ қилинувчини йўқ қилишнинг эҳтимолини инобатга олиш зарур. Сўроқ қилишда кўпинча магнит ва видеоманитофон тасмаларни тайёрлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Жабрланувчиларнинг бир хил процессуал мавқеларида уларни сўроқ қилиш предмети уларга бўлган тажовуз аниқ ёки ноаниқ бўлганлигига қараб фарқланади. Биринчи ҳолатда бу куч ишлатиш, гаразли ва очиқ мулк жиноятларидир, иккинчи ҳолатда – фақат ўғирликдан иборат бўлиб, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан кўп содир этилади.

Жабрланувчига тажовуз аниқ ҳолатда рўй берганида сўроқ қилишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

гуруҳ жиноятини содир этишда иштирок этган жиноятчиларнинг сони, ҳар бирининг ҳаракатлари, айниқса ўзларини тутишлари, лақаб ишлатганликлари, жиноий жаргондан фойдаланганликлари, ҳаракатларга ким раҳбарлик қилганлиги, ким нима билан қуролланганлиги, ҳужум қилганлар ҳодиса жойини қандай тарк этганликлари батафсил аниқланмоғи керак.

Худди шу схема бўйича гувоҳлар ҳам сўроқ қилиниши керак, ammo бунда қўшимча тарзда улар ҳодиса вақтида қаерда бўлганликлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг ҳаракатларини қай ҳолатда кузатганликлари ҳам аниқланади.

Жабрланувчиларни сўроқ қилганда улар қасос, ачиниш, гуруҳ аъзоларидан фақат бири қўлга тушганда эса бошқа иштирокчилар олдида кўрқув ҳиссиётлари туфайли ёлгон кўрсатув беришлари мумкинлигини инобатга олиш зарур. Жабрланувчилар баъзан, гуруҳ иштирокчиларининг барча жиноий ҳаракатлари ҳақида маълумот бермай, овоза бўлишини хоҳламайдиганини яширадилар. Масалан, босқинчилик тўғрисида хабар бериб, зўрлаб номусига тегиш тўғрисида йндамайдилар.

Иқтисодиёт соҳасида уюшган йўл билан содир этилган жиноятлар бўйича гувоҳларни сўроқ қилишни ўзига хос хусусиятлари бор. Бундай ишлар бўйича одатда назорат-ревизия

органлари ходимлари, маъмурият ва ишлаб чиқаришнинг турли звенолари раҳбарлари, қўриқлаш хизматдагилар, савдо ходимлари ва бошқалар сўроқ қилинади.

Уларни сўроқ қилишда:

- талон-тарожнинг ташаббускори ким бўлган, унинг усули ва ҳаракат режасини ким ишлаб чиққан;

- жиноий ташкилот қандай шаклланган, ҳар бир иштирокчи унга қай тариқа жалб этилган;

- мазкур корхона ходимларидан ташқари ким ушбу жиноий ташкилот аъзоси бўлган;

- ҳар бир иштирокчининг вазифаси нимадан иборат бўлган;

- жиноий фаолиятдан тушган фойда қандай тақсимланган;

ким ва қандай сабабларга кўра жиноий ташкилот билан жиноий алоқаларини узган, ташкилотнинг бошқа аъзолари, хусусан раҳбар бунга қандай муносабатда бўлгани каби саволлар албатта аниқланиши лозим.

Терговда кўрсатув беришдан воз кечаётганларни кўндириш ёки гувоҳ ёки жабрланувчини ёлгон кўрсатув беришдан қайтариш эҳтиёжи кўп тугилади.

Айбланувчи ва гумон қилинганларни сўроқ қилиш чоғида қуйидагиларга эътибор бериш шарт:

а) уюшма жиноий ҳаракатининг хусусиятлари: гаразли-зўравонлик жиноятлари (босқинчилик, талаш), мулкка доир куч ишлатилмайдиган жиноятлар (ўғирлик, қаллоблик ва бошқалар), иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;

б) жиноий уюшма иштирокчисининг роли ва мавқеи;

в) уюшма аъзосининг жиноий фаолиятдан аввалги фаолияти, касби, маълумоти, оилавий аҳволи, аввал судланганлиги, жиноятларни тергов қилиш ва очиш усуллари билан танишлиги.

Жиноий уюшма ташкилотчиларини (раҳбарларини) сўроқ қилишда қуйидагиларни аниқлашга интилиш зарур:

жиноий уюшмани тузиш фикри кимдан, қандай, қай тарзда чиққан, бунга нима ундаган, фикр қандай кетма-кетликда амалга оширилган;

қандай жиноий фаолият кўзда тутилган ва амалда қандай фаолият амалга оширилган; жиноий фаолиятнинг эпизодлари, конкрет иштирокчилари;

жиноятлар қандай усулларда амалга оширилган, усуллар ҳақида маълумот қайси манбадан олинган, жиноий уюшма аъзоларидан қай бири ундан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган;

уюшманинг ташкилий жиҳатдан ихтисослашган қисмлари мавжудлиги;

уюшманинг моддий-техник таъминоти, қурулганиши, транспорт воситалари, алоқа воситалари, махфийлиги;

уюшмага янги аъзолар жалб этиш йўллари, давлат ёки жамоат структураларидаги коррупциявий алоқалар, яшириш гуруҳининг таркиби, унинг фаолияти, йўлловчи ва бошқа маълумотлар олиш каналлари;

ҳимоя гуруҳи, таркиби, ҳаракатлари;

ижрочилар, уларнинг турли хусусиятлари, ижрочи томонидан тартибга риоя этилиши, уюшмадан алоқани узганлар, бошқаларни уларнинг алоқа узишига бўлган муносабати;

жиноий йўл билан орттирилган мулк, пул ва бойликлар, уларни уюшма аъзолари ўртасидаги тақсимоти, умумий мулк ва пулнинг мавжудлиги, унинг ишлатилиши;

иштирокчиларнинг шахсий муносабатлари, низолар, уларни ҳал қилиш йўллари, жазолаш тизими; рақобатчиларнинг мавжудлиги, уларнинг раҳбар билан муносабатлари.

Ҳимоя гуруҳи аъзоларини сўроқ қилишда қуйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилиш зарур:

уюшмага қандай жалб этилган, унинг қандай хислатлари бунга асос бўлган;

унинг мажбуриятлари нимадан иборат бўлган;

қуроли бўлганми, у қай йўл билан топилган, уни ишлатиш ҳоллари бўлганми;

бошқа жиноий гуруҳ аъзолари билан низоларда иштирок этганми, қачон, қаерда, нима сабабдан, натижа қандай бўлган;

жиноий фаолиятдан улуши қандай бўлган, у ким томонидан белгиланган, қачон берилган ва нимага сарфланган.

Яшириш гуруҳи аъзоларини сўроқ қилишда келтирилган саволлардан ташқари қуйидагилар аниқланади:

жиноий уюшма учун маълумот тўплашда қандай тўсиқларни ва қай тариқа ўтишга тўғри келган;

муваффақиятсизликлар бўлганми, уларни қай тарзда енгиб ўтишга тўғри келган;

агар сўроқ қилинувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими бўлса, ўзининг жиноий уюшмадаги иштирокини қандай яшира олган.

5-§. Уюшган гуруҳ содир этган жиноятларни аниқлашнинг бошқа воситалари

Предмет ва ҳужжатларни кўздан кечириш имкониятларидан фойдаланиш. Маълумки, далилий аҳамиятга эга бўлган предмет ва ҳужжатлар фақат ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасида эмас, балки бошқа тергов ҳаракатларини

амалга ошираётганда ҳам олиниси, шунингдек, терговчига процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилиши мумкин. Мазкур объектларни кўздан кечириш жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигининг белгилари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Чунончи, жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган воситаларнинг хусусиятлари, улардан фақат бир киши фойдаланиши мумкин эмаслигини қуйидагилар кўрсатади:

- а) объектнинг ҳажми – катталиги, оғирлиги ва ҳоказо;
- б) ҳужжатни – ашёвий далилни хизмат ёки бирор-бир операцияни амалга ошириш билан боғлиқ бир неча шахслар томонидан ишлатилганлиги;
- в) объектни тайёрлаш бир неча иштирокчининг ҳамкорлигини талаб қилиши кабилар.

Тинтув имкониятларидан фойдаланиш. Мазкур тергов ҳаракати ҳам тажовуз уюшган гуруҳ томонидан содир этилгани ҳақида маълумот олиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, жумладан:

- а) бир киши ишлатиши мумкин бўлмаган қуролларни (металл кесиш аппарати ва ҳоказо) излашга алоҳида эътибор бериш зарур. Жиноят қуролларида улар бир неча шахс томонидан ишлатилганлигининг излари, масалан бармоқ излари бўлиши мумкин. Уларни тегишлича, имкон борича мутахассис иштирокида расмийлаштириш зарур. Тинтув вақтида топилган ва жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган у ёки бу технологик ускуналар, ярим фабрикатлар, хом-ашё ёки бошқа материаллар (қалбаки пул қолиплари, ўғирланган автомобиль қисмларидаги рақамларни ўзгартириш мосламалари, сохта ҳужжат қисмлари, турли хилдаги муҳр, штамплар ва ҳоказо), улардан фойдаланган турли шахсларнинг изларини топиш мақсадида албатта кўздан кечирилади.

- б) Фуқаролар тасарруфидан чиқарилган предметлар – ўқотар ва совуқ қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, заҳарлар, гиёҳванд моддалар ва ҳоказо. Улар бошқа тергов қилинаётган ишларда тажовуз қуроли бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкинлигини терговчи ёдида тутиши лозим.

- в) Пул ва бойликлар, қимматбаҳо қоғозлар, тинтув қилинаётган шахснинг шерикларига тегишли бўлиши мумкин.

- г) турли ҳужжатлар – кундалик ёзувлар, хатлар, ён дафтарчалар, «пинҳоний» бухгалтерия, фотосуратлар, магнитофон ва видеоёзувлар ва бошқалар. Айнан шундай ҳужжатларда жинойий уюшма, унинг аъзолари, бошқа жиноятлари тўғрисида маълумотлар бўлиши мумкин.

Бир неча шахсни баравар тинтув қилиш тактик операциянинг элементи бўлиб, тинтувдан ташқари қўлга олиш,

сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўз ичига олади. Операцияни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида ўзига хос штаб тузилади.

Ниҳоят, тезкор-қидирув тадбирлар жараёнида маълумотни техник воситалар ёрдамида олишга интилиш керак. Телефонда сўзлашиш ёзувлари ёрдамида жиной уюшма таркиби, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган жиноятлар ва жиноятчиларнинг улардаги роллари, вақт ва учрашув жойлари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни билиб олса бўлади.

Яширин фото-, кино-, видеосурат натижалари шериклар учрашувлари вазиятлари, уларнинг орасидаги алоқалар мажудлигини исботлабгина қолмай, балки гуруҳ иштирокчисининг ҳар бир ҳаракати, жиной тажовуз динамикасини тасдиқлайди, қўлга олишда эса умумий жиной фаолиятнинг муҳим ашёвий далилларини олиш имконини беради.

IV бўлим. АЙРИМ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ

23-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ
КРИМИНАЛИСТИК УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услугиёти тушунчаси.....	3
2-§. Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий криминалистик услугиётларни тузиш ва таснифлаш тамойиллари.....	7
3-§. Жиноятларни тергов қилишдаги хусусий криминалистик услугиётларнинг таркибий тузилиши.....	12

24-боб. ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ҳамкорликнинг умумий жиҳатлари.....	18
2-§. Ҳамкорликнинг тактик-услугиий қоидалари.....	19
3-§. Ўзаро ҳамкорликнинг турлари.....	21

25-боб. ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифи.....	26
2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва терговнинг типик вазиятлари.....	29
3-§. Терговнинг дастлабки босқичи.....	34
4-§. Терговнинг кейинги босқичда ўтказиладиган ҳаракатлар.....	39

26-боб. НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Номусга тегиш жиноятини криминалистик тавсифи.....	42
2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари.....	45
3-§. Вояга етмаганлар номусига тегиш жиноятини тергов қилиши.....	54

27-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ МУЛКИНИ МАНСАБДОР
ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Талон-тарож қилиш жиноятларининг криминалистик тавсифи.....	61
2-§ Дастлабки материалларни таҳлил этиш, жиноят иш қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатлари.....	60

3-§. Давлат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини тергаши режалаштириш.....	66
4-§. Хужжатларни кўздан кечириш.....	71
5-§. Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш.....	73
6-§. Талон-тарож жиноятини тергаш бўйича экспертизалар тайинлаш.....	76
7-§. Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш тадбирлари.....	78

28-боб. ЎҒИРЛИК, ТАЛОНЧИЛИК ВА БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг криминалистик тавсифи.....	80
2-§. Ўғирлик жиноятларини тергов қилиш.....	83
3-§. Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергаш.....	91

29-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГАШ УСЛУБИ

1-§. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи.....	99
2-§. Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари.....	100
2-§. Кейинги ўтказиладиган тергов ҳаракатлари.....	103

30-боб. ПОРАХЎРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

1-§. Порахўрликнинг криминалистик тавсифи.....	106
2-§. Типик тергов вазиятлари, версиялари ва терговни режалаштириш.....	107
3-§. Дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари.....	109

31-боб. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЖИНОЙ ТАРЗДА БУЗИЛИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....	113
2-§. Жиноят ишини қўзғатиш. Тергов қилишнинг дастлабки босқичи.....	115
3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг ташкилий ва тактик хусусиятлари.....	121

32-боб. ЎТ ҚЎЙИШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўт қўйиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг криминалистик тавсифи.....	125
2-§. Дастлабки тергов ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказиш.....	127

3-§. Тергов ўтказиш режалаштириш ва кейинги тергов ҳаракатлари.....	131
---	-----

33-боб. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЖИНОЙ ТАРЗДА БУЗГАНЛИК ҲОЛЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Йўл-транспорт ҳодисаларининг криминалистик тавсифи.....	138
2-§. Тергов йўналишларини аниқлаш.....	142
3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чора-тадбирлари.....	144
4-§. Йўл-транспорт ҳодисалари терговининг давоми....	158

34-боб. ЭКОЛОГИЯ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Экология соҳасидаги жиноятларнинг оқибатлари...163
2-§. Жиноят ишини қўзғатиш.....164
3-§. Жиноят моҳиятини исботлаш.....166

35-боб. КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Контрабанданинг криминалистик тавсифи.....171
2-§. Контрабанда ишини тергов қилиш услуги.....173

36-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ «ИЗЛАР БОСИЛМАЙ ТУРИБ» ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Жиноятларни «излар босилмай туриб» фош қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.....179
2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари.....181
3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари.....183

37-боб. ХОРИЖ ФУҚАРОЛАРИ ТОМОНИДАН ВА УЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИ

1-§. Хориж фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати.....186
2-§. Хориж фуқаролари билан боғлиқ ишлар бўйича тергов олиб боришнинг хусусиятлари.....189

38-боб КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....194
2-§. Тергов тактикасининг хусусиятлари.....199
3-§. Экспертиза тадқиқотининг имкониятлари.....208

39-боб. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг криминалистик таснифи.....212
2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки версиялар..216
3-§. Алоҳида тергов ҳаракатлари тактикасининг ўзига

хос жиҳатлари.....	218
4-§. Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича терговчининг профилактика фаолияти.....	230

**40-боб. ГИЁҲВАНД ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕРГОВИ**

1-§. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....	232
2-§. Жиноят иши қўзғатиш.....	235
3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари.....	239

41-боб. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Уюшган жиноятчилик ва гуруҳлар тавсифи.....	245
2-§. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш чоғида иноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигини аниқлаш.....	249
3-§. Жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғри- сида версияни илгари суриш ва терговни режалаштириш.....	251
4-§. Сўроқ қилиш - жиноятни уюшган гуруҳ содир этилганлиги тўғрисида маълумот олишнинг воситаси сифатида.....	253
5-§. Уюшган гуруҳ содир этган жиноятларни аниқлашнинг бошқа воситалари.....	256

АБДУМАЖИДОВ ҒАҒУР



1928 йилда

Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1987). Юридик фанлари доктори (1983), профессор(1985). Меҳнат фаолиятини 1944 йилда район судининг котиби, суд ижрочиси сифатида бошлаган. Тошкент юридик институтини битиргач, 1948 йилдан прокуратура органларида ишлаган, Ўзбекистон Республикаси Прокурори ҳузу-

ридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи (1951-1957) бўлган. Петербург давлат университетининг аспирантурасида таҳсил олиб келгач (1957-1960), Ўзбекистон ҒА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим, сектор бошлиғи (1961-1965), Республика Олий кенгаши Президиумида Юридик бўлим бошлиғи (1965-1973), ИИВ Тошкент олий мактаби криминалистика кафедраси бошлиғи(1974-1992), ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари (1992-1995), Конституциявий суд судьяси(1995-2000) лавозимларида ишлаган. 2000 йилдан буён Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори. Ғ.Абдумажидов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол қатнашган. Илмий фаолияти асосан жиноятларни тергов қилиш назарияси ва амалиётнинг муаммоларига бағишланган. 60дан зиёд илмий асарлар ва рисоалар, ҳамда қарийб 300 мақолалар муаллифи.



«Криминалистика» дарсликлари, ЖПКнинг илмий-амалий шарҳлари ёзишда қатнашган, қатор илмий мақолалар муаллифи.

АЛИМОВА РОХИЛА

ОРИПОВНА

1934 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Ўрта Осиё Давлат университети юридик факультетини битиргач (1960й.), Тошкент суд экспертиза илмий-текшириш институтида эксперт-илмий ходим бўлиб ишлаган. Москва Давлат Университети аспирантурасида таҳсил олиб номзодлик диссертациясини ёқлаган, фан номзоди илмий даражасига ва доцент унвонига сазовор бўлган. 1976 ва 1986 йилларда чоп этилган

АРИПОВ ТОҲИР

ЭРКИНОВИЧ

1964 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1986 йилда Ички ишлар министрлигининг Караганда Олий мактабини юрист-ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича битирган. 1990 йилдан ИИБ Тошкент Олий мактаби криминалистика кафедрасининг ўқитувчиси лавозимида ишлаган, адъюнктурада ўқиган. 1993 йилда Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида иккинчи котиб-вице-консул лавозимида, 1997 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ишлаб келган. 1998 йилдан буён Жаҳон иқтисодиёти ва

дипломатия университетида кадрлар бўлими бошлиғи, айти вақтда Давлат қурилиши ва ҳуқуқи кафедраси доценти лавозимида ишлайди. 2000 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоялаган. 2002 йилда доцентлик илмий унвонига эга бўлган ўн нафар илмий ва ўқув услубий рисоалари ва мақолалари чоп этилган.





ЗАКУТСКИЙ

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ

1957 йилда Фаргона шаҳрида туғилган. 1979 йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланган, 1984 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1994 йили доцент илмий унвонига эришган. 30дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, шунингдек кримина-

листик тактика, криминалистик техника ўқув қўлланмаларининг ҳаммуаллифидир.



НОРБОЕВ АБДУСАЛОМ

НУРҚОБИЛОВИЧ

1954 йил Самарқанд вилояти Нурота туманида туғилган. 1982 йили Тошкент давлат университети юридик факультетини тугатган. 1991 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1992 йили катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2000 йилда доцентлик илмий унвонига сазовор бўлган. «Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечирिश», «Криминалис-

тика тактикаси», «Криминалистика техникаси» ва бошқа ўнга яқин ўқув-услубий қўлланмалар ҳаммуаллифи, ўттиздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.



ОЧИЛОВ ТўРА РАВШАНОВИЧ

1947 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида туғилган. 1964 йил Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаштириш ва механизациялаштириши муҳандислари институтини тугатган. 1972 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бош бошқармасида ишлаган.

1994 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тугатган. 2003 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўнга яқин илмий ишлари эълон қилинган. 2003 йилдан ИИВ ДАН Бош бошқармасида фаолият кўрсатиб келмоқда.



СУЯРОВ ҚОЗОҚ ТОШПЎЛАТОВИЧ

1942 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, Москва Давлат университети аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ёқлаган ва доцент илмий унвонига сазовор бўлган. Криминалистика фанидан дарслик ҳаммуаллифликда, шунингдек 5 та ўқув ва ўқув-услубий қўллан-

малар, 35дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

КРИМИНАЛИСТИКА

II - жилд

Мухаррир: Л.Қўчқорова.
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.
Компьютерда саҳифаловчи: Б.Юлдашев.

Босишга рухсат этилди: 22.08.2003 Қоғоз бичими:
60x84¹/₁₆ Офсет босма усули. Босма табоғи 16,75.
Адади: 1000 нусха. Буюртма: №451. Баҳоси
келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
«Адолат» нашриёти, 700170, Тошкент,
А.Муҳитдинов 26.

Тошкент тезкор босмахонаси. 700200, Тошкент,
Радиальный 10. тел: 148-00-55.

ӘСЛІТМА

